

Тоҳир
МАЛИК



кишанлари

Қайта нашр

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2013

УЎК: 821

1(575.1)

КБК: 84(5Ўзб)7

М-22

Малик, Тоҳир.

Нафс кишанлари. Фалсафий ўйлар. / Тоҳир Малик. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013 – 340 б.

ISBN 978-9943-08-976-1

Бу китобга жамланган фалсафий фикрларнинг айримлари билан азиз мухлисларимиз аввалроқ нашр этилган “Меҳмон туйғулар”, “Иймонлашиб умиди”, “Тош қалбларга зинҳор назар солинмас” тўпламлари орқали танишган бўлишлари мумкин. Муҳтарам мухлисларимиз диққатига ҳавола этилаётган бу китоб олдингиларининг қайта нашри эмас. Ёзувчи ҳаёт фалсафасига доир кузатишлари, фикрларини тўлдирган бу тўплам ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деб умид қиласиз.

УЎК: 821

1(575.1)

КБК: 84(5Ўзб)7

М-22

ISBN 978-9943-08-976-1

© Тоҳир Малик. Нафс кишанлари. “Янги аср авлоди”, 2013 йил

МУАЛЛИФ ЭҲТИРОМИ

Ассалому алайкум, ардоқли китобхон!

“Меҳмон туйғулар”нинг дастлабки нашрида сиз – азизмонларга мурожаат қилиб эдим. Аллоҳга шукурларким, китоб сиз азизларнинг қўлларингизга етиб боргач, ниятга етишгандек бўлдим. Ўқиган биродарларимиздан таҳсин ҳам эшитдим, баъзан танқиддан ҳам баҳраманд бўлдимким, оқибатда рисолани тўлдириш ишини давом эттиришга уриндим. Янги нашрда бу эътиrozларни инобатга олишга, камчиликларга барҳам беришга интилдим. «Иймонлашиш умиди» деб номланган китоб нашрдан чиққанидан кейин ҳам мазкур йўналишдаги ижодий ишларни давом эттирудим. “Тош қалбларга назар солинмас” деб номлаган китобни янги эшитган ҳикматлар ва хаёлимни ёритган айрим фикрлар билан бойитишга уриндимким, берган баҳоларингиздан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Шу ўринда айтиб ўтишим жоизки, мазкур ҳикматларни бирон китобда ўқиган ёинки кимданdir эшитган бўлишм мумкин. Аммо манбани ёзиб қўймаганлигим боис китобдаги ҳикматлар ким томонидан айтилгани кўрсатилмади. Нашриёт ходимлари китобни қайта нашр этиш хоҳишлиари борлигини айтишгач, рисолани яна тўлдириш ҳаракатини бошлаб, охирига етказгандай бўлдим. Мазкур тўпламдаги фикрлар маълум мавзулар атрофида жамланмаган. Бир мавзуда сўз юритилгач, кейинроқ шу мавзуга яна қайтилади. Аммо фикр айнан такрорланмай, масалага бошқа томондан ёндашилади. Азиз мухлислиримизнинг бу хусусдаги фикрларини инобатга олиб, аниқ бир йўналишлар асосида тартиб бермоқни ҳам ўйлаган эдик. Лекин “Кундалик дафтар”даги баёнлар турли вақт-

да ёзилгани инобатга олиниб, жойни ўзгартирмадик. Китоб ўқиётганимизда, нимадандир чалғибми ё чарчаш оқибатидами, айрим сатрларга эътибор бермай ўтамиз. Бир неча саҳифадан кейин ўша мавзу тақрорланса, дик-қатимизни жамлаймиз. Китобхонликдаги бу ҳолат ҳам инобатга олинди.

Аввалги китобларга кирмаган “учлик”ларни ҳам дик-қатингизга ҳавола этмоққа журъат қилдим. Изоҳ жоизки, бу “учлик”лар шеър эмас. Япон адабиётида мавжуд услугуга бўлган ҳаваснинг натижаси. Мен фикрларни қисқа тарзда баён этишнинг шу услугини маъқул кўриб, уларни “Шудринг томчилари” деб атадим. “Шудринг томчилари” шунчаки фикрлар баёни эмас, таъбир жоиз бўлса, сизларни ҳаётда учраб турувчи муаммолар ҳақида фикрлашга даъват этишдир. Нуктадон назм билимдонлари талабларига жавоб бермаса, айбситмайсиз, деган умиддаман.

Азизлар, қўлингиздаги бу китобни сизларни севувчи, сизлар билан ғойибона бўлса-да, суҳбатлашишга инти-лувчи адибнинг эҳтироми сифатида қабул қилгайсиз.

Яратган барчаларимизнинг ишларимизни хайрли айласин. Сиз – талабчан китобхонларнинг хонадонларига қут-баракотлар бериб, кулли бало ва офатлардан Ўзи асрасин.

Муалиф

ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

1

Менга бир милтиқ беринг – тафаккурдан,
Йимондан бўлсин ўқлари
ва нафсимни нишонга олайн.

2

Киприклар – қорачиқнинг соқчилари,
Ҳақиқат нурларин тўссангиз агар,
Юлиб ташлагумдир битта қолдирмай.

3

Сенга бир гап айтайми ёмғир?
Кибр-ла осмонда сувганингда сен
тупроққа қоришмоғинг ўйлаб қўй бир оз...

4

Мен соқовман, сен эса гунг
Дардимни айтаман сенга.
Сен эса... тинглайсан мириқиб.

5

Тун кечди
Мангулик уйқусин эшигин очиб...
Саодат қопқаси балки шу эрур.

6

Сулув келинчак каби тотли эди
нафс кўрсатган наҳс.
Бағрига чорлар энди тотсиз аланга.

7

Ширин дунёнинг ширин тиллари
ақлсиз ақлимнинг ақлинни олди.
Ва... кула-кула лаҳадга кузатиб қолди.

8

Дўзах ўтларига ташланди нечун?
Борми эди ёнмоқлик бу ёзуғида
Кимнинг қўлида эди нафснинг жилови?

9

“Шайтон йўлдан оздирди”,
дейишдилар
шайтонни эгарсиз миниб олганлар.

10

Севасанми сен УНИ,
У-чи, сева олармикин
нафсга ошиқ қулларин.

11

Оппоқ дастурхон эрур Каъба –
кимдир кирадир кирланган кирларин тўқмоқлик учун
сўнг... яна бемалол кирланиш учун.

12

Ёлғон сўзламоққа яралмиш суюксиз тили
кўчади ростига тугагач ёлғон
унга ҳам қийин...

13

Мушукни боқяпман,
мамнун мўралайди сичқон тирқишдан –
буғун унинг байрами – тириклик куни.

14

Мушкул топишмоқ: ейди, ичади ухлайди...
Фунажин кўз сузмаса ҳам узади арқон –
наҳот бу ҳўқиз?

15

Ақлга жон керак яшамоқ учун,
Жон эса ақлга эмасдир муштоқ.
Ақлдан айрилган жон тутгайми мотам?

16

Карвон ўтиб бўлди –
акиллашни бошлиди кўпрак.
Кимларнидир эслатади у.

17

Қор ёғиб бўлди, ёғиб бўлди аёвсиз дўл ҳам,
Ёғиб адо бўлди эринчоқ ёмғир –
Бўшаб қолди кўнгил бўш осмон каби.

18

“На ҳожат бордир менга?” – демиш
дунёдан зериккан
лаънати шайтон.

19

“Халқим” дейди бирор,
яна бири деярмиш “халқум”,
тили чучуклар озми дунёда?

20

Мартабангни айтмай қўя қол,
мен ҳам айтмагайман кимлигинг
...иблис.

21

Арралайди арра арраланмиш ўтинни,
тил эса арралар
умрни...умрни...

22

Ватан надир?
Бир боғки, ҳаётин олмишdir
ўғлонларнинг юрак қонидан.

23

“Қазисан, қартасан,
ўз аслингга тортасан”,
Аслинг ўзи ким?

24

Күнгил истаб эди тонгги насимни,
Шамол ҳадя этилди –
түзөнли хуржуни билан.

25

Бошпана сўрадинг – сарой берилди,
Дунё мулки, моли берилди.
Жаҳаннам қулбасига розимисан сен?

26

Ҳалолликдан сўзлар маъруза
бургаларни
тақалаган зот.

27

Кўзгудан ўпкалайвер, гарчи
башаранг тўғри бўлса ҳам –
барибир алдаб қўяди кўзгу.

28

Ҳидоятга бошлайди оёқ,
оёқлар бошлайдир зулму қулфатга.
Ақли бўлса экан бу оёқларнинг.

29

Ўлик чиройли бўлса,
хунук бўлса ҳам –
борар жойи тайин.

30

Одамни шаётин етаклаб юрмас,
ўз ихтиёри ила бораверади
“сақар” деб аталмиш манзили томон.

31

Маишатда юра-юра толдинг сен,
еб-ичиб тўя қолмадинг –
гуноҳлар базмида сира толмадинг...

32

Тушимда тишлиарим тушибди, таъбири надир?
Қариндошлардан узоқ яшамоқ
жазосига лойикманми мен?

33

Булбул сайради-ю,
ҳаловати бузилди
эшакнинг.

34

Тулпор минганни дерлар чавандоз.
Не деб аталур
шайтонни миниб юрганлар.

35

Отани хорлади, онани солди қайғуга,
юз ўғирди қариндошдан ҳам.
Тамумга сафари муборак бўлсин.

36

Заҳарли тил билан чақдинг сен мени,
сени у чақажак албат.
Чақар экан уни ким энди?

37

Савлат тўкиб турибди бир дараҳт мағрур,
минг йил яшармиш
нимани кутиб яшаркин, мевасиз оғоч?

38

Мармартош юzlари бунчалар силлиқ,
Жонсиз бу тош чиройли бунча?
Фамли гулларини нечун битмишдир.

39

Ҳайдаб келаётир беозор шамол,
Кузакнинг пинҳона совуқ нафасин –
чумоли билади буни.

40

Туш кўрибман, даҳшатли бир туш.
Иблис ёлворармиш Яратганига:
“Инсоннинг макридан асрагин мени!”

41

Мучалинг ит экан,
мушук эмасдир меники –
нечун ёвмиз бир-биrimizga?

42

Заъфарон куз –
шохларни тарқ этар барглар,
ўлим даракчиси кабидир гўё.

43

Бирор сўкди уни “ит эмган!” деб
адашди сўкгувчи нодон –
вафодор эмас-ку, у ахир?

44

“Чарчадим”, дейди юрак,
чарчаганмиш ақл ҳам –
сафардан дарак йўқ ҳануз.

45

Думни ликиллатиб олға кетмоқлик
фалсафаси эмиш балиқнинг,
Инсон фалсафаси не ўлур алҳол?

46

Чироққа урилиб
ўлди парвона
синдирдилар уриб чироқни.

47

Лаънати шайтоннинг шарридан
сўради паноҳ шайтонни
тақалаб минволган кимса.

48

“Маза”дан “м” олиб ташласак –
бүләди – “аза”.
Азада кимга маза?

49

Үглиниң йўлига кўз тика-тика
интизор она ҳам ўтди зорланиб,
сўнг ўғил шеър ёзди: “Улуг зот!” дей.

50

Руҳ ўла бошлар
гар узоқлашсанг
Раббинг илмидан.

51

Занглаган мияни кўрганмисан ҳеч?
Кўрмоқ истасанг –
илмсиз одамларга боқ.

52

“Хотин жафо, ит вафо” эмиш,
Ҳатто Ойда ҳам йўқ эмиш вафо.
Шундай деб ёзибди... бевафо шоир.

53

Ҳарфлар жамланса, бир сўз бўлади,
сўзлар бирлашганда англатар маъно –
қачон жумла бўлажакмиз биз?

54

Пул тўла чўнтак,
бўйм-бўйш юрак...
қизиқ масала.

55

Инглизча номани ўқитмоқ учун
изладинг тилмоч.
Аллоҳ мактубларин ўқийсан қачон?

56

Отдан тушса ҳам
тушмаганмиш эгардан.
Барибир эгарсиз кирап лаҳадга.

57

Демишки: “Дуо олма, доллар ол –
доллар олтин эмасму?”
Қиёматда асқотарми бу кейингиси.

58

“Айтган сўзим – хожам,
айтмаганим – қулим”.
Қулдор бўлмоқ афзалдир, афзал.

59

Аждаҳога айланиб қолар бўлсанг сен
қувона кўрма...
эрта-индин бошинг янчарлар.

60

Абри найсон тупроққа берди ҳаётни,
кузнинг совуқ ёмғири бермишдир мамот.
Бундай бўлмоқликдан асрасин Худо!

61

Қирқ туяга юк бўлар эмиш
хотиннинг макри
Эрда юз туяниг кучи-сабри бор.

62

Чок-чокидан сўкилди булут,
қудратидан қолмади асар.
Аҳилсизлик жабрин чеккан халқ каби.

63

Чап қўшнингда мол кўп, дунё кўп,
ўнг қўшнингда илм зиёда.
Ким бўладир Қиёматда сенга ҳамсоя.

64

Бугун уни енгмакчисан,
эртага буни.
Ўзингни енгсанг-чи аввал!

65

Ҳаққа бўлган ишончни дилга нақшлаб,
хизматини қиласавер холис равища.
Мукофот бўлур сенга ужмоҳларнинг кавсари.

66

Аёзда қақшаган гуноҳкор банда
озгина чидаса бас, сўнг...
исиниб олажак дўзах ўтида.

67

Эриб битди сариқ сумалак,
Қашшоқ бўлиб қолди қорли булутлар.
Қайларда изғийдир тартибсиз баҳор.

68

Виждонсиз юракни юлиб олгин-да,
Рентген нурларига сол ва ажабланма –
иблис кўзларини кўрганингда сен.

69

Ой ёритди туннинг бағрини
сўнг... булутга ем бўлди-ку у.
Вафосизга ишониб, алданиб қолди.

70

Қилич нола тортар,
қон тўкишни истамас зинҳор.
Уни эса чархларлар тинмай.

71

Бўрига айланиб қолар бўлсанг сен
сира ғам чекма.
Демак... чин мард экансан.

72

Үлимдан нега қўрқасан, тентак?
Үлим йўқлик эмасдир асло.
Дебочаси эрур боқий ҳаётнинг.

73

Иймон бўлмаса юракда,
юракда бўлмаса инсофу виждон...
Юрак демагил, бир парча гўшт у.

74

Мансаб талашди, талашди обрў,
талаша-талаша топди буларни:
икки қулоч сурп, лаҳаддаги битта гувала.

75

Иймонсиз юракни
итга ташласанг,
ермикин ит бечора?

76

Чиройдан қисмади Худо, бойлик ҳам берди.
Унда ҳамма нарса бор...
ақлдан бошқа.

77

Ҳақ жамолин кўрмоқлик Қиёматдадир.
Шундай бўлгани нақадар яхши!
Бузуқ назарлар тушмас пок узорига.

78

Эй кўзойнакли илон!
Заҳрингга ишониб кериласанми, лунжинг шишириб?
Сеникидан кучлироқдир дўстимнинг заҳри.

79

Отлар топганини
ер эмиш эшшак.
Заҳмат ила топган маъқулроқ.

80

Күнгилсиз хаста күнгилга не бўлар малҳам?
Озгина инсоф-у, озгина виждон,
қисқаси – иймон!

81

Жигар нола чекар эмиш...
Ажаб, нимадан?
Ҳаром луқмадан.

82

“Яшасин!!!” – дедик,
яшаса яшайверсин, майлига. Лекин...
адолатни юрмасин янчиб.

83

Севгини унутди аввал,
сўнг Тангрини унутди.
Оқибат унутди ўзин.

84

Сурати – шамсу қамар,
тил эса заҳар.
Не ажабдур ундан қочса баҳт.

85

“Бозор”га “М” қўйсак, бўлади “Мозор”,
биттагина ҳарфдадир икки сўз фарқи.
Масофаси ундан-да яқин.

86

Кеча кечди майшат билан.
Дўзахда тиклади бу кеч ўзига
оловли бир кўшк.

87

Афсусланма, ялангоёқ кўмилдим, дея.
Пойабзалларингни Қиёматда кўрарсан яна:
босган ҳаром йўлларингга гувоҳдир улар.

88

Ҳаммаси ортда қолди:
мансаб, мулк ва санам.
Энди умид нимадан?

89

Сен ўлдинг.
Нафсинг йиглар зору зор:
“Вафоли қулимдан айрилдим”, дея.

90

Нур берса ҳамки Аллоҳ кўзингга
кўрмадинг ҳидоят қайдо-ю, разолат қайдо.
Оловларда қамашарми кўзларинг энди?

91

Аввал “Улуғ” дедилар,
сўнг эса:
“Супраси қуруқ”.

92

Озга чидамадинг, қилмадинг сабр,
Кўпга қилмадинг шукур, совуравердинг
Оқибатни тамумдан изларсан энди.

93

Оғзин очганда сиғди бир олам
Юлдузларга етди, узатганда қўл
фақат... жаннатга ета олмади...

94

Тасаввур эт:
Осмонда булут йўқ, қуёш ҳам йўқдур.
Иймонсиз қалбингга ўхшаб қолди у.

95

Ўлим фожиами? Йўқ.
Фожиадир
иймон тарқ этса сени.

96

Масjidга бошлайди бу қадам,
фаҳш саройига бошлар бошқаси.
Танлаш ҳукми сенга берилган.

97

Ука масжидда-ю, фисқ ғоткөфида эмиш акаси.
Жаннат боғига сифмайди, от,
бир қоринчга сиққанлар.

98

Сиғиң қетажақдир баҳайбат тоғ ҳам
миттигин: бу қорачиққа.
Аъмол номасига сиғармикин гуноҳлар?

99

Ҳаққа сажда қилмоқликтан
уялмагин сен.
Дўзах қопқасидан ўтишдан уял.

100

Тун файзи – чириллайди чигиртка
Зикр этиб Тангри номини ва...
ҳимоя этмоқдадир биз – мардумларни.

101

Бузуқликдан баҳра олдинг,
яйраб кулдинг-у...
шайтонга ибодат қилиб қўйдинг сен.

102

Тонг отарда уфқ титрайди,
Кун ботишида титрайди уфқ
Икки титроқ орасидамиз.

103

Арслон ўтирди ўрмон тахтига
ва саройга тўплади...
илон, тулки ва ҳангтилағый

104

Ёруғлик күрганда қувон бинафша,
сүңг чекмагил дарду аламлар –
мол туёқлари янчиб ўтганда.

105

“Ватанни севмоқ – иймондандир”.
У ҳолда нима деб аталар
иймонсиз севги?

106

Машина сотиб олди,
сотиб олди ҳатто самолёт.
Сотиб ооломади муҳаббатни.

107

Бахт надир – бойлиқмикин, айт,
Бойлик надир – вафоли баҳтми,
синов жарлигидан ўта оларми?

108

Пул надир –
құлми ё хожа?
ози – қул, кўпи хожадир.

109

Чақармикин илон илонни?
Буниси мавҳумдир бизга. Аммо...
Дўстни дўст чақмоғи аниқ.

110

Тўла бошлагач чўнтағинг пулга
Иблис эга чиқа бошлар
юраккинангга.

111

Замин уйқуда.
Тўфонлар босилди, тинди бўронлар.
ВАҚТ зийрак фақат.

112

Ечмоқ мушкул учта жумбоқни:
Бири – ўлим, яна бири само сирлари.
Аёл муҳаббати энг оғир жумбоқ.

113

Ақл билан юрак
дўст бўлган ондан
шайтон азобланиб, дод сола бошлар.

114

Тўсди булат осмон юзини,
эритиб юборди қорларни
қуёш, кўринмаса ҳам.

115

Даво йўқдур сира ҳам унга:
тупуриб қониқмай кичик ҳовузга,
сўнг бориб тупурди Оби замзамга.

116

Ойда доғ бор, юракларда кир.
Ой доғини мумкиндир ювмоқ.
Юракни покламоқ осон эмасдир.

117

Ҳаққа бўлган муҳаббат ўлар қай замон?
Ўлади...
ўлгач, қалбдаги иймон.

118

Бир олим қаравмиш энди тарихга
бошқача кўзлари билан.
Нечта кўзи бор экан унинг?

119

Ибодат қилгани борар масжидга.
чойхона гийбатидан олади лаззат.
Тарози палласининг қай бири оғир?

120

Ақлга сиғар ишми –
ит ила одамнинг дўст бўлмоқлиги?
Йўқ, вафосиздир уларнинг бири.

121

“Деҳқон бўлсанг – шудгор қил”,
Одам бўлсанг – бўлгин иймонли
ва охират уруғин эккин қалбингга.

122

У одамми ўзи,
билмайсан.
Ҳайвоний ҳисларга йўғрилган.

123

Фалончи қаср қурса, ёнма ҳасаддан,
Сен охират қасрин қуравер
ва сенга қилсинглар ҳавас.

124

Давр ўзгарганин ҳисобга олиб,
кенгроқ фикрлашга аҳд қилган эмиш.
Тор ўзанга сиғарми уммоннинг суви?

125

Жаннатга кирилмас тахтиравонда
“Лимузин” ҳам асқотмас сира.
Амаллар қанотида кирилар унга.

126

Бугун кимга тўй, кимгадир аза?
Қиёматда ҳам бўлажак шундай:
кимга аза, кимга эса тўй!

127

Нималари ила фарқ этар Одам
Эшак деб аталмиш анов маҳлуқдан?
Ҳанграб юборар бири ўйлаб ўтиrmай.

128

Улуғламоқ жоиз бу аёлингни.
Сен елкангда күтариб юргин
Бошингга чиқиб олади ўзи.

129

Аста-секин ўлмоқликни
бу дунёда дейдилар –
ҳаёт!

130

У асли ёмон эмас,
чин эрур бу гап.
Ухлаганда бирорга ёмонлик қилмас.

131

Хотира бир тўловдир,
Инсондан тортиб олинган
қимматбаҳо нарсалар учун.

132

Сониянинг мингдан бир улусида
онг хиралашганда
қўрқоқлик туғилар бешак.

133

Аблаҳлик қилувчи кимдир?
У кар эрур,
қалб хитобин эшиitmайдиган.

134

Қулликда сақламоқ қийинми уни?
Осондир жуда... чунки
эрк қадрига етолмайди у.

135

Бош кўтарди тўлқин ҳайқириб,
ямлаб-ютмоқ қасди бор эди.
Кирғоққача етди унинг кучи-қудрати.

136

Қуёш ботди...
Бойўғли қувонди, туним туғди, деб.
Фалак айланажагин билмас у нодон.

137

Ёқсанг – ёқиб бўлмас,
чопсанг – чопиб бўлмас,
тилдан учган сўзларни.

138

Аршга кўтаражак
сени бу фикринг.
Ҳам қаро тупроққа қорибла ташяар.

139

Қуш учиб кетди.
ўтирибди, мушук бечора
тақдирига лаънатлар айтиб.

140

Емоқ-ичмоқ, ётмоқ ва турмоқ –
яшамоқ эмасдир бемақсад яшаш –
ўлмоқликдир асли асталик ила.

141

Ғазаб оти элтажак қайга? Гўрга...
Топиларми унинг давоси? Ҳа –
сукут эрур ягона шифо.

142

Ватанинни севмоқнинг шартлари бордир:
Аввали – севмоқ керак Парвардигорни,
сўнг ота-она, дўйсту ёронни.

143

Киши онасини сотарми ҳеч вақт?
Сотади...
уялмаса Ҳақдан.

144

Ханжарнинг заҳми ҳам битиб кетажак.
Ҳаргиз битмагайдир
тирналган виждан яраси.

145

Олим – ҳаёт демак.
Мамот эса
золимга хосдир.

146

“Виждонлиман”, дейди у.
Ажаб, қандай бўлар экан
иймонсизнинг виждони?

147

Ҳақни севмаган,
Халқни севмаганнинг маҳбуби –
самумдир, самум!

148

Тулпор эрур нафосат рамзи,
қассобнинг қонли назари
кўрар унда тотли бир қази.

149

Олий мартабага кўнгил қўйди-ю,
фаввора томчиси отилди кўкка. Сўнг...
йифлай-йифлай қайтди аслига.

150

“Ҳайвон!” деб лаънат айтдилар.
Янглишдилар...
бilmадилар ҳайвоннинг ранжиб қолишин.

151

Мушукни эркалаяпман...
Ерга қўнолмаётган кабутар
ҳайрон қарайди менга.

152

Жон ва ақл
Әгизакми бу?
Кошки эди...

153

Зорланиб маъраган қўйнинг кўзлари
қассоб пичоfiga қадалди, сўнди.
Қўйнинг қўйруғида қассоб кўзлари.

154

Пастга ошиқади булоқнинг суви
пастда кутаётир интиқ ва интиқ
лойқа дарё тўлғониб, тошиб.

155

Қовоқ ва калла: муштараклик бор гўё бунда,
Аммо бир мазза бордир қовоқда
Қовоқ каллада-чи?

156

Бир дарёдан сув ичар, бир ҳаводан нафас олади
мол ҳам, инсон ҳам.
Қай тоифадансан сен?

157

Назарга илмаймиз юракни,
ҳолбуки унда
куч тўплар қудратли вулқон.

158

Сариқ кўз, кўк кўз, ғар кўз
ҳаммаси ўз ҳолича кўрар
ранго-ранг ажиб дунёни.

159

На учун қувилди жаннатдан шайтон,
Биласанми сен? Фақат демагилки:
“Инсондан малака ўрганмоқ учун”.

160

“Баҳорнинг баҳорий чироий қани?”
деб сўрадим ёздан ва куздан.
Менга жавоб берди ҚИШ.

161

Юрагига қулоқ солдим: дук-дук...
қулоқ солдим эшигига:
дўқ-дўқ...

162

Ақл кўзи юмуқлар
адашарлар
иимон йўлидан.

163

Сенга бўла олармикин
дўст
иблисга қўл берган инсон?

164

Бўлмаса ихтиёринг
ибрат олмоққа,
ўқимай қўя қол китобни.

165

Оч одам тўйгунича
еиди таомни,
Очкўз эса... ўлгунича.

166

Зўрларнинг зўрини билурмисан сен:
филдан балки арслон зўрроқ?
Энг зўри – одамдаги олтинчи бармоқ!

167

Орзу қанотида учмоқ истасанг
қанотларни ясамоқ керак –
ақлдан.

Беданани эркдан этдилар маҳрум,
Айби бор-да, бечоранинг – қафасда ҳам
хуш қиласкерар инсон кўнглини.

Иштаҳаси бирам яхши бу хўра қўйнинг,
хожасидан мамнун бўлиб семираверади.
Кавшана боради қассоб қўлига.

Ақл ҳолсизланар
сўна бошлагандা
илемга рағбат.

Қалб занглай бошлайди
кетса қувват
ақлдан.

Қаерда ўлмоқликнинг фарқи йўқ сира,
Тошу тупроқ бирдир ҳар ерда. Бироқ...
аъло эрур Ватанда ётмоқ.

Лаҳза.
Туғилади кимдир, кимдир берар жон.
Демак, ҳаёт шу лаҳзада этади давом.

Тонг надир?
Эрларнинг
палов илинжида ўрмалашлари.

Дерларким, қўрқун яраланган йўлбарсдан,
яна илон думини босиб олмоқдан.
Асли қўрқмоқ лозим ҳасадгўй дўстдан.

176

Қойил қолмоқ керак юракка,
муштдеккина бўлса-да ўзи,
кўтаради қоядек дардни.

177

Тантана бошланар
ғаним уйида.
Дўстим хиёнат қилган бу онда.

178

Жаннат боғларига элтажак намоз.
Бепул йўлланмадир дўзахга
ғийбатлар битилмиш қофоз.

179

Гўзалнинг ишвасими
зинога чорлаган.
Ё шайтоннинг макри?

180

Қизитилган ҳолда турар қўшногораси,
Тешилиб қолса гар қўшни тоғораси –
Қувонч ила чала бошлар қилиб овоза.

181

Яхши эшитаман
нафс шивирини. Аммо...
эшитилмас азобдаги руҳнинг фарёди.

182

Фийбат қила-қила
чиқдик хумордан. Ва...
дўзах эшигини ўзимиз очдик.

183

Нафаси келмай туриб
Қиёматнинг.
Ўлимтик қалбингни уйфота қол тез.

184

Қишиш. Далалар ҳансирар қорсиз
илмга ташна
онг каби.

185

Тақдирланған чиройли түти
олтин қафас билан –
түти бұлғани учун.

186

Тун қирови билан сийлар заминни
Тонг –
қуёши билан.

187

Ёмғир ювиб ташлади замин чангини,
қандай ювилар экан
қалбдаги ғубор?

188

Анхор суви оқаётір лойқаларни чўқтириб тубга,
аъмол номасига тўкилаётган
гуноҳлар каби.

189

Үйларни безаймиз
сунъий гуллар билан –
тош қалбдаги мәҳр ҳам шундай.

190

Жонимиз фидо эрур
ота-онага, ўғилу қизга.
Ҳаққа-чи?

191

Соатга ўхшайди у жуда –
буралса чиқиллайди.
Буралмаса –жим.

192

Осмонга ҳукмронман, деб ўйлар булат.
Унинг эгалиги –
шамол тургунча.

193

Тутиб, боғлаб бўлмас қуёш нурини
Тутиб, боғлаш мумкин қалбга
иймон нурини.

194

Бу дунёга
келгандирмиз биз –
охиратни изламоқ учун.

195

Сартарош баҳтли экан ҳар қалай:
охири топибди-ку, қудуқни –
“Искандарнинг шохи бор”, дегали.

196

Эй кўнглим, дўст бўлсанг менга,
хушламайсан иймонни, нега
нафс ила қуарсан базм?

197

Битта-битта томчилар ёмғир
иймонга қувват бергувчи
солиҳ амаллар каби.

198

Пулни фарқлай олувчи бу кўз басир эмасдир.
Сўқир деб саналур
Ҳақ сўзни ўқимоққа ярамаган кўз.

199

Фисқу фасодлардан яйраган қулоқ
оят ўқилганда келса қоматга
билик у кардир...

200

Иғволарга сұяксız бу тил
калимани айта олмаса –
демак, у соқовдир...

201

Зулмларга чаққон бу оёқ
бошлаб боролмагач Тангри уйига –
шол эканин англамоқ даркор.

202

Шом кирди. Булутли осмондан ёғиб тун
борлық ботди зулматга –
худди иймонсиз тош юрак каби.

203

Мисли қорачиқдир бу покиза қалб,
қорачиққа киприкдир посбон –
қалб посбони – иймондир, иймон!

204

Денгиз – мүъжиза, дала-тош ҳам мүъжиза,
мүъжизани англамас
ақл – фожиа.

205

Кетаверасан, кетаверасан, гүё йўл узоқ.
Аслида манзилга қолган бир қадам.
Буни фаҳмловчи – баҳтиёр одам!

206

Мўъминнинг қалбини нишонга олиб,
фосиқ отмиш фийбатдан ўқлар. Ва...
дўзахга олмиш “йўлланма”.

207

Бировлар мурдадан қўрқарлар, ажаб!
Қўрқмоқ керак,
ўлик қалблардан.

208

Ишонмайды Қиёматда тирилишига.
Аммо чин қўнгилдан инонади
вайсақи хотиннинг миш-мишларига.

209

Агар сен бўлсанг қўғирчоқ,
шуҳратинг боғлиқдир
қўғирчоқбоз акаларинг маҳоратига.

210

Бунчалар ширин бу шуҳрат!
Бунчалар маккордир бу шуҳрат –
дўзах эшигига етаклаб борган.

211

Тангрига хос бўлган кибрни
Иблис инъом этар ғофил бандага –
Кавсар сувлари эвазига.

212

Тонг... Чумчуқлар чириллар шодланиб,
Қўёшни кутар-у, кузата олмас,
мушукка ем бўлар, пешин чоғида. -

213

Чанг кўтарилди-ю,
босилди.
Худди инсон умрига ўхшаб.

214

Тошқалъада яшайсанми.
ёки чайлада –
Азроилга фарқи йўқ м'тлақ.

215

Тилла-заринг йўқми, ачинма сира.
Лаҳадда қўйилажак ўша гувала
бойга ҳам, сенга ҳам етиб ортади.

216

Истаганча бақир, истаганча сўк,
Зулм қилавергин хоҳлаганингча –
агар ҳайвонларга ўхшагинг келса.

217

Азон товушидан безган юраклар
виждон хусусида
битик битарлар.

218

Нафси бузуқ ўлар эмиш ҳайитда.
Яхши ҳамки, ийд-байрам
йилда фақат икки марта.

219

Осмон эрур тўтига маскан,
йиллар ўтаётир патидай тўзиб,
Илмсиз ўтаётган умрлар каби.

220

Инсонни ўлдирмоқ гуноҳдир, бешак.
Маҳлуқни ҳавасга ўлдирмоқлик ҳам,
ўз вақтини ўлдирғаннинг йўқми жазоси?

221

Зорланиш аравасини ёқтирибсан-а,
нечун қўрмай қолдинг
шукроналик тахтиравонин.

222

Юз йил яшагин, дўстим,
менга тўқсон тўққизи ҳам кифоя.
Мени ўзинг кузатиб қўйсанг бас.

223

Ҳожилардан кулиб Каъбада
шоир ҳажв тигига илди уларни.
Ундан охиратда ким кулар экан?

224

Симёгочни ея олармикин у?
Ер эди, агар
ҳазм қила олса.

225

Биродарининг уйи ёнганда
йўқламади, сўрамади ҳол.
Иймонига ўзи ўт қўйди.

226

Тупроқ ташналиги лол қолдирап ақлни,
Хуш ёқиб қолганмикин Ҳобилнинг қони?
Ичаверар ўшандан бери, тўймас ҳеч қонга...

227

Ҳеч нима ўғирламади тулки бозорда.
Одамларни қилиб томоша –
уялиб кетди тулкилигидан.

228

Ярим тунда отар эмиш тонг,
ялдо туни гуллар шафтоли.
Хуш кўрамиз эртакни жуда.

229

Издиҳомда
эллик йиллик фоҳиша
сўзлар достон ҳаё ҳақида.

230

Ўзини осибди илон
дўстини чаққан “дўст”дан
андиша қилиб.

231

“Мозористонда ким ҳам эшитар,
“Ҳайя алал фалаҳни” деган
Отабекнинг армони ўтмишми энди?

232

Ўзбек ойим киярмиди эгнига қора
фарзандлар бир-бирларин
заҳарламасалар.

233

Иймон қайифида турар бир оёқ
бири тортар куфрга томон –
ҳалок бўлмоғингни билмайсанми сен?

234

“Заҳар солмоқ эмиш қасби илоннинг”.
Гар чақса ранжима ундан,
ўз анқовлигингга ёғдир лаънатни.

235

Даюс бўлса айғир,
уюрнинг куни
қолар экан ханги эшакка.

236

Иймон йўли бошқа, ўзгадир куфр йўли ҳам,
иккови учрашмагай ҳеч бир нуқтада,
кеча ва кундуз қоришмагандай.

237

Мушук даъво қилар
валиаҳд тахтига,
арслон каби бормиш мўйлови.

238

Маккага борди шоир
қўлда қалам ва...
пуч юрак билан.

239

Ҳайвонот боғига пул тўлаб кириб,
Томоша қиласиз маҳлуқларни биз.
Бизларни текинга томоша қилишар улар.

240

Булутни қўзғатар шамол,
пул – кибр тўфонини
ва ёғдирап гуноҳдан жала.

241

Чўкаётган одам тирмашаркан ожиз бир ҳасга,
Кўнгил, чўкар бўлсанг нафс гирдобига,
Тангридан сўра-ю мадад, тирмашмагил куфр чўпига.

242

Ҳар йили Ҳажга боради у,
тўкиб келар эмиш гуноҳларини.
Ҳаммом деб ўйларми Маккатиллони.

243

Муз тоғлари совуқ уфуриб,
муз уммонида турибди мағрур –
бемеҳр одамнинг юраги каби.

244

Фийбатларни ёқтирувчи бу қулоқларни
шарт кесгин-у, ташла оч итга.
Ит ҳам ҳазар қилиб емайди уни.

245

“Пул бўлса – чангалда шўрва”.
Ҳақдан уялмас бўлсанг –
шўрвангни ичавергин ҳовучлаб.

246

Ё зарники бу фоний дунё
ёки зўрники, дединг.
Ҳидоятни кўрмадингми сен?

247

Умр бўйи иғволардан бўшамаган тил
жон чиқарди қолди толиқиб –
иймон калимасин айта олмади.

248

Агар кирсаки сут билан иймон
унга бас кела олмас
ҳеч қандай шайтон.

249

Кесакдан олов чиқса
ишонинг
қурбақадан булбул чиққан онларда.

250

Ер бир сесканиб олармиш,
бағрига олганида
мунофиқни.

251

Фосиқлик уммонин сипқориб обдон
Кавсар сувларига
қолдирмадик жой.

252

Тахт тикланяпти баҳтдан
кимгадир.
Бичилмоқда кимгадир каған.

253

Ақлинг дейди: “дуо ол!”
Нафсинг эса буюрап:
“пулни ол фақат!”

254

Үлмоғи аниқдир қутурған итнинг
Чораси не бўлар-ки,
одамни пул қутуртиrsa.

255

Ўлим – айрилиқ эмас.
Айрилиқдир оға-инини ажратгувчи
қалбдаги девор.

256

Дўлона топа олмади тоққа чиқмасдан
тополмади ҳидоят –
уза олмай нафсин кишанларини.

257

Тандир тўла зофора, том бошида тешик тофора.
Фосиқни иймонга чорлай-чорлай
бутун олам овора.

258

Ёлғон дунё рақсга тушар
нафс оҳангларига.
Дўзах саҳнасида чарх урган каби.

259

Осмон элаётир покиза қорни.
Биродари Ернинг
гуноҳларин яширмоқ учун.

260

Узатилмас бўлса
адолатга қўлларинг
аросатга бошлар оёғинг.

261

Бўлмаса устингда тақводан либос,
жаннат дарвозаси очилармикин
очиқ авратларингта.

262

Ўн саккиз минг олам
айтганда тасбеҳ
нечун қотиб қолди сенинг тилларинг?

263

Тиллардан учаётган бу ғийбат сўзлар
Қиёматда айланиб олов тошларга
ёғилар ақлсиз бошларга.

Куфр чанғисида нафс қорлари узра
учавергин мазза қилиб,
олов узра ялангоёқ юрмоққа чидасанг агар.

Күнгил, юз йил умр күрганингда сен,
юз кунгина излаганингда
топар эдинг ҳидоят йўлин.

Дунёни англамоққа етмади умр.
Кифоя қилди биргина нафас
ташлаб кетмоққа фоний дунёни.

Қутулдингми кўнгил ҳукмидан –
эришибсан
Тангрининг муҳаббатига.

Қанотим бўлсайди, учардим узоқларга...
Қанотим бор, учолмасман мен,
қочолмасман ўзимдан-ўзим.

Бекинмачоқ ўйнаймиз биз
ўзимиз билан ўзимиз –
ҳақиқатни яширмоқ учун.

Қўшнинг ити қўриқлади қўшнингни
аллакимлардан.
Сени ким қўриқлар қўшни ёмонлигидан.

Бунчалар бегуноҳ бу...
бунчалар маъсума –
ҳали туғилмаган гўдак.

272

Құлнимизни иситмоқ учун
аввал ўлдирамиз, сүнг...
ёқамиз ожиз дарахтни.

273

Дедиким: “Тұғмасайди онагинам
күрмас эдим бунчалар хорлик”,
Хүрликларга онами сабаб?

274

Қувончлар чексиздир, чексиз!
Шодмиз... чунки
чўқаяпмиз шўх қўшиқ айтиб.

275

Ҳар қуни йифлайсан
ёлғондан, кўзларда ёш йўқ.
Олажак ажринг ҳам шунга яраша.

276

Баҳордан сўнг
ёз келар ким учундир.
Ким учундир – куз.

277

“Дунё, дунё!” деб сиғиниб
дунёга
охири ташлаб кетди дунёни.

278

Тенгсиз нимадир борми
фанода?
Бор – ишқи илоҳий!

279

Ким шоҳ эруп
ўз умрига –
иймонли одам.

280

Дерларким, заҳар ют,
азиз дўстинг учун.
Яратган Тангри учун-чи?

281

“Пешонам шўр” дея нолима зинҳор.
Мўъмин бўлиб туғилмоқликнинг ўзи
улуф бир саодат эрур.

282

Қиёматни кутиб бўлмагин сарсон.
Дилингда ишқ ўти сўнгудай бўлса –
сен учун бошланмиш зўр бир қиёмат.

283

Тангрини танимай ўтажак бўлсам,
дунёни босажак
кўзимдан оқфувчи қонли ёшларим.

284

Ўлик барглар эмасдир тўкилаётганлар.
Даракчилари эрур қаттол ўлимнинг –
кимларнинг қопқасин қоқар хазонлар.

285

Ажаб тоифадандир у –
“хўп” дейди дили, тили эса – “йўқ!”
Дардингиз айтасиз кимга?

286

Курсини эгалламиш
қўрқофу хоин.
Унут бўлмиш мардлар, ботирлар.

287

Ўлди-ю, кетди аblaҳ.
Аммо сен қувонаверма,
аблаҳ бўлур аblaҳнинг арвоҳи ҳам.

288

Қүёш ботяпти,
кечган кунни
дағын этмоқ учун.

289

Кутяпти интиқ,
кимнидир
жаҳаннамнинг олов гуллари.

290

Хотира – ўлимнинг қилмиши учун
тирикларга берилган
аянчли инъом.

291

Аблаҳлик қилмас сира
юрагин хитобин
тинглаган инсон.

292

Гўзал қизлар бунчалар кўп.
Аммо... қайдан бўлади пайдо –
вайсақи хотинлар?

293

Қалб яраланса
даво бўлолмас
донолик ҳам.

294

Яшамоқ мумкинми
агар сени
яхши кўрмаса ҳеч ким?

295

Фарёд чекар шоирнинг руҳи
зада бўлиб
дардин англамаган ҳиссиз қалблардан.

296

Дардли кунни
ямлади
азобли тун.

297

Хорлик тўзонига бурканар,
гуноҳ шамолларин
чақирган кимса.

298

Вақтнинг қўлида шамшир,
Башарни шоширади у.
Бақо гулшани томон.

299

Баҳорга ишонгин, аммо...
унутмагин
аямажузни.

300

Дошқозондан ошқозонга
йўлни кенг очармиз –
ҳалолу ҳаромнинг фарқига бормай.

301

“Виждонсиз!” деб ранжиймиз ундан.
Қизиқ,
ўзимизда бормикин виждон?

302

Эплолсанг, ўлдиригин ҲАСАДни
гўдаклик чогида.
Йўқса, сени ўлдиради у.

303

Тилда суяк бўлсами эди,
тийилардик
ғийбат гаплардан.

Яхши от чопармиш кейинроқ.
 Ёмон от етиб олар маррага
 ундан олдинроқ.

Самони забт этган момогулдирак,
 бермоқда дарап –
 умр баҳорининг ўтажагидан.

Тонг отди,
 гарчи
 хўroz қичиқирмаса ҳам.

Ҳалолликдан
 достон тўқийди
 ҳаромнинг маҳбуби.

“Ҳақиқат!” деб қичқирди у
 ҳақиқатни
 бўғизлаб бўлгач.

Меҳр билан ясади ханжар,
 Дастасига тақди инжулар
 меҳрли бир жонга қасд қилмоқ учун.

Лахтак булут аро эркка интилиб,
 Шамолга бўй бермай шох ташлар варрак.
 Ипининг бир учи бола қўлида.

Чақирилмаган меҳмон – қор
 қўнди-ю қийғос гуллар лабига
 ва қуритди бир ўпич билан.

312

Ёмғир эмиш осмоннинг хасрати.
Ер бечора
хасратини қаерга тўксин?

313

Ўлдирган эмиш у душманим дўстини,
Менга садоқатин кўрсатмоқ учун.
Душманим эса тирик...

314

Чархларлар,
фарёд уради қилич:
“Бошни кессам менми айбдор?”

315

Эмишки, дунё бевафо.
Садоқатда событмиз биз
дунё бойликларига.

316

Сукут – олтин.
Сабр халтасида
тўпланди қанча?

317

Ўлим – фақат жон чиқиши эмас,
Энг аввало тарқ этар бизни
вазифасин адo этган нафс.

318

Золимдан истаяпман адолат,
ёз чилласида қор кутган
бир нодон каби.

319

Фикрлашдан тўхтар экан,
ўқишдан тўхтаб,
жаҳолатга қул бўлган инсон.

320

Бойлик севгисига жой берса юрак
чүкиб кетажакмиз дунёга
ва... қалбларни босар пўпанак.

321

Ўлим манзили сари учиб борамиз,
Туғилганимиздан бери.
Тўппончадан отилган ўқдек.

322

Фитна надир?
Ўзимиз учун топганимиз –
дунё моллари.

323

Бир кун кўп яшаганидан кўра
бир кун кам яшагани маъқул
зулмкорнинг.

324

Ҳеч нарсадан ажабланма сен
аравалар
отлар олдида юрган замонда.

325

Йўлбарс – йўлбарсдир,
бўлмас қўзичоқ.
Қўй терисига ўраб қўйсанг ҳам.

326

Нима кутмоқ мумкин бу одамдан?
Томирида оқар бўлса
иблиснинг қони.

327

Овораю сарсон бечора.
Сув ичмоқчи бўлган булоги...
қуриб кеттандир.

328

Күлмак юзига урилиб,
нофора чалади томчилар:
“Ҳокимдирман мен бунга!” – дея.

329

“Ерда не гап, қарайин-чи”, деб
Заминга боқмиш бу Қуёш, ва...
исноддан юзлари кетмиш ловуллаб.

330

Тонг нафаси уйғотажак
уйқудаги күзларни.
Уйқудаги қалбни-чи?

331

“Бегона” деб юламиз алафни.
Аслида...
шу ернинг эгасидир у.

332

Нодон барг –
узилди-ю, ёмғирда лойга қорилди.
Қачон узилмакни билмак ҳам керак.

333

Фалсафа китобидир табиат.
Қарай-қарай
туғилар фикр.

334

У ортиқча одам эмиш,
бу дунёда.
Ўзинг-чи?

335

Ари чақади, чақади чивин,
чақади чақимчи ҳам
чаёндан ёмон.

336

Фам ила бошланиб дунё, тугар эмиш яна фам билан.
Фалат гапдир бу!
Бошлангандир ва тугайди мўъжиза билан.

337

Ҳақиқат йўлида кўп бўлар хато.
Нодонликдир ҳақиқат истаб
тўсмоқ ҳақиқат йўлин.

338

Нусха кўчирмоқ эмас,
фарз эрур ўрганмоқлик
донолардан.

339

Икки аҳил дарвеш
аълороқ экан,
икки урушқоқ шоҳдан.

340

Ватан учун хизматда
билинади
инсоннинг тириклиги.

341

Алҳол нонга эмас,
ҳидоят бергувчи Тангри
севгисига муҳтождирмиз биз.

342

Вужуд садаф эрур,
Виждан эса монанддир
садаф ичидаги дурга.

343

Бир тарзда айланмас осмон.
Гоҳ ранжитади,
бағишлар баъзан шодлик.

344

Ёнармиш ҳўлу қуруқ ўрмонга кетганида ўт.
Фақат ёнмас иймон эгаси,
Иброҳим алайҳиссалом сингари.

345

Фалакнинг айланмоғи
бўлғай эмиш
туз ҳақин адo этган фарзанд истагича.

346

Кеча қоронғиси беркитар айбни,
одамлар кўзидан фақат.
Аллоҳ назаридан яшириб бўлмас.

347

Ҳожатмандлар учун лозимдир
очиб қўймоқлик
инсоф ва адолат эшикларини.

348

Илм сенга ҳеч нима бермас
багишлай олмасанг
илмга ўзни.

349

Муҳтождирман
дили субҳи содиқдек пок
бир дўстга.

350

Қўрқяпсанми
бахтиёрлик ичра сен
бахтсизликка учраб қолишдан.

351

Оlamни ўзингдан
паст билурмисан
сен – пасткаш.

352

Тун.
Умр парвонасининг
шами эрий бошлади.

353

Бир мартагина саждага
қўйса эди бош,
ажал шабадаси эсгунга қадар.

354

Тошларни юмалатган сел
тўхтаб қолди
денгизга етгач.

355

Ҳукмрондир
Ой осмонга
Қуёш бўлмаган чоғда.

356

Инсон фарқ қилас
махлуқдан,
илмга чанқоқлиги билан.

357

Сўз – ўлик сояси эмиш буюмларнинг
шу ўлик соя билан ўлдирамиз биз
дўстларимизни.

358

Она изларини ўпамиз
кўз ёшларимиз билан.
Охират саройига кузатиб қўйгач.

359

Қўрқув ва соғинч ила
бошланар муҳаббат
ва у билан ўтади бирга.

360

Бахтни ўйламас
инсон,
бахтга чўмган онида.

361

Жонлантириди умид ҳаётни.
Тирик мурда кабидир
умидсиз инсон.

362

Йифларсан фанодан зорланиб.
Бақо умидида тўксанг эдинг ёш,
очар эдинг саодат эшикларини.

363

Иймон қалқонини
қўлдан қўйма ҳеч.
Фам ҳужум қилганда сенга.

364

Ҳар ким ҳам ўлавермас,
ажал тифи қўзғолса.
Ўлади ажали етган.

365

Тунда дам олади мириқиб,
кундузи мириқиб
давом эттиromoқ учун фосиқликларни.

366

Кофири – нафсадир.
Бунча қийин экан,
мусулмон бўлмоғи.

367

Одам ўлдирган қотил
ўлдиролса эди
ўзининг нафсин.

368

Аллоҳдандир юзнинг чиройи
Қалбинг чиройи –
ўзингдан фақат.

369

Фийбат ботқоғига бота-бота
чиқажакмиз
дўзахнинг нақ ўтхонасидан.

370

Жиринглаб уйғотди соат
барчани. Сўнг...
ўзи тўхтаб қолди.

371

Гавҳар бозорида мунчоқнинг йўқтур қиймати
Қуёш ҳузурида қийматсиз эруп
чироқнинг нури.

372

Шиддат-ла жанг қилса-да хўроз
тенг кела олмас
бургутга зинҳор.

373

Ўзни шер фаҳмлади
мушук
сичқон тутган онда.

374

Кимсасиз эмасдир бу ўрмон,
бута ортида
оч қоплон ётар.

376

Ўтни ўчириб,
чўғни қолдирди.
Аланга олди дунёни.

377

Нияти намозга кирмоқ әртага.
Бугун
лаб урди ўлимнинг муздек лабига.

378

Бу одам ўзгармас сира.
Фақат уринаверар
тақдирдан қочиб қолишга.

379

Сиз мендан кулманг азизим,
мен ҳам сиздан кулмасман зинҳор.
Қиёматда кулмаслар аҳволимиздан.

380

Турли қараашлардан иборат дунё,
фалсафа, динлар ҳам ҳар хил.
Ҳақиқат битта!

381

Бу одамдан қўрқасанми сен?
Демак, қўрқмас экансан,
раббинг Аллоҳдан!

382

Каъбатуллоҳ –
дунёнинг бедор юраги.
Тинмай уриб турар Қиёматгача.

383

“Оналарни шарафланг!”
деб хитоб қилди у.
“Қариялар уйи”дан қайтгач.

384

Қўлда оғир юк билан
қайтар ҳожилар.
Қалбда-чи?

385

“Фасадул олими –
фасадул олами”.
Оlamни бузуб қўймадикми биз?

386

Ёмон сўзларни сочдинг-у,
оғзинг айланиб қолди
дўзах оғзига.

387

Жонсиз тана экан
тавбасиз одам.
Танага жон киради қачон?

388

Биздан ҳам олдин бор эди дунё,
биздан кейин ҳам шундай қолажак.
Нимани талашяпмиз биз?

389

Талаб қилиб олинмайди
ҳурмат –
эришилар унга зўр заҳмат ила.

390

Вужудларни эскитди,
кўзларни қамаштириб алдади
дунё.

392

Инсон ҳисларининг гўзали эмиш
ширин муҳаббат. Аммо...
аёвсиз нафратга ҳамсоядир у.

393

Тонг...
Шарқ осмонининг нақ тепасида
тиғ урар Қуёш.

394

Қалб исёни ҳайқириғи билан
ҳайдар шайтонни
иймонли одам.

395

Балиқчи эмасдир у одам. Лекин...
балиқчига дарс берар ұназ.
Балиқ эса илинмас түрга.

396

Номуссиз яшамақдан
афзалроқдир
номус ила ўлмак.

397

Ахлоқсизлик
қувват олади
аждодларни менсимаслиқдан.

398

Иғво калити билан
очилди
душманлық эшиклари.

399

Дуо қилдилар:
“Бошинг тошдан бўлсин”.
Қалбинг тош бўлмаса бас.

400

Шундай яшамоқ жоизки,
сўнг айтмасинлар:
ўлди-ю, кетди изсиз.

СИЗ – АЗИЗ ДҮСТИМ, БИРОДАРИМСИЗ

“Дүстлар дүстлар вафосин асрагайлар”.

Алишер Навоий,

“Насойимул-муҳаббат”дан.

Қалб – Аллоҳнинг омонати. Уни Эгасига қай ҳолда қайтарамиз? Қўшнидан омонатга бир коса олсак, ишлатиб бўлгач, ювиб, покиза ҳолда қайтарамиз. Қалб вазифасини ўтаб бўлгач, уни покизалашга имконимиз бўлмайди. Ортимизда қолаётган яқинларимиз ҳам тозалаб бера олишмайди. Уни поклашни олдинроқ ўйлашимиз керак. Уни турли иллатлар билан булғамаслик чорасини кўрсак, янада афзалроқ. Эски бир жомга тўпланган ахлатни бирор бошқа бирорвга ҳадя этмайди. Агар қалбни фазаб, риё, ҳирс, очкўзлик, ҳасад, гийбат... каби иллатлардан муҳофаза қилмасак, у ўша ахлат тўла жомга ўхшаб қолади. Одамнинг жисмоний ўлимига турли хасталиклар ёки фалокатлар сабаб бўлади. Одамлар орасида тиригида ўлик кимсалар ҳам мавжудким, улар жисмонан бақувват бўлсалар-да, руҳан мурдадирлар. Қалбнинг ўлими ҳам икки кўринишда: бири – жисмоний ўлим. Иккинчиси – руҳан ҳалок бўлиш. Иймонга зид барча иллатлар қалбни ўлдиради. Фазаб жиловини бўш қўйган кимса, ҳилмга хиёнат қилиб, биродарини ҳақорат қилаётганида қалби фарёд чека-чека ўлади. Бироннинг ҳақига хиёнат қилаётганида қалби нолаю афғонлар билан жон таслим этади. Мунофиқлик қилаётганида қалби тилка-тилка бўлади... У эса ўлик қалбни кўтариб юраверади. Оқибат – кимса неча-неча марта азоблар билан ўзи ўлдирган ўз қалбини, омонатни Эгасига қайтармоқликдан уялмайдими? Фоний дунёда одам қотилининг жазоси бор. Боқий дунёда ўз қалби қотилини қандай жазо кутмоқда экан?

Юрак зарбаларини соатнинг чиқиллашига ҳам ўхшатадилар. Инсон қалб соатини Ҳақ учун созласа, унинг зарбалари ҳар сонияда “Ҳақ!” деб турса, инсон Ҳақ йўли-

да умр кечирган бўлади. Агар одам кўнглини азон товушига боғласа, субҳи содикда қалби билан бирга уйғонади. Агар азон чақириғи уни чорламаса, қалб уйғонмайди. У умрини фафлат босган қалб билан ўтказади. Қалб ўлик бўлса, қулоқлар кар, кўзлар кўр бўлади. Ҳақиқатни кўра олмайди ва эшита олмайди.

Шаҳар сайрига чиққан подшоҳ рўбарўсида гадо пайдо бўлиб тиланди. Подшоҳ унга битта олтин танга бериб, ўзининг сахийлигидан ўзи мамнун ҳолда жилмайди. Гадо эса, норози оҳангда:

– Эй подшоҳим, ҳисобсиз хазинанг бўлгани ҳолда ўз укангга биттагина танга беришдан уялмадингми? – деди.

Бу гапдан подшоҳ ажабланди:

– Ие, қачондан бери сен менинг укам бўлиб қолдинг?

– Нечун ҳайрону лолсан подшоҳим, ахир сенинг нарабинг Одам Ато билан Момо Ҳавводан бошланмайдими? – деди гадо.

– Ори-ори, сўзларинг рост, – деди подшоҳ.

– Менинг насабим ҳам шундай: икковимизнинг отонамиз Одам Ато билан Момо Ҳавво бўлгач, оға-ини ҳисобланмаймизми?

Баён қилганим тиланчининг гапи латифанамо ривоятга ўхшагани билан исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Буни илм тилида «аксиома» дейдилар.

Ҳазрат Билол розиёллоҳу анҳудан «Сенинг отанг ким?» деб сўрашганида у зот «Менинг отамга малоикалар сажда қилишган», деб жавоб қайтарган эканлар.

Алқисса, дунёда яшаб турган одам болалари ватанлари, миллатлари, ирқларидан қатъи назар, оға-инидурлар. Бу ҳақиқатни барча идрок қилас, деб ўйлайман. Мени ажаблантирган нарса: асли насаблари бир эканини билганлари ҳолда одамлар ўзаро ёвлашадилар. Катта-кичик урушларни бошлашдан чарчамайдилар. Ажабланарлиси шуки, жанг майдонининг у томонида-

гиси ҳам, бу томонидагиси ҳам Ҳудога бир хилда муноҗот этади: ўзига омонлик, рўпарасидагиларга эса ўлим тилаётган одамининг ким эканлигини билмайди. Унинг ҳам оиласи, фарзанди тақдирини ўйлаб, руҳан азоб чекаётгани ҳам номаълум. Уруш қайси бир томон учун ғалаба билан якун топади, аммо жонини гаровга тиккан, муҳораба азобларини тотган жангчи учун ҳеч қандай манфаат йўқ. У қиёмат жанглардан омон чиққанига шукур қиласи, холос.

Аллоҳ «урушманглар, бир-бирларингга зулм қилманглар», деб буюргани билан урушаверадилар, уруша туриб Яратгандан паноҳ сўрайдилар, қирадилар, қириладилар.

Маккай мұкараммада, Байтуллоҳда, ҳажарул-асвад қаршисида икки ҳожи ёнма-ён ибодат қилишарди. Уларнинг бирлари эронлик, иккинчиси Ироқдан эди. Бир дин, ҳатто бир мазҳабдаги бу икки одам неча йил аввал ўз мамлакатлари манфаатлари учун қўлга қурол олган эдилар. Жанг майдонининг икки томонидан туриб олиб бир-бирларини ўлдирмоқ қасдида ўқ узган эдилар. Улуғ марҳаматли Аллоҳ уларнинг жонини сақлаб қолиб, бу муқаддас уйда уларни учраштирди. Ибодатдан сўнг улар бир-бирларига салом бериб, туғишган биродарлар каби қучоқлашиб кўришдилар.

Одам болалари ҳамиша шундай яшасалар бўлмасми экан?

Донишмандлардан бири «биз бу дунёга бир парча кафандик ишлаб топиш учун келганмиз», деган экан. Топганимиз, оқибат бизга насиб этувчи шу нарса экан, талашмоқдан, зулм қилмоқдан, зулм кўрмоқдан қандай нафбор?

Демоқчиманки, тарихга ёки қиёмат кунидаги вақт ўлчовига нисбат қилиб олганда бир неча сонияга тенг келадиган умримизда меҳр-муҳаббат билан яшамоқлик саодатига етишмоқлик барчамизга насиб этсин. Қиёмат-

да, ҳисоб-китоб кунида бир-бири мизга кўрсатган шу меҳр-оқибат ўзимизга шафоат бўлар!

Дўст меҳрининг ўликни тирилтириши, дўст хиёнатининг эса тирик қалбни вайрон этиши ҳақидаги ўнлаб, ҳатто юзлаб ҳикоялар боболардан бизларга мерос бўлиб қолган.

Бир ажиг қушни кўз олдингизга келтирингким, унинг қалби Аллоҳга ишқ бўлса, қанотларидан бири ота-онага, иккинчиси дўстга муҳаббат ва вафодир. Дўстлик ҳақида, дўстликдаги вафо ва хиёнатлар ҳақида шу қадар кўп ривоятлар тўқилган, ҳикматлар битилгандик, барчасини тўплаб, нашр этилса, дунёнинг қофозлари етмас эҳтимол. Кишининг ҳаётида тиш ўтмас муаммолар кўп. Шулардан бири айнан дўст топиш, дўст танлаш муаммосидир. Киши умри давомида адаш йўлларда кўп қоқилади. Энг кўп қоқилиш дўст кўчасида бўлади. Киши ўлгунига қадар кўп дўст топмайди, аммо кўп дўст йўқотади. Нега шундай? Бунга ким айбдор? Кишининг ўзими ё дўстми?

Кўнглимиз ҳамиша вафоли дўст тилайди. Айни дамда кимдир бизнинг дўстлигимизга, садоқатли дўстлигимизга муҳтож. Бирорта дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади. Биз дўст деб юрганимиз душманлик чопонига буркануб олса, азиятлар чекамиз, аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганимизни англаймизми? «У ёмон одам, шунинг учун менга душман», деймиз. Эҳтимол ўзимиз ёмондирмиз, эҳтимол дўстлик бурчи нима эканини яхши англамагандирмиз, эҳтимол яхши дўст тарбиясини четлаб улгайгандирмиз?

Шу ёшимизга етгунча топган ва йўқотган дўстларимизни бу онда бир-бир кўз олдимизга келтирайлик. Уларнинг фазилат ва иллатларини эслайлик-да, сўнг ўзимизга савол берайлик: «шу фазилат менда борми?» ёки “бу иллатдан қутула олганманми?» Дўстларнинг яхшироғи ҳамдамларини ўз шафқати соясида тутади ва карам эши-

гини улар юзига очиб қўяди, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқаради. Биз шундаймизми? Ёки чойхонадаги ошхўрлик билан чекланамизми?

Саволлар кўп... Жавоб ўйлаш баробаринда ҳикматлардан қувват олайлик-чи...

Дўстликнинг аввали – танишмоқлиқдир. Таъбир жоиз бўлса, танишиш – дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормай, пойинтар-сойинтар, эгри-буғри қадам ташланса, фийбат, ифво, ҳасад ариқларидан сув ичиб турилса, ўргада душманлик пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда ғоят эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Дўст йўлидаги боғлардан бири – яхшиликни эътироф этишdir. Яъни дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишdir. Агар бу йўлда миннат дарахти соясида роҳат қилинса, дўст манзилидаги кўшкка умид қилмай ортга қайтаверган маъқул.

Йўл бериш – табиийки, ҳар қандай аҳил дўст орасида тортишув бўлади. Шундай ҳолларда майдагачуда нарсаларга ўралашиб, киши дўстдан ажраб қолиши ҳеч гапмас. Демак, икковдан бири йўл бериши шарт. Дўстлик оламида кибр қуёшидан баҳра олиш мукофоти – юлдузиз тундир.

Хушмуомала – дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашмадир. Ширинсўзлик, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозе, мулойимлик, тилни маъносиз беҳуда сўзлардан тийишлик каби гўзал хулқлардан хушмуомала ҳосил бўладиким, бу душманлик саҳросидан ёпирилажак оғатлар йўлини тўсмоқликка қодир бўлади.

Дўстга муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони ихлос саналади. Дўстга хайриҳоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш буни исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча, уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад – бир-бирларига манфаат етказиб, ёрдамлашишдир. Агар

икки дўстдан бирисининг кўнглидан бу чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

Бир одамнинг қадрдан уч дўсти тақдир тақозоси билан уч шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик миқдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу қарамидан қувониб, хизматкорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшишиб ғоят қайфурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қопладиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқотадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстларни берганига Аллоҳга шукурлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорига қаттиқ тайинлади:

– Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли «хўжайнимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган», деб ваҳима қилма. «Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, Худо хоҳласа яқин кунларда қарздан қутилиб, ишлари авж олиб кетади», – дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб хожасининг буюрганини билдириди. Олим дўст бу хабарни эшишиб, бoshини эгди. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ палосу эски кўрпачадан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. «Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир», деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да:

– Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. Ү қул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди, ҳам даҳшатга тушди. Қулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қаршисида тиз чўкиб:

– Ундай қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

– Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдамга хилоф қила олмайман. Дўстимни муҳтоҷлиқдан қутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун ҳеч гап эмас, – деган экан олим дўст.

Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига маҳрам бўлишни истасалар, дўстлик йўлида ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар садоқатли асл дўстлардилар. Лекин бу дунёда шундай тоифа одамлар ҳам борки, улар ёлғиз ўз вазифаларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлат дўстларидир. Улар қушларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамларнинг қадр-қиммати молини фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир. Ривоятдаги олим дўстни ана шу юксак мартабада кўрамиз.

Дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва заардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик

эса ундей бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ қуриб, суви озайиб қолади. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониш дуруст эмас. Зарурият ўртадан кўтарилиши замон дўстлик адоватга айланниши эҳтимол. Демоқчимизким, олим агар зарурият туфайли дўст бўлганида ўзини беш тангага сотмас эди.

Қарға, оҳу, сичқон ва тошбақа дўст эдилар. Иттифоқо оҳу йўқолиб қолди. Қарға осмонга учиб, уни қидирди. Қарасаки, оҳу овчининг тўрига ўралиб, азоб чекиб ноалалар қиласпти. Қарға сичқонни фожиа ерига бошлади. Сичқон тўр арқонларини қирқди, оҳу озод бўлди. Шунда оҳу дўсти тошбақага қараб, ажабланиб сўради:

– Сен нега келдинг? Овчи бу ерга қайтса, сичқон, тешикка кириб беркинади, қарға осмонга кўтарилади. Тўрдан қутулдим, энди мен ҳам қочиб қутула оламан. Сен-чи?

Тошбақа бу гапни эшитиб бошини чайқаганича дебди-ки:

– Биродар, қандай қилиб келмайин? Дўстлардан узоқда, фироқ ва ҳижронда кечган ҳаётнинг нима лаззати бор? Қандай ақлли одам айрилмоқни афзал кўради? Бахтсизлик юз берганида одамга тасалли берадиган, оғир кунларингда дардингни енгил қиласдиган дўстлар билан бирга бўлиш лозим. Ҳижрон ўтида ёнган, дўстлардан узоқча тушган одамнинг дили ҳамиша ғам ва алам билан тўла, сиҳатлик унинг вужудидан йироқ бўлади. Сабр ва қаноат уни тарк этади. Ақл ва камолот ўз кучини йўқотиб, фойдасиз бўлиб қолади... Дўстдан ажралишдан ҳам оғирроқ мусибат борми дунёда? Фироқ алангаси етти дарёни қуригади...

Ривоятдан олинажак фикр шуки, шижаатли ва кучли ботирлар урушда, хотин ва фарзандлар камбафалликда, дўстлар бошга кулфат тушганда билинади. |

Ҳайвонлар дунёсини тарк этиб, ўзимизнинг ҳаётга назар ташлайлик-чи, нималарни кўрар эканмиз:

Бир йигитнинг бошига иш тушиб, бойлигидан ажралди, ўзи эса қамалди. Шунда унинг хотини ҳар ҳафтада ошхўрлик қилувчи улфат-дўстлардан ёрдам кутди. Дўст қамоқда, ошхўрлик ўша-ўша давом этарди. Ошхўр улфатлар болаликдан бирга катта бўлган ўртоқларини эслаб қўйиш билан дўстлик бурчларини адо этардилар гўё. Тўғри, улар сичқон каби тўр арқонларини қирқиб, дўстларини тутқунликдан қутқара олмайдилар. Аммо фақат одам боласига хос фазилат – тутқунликдаги дўстнинг ота-онаси, оиласидан хабар олиб туриш-чи? Қамоқдаги дўстнинг хотини эрини қутқариб олиш умидида елиб-югуради. Иттифоқо автомашинаси бузилиб қолиб, эрининг энг яқин дўсти ҳисобланган одамникига бориб илтимос қилди:

– Кунда беш-ўн идорага учрашишга тўғри келяпти, машинасиз улгура олмайдиганга ўхшайман. Темирни қизифида босмаса, армонда қоламиз шекилли. Машинангизни икки-уч кунга бериб турсангиз.

Дўст хотиннинг илтижосига жавобан шундай деди:

– Бирор менинг хотинимни сўраса бериб туришим мумкин, аммо машинани бериб тура олмайман.

Тўғри, машинани бирорга бериш қонунга зид, дерсиз. Лекин кўнгил тоза бўлса, шу машинани «ишонч қофози» билан ҳам бериб туриш мумкин-ку? Ёки агар у чин дўст бўлса «бир-икки кун эмас, қанча лозим бўлса ўзим машинам билан хизматингизда бўламан», демасмиди? «Улфат», «кошна» деган тушунчалар бор. Чойхонадаги ошга ёки уйдаги «гап»га келмаганлардан гина қиламиш, бундай улфатга қўшилмаганла ҳдан ҳатто нафратлансиз. Аммо қўйолпроқ бўлса ҳам бир ҳақиқат бор: от ва эшак бир оҳурда хашак есалар ҳам дўст бўлмайдилар.

Қадим замонда Хоразмга сафар қилган тужжорга бир киши йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрди. У эса тужжорга нисбатан бўлган муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Йўлда уларга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Овқат қолдиқларини итга бериб турарди.

Йўлда икки ўғри уларга ҳужум қилди. Самимий дўстлигини изҳор қилиб келаётган йўлдош ўғриларни кўрибоқ, тужжорни ёлғиз ташлаб қочиб кетди. Ит эса уни ҳимоя қилди. Бир ўғрининг оёғидан тишлаб йиқитди, талади, оқибатда ўғри аранг қочиб қолди. Иккинчи ўғрини тужжорнинг ўзи мағлуб этди. Йўлдош ўғриларнинг қочганини кўриб, тужжорнинг ёнига қайтди, риёкорлик қилиб, ҳолини сўради. Тужжор «Сен каби дўстдан шу вафоли ит яхшироқ», деб уни ёнидан нари қувиб тўғри қилди. Чунки иймонга суюнмаган биродарликда яхшилик йўқдир.

Одамнинг ҳаётда дўстлари кўпдай туюлади. Аммо ўзини дўст деб юрганларнинг юздан саксони манфаат дўстлари, десак фикримизга қўшиласизми? Биласиз, қоғоз пулларнинг, ҳатто дуру жавҳарларнинг сунъийлари, қалбакилари учраб туради. Уларни маҳсус мосламаларда саралаб беришади. Ҳаётда сохта дўстларни саралайдиган мослама йўқ, ҳар ким ўз зеҳни, ҳаётий тажрибасига қараб ажратиб олади, аммо ажратиб олгунича кўп азиятлар чекиши ҳам мумкин. Ҳаётда учраб турадиган таҳликали ва мусибатли кунларнинг фойдали томони шундаки, бир-бирларини танимаган одамларнинг танишиб, дўст бўлишларига йўл очиб беради. Айни чоқда дўстнинг садоқатини синайди. Дўстларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тана қилиш каби маъносиздир. Машойихлар «Киши ёндиримайин суҳбатда шамни, ёруғликнинг нишонин кўролмас», деб бежиз айтмаганлар. Саъдий Шеронин

зийдан бир ҳикмат бор: «Бир азиздин ихвони сафо сийратидин сўрдим, яъни қариндош ва ақрабо ва ошнолар ҳақида на тариқа равиш ва на янглиф иш қилмоқ муносабидур?» Ул азиз деди: «Адноси улким, ёрларнинг хотири муродни ўз муродидан муқаддам тутғайларким, ҳакимлар ва донишмандлар дебдурлар: «Ҳар биродарким, ўз ишининг бандидадур, биродар эмастур». Дейилмоқчилик, дўстларнинг муроду манфаатларини ўз манфаатингдан устунроқ қўй, агар киши фақат ўз мақсадлари ва ишлари билан банд экан, ундан дўстлик кутма.

Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дейдиларким, дўстни фойда-зарар ичидагина тоғирилди. Яъни, сен дўстинг учун оёқ қўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстнинг ҳақиқий дилини билмоқчи бўлсанг, синаш учун унга тилингда ғазаб қилиб ёки қовоғингни солиб кўр. Дўстнинг сенга қанчалик муҳаббати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарсасини сўра. Шу иккаласидан сўнг ҳам у қовоғини солмаса, бундай дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак. Бир куни тасаввуф илмининг улуғларидан бўлмиш Шиблий ҳазратлари ҳузурларига бир жамоат келди. Сўрадиларким: «Сизлар кимсизлар?» Улар дедиларким: «Бизлар сизнинг дўстларингизмиз!» Бу жавобни эшитган Шиблий ҳазратлари ўтирилдилар ва уларга қаратиб тош отдилар. Улар қоча бошладилар. Шунда ҳазрат дедиларким: «Нега қочяпсизлар? Агар сизлар ҳақиқий дўстлар бўлсайдингизлар, мендан келган балодан қочмас эдингизлар!»

Бир донишманддан «Қанча дўстингиз бор?» деб сўрадилар. Жавобан дедики:

– Буни билмайман. Ҳозир туриш-турмушим яхши. Умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлимдан кетса, у чоқда қанча самимий дўстим борлигини биллиб оламан.

Ҳорун ар-Рашид Баҳлулдан «Энг яқин дўстинг ким?»
– деб сўрадилар.

– Қорнимни тўйдирган киши, – деб жавоб берди Баҳлул.

– Қорнингни тўйдирсан, мени ҳам дўст деб биласанми? – деб сўрадилар Ҳорун ар-Рашид.

– Дўстлик ҳам насия бўладими? – деди Баҳлул.

Ҳазрати Алишер Навоий ёзадиларким:

“Ҳар ким бирор билан дўст-ёр бўлса, дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак. Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади. Жисму жони бунга тоқат қиласди. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади.”

*Ёр улдурки, ҳар некум ўзига
Истамас, ёрига ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мундоқ шарик айламагай”.*

(Дейилмоқчиким: ўзи дўсти-ёри учун ўлмоққа тайёр, аммо бу ишга дўстини шерик қилмайди.)

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг таъбири билан айтилса, сен Аллоҳ таоло учун бирор билан дўст тутинсанг, уни сут устидаги қаймоқдек кўргин. Уни азиз жонингча, балки ундан ҳам ортиқроқ кўргин:

*Тут ул дўстингни сут устинда қаймоқ,
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.*

Ҳаётда энг қадрдон дўст орасида ҳам келишмовчилик, тушунмовчилик ва бунинг оқибати ўлароқ аразлаш ҳам учраб туради. Банда хато ва камчиликлардан холи эмас. Аммо йўл қўйилган хато Аллоҳ учун биродарлашган икки кишини бир-биридан ажратиб юбормаслиги керак. Ҳақиқий дўст биродарининг айбини дарров кечира олиши шарт. Бир оғиз хато гап учун ёки ноўрин ҳаракат учун ажралиб кетадиган дўстнинг дўстлиги ҳақиқий эмас экан. Аразлашиб юрган одамлар унутмасинларки, бир-бирлари билан оға-инидек бўлиш Аллоҳ томонидан фарз қилингити. Бир-бирларига тескари қарадиларми, бас, фарз тарк этилди. Абу Ансорийдан (р.а.) қилинган ривоятга кўра Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юрмоги ҳалол эмас. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгириб кетмасин. Уларнинг яхшироғи аввал салом берганидир».

Биродарларнинг уч кундан ошиқ аразлаб юришлари мумкин эмаслиги ҳақида яна бошқа ҳадисларда ҳам қайта-қайта таъкид этилади. Ҳатто Абу Харрош Суламийдан ривоят қилинган ҳадисда ўз биродари билан бир йилгача аразлашиб юрса, гўё унинг қонини тўккан бўлади.

Маҳаллада икки дўст яшардилар. Икковларининг ёшлари етмишдан ошган. Агар йигирма яшар дўстлар аразлашса, тушуниш мумкин: уларнинг ҳаёт тажрибалари кам, қизиқонлар. Бугун бир дўст йўқотсалар, эртасига бошқасини топишлари мумкин. Аммо етмиш ёшда дўстни йўқотиш?! Аразлаш учун биттагина ҳазил кифоя қилган. Атрофдагилар уларни ярашириш учун кўп ҳаракатлар қилишди. Сўфи Оллоҳёр ёзадиларким:

*Худонинг буйругидан тойса ногоҳ,
Биродарлик ўшалдир қилсанг огоҳ...*

Демоқчиларким, Аллоҳ таоло учун тутингган дўстинг беҳосдан Аллоҳнинг буюрганидан қайтиб, йўлдан чиқса, уни бу бузуқ ишдан огоҳлантириб, тўғри йўлга қайтаргин. Ҳақиқий биродарлик ана шундай бўлади, деган ҳикматга амал қилиб, улардан бири уйида маҳсус зиёфат уюштирди. Масжид имомини ҳам таклиф қилди. Имом бу икки аразчи қариянинг аҳволидан бехабар, қавмнинг илтимоси билан икки мусулмоннинг аразлашуви дуруст эмаслиги ҳақида маъруза қилди. Зиёфат якун топгач, аразчи қариялардан бири соҳиби эҳсонга «Сен менга ақл ўргатиш учун чақирдингми?» – деб дағдага қила кетди. Хуллас, улар ярашишмади. Кимки аччиқ бўлса ҳам ўз дўстлари насиҳатига қулоқ солмас экан, ишнинг оқибати пушаймонлик бўлади. Бу – табиб буюрган дориларни ишлатмай, парҳез қилмай, ўзининг кўнгли тилаган таомларни еган, истаган ичимликларини ичган bemornining ҳар дақиқа дарди оғирлашиб кетгани кабидир. Орадан шу зайлда икки-уч йил ўтиб, олдинма кейин вафот этишди. Биринчи дўст вафот этганида ярашишни хоҳламаган киши жанозага келди. Шунда биродарлар дедиларки: «Барибир келар экансиз, аввалроқ келиб рози-ризолик тилаб қолсангиз бўлмасмиди?» У киши эса шунда ҳам паст келмай: «У «менинг ўғлим сеникidan бойроқ» деб керилган, шунисини кечира олмадим», – деб изоҳ берди. Унинг бу изоҳи тўпланганларга шу даражада бемаъни туюлдики, айримлар ундан юзларини ўгирдилар ҳам. Аразлашишга сабаб бўлган баҳона биродарларига ҳам эриш туюлган бўлса, уларнинг қиёматдаги аҳволлари қандай бўларкин?

Мана шу каби воқеаларни эшитганимизда ёки... йўқотганимизда (астағфируллаҳ!) фикр қилайлик:

– Эй гоғил банди, Аллоҳнинг марҳамати билан топган дўстингни ўйқотиб қўйдинг-а! Энди уни қиёматда қайда ва қай ҳолда топгайсан? Дўстини ўйқотган ҳар бир одам кўпроқ айбни унга юклайди. Сен ундаи қилма,

күпроқ айбни ўзингдан қидир. Сўнгги нафасинг чиқунига қадар дўстлигингни қайта тирилитиришга улгуриб қол! Бир оғиз ноҳуи гап учун аразлаб юриши эвазига дўзах оташини сотиб олиш наҳот сен учун лаззатлироқ бўлса?! Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошиналигини бир лаҳзада барбод қиласди. Сен пасткашлардан бўлма. Фаровонликни истасанг, баҳтили онларингда ҳам дўст-ёр орттириб ол. Биласанки, денгиз тўлиб тошса ҳам дарё сувига муҳтојжидир. Дўстлар қанча кўп бўлса, кишига бало шунча кам ёпишади.

Донодан сўрабдилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан кўра сенга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чин биродарлик даражасига етган, деб ўйлайсан? Қайси бирига сенинг муҳаббатинг кучлироқ?» Донишманд жавоб бердиким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечиралини менга ёқиб тушади...»

Баён қилганимиз икки қария узоқ йиллар ўзларини бир-бирларига дўст деб билганлар, аммо қалбларида дўст меҳри йўқ эканидан бехабар яшаганлар. Ҳатто муборак ҳаж ибодатига борганларида ҳам Аллоҳ уларнинг қалбларига дўст муҳаббатини солмаган экан, на илож? Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради. Уларнинг кўзлари бу роҳатдан бенасиб экан. «Емайсан, аммо тўясан, бу дўст меҳридир». Улар дўст меҳрига оч яшадиларми? Ҳар ким айбсиз дўст қидираверса, дўсти камайиб бораверади, дўстларини ранжитаверса, душманлари кўпаяверади. Бу қариялар умрлари давомида қанча дўст йўқотиб, қанча топдилар экан? Ҳар бир гулнинг тикони бўлгани каби, ҳар бир дўстнинг ҳам нуқсони бўлиши табиий. Ўз дўстларининг хатоларини кечирмасликнинг, уларга етказган заарни унутмасликнинг одам учун нима фойдаси бор? У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин ва уни севинч билан қарши олмасин?! Олижаноб ва мард одам оғир қунларда ҳам ўз дўстини ташлаб кетмайди. Ҳар қандай шубҳа ва гумонга асос-

ланиб, ўртоқлик алоқаларини узмайды, бориш-келиш, салом-аликни канда қилмайды.

Араб фозилларидан Асмаий ёзадилар: «Бир кишини зиёрат қилиб кирдим. У зот кичик бўйра устида ўтирас эдилар. Сурилиб, ёнларидан жой кўрсатдилар. Мен бу илтифот учун раҳмат айтиб дедимки: «Бўйрангиз тор, мен ҳам ўтирсан сиз роҳатсизланасиз». У зот дедиларким: «Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қиласди. Аммо дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етади». Аразлаган ҳолларида бу дунёни тарк этган икки қарияга жаҳон торлик қилдимикан?..

Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Ўзаро муносабат пайдо қилмасалар, ишлари нотамом қолади. Одамларга аралашмасдан ёлғизликни севиш, жамиятдан қочиб юриш ақлга мувофиқ иш эмас. Шунинг учун ҳам янги бир одам билан дўст бўлган мусулмоннинг даражасини Аллоҳ жаннатда бир даража юқори кўтаражаги ҳадисларда таъкид этилган. Ёлғизликни севиш ножоиздир. Аммо ҳаётда яна бир ҳақиқат бор – нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхшироқ. Нодон одам дўст бўла туриб шундайин кунларни бошингга соладики, кейин душманларинг чангалидан мутлақо қутулиб чиқа олмайсан. Биз дўстни нодон деймиз, ҳолбуки, сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашиб унга кўнглидаги борини очиб ташлайдиган одамнинг ўзи нодон эмасми?

Тўғри ва соғ одамлар дарров дўст бўлиб оладилар ва бу дўстлик узоққа чўзилади. Фитначи одамлар дарров дўстлаша олмайдилар, муносабатлари тез ва осон бузилади. Яхши ва олижсаноб одамлар бир соатли кўришиши ва бир кутили танишиши муддатида одамнинг кўнглини овлайдилар. Аммо кўндан бери танишиши ва дўст бўлиши орзусида юрган ичи қора одамлардан марҳамат ва лутф кўзлаб бўлмайди. Улар қўрқув ва гараз туфайли дўст бўлишни истайдилар.

Албатта, бу ҳикматни рад этмаймиз. Аммо ҳаётда бунинг аксига кўпроқ дуч келамизким, бизнинг эътирозимиз ҳам айнан шунда. Тўғри ва соф одамлар, олимлар агар дўстлашсалар уларнинг биродарликлари арзимаган нарсага бузилмайди. Тўғри ва соф одамларни, олимларни биз «зукко, доно» каби сифатлар билан улуғлаймиз. Демак, улар яхшини ёмондан тез ажрата олиш қобилиятига эгалар. Бироқ, янги танишларини яхши одам эканини билиб турсалар ҳам у билан дўстлашишга шошилмайдилар. Нега? Эҳтиёткорликни бу қадар ошириб юборишлари ўринлими? Ёки атрофларидағи фитначиларнинг сўзларига қулоқ тутадиларми? Ахир фитначилар билан дўст бўлган кимса энг яхши одамлар ҳақида ҳам ёмон фикрда бўлади, вақт ўтганидан сўнг эса кўзлари мoshдай очилади-ю, аммо пушаймон ейишдан ўзга чораси қолмайди. Ариқ ва сой суви денгизга қуилгунга қадар ширин бўлади. Қардошлиқ ва дўстлик муҳаббати разил одамлар орага тушгунга қадар мустаҳкам бўлади. Ачинарли жиҳати шундаки, разиллар айнан яхшилар орасига тушади. Яхшилар бир-бирларини англаб етгунларича разиллар бирлашиб оладилар. Ҳаётда кузатамизки, яхшилик мақсадидаги дўстликка мустаҳкам пойdevор қўйилгунига қадар разиллар ўз биродарликлари саройини қуриб бўладилар. Тўғри, уларнинг бу саройлари мустаҳкам эмас, тез орада бузилиб кетади. Бироқ, бузилгунига қадар яхши дўстлик иморати пойdevорини ҳам яксон қилишга улгуради. Кўрамизки, айрим иқтидорли олимлар, баъзи қобилиятли шоирлар бир-бирлари билан тез дўстлаша олмайдилар. «Гадонинг душмани гадо бўладир», дейилганидек, бу доноларнинг ўзаро дўстлашувларига эҳтимол вужудларига эгалик қилаётган ҳасад ўти йўл қўймас? Разил ва хоин одамлар улардаги айнан шу хасталикдан фойдаланишар? Разил ва хоин одамларнинг дўстлиги илонни тарбия қилишдек бир нарса. Илон эгаси уни қанчалик яхши парвариш этса ҳам пайт келганда бир кун ўз эгасининг ёруғ кунини қоронғи кечага айлантиради, ўз

вафосизлигини намоён этади. Тонг шабадаси ҳам дўстликка ўхшайди. Агар у гулзор томондан эсса – хушбўй бўлади. Нажосат бор ердан эсса – бадбўй бўлади. Тарихда бунга мисоллар оз эмас. Ўтган асрдаги репрессияларда жон берганлар, азоб чекканлар дўстлик либосидаги айнан шундай разилликнинг қурбони бўлган эдилар. Донолар бир-бирларини ҳимоя қила олмадилар, демак, улар чин дўстлик мақомига ета олмаган эканлар. Алдамчи дўстликнинг фожиаси шунда.

Дўстлар орасидаги муҳаббат занжири қанчалик бақувват бўлмасин, уни уза оладиган куч топилади. Унумаслик керакки муҳаббатли, чин дўстларнинг биродарлигини кўролмайдиган ҳасадгўйлар кўп учрайди. Улар шунчаки ҳасад қилиб юра қолишмайди, дўстлик занжирини узишга обдон уринишади, уза олишса, роҳатланишади. Булар «Фақат Аллоҳ учун бировни дўст тутиш ва фақат Аллоҳ учун душман тутиш Аллоҳ таоло ҳузурида севимли амаллардандир», дейилган ҳадиси шарифдан бехабар жоҳил инсонлардир.

Азизлар, эҳтимол кўнглингизда ўғлингиз ёки қизингизнинг бирон дўстига нисбатан норозилик бордир. Сиз уларни ажратиб юборишга киришишдан аввал ўйлаб кўринг: у йигит (ёки қиз) сизнинг фарзандингизга дўст бўлишга нолойқ экан. Хўш, ўзингизнинг фарзандингиз бошқаларга дўст бўлишга лойиқми? Сиз фарзандингиз дўстини узоқлаштириш чораларини ўйлаб ўтирганингизда қайсиdir хонадон соҳиблари сизнинг фарзандингизни ноқобил дўст ҳисоблаб, ўз фарзандларидан нари қилишни ўйлашаётгандир? Икки дўстни ажратишдан аввал яна ўйлайлик: фарзандимиз бундан кейин яна шундай дўст топа олармикин? Эҳтимол биз ёмон деб тамға босаётган дўст даражасидаги бошқа одамга умр бўйи муҳтоҷ бўлиб яшар? Албатта, фарзандларимизнинг дўст танлашларига эътиборсиз қарамаслигимиз керак. Уларнинг бу борада таж-

рибасиз эканини унугаша ҳаққимиз йўқ. Аммо билан ёшлар ўртасида йигирма-ўттиз йиллик фарқ борлигини ҳам унумтайлик. Замонлар ўзгарувчан эканини ҳам ҳисобдан чиқармайлик. «Менинг ёшлигимда дўстим шундай эди», деган гаплар буғунга тўғри келмай қолиши мумкин. Фарзандингиз сиздан «у ўртоғимни ёмон дедингиз, бунисини ялпоқ дедингиз, қанақа одам билан билан дўст бўлайин?» деб сўраб қолса, жавобга тайёрмисиз?

Ҳақиқий дўстга хос фазилатларнинг барчасини бир сўз билан «иймон» деб атасак адашмаймиз. Яъни иймон эгасидагина шу фазилатлар жам бўлади. Демоқчимизки, дўстни иймон эталари сафидан қидиринг.

Иймон осмони остидаги покиза дўстликнинг энг юксак намунаси Аллоҳ ва банда орасидаги дўстликдир. Тилимизда «валий» атамаси бор. Бу «яқин» (дўст) демакдир. Кўплик маъносида «авлиё» бўлади. Киши ишқ, иймон ва тақвода юқори даражага эришса, Аллоҳ уни ўзига дўст тутади ва унга маълум кароматлар беради. Аллоҳга иймон келтирган, тақводор бўлган, яъни Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшаган банда бу даражага етишади. Кимнинг иймонида заррача хато бўлса ёки Аллоҳнинг кўрсатмалари асосида эмас, ўзганинг ўйлида ҳаёт кечирса ёхуд ўз-ўзига йўлланма тушиб олса, у одам Аллоҳга дўст бўлиш баҳтидан маҳрумдир. Аллоҳга дўст бўлганларга эса икки дунё саодатининг хушхабари бор. Улар иймонлари ва тақволари туфайли, Аллоҳнинг инояти ила, аввало бу дунёда саодатли ҳаёт кечирадилар. Охиратда эса худди шу иймонлари ва тақволари сабабли жаннатга дохил бўладилар.

Тўкин дастурхон атрофидаги улфат йигирма йил аввалги воқеани эслади:

– Дарров йигирма йил бўлдими-я! – деди бири.

- Вақт шунчалик тез ўтдими-я! – деди иккинчиси.
 - Тез ўтгани йўқ, бу йиллар ичида бошга қанча ташвишлар тушди, – деди учинчиси синиқ оҳангда.
 - Йигирма йил ичида бешта никоҳ тўйи, ўн икки марта ақиқа маросими қилдим, – деди бошқаси фахр билан.
- Йигирма йил мобайнида бўлиб ўтган воқеалар шу тарзда эсланди. Шодлик ёки қайғу кунларини эслаб туриш яхши. Эслашда бир хайрли маъно ёки мақсад бўлса, янада яхши. “Бешта тўй қилдим, ҳар бирида юз килодан гуруч дамладим. Умумий ҳисоби – ярим тонна!” – деб фуурланишнинг фойдаси бормикин? Ақлли одам “шунча одамга яхшилик қилдим, мушкулини енгиллатдим”, дейди-ю, “яна ҳам кўпроқ яхшилик қилишим мумкин эди”, деб, фойдасиз ўтган кунлари учун афсусланади.
- Давра аҳли ўтган йигирма йилнинг айрим воқеаларини эслаяпти. Ҳадемай, бутун умр сарҳисоб қилинажаги эса хаёлларига келмайди. Одамнинг ўтган умри Қиёмат куни бу тарзда – майшат дастурхони атрофида эсламайди.
- Қиёматга ишониш муҳим. Қиёматдаги ҳисобни унумасдан яшаш муҳимроқдир. Афсус шуки, ишонамиз-у, унутамиз. Қиёматнинг ҳақ эканини тилда айтиётганимизда дил титрамайди. Дил титраганда эди, гуноҳлардан нари юрадик. Фийбат қилаётган одам бу гуноҳи учун Қиёмат куни азобга гирифтор бўлишини ўйлайдими? Ҷақимчи, ёлғончи, ҳасадгўй-чи?
- Арзимас нарсаларни унумаслик учун хотирамизга муҳрлаймиз. Муҳимларини эса унутиб, ўзимизга ўзимиз азоб тўрларини тўқиймиз.

Дерларким, Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат – унинг озод ва ҳурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг баҳтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар баҳтсиз инсонга дуч келсангиз, қайғу-ҳасратда ёнаётганига

гувоҳ бўлсангиз билингким, у озод эмасдир. У шубҳасиз ким ёки нима томонидан эзилгандир.

Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аглаҳ бўла олмайди. Агар бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсангиз, билингким, у озод эмасдир. У бир қулдир. У бўйини қуллиқ сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёки шунга ўхшаш бир нима ундиromoқ истайди. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса каттароқ бойликка эришилади.

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиш мумкин? Фақат ЎЗ-ЎЗИГА! Агар сиз одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай, бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм этганини кўрсангиз, билингким, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, демак, у ўз истаги – нафси қулидир.

* * *

Нафсимиз бизларни ёмон нарсаларга буюради. Биз унга қулоқ солдикми, тамом, нафсимиз қулига айландик. Ҳақнинг қули эмас, нафсимизнинг қули бўлдик. Аллоҳ барчамизни шу қулликдан асрасин.

* * *

Мұҳаббатсиз қалб – тош қалбdir. Тангрим тош қалбларга зинҳор назар солмас. Шунга кўра қалбимиз уйини Аллоҳга бўлган ишқимиз билан тузатмоғимиз жоиз. Инсон вайронна қалбини фақат мұҳаббат билангина обод этмоғи мумкин.

Мусо алайҳиссалом яйловда бир чўпонга дуч келибдилар. Чўпон бутун вужуди билан Тангрига сифиниб, муножот қилиб дер эканким: «Эй Художон! Сен қаердасан? Кел, соchlарингни тарайин, чориқларингни тикиб берайин, наинки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандла-

рим ҳам сенга фидо бўлсин. Қаердасан, бориб, дастё-
ринг бўлсам, сут-қаймоғим билан қорнингни тўйдирсам.
Бошинг оғриса бошингни силасам, юз-қўлингдан ўпсам,
оёқларингни уқаласам...»

Мусо алайҳиссалом бу муножотни эшитиб, чўпонни
койиб дедиларким: «Эй аҳмоқ, бу гапларни айтиб, сен
энди коғир бўлдинг. Худонинг чориги ҳам, тўни ҳам йўқ.
У емайди, ичмайди. Уни ўзингга ўхшатма. У гўё қуёш,
сен эса бир чивин...»

Шуларни айтишлари билан Парвардигордан у зотга
ваҳий келадиким: «Эй Мусо! Нима қилдингки, бандамни
мендан айирдинг. Қўй, айтаверсин. Сен бандаларнинг
дилини Парвардигорга улаш учун юборилгансан, ажра-
тиб ташлаш учун эмас. Биз ҳар одамга, ҳар бир элга ўз
даражасида, ўз тилида муҳаббат изҳор этишга имкон
бердик. Ҳиндларни ҳинд тилида, синдаларни синд истило-
ҳида сўзлатдик...»

* * *

Қуръони Карим оятларини, шарафли ҳадисларни
ўқиши қанчалар манфаатли бўлса, уларни англамоқ,
қалбга муҳрламоқ – кишининг ҳаётда адашмай юрмоги
учун янада манфаатлироқдир. Шукурларким, улуғ му-
фассирлар ва муҳаддисларнинг, беназир уламоларнинг
тафсиру шарҳлари бизга қадар етиб келди. Шулардан
бири Жалолиддин Румий ҳазратларининг меросларидир.
Бир ҳадисни мавлоно шундай тафсир қилган эканлар:

«Пайғамбар саллолоҳу алайҳи васаллам буюрадилар-
ким: «Олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани,
амирларнинг яхшиси олимларни зиёрат этганидир. Фа-
қирнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва амирнинг
эшигига борган фақир нақадар ноҳушидир».

Халқ бу ҳадиснинг зоҳирий маъносинигина қабул қил-
ган. Яъни бир олим ёмон олим бўлмаслик учун амирни
йўқламаслиги лозим, амирни бориб кўриш унга муносиб
эмас, деб билган. Аслида фикрнинг ҳақиқий маъноси халқ

үйлагандай эмас, балки шундай: Олимларнинг ёмони амирдан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз аҳволини яхшилагани, кучга кирганидир. Амирлар менга инъом берадилар, мени иззат-икром қиласидар ва бир яхши жой эҳсон этадилар, деган тушунча билан ва уларнинг қўрқуви остида ўқиган кимса олимларнинг энг ёмонидир. Шу ҳолида бу кимса амирлар тарафидан ислоҳ бўлган, билимсизликлардан биладиган аҳволга келгандир. Олим бўлганда ҳам амирлар қўрқувидан ва уларга ёмонлик қиласликдан тарбия кўрган бир инсонга айлангандир. Энди у истаса-истамаса, ҳамма вақт бу йўлга уйғун тарзда ҳаракат этмоғи керак бўлади. Ҳуллас, бу важдан зоҳирان хоҳ у амирни кўргани борсин, хоҳ амир унинг ҳузурига келсин, барибир, у зиёрат қиласин, амир эса зиёрат қилинган бўлади.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Аллоҳ учун қилинган бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фаболияти савоблидир. Чунки яратилиши шундайдир, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам бундан ўзгани қилолмайди. Унинг қўлидан келгани шу. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқариб йўлга солиб турган нарса – АҚЛдир. Ҳамма ундан қўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у таратган нурдан баҳра оладилар. Ҳуллас, бундай бир олим амир ҳузурига борса, зоҳиран у зиёрат қиласин, амир эса зиёрат қилинган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вақт юксалишга чорловчи бир қувват-ёрдам олади, олимнинг эса амирга эҳтиёжи йўқ, чунки у бадавлатдир, нур сочаётган қуёш кабидир. Иши таъмасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир. У тошлардан лаъл ва ёқут қила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тоғлардан мис, олтин, кумуш ва темир маъданлар ясади. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Дараҳтларни турли-туман мевалар билан бойитади. Иш ва эрмаги – бағишламоқдир, ҳадя қилмоқдир.

Арабларнинг «Биз бермоқни ўргандик, олмоқни ўргана олмадик» мақолидаги сингари олим ҳам беради-ю, бирордан олмайди. Ниҳоят, бундай олимлар ҳақиқатда зиёрат этилган, амирлар эса зиёрат этган бўладилар».

* * *

Бахт ҳақида кўп сўрайдилар. Ҳар ким бахтни ўз кўзи билан кўради. Ўз қаричи билан ўлчайди. Менинг бахтим бошқа одам учун шунчаки арзимас бир нарса бўлиб туялар. Қоғоз-қалам билан ўтган тунларим мен учун бахтли лаҳзалар, менга куюнгувчи дўстларим эса, «тирикчилик важҳидан ухламайди, бечора», дейишади. Мен эсам, бошқаларга ачинаман. Менга бир нарса аниқ: бахт бевафо нарса – келаверади, кетаверади... «Бахт қуши» деган таъбирнинг мавжудлиги бежиз эмас. Қуш ҳеч маҳал бир ерда узоқ қўниб ўтирумайди. Бахт ҳам шу – кишига ҳамиша йўлдош бўлавермайди. Бахтиёрлик кўп ҳолларда кишини худбинникка, манманникка етаклаши мумкин. Ана шунда жар ёқасига келтиради-ю ўзи фойиб бўлади. Киши «бахтим, қайдасан?» деб чапак чалиб қолаверади. Ҳаётдан маълумким, жарга қулаганлар ҳам учрайди. Эси бутун одамлар эса ўзини асраб қола олади. «Бахтингни қўлдан берма», деган гапни мен «манманликка берилма, худбин бўлма», деган маънода тушуман.

Бахт зарралардан ташкил топади. Масалан: эрталаб дастурхонимда нон туриши – бахт. Уни емай, исроф қилишилик эса худбинлик. Ҳар тонг аҳли оиласми, қўни-қўшнимни, қариндошу дўстларни соғ-омон кўрмоқлик – бахт. Улардан бирининг кўнглини оғритиш эса – худбинлик... Заргар тилла зарраларини тўплаб, бир ажиб узук ясаса-ю уни бир онда йўқотиб қўйса... Одам бахтини ана шундай машаққат билан топади, осонлик билан йўқотади. Бунга фақат ўзигина айбдор.

Ўзингизга ўзингиз «чинакам баҳтли бўлиш учун қандай фазилатларга эришиш лозим?» – деб савол берган мисиз? Агар шу савол билан ўзингизни ўзингиз тез-тез тергаб турсангиз, сизни тарбия қилган устозингизга балли! Келинг, алҳол яна шу саволни ўртага қўяйлик-да, биргалашиб жавоб топайлик:

Чинакам баҳтли бўлиш учун илмдан орттирилган фазилат керакми? Шубҳасиз, керак! Ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор зарурми? Албатта зарур! Молу мулкдан зиёда саломатлик-чи? Бегумон шарт! Ҳаё-чи? Муруват, садоқат, тавозе, меҳнат-чи? Саҳийлик, номус, омонатга вафо, ҳилм ва шижаот-чи? Керак! Булар ва булар каби яна ўнлаб фазилатлар ададсиз равишда керак!

Адоват, ҳасад, баҳиллик, такаббурлиқ, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, хиёнат, жоҳиллик, ялқовлик ва булар каби яна ўнлаб иллатлар-чи? Улардан ҳеч бўлмаса бир ёки иккитаси лозимми? Алҳазар! Алҳазар! Аллоҳ сақласин! Буларнинг биттаси ҳам кўплик қиласди, чунки булар – бадбаҳтликнинг ҳомийлариидир!

Ҳамонки бадбаҳтликдан сўз очилди, бу зулумот салтанатига яна бир карра зийраклик билан қараб ўтайлик. Баҳтга эриштирувчи фазилатларнинг зидди киши баҳтини албатта қаро қилиши барчага маълум бўлса-да, бу иллатларни яна зикр этишдан эринмайлик, токи, баҳтиқаролик булути бизларга хавф солмасин.

Валий зот Тустарийдан сўрадилар:

- Бадбаҳтлик аломати қайсилар?
- Илмли бўлатуриб амал қилмаслик. Амал қила туриб ихлесли бўлмаслик. Аллоҳ таолонинг берганига рози бўлмасдан бошقا нарсалар ортидан қувмоқ. Ҳақ таоло дўстлари суҳбатига қўшилмаслик.

Ҳазрат айтган ҳикматнинг мағзини чақиш учун ўзимиздан сўраб кўрайлик:

Илм олишга рагбат қиляпмизми ёки умримиз бекорчи ҳою ҳаваслар шамолида тўзиб ўтъяптими? Озми-кўпми

илмга эриша олган бўлсак, энди қандай амал қиляпмиз? Илмда «гийбат қилинмасин», дейилгани ҳолда кунда неча маротаба ўзимизни гийбатдан тўхтата олдик? Баҳилликдан-чи? Фазабдан-чи? Хайрли амалимиз бўлса-ку, дуруст, аммо нима ниятда қилиняпти бу амаллар? Биримиз Қуръони Каримни ёдладик, Аллоҳ рози бўлсин, аммо ёдламоқдан ният надир? Фақат Аллоҳнинг розилигими ёки эҳсон дастурхонлари тўрида ўтириб одамлардан иззат-икром тама қилиши? Намоз ўқиймиз, Аллоҳ рози бўлсин, аммо саждага борганимизда хаёлимизни бозордаги тиёкоратимиз эгаллаб олмайдими? Намозни Аллоҳнинг розилиги учун ўқияпмизми ёки Аллоҳдан фойданни кўпайтириб бериши истаб сажда қиляпмизми? Дўстимизга нима мақсадда яхшилик қилдик? Бу яхшилик ортида тамаъ борми ё холислик? Аллоҳ таоло бизга бошпана берди, фарзанд берди, дастурхонимизни тўкин қилди. Энди ибодатимизни мукаммал қилмоқ ўрнига яна нималарнинг ортидан қувяпмиз? Саноқли сониялар каби тез ўтиб кетувчи умримиз давомида неча марта Ҳақ таолонинг дўстлари – фозиллар, олимлар, уламолар суҳбатида бўлдик? Донишманларнинг ибрати суҳбатига ажратган вақтимизни тарозининг бир палласига, чойхона, ресторон, тўю зиёфатларда ўтгани умримизни эса иккинчи палласига қўйиб кўрайлик-чи? Қиёматда Аллоҳ ҳузурида уялиб қолмасмиканмиз? Бугун кўчада бир фозил билан кўришидиг-у уч-тўрт қадам ёнма-ён юриши асносида кимнидир гийбат қилган бўлдикда, сўнг чойхона кўчасига буршидик. Чунки у еғ да бизни паловхонитўра кутяпти! Қиёматда қайси кўча я бурилар эканимиз, бизни унда нималар кутяпти? Буен фозилларнинг суҳбати ўрнига маъқул кўрганимиз паловдаги гуручлар саногидаги олов тошлиари кутаётгани йўқми бизларни?! Ҳақиқий бадбаҳтлик айнан шудир!

Бадбаҳтликнинг яна бир нишонаси бор: киши ўзини бахтли ҳис қиласди-ю бирон одамнинг бахтсизлигидан лаззатланади. Кимда шундай иллат бор экан, тавба қил-

син-у бу хасталигини даволаш чорасини топсин. Чунки баҳтсизликка учраш унинг қисматида ҳам бор. Баҳтсизликка учраганида бирор далда бермаса, аксинча кулса, лаззатланса, нақадар аянчли ҳолга тушаркин!

Бахтиёрлик – осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади. Қалб осойишталиги – Аллоҳни таниш билан вужудга келади. Биз алҳол «баҳт» деб ўйлаётган бойлик, мансаб, ҳатто оила қувончи – барчаси ўткинчидир. Аллоҳни таниш олган кишининг баҳтигина боқийдир. Аллоҳни таниш баҳтига етган одамнинг келгуси ишлари уни саодатга етаклайди.

Кўпчилик телевизор ёки радио орқали фарзандларини туғилган кунлари билан табрикламоқни одат қилди. Майли, бу ҳам кераксиз одатларнинг, бекорчи харажатларнинг бир кўриниши дейлик. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Тўғри, ҳамма боласига баҳт, узоқ умр тилайди. Биз бу тилакни инкор этмаймиз. Биз учун ажабки, ҳеч ким фарзанду аржумандига Аллоҳдан иймон, инсоф, виждон, ақл-идрок сўрамайди. Бола учун буларнинг зарурати йўқмикин? Ёки... иймонсиз одам баҳтли бўла олармикин?

Китобларнинг киши руҳига таъсир кучи ҳар ҳил бўлади. Баъзи китобларни ўқиб тутатгач таъсирланасиз, айримларининг биринчи саҳифасини ўқибоқ, энг қадрдан ва доно дўстни топиб олгандай қувониб бағрингизга босиб оласиз. Мен йигирма йиллар муқаддам Фаззолий ҳазратларининг асарларидан бир неча лавҳа ўқиганимда шундай ҳолга келган эдим. Ҳазратнинг асарларини таржима қилиб, нашр этаётган биродарларимизга раҳмат. Улуғ алломанинг ҳар янги китоблари қалбимизга қувонч бағишлийдиган бўлиб қолди. Чунки ҳар бир асар бизнинг онгимизни янги-янги маънолар билан бойитади. Мен

бу асарларни гафлат уйқусидаги бандаларни уйғотиш-
га қаратылған, огоҳлантирувчи омил деб биламан. Фоғил
бандалар ҳамма замонларда ҳам бўлғанлар, барча за-
монларда яшаган олимлар уларни уйғотишга ҳаракат
қилғанлар. Ўнинчи асрда яшаган ғоғил билан йигирма
бириңчи асрда яшаётган, қалб кўзлари юмуқ бандалар-
нинг фарқи борми? Бор, албатта. Ўтмишдагига нисба-
тан бугунгиларни уйғотиш қийинроқ. Чунки бугунгилар-
га куфр оламининг таъсири кучлироқ. Бу таъсир кучини
енгиш учун беш вақт намоз ўқишу, дуолар қилишнинг
ўзи кифоя эмас. Ҳазрат Амир Темур “Агар ҳамма муш-
кулот фақат дуо билан ечилса эди, Бадр жангни бўлмас
эди”, деган эканлар. Демакким, ҳар қандай мушкулотни
ешишда дуога қувват берадиган омил – илм ва илм асоси-
даги ҳаракатдир. Исломдаги жуда кўп муаммолар фақат
илм билан ечиб келинган. Жоҳиллик ботқофида туриб дуо
қилишнинг самарасини тарих ҳали кўргани йўқ. Илмни
эса бизларга олимларимиз ўргатадилар. Улар илмни
ўзлари тўқиб чиқармаганлар, бизларга тақдим қилаёт-
ганлари бу илм Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар асо-
сидадир. Шунинг учун ҳам бу илм асрлар оша бизларга
етиб келди ва бизларнинг ҳам қалбимиз кўзини очишга
хизмат қиляпти.

Бир бадавлат одам ўғлини ўқишига берди. Ўғил етар-
ли билим олиб уйига қайтгач, ота дедики:

– Ўғлим, энди тижорат билан ҳам шуғулланиб кўринг.

Ўғил карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Чўлда кетаёт-
ганларида шернинг қўтосга чанг солиб йиқитганини
кўрди. Шер ўлжасининг ҳаммасини ея олмади. Қорни
тўйгач, нари кетди. Шунда пайт пойлаб турган қашқир-
лар ва қузғунлар ўлжанинг қолдигига ташландилар. Бу
манзарани кўриб, ўғил ўйланди:

– Одам ҳам шер каби барча бойлигини еб адo қила
олмайди. Отамнинг бойлиги кўп бўлгани ҳолда менинг

тижорат йўлида сарсон юришимдан нима фойда. Ундан кўра отамнинг бойлигидан фойдаланиб, илм билан шуғулланганим дуруст эмасми?

Ўғил шу қарорга келиб изига қайтди ва мақсадини отасига айтди.

– Ўғлим, дуруст фикр қилмабсиз, – деди ота. – Мен сизнинг қолдиқларни еювчи қашқир ёки ўлаксахўр эмас, ўлжани қўлга киритувчи шер бўлишингизни истаб эдим. Токи, сиз қўлга киритган ўлжадан бошқалар ҳам наф кўрсин.

Бу ибрат ўғилга маъқул келди. Отасига боқиманда бўлмай, ўзи ҳаракат қилиб топди, ўзи еб-ичди, бошқалар ҳам ундан манфаатланди. Шунинг баробаринда илм билан шуғулланмоққа ҳам фурсат топди. Ўзи ҳам ўқиди, бошқаларни ҳам ўқитдиким, фазли-камоли юқори бўлди.

Бугунги ёшлар орасида бунинг аксини кўрамиз. Отасининг бойлигига маҳлиё бўлган ўғил-қизларда ҳаётда ўз ўрнини топишга рағбат етишмайди. Улар шер бўлишни исташмайди, қашқир ва қузғун бўлишдан ҳазар қилишмайди. Боқимандалик қўчасини тарқ этишни истамовчи ўғил ёки қизнинг келажаги қандай бўларкин?

* * *

Бадавлат умр кечирган бир одам жон беришдан олдин фарзандларига дедики: “Худойимга шукур, мен оталик қарзидан қутулдим. Қоринларингни оч қолдирмадим, энг сара таомларни муҳайё қилдим. Уст-бошларингиз бошқаларнидан аълороқ эди. Тўйларимнинг довруғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳар бирингизга алоҳида уй-жой қурдирдим. Ҳар бирингизга автомашина олиб бердим. Энди қарзим қолмади...” Шундай деб хотиржам кўз юмди. Аммо у янгишди: зиммасидаги энг олий вазифани бажармади – фарзандларига Аллоҳни танитмади. Бу дунёни зиммасидаги шу қарз билан тарқ этди.

Ариқдаги сувда оқиб келған олмадан бир тишлиб, сүнг ризолик сұраган йигиттинг тарихини уламоларимизнинг мароқли суҳбатларида күп эшитганимиз. Томоғимиздан ўтгувчи луқманинг ҳалол бўлмоғи лозимлиги ҳақида ояти карималар, ҳадиси шарифлардан ташқари яна кўплаб ибратли ривоятлар мавжудким, буларни ҳам озми-кўпми эшитганимиз. Аммо, афсуским, айрим ҳолларда эшитиш билан кифояланиб қоламиз. Амал қилишга рағбат бўлмайди.

Камина “Одамийлик мулки” деб аталмиш ахлоқ китобини ёзишга тайёргарлик кўриб юрган дамларда кутилмаган бир хайрли воқеа содир бўлдиким, ўқиганларга фойдаси тегар, деган мақсадда қофозга туширмоққа жазм этдим.

Ўша куни ибрат жиҳатдан бир-бирига яқин икки ривоятни ўқидим. Шулардан бири:

Ҳазрати шайх Аҳмад Ҳарб (қуддиса сирруҳу) уйлагида Нишопурнинг улуғлари келдилар. Шайхнинг бир ўғиллари бор эди. Сархуш бўлиб келиб, баланд овоз бериб, эшиқдан кирди. Отасидан ва бу улуғлардан уялмади. Улуғларнинг ранглари ўзгарди. Шайх Аҳмад:

- Нечун малул бўлдингиз? – деб сўрадилар.
- Ўғлингиз учун, – деб жавоб қилдилар мөҳмонлар.
- Ул маъзурдур. Сабаби будирки, бир кеча қўшнидан таом келди, едик. Онаси билан суҳбат қилдик. Ўша кеча бу ўғлон она раҳмига тушди. Кейин мени шундоқ уйқу босдики, вазифам фавт бўлди. Тонг отганида сўраб билсан, бу таом бошқаларни талаб, зўрлик билан олинган ош экан. Бизга шундан берган эканлар...

Тушунган одам учун бу ривоятда улуғ ҳикмат бор: ҳалол луқма шайхнинг ихтиёридан нарида эди, яъни у зот билмаган эдилар. Шунга қарамасдан орадан йиллар ўтиб, ўғилнинг хулқида ўзининг хунук кўринишини берди. Бугун фарзандлардан нолиб қўядиган айрим биродарларимиз шу масалада ҳам бир ўйлаб кўрсалар чакки бўлмас.

Иккинчи ривоят: Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суюкли саҳобаларидан бўлмиш Абу Дардо (р.а.) барча намозларини Масжиди набавиядда, Пайғамбаримиз (алай-ҳиссалом)нинг ортларида туриб ўқишига ҳаракат қиласадилар. Шунинг учун масжидга эрта келиб, кеч қайтардилар. Расули акрамнинг (с.а.в.) намоздан кейинги сухбатларини диққат билан тинглардилар. Бироқ, хурмо териш мавсуми бошланганида Абу Дардо аввалгидан намозга кечроқ келиб, эртароқ кетадиган бўлдилар. Бу ҳол Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) диққатларини тортиди. Абу Дардони ёnlарига чақириб, сўрадилар:

– Сенинг масжидга келиб-кетишингда бир ўзгариш кўряпман, нима бўлди?

Абу Дардо шундай жавоб қилдилар:

– Шу кунларда қўшнимизнинг хурмо дараҳти меваларини тўка бошлади. Хурмолар бизнинг ҳовлига ҳам тушяпти. Болаларим қўшнимдан бесўроқ еб қўйишмасин, деган хавотирдаман. Бомдодга келишдан олдин тўкилган хурмоларни тўплаб, қўшнимнинг боғига ўтказиб қўяман. Шу сабаб масжидга кеч келяпман. Мен масжиддалигимда ҳам дараҳтлардан хурмо тўкилади. Уларни йиғиб қўшнимниги қўйиш учун шошиламан. Шундай қилсан, болаларим ҳаром емайди, қўшнимга ҳам зарар етмайди.

Расууллоҳ (с.а.в.) Абу Дардонинг бу сўзларидан мамнун бўлдилар ва унинг ҳаққига дуо қилдилар.

Шу ривоятлардан таъсирланиб, Жумъа намозига чиқдим. Ажабки, жумъа маърузаси ҳам шу мавзуда бўлди. Янада ажабланарлиси намоздан қайтишда бўлди. Бир неча дақиқа илгари ҳалол луқма хусусида ваъз тинглаган биродарларимизнинг айримлари кўчадаги дараҳтларнинг шохларини эгиб, мевасидан баҳраманд бўлиб борардилар. Биз болалардан ранжиймиз. Аслида болалардан эмас, уларга ҳалолликдан дарс бермаётган ва ёмон ўrnak кўрсатаётган катталардан ранжишимиз керак.

Уйга қайтганимда менга нотаниш бир йигит қўнғироқ қилиб, учрашиши зарурлигини билдириди. Уйга таклиф қилдим. Нотаниш йигит айтилган вақтда келдилар. Ўзларини танишириб муддаоларини айтдилар:

– Бир дўстимизнинг таклифлари билан амакиларининг Чорвоқдаги боғига бордик. Калитни унутиб қолдирганлари учун сизнинг боғингиздаги шиййонда ҳордиқ чиқардик. Билишимизча, сизнинг эшигингиз доимо очиқ туаркан. Олхўрингиз фарқ пишган экан, мен ҳам ерга тўкилганларидан олиб едим. Келишимдан мақсад: ўша ейилган мевалар учун сиздан розилик сўраш. Уларни ейиш мен учун ҳалол эмасди.

Бу гапдан ҳайратга тушдим. Йигит мен учун замондош эмас, балки ўтмиш ривоятларидағи покиза дилли бир инсон бўлиб кўриндилар. Йигитни ҳижолатликдан чиқариш учун дедимки:

– Ризолик сўраб келмаганингиз тақдирда ҳам у мевалар сиз учун ҳалол эди. Чунки “мевалардан ким еса есин, розиман”, деб аввалдан айтиб қўйғанман, эшикнинг очиқ қолдиришим ҳам шундан. Боғдаги мевалар сотиш учун эмас, ейиш учун. Оиламиз учун ортиқчалик қиласди. Ким еб лаззат олса, биз учун савобда, – дедим.

Йигит яна қайта-қайта розилик сўрадилар. Ҳар сафар розилигимни такрорладим. Сезиб турибманки, йигитнинг кўнгли равшанлашмаяпти. Шундан сўнг ҳалол луқма ҳақидаги ривоятлардан сўзлаб бердим, унинг отоналари ҳаққига дуо қилдим. Йигит уйига таклиф қиласди. Бордим, дадалари билан танищдим.

Энди муддаога ўтсак, демоқчимизки, ҳамма ҳам кўчадаги меваларни узиб еб кетавермайди. Орамизда ҳалол-ҳаромни фарқига борадиганлар кўпким, бунинг учун ҳам Аллоҳга шукурлар қиласмиз. Фақат шукурлар қилиб қолмай, шундай ҳалол йигитлардан аввало ўзимиз ўrnак олишимиз, фарзандларимизни, қариндошларимизни, қўшниларимизни ҳам шу йигит каби тарбия топишига ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ҳалол луқма фақат ўзи-

мизга фойда эмас, балки жамиятимизнинг поклигига ҳам хизмат қилади. Шуни унутмасак бас.

Кимлардир, қачондир ўйлаб чиқарган ғалати-ғалати (“бемаъни” дейишга ҳижолат бўляпман) одатларимиз бор. “Пайғамбар оши” дегани шуларнинг бири. Қачон, ким бошлаб берган бу одатни – ҳеч ким билмайди. Олтмиш уч ёшга тўлғанлар элга ош берсин, деган фатво ҳам бўлмаса керак. Айрим уламоларимиз, имомларимиз бундай эҳсон туридан парҳез қиласидилар. Айримлари эса давра тўрини эгаллаб, ош ошалайверадилар. Ажабланарли томони шуки, “пайғамбар оши” берувчиларнинг кўпчилиги шу ёшга киргунига қадар ҳам пешоналари жойнамозга – саждага тегмаган. “Пайғабар оши” муносабати билан зар чопонлар киядилар, совғаларни оладилар-у, аммо бу ошдан кейин ҳам ибодатдан четда юраверадилар.

Мана бу манзарага диққат қиласиди: катта тўйхона иккига бўлинган. Бир бўлагида хос меҳмонлар, иккinciда авом мартабасидагилар. Киши шу қадар фосиқ бўладими? Одамни лавозими, бойлигига қараб ажратсанг, дастурхонни ҳам шунга қараб безасанг авомни нишмага таклиф қиласинг? Хосларнинг ўзини меҳмон қиласивермайсанми? Меҳмондорчиликнинг номи – “Пайғамбар оши”! Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак номларини тилга олган ҳолда суннатга ҳилоф иш қилингяпти – одамлар тоифаларга ажратиляпти.

Энг даҳшатлиси – хос меҳмонлар учун шайтон ичимликлари – ароқ ва конъякларнинг сара турлари қўйилган. “Пайғамбар оши”да ичяптилар Аллоҳ ҳаром қиласиган ичимликни! Бу на қадар куфр! Бу ҳаромни Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак номлари билан парда қилиб тўсмоқчи бўлсалар!?

Бу надир?
Ботқоқликми?

Унданда ёмон!
Ботқоқ лойлари кийимга ёпишса тозалаш мумкин.
Бунинг гуноҳини ювиш мумкин бўлармикин?
Бу – тавбага боғлиқ. Аммо улар тавбага улгуармик
кинлар? “Пайғамбар оши” қиёматда асқотармикин?

Шоирлар аёллар ҳақида кўп гапиришади. «Аёл – ба-
ҳор», «Аёл – севғи» каби гапларни кўп эшитамиз. Лекин
нима учундир ҳеч ким «Аёл – ИНСОН» демайди. Нима,
аёл – инсон эмасми? Ёки бу таъбир қофияга яхши туш-
масмикин?

* * *

Байрам томошаларида қизлар беқасам чопонни чапа-
ничасига кийиб олиб, рақсга тушишади. Биз бу манза-
рани тез-тез кўриб, кўнишиб қолганмиз. Лекин хорижлик-
лар бу тамошаларни кўриб, «Ўзбекларнинг чопон ки-
йишга лаёқатли, белида белбоғи бор йигитлари қолмаб-
ди-да, а?» дейишмасмикин?

* * *

Бир одам Оврупога тақлид қилишни жуда яхши кўради. Таом ейишдан олдин бақбақасини кўтариб турган
ёқасига сочиқ қистиради – немисларда шундай одат бор экан. Зиёфатларга боргандা биринчи қиладиган иши –
қўлини ароқ билан ювали – французлар микробга қарши шундай курашар эканлар. Ўйнаши билан ўпишишдан
аввал оғзига атир пуркайди – италияликлар бекорга шундай қилишмас. Ҳаммомга тушса, отасидан хафа
бўлиб кетади – отаси бечора овруполикларнинг суннат
қилинмасликларини билмай шу бемазагарчиликни қилиб
қўйган-да бир вақтлар. Унинг энг зўр одати – зиёфат-
ларга голландияликлар каби керилиб келиб, инглизча-
сига индамай, бошқаларга сездирмай чиқиб кетарди.
Инглизлар еб-ичиб, тўйишгач, ҳеч ким билан хайрлаш-

май, раҳмат ҳам демай, индамай жўнаб қолишаркан. Кетган одамни бирор билмай қоларкан.

Тақдирнинг ёзуини қарангки, бу одамнинг оламни тарк этиши ҳам инглизчасига бўлди: оиласи билан розиризолик ҳам тилаша олмади, ўлиб, кўмилганини бирор билди, бирор билмай ҳам қолди.

Ўзбекчасига яшаб, ўзбекчасига ўлиш ҳам бир баҳт экан-да, а?

* * *

Буткул замину осмон уйқуга чўумган дамда, бўронлар тиниб, тўфонлар тўхтаган пайтда ҳам вақт зийрак туради. У ҳамиша уйғоқ.

Олтиндан қадрли, жавҳардан қимматли бир нарса бор бўлса, у ҳам – вақтдир. Вақт бизнинг ҳар турли ишни қилишга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани – ихтиёrimизда бўлган фурсатнинг зое бўлгани демак. Ҳолбуки, шу фурсат ичидаги фойдалари ишларга ихтиёrimиз бор эди. Фурсатни ғанимат билган одам вақтдан унумли фойдалана олади. Вақт қадрини билган одам ҳавои нафсдан тийила олади. Вақт қадрини билган одам буюк бўлишга ҳақлидир. Ақлсизларнинг энг ярамас кўриниши – вақтни бекорга ўтказишидир. Шоир айтганидек:

*Гарчи пиёдамиз, гарчи отлиқмиз,
Ким яхши, ким эса ёмонотлиқмиз.
Қанчалар фурсатни ўтказдик зое,
Худонинг олдида кўп ўётлиқмиз.*

Миқдори кўп нарса қадр-қийматини тез йўқотади. Аммо ақл эгалари учун вақт сира қадрсизланмайди. Юз йил қанча қимматга эга бўлса, соат ёки дақиқанинг қадри ҳам шу кабидир. Вақт одамига қараб энг қиммат ёки энг арzon матоҳидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: “Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмай-

ди: бири – соғлик, иккинчиси – бўш вақт”. Киши умри-нинг ҳамма соатларини, ҳатто дақиқаларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машгулот билан тўлдириши керак, токи қайфу-алам бош суқадиган бўш жой қолмасин.

Одамларнинг ўзаро муомалаларида “бўш вақт” деган ибора тез-тез тилга олинади. Мана бу узрхоҳликларни сиз ҳам эшитгандирсиз?

“Узр, биродар, сизни йўқлаш кўнглимда бор-у, аммо сира бўш вақтим бўлмади”.

“Сиз айтган ишни бажариб қўйишга ҳеч бўш вақтим бўлмади, айбга буюрмайсиз”.

“Тонг отади... бир пасда кеч ҳам киради. Китобга қарай десам, бўш вақт йўқ...”

Вақтим йўқ, дегувчилар – вақтнинг қулидирлар. «Вақтим йўқ», дейиш бир баҳона. Бу баҳона билан одам бошқаларни эмас, аввало ўзини алдайди. Бир кеча-кундудза одам ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор. Шундан саккиз соати уйқуга ажратилса, демак, ўн олти соатга ўзгалар эмас, ўзимиз ҳукмронмиз. Ана шу йигирма тўрт соатни тақсимлаш учун Яратгувчи томонидан ақл, фаросат, зеҳн... неъматлари ҳам берилган. Одам вақтга қул эмас, хожа бўлмоғи керак. Ўз вақтимизни қандай **совуриш** ўз ихтиёrimизда. “Совуриш” сўзига атайин урғу бердик. Чунки айрим одамлар кўп вақтларини айнан совурадилар. Биз беҳуда ишларга кўп маҳлиё бўламиизда, зарур юмушларга келганда «вақтимиз етишмайди», деб нолишни бошлаймиз. Ҳатто эрталабдан кечгача қарта ўйнаб ўтирувчилар ҳам шундай деб ҳасрат қиласидилар. Қиёматда вақтимизни беҳуда сарф қилганимиз учун ҳам ҳисоб берсак керак, валлоҳи аълам?

Битта ноннинг ярмини еб, ярмини ташлаб юборсангиз – исроф. Бу қилиғингизни кўрган баъзи одамлар танбеҳ беради, баъзилари эса сиздан нафратланади, тўғрими?

Хўш, вақт-чи? Вақтнинг исрофи борми? Сиз ўзингизга шу саволни бериб кўрганмисиз?

Менимча, вақтнинг ҳам исрофи бор. Вақтнинг исрофи – умрнинг исрофи, демак. Умр беҳуда сарф бўлдими, демак, одам яхши ишларни амалга ошира олмабди. Одамлар учун, жамият учун фойда бермабди. Вақтнинг исрофи – мевасиз дараҳт каби умр кечиришdir.

Вақтдан фойдаланишни ҳамма ўзича белгилайди. Бирор китоб ўқишни яхши кўрса, бирор чойхонада шахмат ўйнашни хушлайди. Яна бошқаси спортдан баҳра олади. Шундай аёллар борки, кунда беш маҳал бешик тўйи бўлса, ҳаммасига иштирок этишга шошилади. Шундай эрлар бор-ки, ҳар ярим соатда бир тўй оши бўлса, барчасига боришга улгуради. Бугунни тўйларга сарфлаб, эртани тўй таассуротларини баён қилишга бафишлайди. Шубҳасизки, бу таассуротлар холис эмас, фийбат, ҳасад, ҳатто ифво билан тўйинтирилган бўлади. “Элакка чиқ-қан хотиннинг эллик оғиз гали бор”, деганларидаи кўчада қўшнилар билан соатлаб валақлашадиганларни ҳам кўп учратамиз.

Мени бир нарса кўп маъюс қиласи. Ўн уч йил илгариги расмий тадқиқот натижаларига кўра, европалик бир одамнинг кунлик иш унумдорлиги етти соатдан кам бўлмас экан. Аммо бир мусулмон кишининг иш унумдорлиги бор-йўғи ўттиз дақиқа атрофида экан. Азизлар, инсоф билан айтайлик, аслида мусулмоннинг ҳаёти шундай бўлиши ва шундай ўтиши керакми?! Ўзини мусулмон ҳисоблаган киши мана шундай мазмунсиз ва самарасиз яшаши мумкинми?

Бугун кучлилар (АҚШ ва Европа давлатлари каби) уммону фазоларга ҳар дақиқада эгалик қилишга ошиқаётган бир даврда биз – мусулмонлар ўзларимиз тушиб қолган ҳозирги даражаларимизга қониқиш қилиб яшшимиз дуруст эмас. Вақт мусулмонлар ҳаётида энг аҳамиятли масалалардан биридир. У Аллоҳ таоло томонидан инсонларга берилган буюк неъматлардан ҳисобланади.

Чунки у мусулмон ҳаётидаги муаммолардан бири бўлиб-гина қолмасдан, балки мана шу муаммолар ичидаги энг асосийсидир. Бинобарин, вақт – ҳаёт демак. Ўтаётган ҳар дақиқа-ю сония, кун инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. Бироқ, афсусларки, Ислом динининг вақт исрофига нисбатан талаби билан бугунги мусулмонлар ҳаётида тутган ўрни ўртасида жуда катта фарқ бор. Ислом дини вақтга жуда катта аҳамият беради, унга бир неъмат сифатида қарашга даъват этади ва ундан унумли фойдаланишни уқтиради. Айримлар эса уни кўпинча фойдасиз совурадилар. Улар на дунё аҳлининг шаъни бўлмиш бу дунёларини обод қилиш учун ишлайдилар ва на дин аҳлининг шаъни бўлмиш охиратларини обод қилиш учун уринадилар. Бундайлар вақт неъматига эътиборсизликлари учун икки дунёларини ҳам барбод қилаётганларини билмайдилар. Натижада икки яхшиликдан – дунё ва охират нознеъматларидан маҳрум бўлмоқдалар. Агар буни тушунив, қадрлаб ҳаққини адо этганларида эди, дунёлари учун гёйе абадий яшаб қоладигандек, охиратлари учун эса эртага ўладигандек амал қилган бўлар эдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: “Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунича, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди: бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлиқ даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади”. Азиз фарзандларимиз, эътибор бердингизми, инсон умрининг ҳар бир давридан умумий равишда, ёшлиқ давридан эса ўзига хос шаклда сўралиши айтиляпти. Ёшлиқ – умрининг бир бўлаги, лекин унинг бошқа даврлардан ажратиб турувчи ўзига хос қийматдор тарафи ҳам бор. Ёшлиқ гайрату шижаотга, ўткинчи мақсадларга тўлган даврdir. Ҳамда икки заифлик – гўдаклик ва кексалик орасидаги қувватга тўлган йиллардир.

“Вақт тез ўтади” деймиз күп ҳолларда. Хоҳ шод-хуррамлик ва қувонч билан ўтсин, хоҳ қийин, машақатли бўлсин, у булут тезлигига юриб, шамол тезлигига ўтаверади. Бизга хурсандчилигимиз кунлари бирмунча тезроқ, қайғули кунларимиз секин ва оғир ўтаётгандек туюлади. Лекин инсоннинг ўзига шундай туюлади, холос.

Бу ёруғ дунёда инсон умри қанчалик узун бўлмасин, модомики ўлим ҳар тирикликтининг ниҳояси экан, бас, у қисқадир.

Ўлим пайтида ўзи яшаб ўтган йиллар ва бир-бирига боғлиқ воқеалар лаҳзада тез ёниб-сўнувчи чақмоқ каби қисқа туюлади инсонга. Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ҳақларида ривоят қилишларича, минг йилдан ортиқроқ умр кўрганларидан кейин, у кишининг жонларини олиш учун ўлим фариштаси келиб: “Э пайғамбарларнинг энг узун умр кўргани, сиз дунёни қандай тушундингиз?” – деб сўради. Шунда Нуҳ алайҳиссалом дедилар: “Дунё гўё бир ҳовлининг икки эшиги бўлиб, уларнинг биридан кириб, бошқасидан чиқиб кетдим!”

Бу ривоят ҳаётий ҳақиқат учун бир ибратдир. Ундаги ҳақиқат инсон умрининг ўлим вақтигача аста-аста сўниб боришидир. Шунингдек, Қиёмат бўлганида ҳам инсонга йўқотган ва бой берган нарсаси билдирилганида, у вақтнинг қанчалик тез ва қисқа ўтганини тушуниб етади. Туғилмоқ ва ўлмоқ дея аталмиш икки манзилнинг ўртасида сарсон қолган инсон идроки, дунёга тааллуқли ҳақиқий қонун-қоидалар билан бошқарилмаса, бу нисбий оламдан ҳақиқий Ватанга маънавий йўл топиб бўлмайди. Кишининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто ҳар бир нафаси фазилатли амалларга бағишланиши керак. Таъбир жоиз бўлса, вақт намланган совунга ўхшайди. Уни қўлда тутиб туриш жуда қийин. Сирғалиб, тушиб кетаверади.

Ўтган вақтнинг ортга қайтмаслиги ва ўрнига алмашмаслигини англамайдиган одам йўқ. Ҳар бир кун ўз якунини, ҳар бир соат ҳам ўз ниҳоясини топади. Кунни, со-

атни ҳатто лаҳзани қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмаган. Отилган ўқ изига қайтмаганидек, умр ҳам изига қайтмайди. Утган вақтнинг ўрнини келаётгани босмайди. Бой берилган вақти ўрнини тўлдириб, хотиржам яшаётган инсонни ким кўрган? Ортга қайтиш, вақт чизигидан илгарилаш ёки ўтмишга саёҳат қилиш фақат фантастик асарлардагина учрайди. Аслида эса бу ақлга сифадиган нарса эмас. Ҳасан Басрийнинг ажойиб ҳикматлари бор: “Ҳар бир тонг ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қиласди: “Мен янги яратилдим. Ишларингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Кетар эканман, Қиёматга қадар қайтмайман”. Кўп кексаларни учратамиз, улар ёшлик даврларининг яна бир бора қайтишини орзу қиласдилар. Лекин бу амалга ошмайдиган орзу холос. Бунақангি орзуларнинг озию кўпи ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

Вақт инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси эканини ўтмиш донишмандлари кўп таъкидлашган. Модомики, вақт тез ўтувчи ва ортга қайтмас экан ва уни бирон нима билан алмаштириб бўлмас экан, у инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси ва қийматлисиadir. Вақтнинг нафислиги ҳар бир амал ва ишлаб чиқариш учун манба, асос бўлишидир. У ҳаётда хоҳ шахс, хоҳ жамият бўлсин, инсон учун асл сармоя ҳисобланади.

Донолардан бири айтганидек: “У ҳаётдир. Инсон ҳаёти эса унинг туғилган онидан токи вафот онигача яшаб ўтадиган вақтидир”. Бу хусусда Ҳасан Басрий ҳазратлари яна дедиларки: “Э Одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. Сен учун бу куннинг кетиши умрингнинг бир қисми кетиши демакдир”.

Биз туғилган кунларимизни имкон борича дабдаба билан ўтказишга ҳаракат қиласдиган бўлиб қолдик. Албатта, маълум бир ёшга етганимиз учун Яратганга шукур қилишимиз керак. Бироқ, шукур қилиш учун йилда бир марта туғилган кун келишини кутишимиз шарт эмас. Ҳар нафасимиз, ҳар кунимиз учун шукур қилишимиз ло-

зим. Назаримда туғилған кун фақат шодиёнадан иборат эмас. Бу кун инсон умрининг бир йили ўтганига далилдир. Бошқачароқ айтсак, бу дунёдаги ҳаётимиз бир йилга қисқариб, боқий дунёга ўтишимиз яна бир йилга яқинлашди, демак. Абу Али Даққоқ айтганларидай, “ҳар бир кун менинг бир қисмимни олиб, ўтиб кетади. Қалба ҳасрат қолдириб, ўзи бедор кетади”... Шодликка, тантанага ажратилған соатларнинг озгина қисмини фикрлашга ажратсак ёмон бўлмас эди. Фикрлаш чофида Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ҳазратларининг бу гапларига дикқат қилишни тавсия этамиз: “Мен бир куннинг қуёши ботиб, ажалим билан орамиздаги масофа қисқариб, ўша кунлик яхши ишларим кўпаймаганига қилган пушаймонимдек қаттиқ пушаймон қилмадим!.. Агар кун ўтган ва мен ўзимни Аллоҳ таолога яқин қиласиган илмимни зиёда қилмаган бўлсан, шу куннинг чиққан қуёши мен учун баракали бўлмагандир”.

Инсон умри давомида кўп пушаймонлар ейди. Айрим ҳолларда пушаймон туфайли тавба қилиб, тўғри йўлга тушиб олади. Лекин икки ҳолда унинг пушаймони асқотмайди. Биринчиси – жон бериш, охират остонасидан ўтиш пайтидаги пушаймони. Инсон охират сари юзланган маҳалда унга яна бир оз муҳлат берилишини ёки йўқотган нарсасини тўғрилаб, бузганини тузатиб олиш учун озгинагина вақтнинг ортга қайтарилишини орзу қиласи. Лекин, бу иложсиз бир нарса!

Иккинчиси – охират диёрига кўчилганида ҳар бир жон амалига яраша мукофот аниб ёки жазоланиб, жаннатийлар жаннатга, дўзахий тар дўзахга киритилган бир пайтда дўзахийлар дунё ҳастига яна бир бор қайтишни, ҳаётларини янгидан бошлаб, яхши амаллар қилишни хоҳлаб қоладилар. Бироқ улар истаётган нарса ҳақиқатдан нақадар узоқ! Чунки у вақтда муҳлат замони тугалланиб, ҳисоб бериш замони келган бўлади.

Аҳли дониш “Манфурликнинг аломати вақтни зое кетказишидир”, деб таъкидлашган. Ва яна: “Вақт бир қиличдир, гар сен уни кесмасанг, у сени кесади!” дейишган. Демак, бу қиличга ҳоким бўлиш учун моҳирлик талаб этилади. Бу қилични яхши ишлата билиш, аҳамиятли нарсаларни олиб, аҳамиятсизларини четда қолдириш лозим. Бу эса ҳақиқатни англаб етган ақл билан бўлади. Вақтни қадрлашнинг энг синалган йўли – яхши ишларни бажаришга интилиш ва шошилишдир.

Биз бу фазилатни эгаллашда вақтнинг қадрига ета олган олимлар ҳаётидан ўrnak олсак арзиди. Бундай олимлар ўzlари турган мавқедан яна ҳам гўзалроқ дараҷага интилганлар. Шу жиҳатдан уларнинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан афзалроқ бўлар эди. Бу хусусда улардан бири: “Кимнинг бугуни кечаги каби бўлса, у алдангандир ва кимнинг бугуни кечагисидан ёмон бўлса, у лаънатлангандир”, деган эди. Улар вақтларини манфатли илм таҳсил қилишга, фойдали ишларга ё нафс тарбияси ёки бошқаларга фойда келтиришга ишлатишларидан ташқари, бирор кунни ёки ярим кунни ва ё қисқа муддатни бўлсин, беҳуда сарф этишдан қизғанишар эди. Токи ўzlари сезмай қолиб, умрлари бўш ишларга сарф бўлиб, гарду ғуборга, кўпикка айланиб кетмасин. Ўтаеттган ҳар бир кунни ҳам ўзи учун ва ҳам атрофидагилар учун илм, маърифат, иймон ҳамда эзгуликларни юксалтиришда фойдаланмасликни улар Аллоҳ таоло неъматига ношукурлик ва вақтга ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисоблашар эди.

Фалак ва Ер тинмай айланар экан, инсонлар ҳолати ҳам енгиллик ва қийинчиллик, бойлик ва камбағаллик, саломатлик ва хасталик, хурсандчилик ва маҳзунлик, мashaққат ва роҳат орасида айланаверади. Булар ақли бор кимсаларга бир дарс, қалби борларга панду насиҳат, басират эгаларига ибратдир. Аммо ақл эгалари тафаккурдан, қалб эгалари шуурдан, басират эгалари ибрат назаридан маҳрум бўлсалар, улар учун кеча ва кун-

дузнинг алмашинуви ҳеч қандай маъно касб этмайди. Вақт – олий муаллимдир. Аммо, не кўргиликки, у барча ўқувчиларини ҳалок қилади. Ҳа, вақт чиндан ҳам кес-кир қиличдир, у ҳеч нарсага қарамай ўтади-кетади. Ин-сон эсавой-войлаганича қолаверади. Бизнинг “вақт ўтмоқда” деган ўйимизда андак хатолик бор, вақт эмас, ўзимиз ўтиб боряпмиз.

Азизлар, агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини ҳис эта олса, ишонингки, у одам умри-ни роҳат ва фарогатда кечиради. Вақт нақд олтиндир, уни зое этганларнинг бозор айланиб, бўш қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга диққат қилиш шарт. “Молу пулинг кетса кетсин, бироқ, вақтинг зое кетмасин” дейдилар. Вақтни фойдали ишларга сарф этишни билган киши молу дунёсини ҳам керакли жой-ларга сарфлашни билади ва саодат йўлида унга тўсиқ-лар бўлмайди.

* * *

Бироннинг дилини оғритиш нақадар осон!
Бироннинг дилини оғритиш нақадар оғир!
Бироннинг дилини оғритиш нақадар гуноҳ!
Ҳар бир оғритилган дил эвазига Қиёматда оловли тош-лар тайёрланиб, дилозор дўзахда кутиб олинармикин?
Аллоҳ билгувчиидир...

Аллоҳ битта! Ҳақиқат ҳам битта. Фақат Аллоҳнинг мавжудлиги, қодирлиги... ҳақиқидаги тушунчалар ҳар хил. Дунё динлараро зиддиятдан эмас, тушунчалараро қара-ма-қаршиликдан иборат. Инсоннинг адашишлари ҳам шундан келиб чиқади. Аслида дин янглиш тушунчаларни тузатиш учун нозил қилингган. Одамзотнинг янглиш ва хато тушунчаларни англаб етиши ниҳоятда оғир. Дунё ўшандай ўжар одамларнинг юкига чидай олмай тўлғонади.

Дунёда уч жумбоқ бор эмиш: бири – ўлим, иккинчиси осмон сирлари. Ечмоқса одам зотининг тиши ўтмайдиган, тишни синдирадиган учинчи жумбоқ эса, аёл муҳабати экан.

Ҳакимлардан бири ёш ва гўзал бир аёлни имтиҳон этиш учун бундай дебдилар:

– Сендай гўзал бир аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас.

Бу гўзалнинг эри чиндан ҳам хунук, бу ҳам камлик қилгандай ҳамиша кир юрадиган, нохуш одам эди. Гўзал хотин уламонинг гапига бу гўзал жавобни берди:

– Эй Ҳаким! Сиз кўп янгиш сўзладингиз! Гапингиз тўғри эмас. Бундай сўзларни сиздай одамдан эшлиб кўп ранжидим. Чунки эримнинг Аллоҳ таоло олдида бир савоби борлигидан бўлса керак, мени ул савобга нисбатан бир мукофот ўлароқ насиб этгандир. Балки мен бирор иш қилган бўлишим мумкин. Ҳақ таоло бу гуноҳимнинг жазоси сифатида мени унга бергандир. Жаноби Ҳақнинг берган тақдирига рози бўлиш керак.

Бу жавобдан мамнун бўлган ул олим гўзал аёлга дебди:

– Болажоним, мен сени диндор ва ақлли бир аёл эканлигинги сезган эдим. Шунинг учун имтиҳон қилиб кўрайин, деган эдим. Қизим, аёлларда жаннатга кириш учун энг буюк нишон – аломат эрларининг ёмон феълларига сабр қилмоқдир. Бу сабр уларни жаннатга олиб боради. Жаннатий солиҳа аёлнинг нишони ва аломати эритга итоат этмоғи, эрининг хотирини хуш тутиши, эри йўқлигига хайр-дуо этмоғи ва эрининг мол-мулкини сақлаб, эҳтиёт қилмоғи каби хусусиятлардан иборатдир. Менинг бу айтганларим солиҳа аёлнинг жаннатга кириши учун бир нишондир.

Бир куни ҳазрат Умарнинг (р.а.) ҳузурларига бир хотин эри билан бошлашиб келди-да, эрини кўрсатиб:

– Ё Амирал мўъминин! Бу киши менинг эrim бўладилар. У билан қурган турмушимизни ўйлаб кўрдим. Уч ойдирки, тотув яшаш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Аммо эrimда рағбат кўрмадим. Уч ой давомидаги турмушимиздан бир нарсага ақлим етди: биз бир-биrimизни тушуна олмас эканмиз, шунинг учун ажрашамиз.

Ҳазрати Умар (р.а.) қархисида индамай турган одамдан сўрадилар:

– Сен нима дейсан?

– Ё Амирал мўъминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен ажралишни истамайман, – деди эр.

Ҳазрати Умар эрнинг ранг-рўйи, кийим-бошига қараб аҳволни яхши тушундилар.

– Сен ҳозир уйингга кетгин-да, бир оздан кейин келгин. Унгача биз эринг билан суҳбатлашиб оламиз.

Хотин кетгач, ҳазрати Умар у одамни ҳаммомга олиб боришни, ювинтириб, тоза кийимлар кийинтиришни буюрдилар. Эркак покиза бир ҳолга келтирилди. Пича вақт ўтгач, хотин келиб башанг кийимдаги озода эрини кўриб, қувониб кетди. У ажрашиш ҳақидаги аҳдини ҳам унубтиб, эрини бошлаб уйига кетди. Мўъминларнинг халифаси ҳазрати Умар (р.а.) шу ерда ҳозир бўлганларга қараб дедилар:

– Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни яхши ва покиза кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган бир ҳолда кўришни истайдилар.

«Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши ҳақиқатан баҳтиёрdir. Агар хотининг иффатли, номусли, очиқ юзли ва шириңсўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, яна ҳурмат қил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас,

эркакларга ҳам махсусдир. Эр ва хотин ҳамжиҳат ва ҳамфикар бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлди, демакдир», дейдилар. Машоийхлар дерларким: «Хотин пок ниҳод (тоза табиатли) ва пок дил бўлсун; кадбону (ишchan уй бекаси) эрига дўст бўлғай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлағувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Агар хотининг хўбрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам ихтиёригни унга буткул бермағил ва унинг ҳукми остиға кирмағил. Нединким, Искандарга дебдурлар: «Доронинг қизин нима учун олиб хотин қилмассан, бағоят хушрўйдир?» Искандар деди: «Жаҳон ҳалқиға ғолибман, энди бир хотинга мағлуб бўлсан, кўп ёмон кўринур».

Эрининг сўзига қулоқ солган, Аллоҳ амрини адо этган хотин фақирни (камбағални) подшоҳ қиласиди. Кимнингки кўнгил ҳабибаси бўлган аёли, хонадонининг бекаси ўзига уйғун ва мос бўлса, ўша одам энг бахтиёр кимсадир. Ҳар куни тонг отгандан то оқшомгача ишда банд, узун тун бедорлик билан ўтса-ю аммо ёнингда кўнглингни овловчи, сенга тасалли берувчи, қийинчилик ва машаққатингга шерик, дардингни оловчи бир аёл – беканг бўлса, бу дунё ташвишларидан сира қўрқмасанг ҳам бўлаверади. Кимнингки уйи маъмур, ёстиқдоши уни жондан севувчи экан, демак, Жаноби Ҳақ ўша қулига раҳмат назари билан қарайапти экан. У одам Аллоҳнинг лутфига эришган бахтиёрлардан экан. Диққат қиляпсизми, ҳаёт қонуни асли шу – Аллоҳни, Пайғамбарни таниган хотин эрга итоат этади, бундай хотин эрнинг бошига бахт тожини кийдирувчиидир.

*Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни,
Сучук лафзи билан шод этса эрни.*

Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари демоқчиларким: яхши хотин беҳуда сўзларни айтишни билмас. Аммо ширин сўзлари билан эрини шод қилур.

*Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,
Уни чиқмас, ани айттурга бир кун.*

Дейилмоқчиким: агар хотин яхши бўлса, эрининг уйида ўн йил давомида ун бўлмаса, бирор га ҳеч вақт ун йўқ, деб ун (товуш) чиқармас, шикоят қилмас.

Ровийлар дерларким, фақир бир одам уйланиб, ўғил фарзанд кўрди. У ўғлини бағоят севар эди. Бола тиш чиқара бошлагач, ота нолиб қолди:

– Қара, тишлари чиқиб қолди. Энди овқат ейишни хоҳлайди. Энди мен унга овқатни қайдан топиб келаман?

Эрининг ақлини, дидини билган солиҳа хотин уни шундай деб юпатди:

– Эй менинг соддагинам, тушунчаси нуқсонли эргинам. Сиз кўпам васваса қиласверманг. Фарзандимизга тишни Аллоҳ берган, унга овқатни ҳам Ўзи беради. Бутун оламга ризқ берган Жаноби Ҳақ қодирдир. Гўдаклар, чақалоқларнинг ҳам ризқини беради. Сиз ташвиш қилманг!

Чиндан ҳам чақалоқларга она қорнида сурат ва шакл берган Аллоҳ уларнинг ризқларини, умрларини ҳам берадир. Агар аёл солиҳа эмас, бу ҳақиқатдан узоқ бўлганида эди шаддодлик ёки қўполлик билан «Сиз отасиз, топиб келиш бурчингиз», деб дилини хира қилиши тайин эди.

Чўпоннинг солиҳа, фаросатли хотинига ҳамма ҳавас қиласади. Ҳамма шу чўпонни «энг баҳтли одам» деб таърифларди. Қишлоқда кимки хотини билан келишолмай

қолса: «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дерди. Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолган қишлоқ оғаси ҳам шундай деди. Хотин «Мен кимману чўпоннинг хотини ким! Ундан нимани ўрганаардим!» деди. Кейин «бу хотинни ҳамма мақтайди бир бориб кўрайинчи», деб қизиқиб йўлга чиқди. Борса, чўпон хотини ҳовлидаги идишда турган сувдан олиб ичаётган экан. Қишлоқ оғасининг хотини чанқаган эди, «шу сувдан ичайин», деб сўради. «Хўп, – деди чўпон хотини, – сизга ҳозир ичкаридан муздай сув олиб чиқаман, бу илиб қолган».

– Ичкарида муздай сув бўлса, ўзингиз нима учун бу илиган сувдан ичяпсиз? – деб ажабланди оғанинг хотини.

– Хоним, эрим бу онларда далада, жазирамада юрибдилар. Мешларидағи сув қуёш нурида илиб қолгандир. Эрим у ёқда илиган сув иссалар-у мен бу ерда муздекроҳатбаш сув исчам, меҳрибон хотинлигим қаерда қолди!

Бундай фаросат эгасини ҳар бир эр орзу қиласи. Бу баҳтиёрликдир. Бундай баҳт мол-мулк, бойлик, давлат-мандлик, хонлик, беклик ёки ўқиган, катта мартаба соҳиби бўлиш билан қўлга киритиладиган давлат эмас. Баъзан икки карра иккенинг тўртлигини билмайдиган одам илмли, фаросатли, оқила аёлга эр бўлади. Ҳудди шу ҳикоядаги чўпон каби! Инсон мол-мулк топа олади. Қўлидан ҳар нарса келади. Аммо яхши аёл қўлда ясад оладиган неъмат эмас. Аллоҳ кимга солиҳа бир хотин берган бўлса, ул одамга, ул қулига барча эзгуликларни, хайрли нарсаларни ўзида мужассам қилган неъматни берганидир. Агар кимгадир кўнглидаги бир аёлни бермаган экан, у қанчалик бадавлат бўлмасин, қаидай мартабага эришмасин ва мақсадига етмасин, бу одам бари-бир фақир ва заволлидир. Чунки унинг кўнглидаги хоними йўқдир. Демоқчимизким, яхши хотинни истаган эр аввало Аллоҳ ҳузурида бу неъматга арзийдиган солиҳ банда мартабасига етсин. Оддий ҳақиқатни ўйлаб кўрайлик: ёмонликлари туфайли дўзахга лойиқ бандасига Аллоҳ бу дунёning жаннатинираво кўрармикин?

Яхши хотинга эга биродарларимизнинг айримлари баъзан хотинларини бирон бир даврада мақтаб қўядилар. Билмайдиларки, хотинни мақташ одобдан эмас, чунки одатда сотилгувчи нарса мақталади. Бир янги уйланган йигит тақдиридан қувониб, мақтанибди:

– Амаки, келинингиз шундай назокатли, фаросатли-ки, сиз билмайсиз.

Амакиси жиянига насиҳат қилиб ўтирумай, оқшомда меҳмон бўлиб боришни тайинлабди.

Жияни ташриф буюргач, амаки хотинига тарвуз олиб келишни буюрибди. Хотин олиб келибди. Амаки тарвузни кўриб: «Буниси яхши эмас, бошқасини олиб кел», дебди. Хотин итоат билан иккинчисини олиб келибди. Шу тарзда эрнинг хоҳишига қараб ўн марта бошқа тарвузга қатнабди. Аммо лом-мим демабди. Жияннинг таклифи билан эртасига амаки меҳмонга борибди. Жиян ҳам хотинига тарвуз келтиришни буюрибди. Биринчи тарвузни кўриб: «Бу яхши чиқмайди, бошқасини олиб кел», дебди. Жувон итоат билан иккинчи тарвузни олиб келибди. Жиян бундан мамнун бўлиб, амакисига «кўрдингизми!» дегандай кулиб қарабди-да, «бу ҳам бўлмайди, бошқасини олиб кел», дебди. Учинчи тарвузни ҳам бўлмайдига чиқариб қайтармоқчи бўлганида жувон:

– Нима, бир арава тарвуз тушириб қўйганмисиз, ҳали унисини, ҳали бунисини олиб кел, деяверасиз. Бор-йўғи учта тарвуз бор уйда, ёқмаса туринг-да, яхшини ўзингиз танлаб олинг. Мен танлашни билмайман! – деб норозилигини баён қилибди.

Шунда амаки жиянига деган экан:

– Кўрдингми, болагинам, сен кўпам мақтанавермагин. Менинг уйимда бир донагина тарвуз бор эди. Хотиним яхши феълли, фаросатли бўлгани учун менга эътиroz билдирмай ўша битта тарвузни ўн марта олиб келди. Лекин бирон марта итоатсизлик билан гап қайтармади, лабини ҳам бурмади.

*Сириң фош айламас, гар гамда бўлсун,
Агар танг бўлса, айтур: «Бўлса – бўлсун».*

Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари демоқчиларким: яхши хотин ўзи аламда бўлса ҳам, эрнинг сириң асло фош айламас. Агар рўзгори танглика қолганини бирор айтса, эслатса ҳам «бўлса бўлар, эртага Худо бериб қолар», дейишдан ўзга сўз айтмас.

*Агар заннинг мунингдек бўлса хишити,
Ани дегил бу дунёning беҳишити.*

Дейилмоқчиким: агар хотиннинг сифати юқорида баён қилинганидек бўлса, ул хотинни бу дунёning жаннати бил.

*Иликка тушса мундог нозанин гул,
Дегил бу сандадур бўсанда, ман – қул.*

Дейилмоқчиким: Аллоҳ таоло насиб айлаб, шундай хотин қўлингга тушса, нимаики сириң бўлса, яширмай айтишинг мумкин ва уни қучиб, бўса олиб «қулингман сенинг» десанг ҳам арзиди.

Бундай фазилатли аёллар ҳар бир эрнинг орзусидир. Айни чоқда яхши фазилатли эрлар ҳар қандай аёлнинг орзусидир. Яъни, ақлли хотинни орзу қилмиш эрнинг ўзи ҳам ақлли бўлмоғи шарт. Вафони талаб қилувчи эрнинг ўзи аввало вафоли бўлсин. Аллоҳ ҳар бир эркакка ўзига яраша қизни насиб этади. Диққат қилайлик: ақлли одамга камдан-кам ҳолларда аҳмоқ хотин дуч келади. Чунки, ақлли йигит дуч келган қизга уйланавермайди. Фақат қош-кўзларига эмас, гап-сўзларига, одоб-ахлоқига эътибор беради. Эр-хотиннинг ақл-заковати, феъли, зеҳни-фаросати орасида кескин фарқ бўлмаса, уларнинг турмушлари яхши кечади. Бир-бирларини тушунишлари осон бўлади. Улуғлардан шундай панд-насиҳат бор: «Хо-

тин олсанг улуг салоҳлиф (яхши) хонадондин хотин та-
лаб қилғил. Ҳар турлик авбошнинг қизин олмағил, не-
динким, хотинни уйнинг кадбонлиғи учун олурлар, шаҳ-
ват учун олмаслар. Хотин камолга етғон, оқила бўлғон,
онасининг кадбонлиғин (сариштали уй бекаси эканини)
кўрғон ва билғон бўлсун. Агар бундай нозанин қўлинг-
га тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб
уни олғил».

Бир йигит гўзал ва оқила қизга ошиқ бўлиб қолди.
Қизнинг ҳам унда кўнгли бор эди, унаштириб қўйилди-
лар. Аммо тўйдан аввал қиз хасталикка чалинди, юзла-
рига чечакка ўшаган нимадир тошиб кетди, табиблар
унинг чорасини қила олмадилар. Оқибатда қиз аввалги
гўзаллигини йўқотди ва йигитга турмушга чиқиш аҳди-
дан қайтди, ўзини дунёдан ёлғиз ўтишга ҳукм қилди. Ит-
тифоқо йигит ҳам касалликка чалиниб, бир неча кун
қимиirlамай ётди. Кейин оёққа турди-ю, бироқ кўзлари
ожиз бўлиб қолди. Йигит қизга уйланиш аҳдидан қайт-
мади. Қиз ҳам ноилож кўнди. Икковлари шу тарзда анча
йил баҳтиёр умр кўрдилар. Вақти-соати келиб, аёл ва-
фот этди. Унинг жанозасидан кейин эрнинг кўзлари кўр
эмаслиги маълум бўлди. Бу ривоятдан мурод – оила баҳ-
ти учун эр ҳам фидойи бўлмоғи керак.

* * *

У адолатни талаб қилди. Ундан пора талаб қилинди.
Мураккаб бўлмаган дунёning мураккаб бўлмаган алам-
ли фалсафаси шу эрур.

Одамнинг ҳақ йўлда бўлиши унча мураккаб масала
эмас. Ҳақ йўлда эканига бошқаларни ишонтира олиши
мушкулроқ.

Бошқача айтганда, ҳақиқатни англаш, билиш, тушунниб етиш қийин эмас, Ҳақиқатни бошқаларга тушунтириш, англатиш қийинроқ.

Виждан билан муроса қилиш мумкинми? Ёки виждона шак-шубҳасиз итоат этиш шартми? Виждонанинг дарражалари борми? Виждан мутлақ покми? Виждан ифлос бўлиши мумкинми? Ифлосликни виждан дейиш мумкинми?

Булар саволлар, мулоҳазалар эмас. Бу саволлар тўғри жавобларга муҳтож.

Ақл билан юрак бир хил иш билан машғул бўлса, вақт ўтгани билинмайди, иссиқ, оч-наҳорлик, ташналиқ таъсир қилмайди. Донишманд дебдиким: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндор, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!» Фикр ақлнинг кўзгусидир. Ақл билан иш кўрувчи одамни «ақлли» деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагини баъзан «аҳмоқ», баъзан юмшоқроқ тарзда «ақлсиз» ёки «эси паст» ёки «эси йўқ» деб қўянимиз. Аҳмоқ билан ақлсизнинг (эси паст, эси йўқнинг) мавқеи бирми? Йўқ. Ақлсиз, эси паст, эси йўқ – одамнинг табиий камчилиги. Айб ҳам, гуноҳ ҳам эмас. У табиатан ақлсиз яралган. Одамнинг жисмоний қуввати турлича бўлганидек, ақл қуввати ҳам ҳар хиллар. Агар бир одам ақлсизлиги туғайли бирон айб иш қилса, айтайлик бирорни сўкса, унинг бу иши узрли. Агар ақли бутун бўла туриб айнан шу ишни қилса, уни «аҳмоқ» деймиз.

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса “Калила ва Димна”да ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат, деб белгиланган. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр,

назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ – адолатга тегишли. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқеъ ҳам уни гангитиб қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофига ўзини қувонтирумайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас, туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраранинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу уқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ақли ҳукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган куни ўзини фалокатга отган бўлади. Ақлсиз бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири – табиий, онадан туфма бўлади; иккинчиси – касбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёғочга ўт қўйилмаса ёнмайди. Шунга ўхашаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса, ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идрокини камолга еказади, деганлар.

Ҳақиқий ақллилик илоҳий амрга итоат қилиш бўлиб, асл истиқбол айнан шу итоатдадир. Бу айни замонда абадий ҳаётга жиддий ҳозирлик кўриш ҳамдир. Инсон ақли турли кўринишларда намоён бўлади: назокатли ва мулоийим муомалада; ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда; одил шоҳларга риоя қилиб, уларнинг орзу-истакларини амалга оширишда; ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдиримасликни билишда, яъниким, ақлсиз-

нинг сири бўлмайди, ҳар нарсаси тилида туради; ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда; шоҳлар саройида эҳтиёт бўлиб, сарой аҳлига ширин тил билан муомала қила билишда; тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда; мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда.

✓ Ақлли одам қиласидиган ишининг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қаерга боражагини йўлга чиқишидан аввал билиши шарт. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқасига йўлиқмайди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учун ҳам одамга ақл берилган, шундай эмасми? Куч – ақлда. Ақлсиз бош – бамисоли шамсиз шамдон, дейдилар. Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшаркан. Дараҳт соғлом ва серҳосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишидан бошқа нарсага арзимайди.

Биламизким, инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қийматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти гўзал кўз ёки бежирим қулоқ билан эмас, балки ақлу заковат, маънавият ва қувваи ҳофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, Аллоҳнинг инсонга тақдим этган буюк неъматидир. Миядаги кичкина бир иллат туфайли киши телбага айланади, ҳайвонлар қилмаган ишларни қиласиди. Инсоният ҳануз бу сирнинг тагига етолгани йўқ. Ҳаётни йўқдан бор қилган Холиқи Зулжалол ҳамма нарсани гўзал интизом билан яратган. Бунинг қадру қийматини англамаган кимса нодондир. Аллоҳ таолонинг куч-қудратини ҳар бир одам ақли ва қалби билан танимоги ва белгилаб берган ҳудудларидан четга чиқмаслиги лозимлигини бир нафас ҳам унутмаслик даркор!

Ҳазрат Навоий ақлни гавҳарга қиёслаганлар ва де-
ғандар-ки:

«Гавҳар балчиққа тушгани билан қиймати камаймас.
Эшакмунчоқ тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас
ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас.

*Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки эрур йамон лиқолиг.
Ҳар неча қоронгу бўлса ҳуёкра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиг».*

Дейилмоқчиким: қиз агар хунук бўлса, безак билан
чирой топа олмайди. Ҳужра ҳар қанча қоронғи бўлса
ҳам, шамнинг равшан нурини бўға олмайди, аксинча,
қоронғи ҳужрада шамнинг нури қадрлироқ бўлади.

Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл туфайли ях-
шилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун
ихтиёrimизни хайрга сарф этиш – ақлимиз қўлидадир.
Киши молсизликдан қашшоқ бўлса-да, ақлдан бой
бўлишга тинмай интилиши керак. Чунки мол билан бой
бўлгандан ақлан бой бўлган афзалроқдир. Ақл билан мол
тўпласа бўлади, мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан ҳуррам ва
шодликда ўтказади. Нодон киши ҳисобсиз молу давлат
билан доимо ғам-алам тортиб, саргардонлик билан кун
кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақл-
га боғлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улуғ ва
муҳтарамдир. Ақл – нафснинг зинدونи, ҳою ҳавас эса
оромгоҳи ҳисобланади. Ҳою ҳавас турли хил иштиёқ ва
орзуларни нафс олдига туҳфа қилиб олиб келади. Аммо
бу беҳуда ҳавасларни АҚЛ ман қилади. Демак, кишининг
нафси ҳою ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир.
Шунинг учун оқил инсон нафс кўйига кирмай, ақл садо-
сига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши

бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этганки, бу ҳам бизлар учун ибратдир. Алломаларнинг бу гўзал фикрига диққат қилинг-а:

Бадан – нафс ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса, ўлканинг ёритувчи фонусидир. Ақл – уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг миршаблари дир. Ғазаб инсонга тўғри йўлни кўрсатаётгандек туюладиган, аслида эса, ёмонлик ва тузоқ ҳозирлаб қўйган қулдир. У аввал насиҳат қилиб турди, кейин ўлдирди. Қалбни оқкўнгил вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги ҳаё қўриқчи мисолдир. Ақл ўртасида эса, фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса, ақлнинг орқа қисмida жойлашган. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчилари дир. Уларнинг ҳар бирiga муайян вазифа топширилган. Кўз ранглар оламида, қулоқ овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли вазифаларни бажаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хабар манбаидир. Улар ўzlари билган нарсани нафсга етказадиган эшикбон сингаридирлар. Подшоҳ мартабасидаги Қалб дуруст бўлса, қўл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бўлса, қўл остидагилар ҳам шундай бўлади. Қалб кин, ғазаб, сабрсизлик, ҳирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бўлмаслик каби ботиний хасталиклардан фориғ бўлсагина нажот топиб, ҳаловатга эришади.

Ақл – Аллоҳ берган энг буюк инъом. У бизни эҳтиросларимиз ва нуқсонларимиздан баланд тутибгина қолмай, фазилатларимиз, истеъдод ва эзгуликларимиздан мақсадга мувофиқ фойдаланишда ёрдам беради. Зоро, ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими – бор ақлни ишлатса билиш керак. Донолар орасида: «айримларда ақл зўриқиши туфайли барбод бўлади. Аксарият инсонларда эса ишлатилмаганидан могоялаб кетади», деган гап ҳам

бор. Ҳаётда чарчаш туфайли барбод бўлишни кам учратамиз, аксинча, ақлнинг моғорлаб кетгани кўп учрайди. Баъзи одамларда ақл бутун умри давомида ташландиқ ер каби қаровсиз қолаверади. Ҳолбуки, ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, «нима учун?» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, кутилмаган ҳолатларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш қудратига эга. Шу туфайли инсон танасидаги соғлом ақл энг кичик вужудда жамулжам бўлган бемиқёс буюклик саналади.

* * *

Абадийлик надир? Бир, ўн, минг йилми ёки минг карпа минг йилми? Ёки чексизликми?

Донишманндан «айтинг, абадият нимадир?» деб сўрашибди. У зоти бобаракот шундай жавоб қилган эканлар: «Мен мангуликни билмайман, аммо бир онини тасаввур қила оламан. Агар сиз ҳам тасаввур этмоқни истасангиз, ана, Ойни кўряпсизми, турган ерингиздан то ўша Ойга қадар бир олмос устун бунёд этинг. Сўнг тасаввур этингким, бир қуш ҳар куни учиб келиб тумшуғини шу олмос устунга артяпти. Шу артиши билан устунни у билинар билинмас бўлса-да, емиради. Шундай тарзда қушнинг олмос устунни емириб битиришига кетган вақт абадиятнинг бир лаҳзаси бўлади».

* * *

Агар биз учун иш биринчи даражали, иш ҳақи эса иккинчи даражали бўлса, у ҳолда бизнинг жанобимиз меҳнат ва бу меҳнатни яратувчиси – Худодир. Агарчи иш биз учун иккинчи даражали, иш ҳақи эса ундан муҳимроқ бўлса, у ҳолда биз иш ҳақи қулидирмиз. Иш ҳақининг яратувчиси эса Худо эмас, шайтон алайҳилаънадир. Шайтонларнинг ҳам энг тубанидир.

* * *

Донишманд дебдики: ҳар қандай яхши қонуннинг муқаддимаси, шунингдек, хотимаси ҳам шундан иборатким, ҳар бир инсон бир бурда нонини яхши меҳнати билан топа олсин ва айни чоқда меҳнатига лойиқ яхши нон ола олсин.

* * *

Ҳикматларнинг мағзини англашга интилсак, англганларимизга амал қилсак, ҳаётимиз янада гўзаллашади. “Яхши ният – ярим мол”, деган мақол кўпчиликка маълум. Хўп, қолган ярми нима? Шубҳасиз – меҳнат. Агар ният билан меҳнат қовушмас экан, турмушроҳати туғилмайди. Ҳар бир иш хайрли ният билан бошланмоғи керак. Ният қилиндими, энди унинг хайрли оқибати учун файрат қилингани керак. Ялқовлик билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди. ✓

Бир ялқов иккинчисига: “Фил бўлгим келяпти, фил хартуми билан овқатни олиб, шошилмай ейди, хартумини қаёққа узатса ҳам етади”, деса, униси эътиroz билдирибди: “Нимани орзу қилишни ҳам билмайсан, илон бўлган яхши. Илон ётганича овқат еяверади...”

Катталар ёшлардан норози бўлганларида уларни кўпроқ дангасаликда айблайдилар. Оддий ҳақиқат шуки, ялқов қурувчи қандай бино қуриши мумкин? Ялқов ёшлар кўркам оила саройини қандай қурадилар? Таъбир жоиз бўлса, ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар: зорлик ва бадбаҳтлик. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Таңбаллик, файратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби балоларнинг ҳаммаси эринчоқлиқдан келиб чиқади. Кайковуснинг: “Ялқовлик тани ишдан чиқаришдир. Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунишни ўргат” деган ҳикматини Муҳаммад Заҳирий Самарқандийнинг бу фикри қувватлади: “Модомики, бегамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат

қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсусла-
ниш бемаъни ва бефойдадир”.

Икки ялқов ётган жойга ўт тушди. Ўринларидан ту-
риб қочишга ҳам эриндилар. Олов тили оёқларига етга-
нида бири “Э, Худо!” деб зорланиб қўйди. Иккинчиси
шундай дейишга ҳам эриниб, шеригидан илтимос қилди:
“Мен учун ҳам “Худо” деб қўйгин...”

Бу латифалардаги воқеаларни ҳаётда учратмаймиз-
ми? Бундан баттарларига ҳам дуч келамиз. Афсуски,
ардоқли ёшларимиз замон ялқов одамларнинг беомон
душмани эканини етарли тушунмайдилар. Танбаллик ва
фаоллик икки йўлдир, унинг бири эл нафрatiга дучор
қилади, иккинчиси эл ҳурматига сазовор этади. Набий
муҳтарам дедилар: “Танбаллик, дангасалик қалбни тош
қотиради, қаттиқ қилади, қорайтиради”. “Камбағаллик
айб эмас”, деган мақол бор. Агар бу камбағаллик данга-
салик оқибатида бўлса, фоят улуғ айбdir. Мирзо Бедил
ҳазратлари ёздилар: “ишизлик хирмонидан бошоқ те-
риб юрганлар, яъни ялқовликлари, дангасаликлари ту-
файли тиланиб юрганлар, албатта, хўрлик чекдилар.
Булар тиришмоқлиқдан кечгани, дангасаликлари кучай-
гани сайин ҳирслари ортиб, ҳасадлари тобора ўса бора-
дир”.

Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик – муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Ҳа, бу ка-
саллик танбалликнинг ҳосилидир. Ҳасталикнинг оқиба-
ти нима бўлиши эса маълум: агар ўхшатиш қўпол туюл-
маса – танбаллик ўлимнинг бир туридир. Инсон бу ўлим
туфайли ҳамма нарсани йўқотади. Ялқовлик – эрксиз-
ликдир. Киши инсонларга юқ бўлган куни эркини йўқо-
тади. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маъюс яша-
ши шу ялқовлик, файратсизлик натижасидир. Ҳақиқат
шуки, ҳали ҳеч ким муваффақият нарвонига қўлинни
чўнтағига суқиб чиқмаган. Танбаллик ҳеч бир одамга
фазилат эмас, лекин олим ва илм толиби дангасалик қилса
янада хунук.

Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юртсира ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бу юртни истаганларича талайдилар, топтайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради. Фақат Ватани эмас, жонидан ҳам маҳрум бўлади. Роҳати, тинчлиги, эрки, ҳурмати, осоишишталиги бир тийинга ҳам арзимас бўлади.

* * *

✓ Билмоқлик ва билимини ќуз-ќуз қилиб кибрланмаслик – маънавий юксаклиқдир. Кам билмоқлик ва ўзни билимдон қилиб кўрсатмоқлик – хасталиқдир! Бу хасталикни англасаккина ундан қутула олмоғимиз мумкин.

«Қутадғу билиг»да баён қилинишича, Кунтуғди Элиг Ўгдулмишдан сўради:

– Киши онасидан доно бўлиб туғиладими ёки муайян бир ёшга етганидан кейин заковатли бўладими?

Ўгдулмиш унга жавоб айтди:

– Эй Элиг! Бу санъатнинг номи – билим ва уқувдир. Одамзот онасидан билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб, тўрга чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим – кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир... Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги шундан.

*Болам тутсин десанг донолик йўлин,
Кичикликдан тегиз билимга қўлин.*

Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади. Заковати ортади. Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди. Уқувли тирикдир, уқувсиз – ўлик. Киши уйга, оддий эмас, қоронфи уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машъал каби унга нур сочади. Шу уйни ёритади. Яъни кишини равшанликка элтади. Тугун тутган ҳар бир иш у туфайли ечилади.

* * *

Масъудликка кўниkmайлик ва маҳлиё бўлмайлик, чунки у ўткинчидир, боқий эмасдир. «Ким масъуддир – ундан ажралмоқликни ўргансин, ким баҳтлидир – қайғурмоқликни ўргансин», деган эканлар.

* * *

Анжумандаги бир киши маърузасида донолик билан дебди:

✓ – Агар хасталансангиз албатта табибга боринг, чунки табибининг ҳам тирикчилиги бор. Табиб сизга дори буюради, сиз бу дорини албатта сотиб олинг, чунки дорифурушнинг ҳам тирикчилиги бор. Аммо сотиб олган бу дорингизни зинҳор ича кўрманг, чунки ўзингизнинг ҳам тирикчилигингиз бор. ✓

Иттифоқо, шу мажлисда гўрков ҳам ўтирган экан, воизнинг кейинги гаплари унга ёқмай шарт ўрнидан туриб дебди:

– Ўша табиб ёзиб берган, дорифурушдан сотиб олган дорингизни албатта ичинг, чунки менинг ҳам тирикчилигим бор.

Алқисса, бу дунёда ҳамманинг тирикчилиги бор. Тирикчилик деб ўзимизни ҳар томонга урамиз, тегирмон тошлари орасидан ўтишдан ҳам тоймаймиз. Кўп ҳолатларда унутамизким, биз таъбир қилувчи тирикчилик ризқ ўлчови билан белгилаб қўйилган. Бу белги чегарасидан ўтиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадиким: «Эй Одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризқقا қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам мақтов оласан. Бордию бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан».

Дунёда хижолат бўлиб қолаётгандарни кўриб туриб-миз.

Аслида одамзотнинг яшамоги учун жуда оз нарса кепрек.

Хорун ар-Рашиддан сўрабдиларким: «Эй подшоҳим, тасаввур қилғилким, саҳрода ёлғиз қолиб ташналиқдан азоб чекяпсан. Сенга бир қултум сув инъом этдилар, эвазига нима берар эдинг?» Хорун ар-Рашид жавоб қилдики: «Хазинамнинг ярмисини берардим». Яна сўрадиларким: «Эй подшоҳим, ичга кирган бу бир қултум сувнинг чиқиб кетмоғи ҳам бор. Чиқиб кетмоғи учун нимани бағишилар эдинг?» Хорун ар-Рашид жавоб қилдиким: «Хазинамнинг қолган ярмини баҳш этгум». Шунда донолар дедиларким: «У ҳолда барча бойлигингнинг қиммати бир қултум сувча экан». Ўйлаб кўрилса, бу оддий ривоят ва фалсафа эмас. Менга айтиб беришган эди: бир киши оғир хасталикка чалинибди. Яқинларини чақириб темир жавонидаги пулларни, тиллаларни олиб ўргага тўкибди-ю, «нима қилсаларинг ҳам мени олиб қолларинг», дебди.

Кишининг ризқи адо бўлгач, тиллалар ёрдам бера олар эканми?

Биз пул топиб, бойиётганимиздан қувонамиз. Билмаймизки, бу бойлик ўзимизга насиб қиласми экан? Муборак Құдсий ҳадисда зикр қилинурким: «Эй Одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг мерос-хўрларга қолади. Ундан емоқ ва ҳузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйнингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай».

Шу ўринда икки ривоятни эсламоқ ҳожати сезилди:

Ривоятнинг биринчиси: Хасис бой кам еб, кам ичиб, ҳатто оиласи ризқини ҳам қирқиб катта хазина тўплабди. Ўзининг мўлжалича бойлиги етарли миқдорга етгач

«Ана энди кайфу сафо қилиб яшайман», деб хазиналаридан бирининг эшигини очмоқчи бўлибди – очолмабди. Иккинчиси, учинчисининг эшиги ҳам очилмабди. Шунда у фазабланиб, сўкинаётганда биринчи хазинадан овоз келибди.

– Сен нега эшикни очмоқчи бўляпсан, нега ғазабланяпсан?

– Бу менинг хазинам, очиб, кўнглим истаганча фойдаланмоқчиман, – дебди бой.

– Агар бу бойликлар сеники бўлса не учун шу пайтга қадар фойдаланмадинг? Оилангни ҳам муҳтоҗлиқда сақладинг? Энди бу бойликлар сенга тегишли эмас, булар бағдодлик дурадгор Назарга аталган. Истасанг, синаб кўр, – деган овоз билан эшиклар очилибди.

Бой «Агар менга насиб қилмаса бошқа ҳеч кимга буюрмайди», деган қарор билан йўғон-йўғон ходалар ҳарид қилиб, уларнинг ичини ғовак тарзда тешдириб, бойликларини жойлабди-да, дарёга ташлаттирибди. Ўзи эса «нима бўларкин?» деган фикрда дарёда оқиб бораётган ходаларга эргашибди. Бу дарё Бағдод шаҳридан оқиб ўтаркан. Бу шаҳарда чиндан ҳам Назар деган дурадгор бор экан. У ҳар тонг дарё лабига чиқиб оқиб келаётган ёғочларни тутиб, четга чиқараркан. Ўша тонг қараса бир қанча ходалар оқиб келяпти-ю, аммо эгаси йўқ эмиш. У сузувчилар кўмагида ходаларни соҳилга чиқариб олгач, бой келиб:

– Сен кимсан? – деб сўрабди.

– Мен Назар дурадгорман.

– У ҳолда, – дебди бой, – ходаларни уйингга олиб борда, орасини ёр.

Дурадгор унинг айтганини қилиб ҳангуда манг бўлиб турганида бой унга дебдиким:

– Маълуминг бўлсинким, бу ходаларнинг барчаси шу ҳолда жавоҳири олтинлар билан тўлдирилган ва булар бу онга қадар менга тегишли эди. Аммо Худо буларни мендан олиб сенга беришни ихтиёр қилди.

Шунда дурадгор:

– Гуноҳингиз бўлса тавба қилинг, Аллоҳ раҳм қил-
фувчидир. Бойликларингизни қайтариб олинг, – дебди.

Бой эса «Мен Аллоҳнинг измига қарши бормайман»,
деб кўнмабди. Ярмини, ҳатто бир мисқолини ҳам олишни
истамабди. Ялинишлари зое кетган дурадгор: «Ҳеч
бўлмаса учтагина нон олинг, йўлингизга ҳамроҳ бўлсин»,
дегач, бой рози бўлибди. Дурадгорнинг хотини хамир
қориб учта катта-катта нон ясабди-да, орасига жавҳар-
лардан солибди.

Бой жавҳарли нонларни олиб йўлга тушибди. Шаҳар-
дан бир оз узоқлашгач, чўл ўртасида ҳаробгина чайла-
ни кўрибди. Бориб билсаки, бир чўпоннинг аҳли аёли
дунёга келган боласини бағрига босиб ўтирибди. Чўпон
ночор. Қавми қариндошлари чўлнинг бошқа ерларига
кўчиб кетишган. Унинг еярга нони, чақалогини ўрашга
бир парча матоси йўқ. Буни кўрган бой унга ҳалиги учта
нонни берибди:

– Сен шу нонларни Назар дурадгорга олиб борсанг,
мендан салом етказганингни билади ва сенга керакли
нарсаларни беради, – дебди бой.

Шундай қилиб нон орасига жойланган жавоҳир ҳам
бойга насиб этмабди, яна дурадгорнинг ўзига қайтиб
борибди.

Мазкур ривоятга бирон гап қўшмак ёки таҳлил этмак
ортиқча юмуш бўлса-да, бир кичик ривоятни илова
қилишини истадик:

Дарё соҳилида ўтирган бир одам қўлидаги ғалвирни
сувга ботирар эканда:

– Худо берса шундай беради, – деркан. Сўнг ғалвир-
ни сувдан кўтариб айтарканким: «Худо олса шундай ола-
ди».

Бирданига бойиб ўзини билмай қолаётган, сўнг тижо-
ратдами ёки бошқа ишдами «синиб» хонавайрон бўлиб,
уйни, бор бисотини сотиб маҳзун юрганлар шу ривоятни
балки эшитмагандирлар?

Энди иккинчи ривоятни эслаш фурсати етди:

Басралик савдогар Чин мамлакати томон сафарга тайёргарлик кўраётганида бир мўйсафид унинг кемасига яқинлашиб илтимос қилди: «Эй, хожа, мен ҳузурингга ҳожатталаб бўлиб келдим. Мана бу қопдаги қалайини денгиз ўртасига етганингда сувга ташлаб юборсанг, зора назирим қабул этилса». Савдогар мўйсафиднинг кимлигини суриштириб билгач, молни олиб қолди. Аммо кемаси денгиз ўртасига етганида тўфон кўтарилиб, мўйсафиднинг илтимосини унудди. Чинга бориб савдо қилаётганда унга бир йигит яқинлашиб «Басрада сифатли қалайи бўларди, олиб келмадингизми?» деб сўради. Шунда савдогар мўйсафидни, унинг омонатини эслаб «Энди буни сотиб пулига мол олиб эгасига топширганим маъқул кўринадир», деган қарорда қалайи тўла қопни йигитга сотди.

Басрага қайтгач, мўйсафид яшаган маҳаллага бориб билса-ки, у вафот этибди. Унга яна бир нарса маълум бўлибдики: мўйсафиднинг жияни бор экан. Мўйсафид укасидан ёдгорлик бўлмиш бу йигитни чиқиштирмас экан. «Сен менинг ўлимимни кутиб юрибсан», деб ранжитавергани сабабли йигит шаҳардан бош олиб кетган экан.

Савдогар бирор ворис чиқиб қолар, деган ниятда Чиндан олиб келган молни етти юз динорга сотиб, пулини асраб қўйди. Орадан кўп ўтмай Чин мамлакатида ундан қалайи сотиб олган йигит келиб дедики: «Мен қалайини уйга олиб бориб синдириб кўрсам, орасидан олтин чиқди. Мен сиздан олтин эмас, қалайи сотиб олган эдим, бу олтинлар мен учун ҳаромдир, деб изма-из етиб келдим, токи олтинларни ўзингизга топширгайман».

Шунда савдогар қалайи воқеасини гапириб берган экан, йигит кулиб дебдики: «У мўйсафид менинг ягона амаким эдилар. Бойликни сувга фарқ қилишдан мақсад – мени меросдан маҳрум қилиш эди. Аммо Аллоҳ, мазкур бойликни менга насиб қилган экан, турли восита ва валисалар билан менга етказди».

Йигитнинг чиндан ҳам мўйсафидга жиян экани тасдиқлангач, савдогар унга етти юз динорни ҳам бериб: «Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, Аллоҳ сенга ҳалол бойликни ато қилди», деган экан.

Кишининг ризқи, ризқнинг ҳар бир кишининг ўзига насиб этмоғи хусусида яна икки балки икки юз, балки икки минг ривоят бордир валлоҳи аълам. Фикр юритиб турмоқ учун ҳозирча шу иккиси ҳам кифоядир.

* * *

Ўтган асрда бир кекса киши дўстига афсус билан дебди:

– Биз-ку, қариб қолдик, коммунизмни кўролмаслигимиз аниқ, аммо набираларимга ачинаман, улар етиб боришса-я!

* * *

Шоирлар ўтган асада коммунизмга мадҳия ёзиб, «ана, уфқда кўринаётир», деб ҳайқиришарди. Умуман шоирлар тўғри ёзишган. Чунки... уфқда кўринган нарсага етиб бўлмайди. Сиз уфққа қараб бораверасиз, уфқ эса сиздан қочиб, чекинаверади. Ер юзини эллик минг марта айланиб чиқсангиз ҳам уфққа етолмайсиз. Коммунизм эса айнан ўша ерда экан.

* * *

Ўтган асрдаги колхознинг умуммажлисига иккита масала қўйилган экан:

биринчиси: янги молхона қуриш,

иккинчиси: коммунизм қуришни тезлаштириш.

Фишт билан тахта топиш мумкин бўлмаётгани сабабли биринчи масаланинг муҳокамаси кейинга қолдирилиб, иккинчи масалага ўтилди.

* * *

Йиғилишдаги воиз:

– Ҳозир бир оёғимиз социализмда, иккінчісі коммунизмда турибди, – деди. Шунда бир қария сұради:

– Бўталофим, бу туришда чотинг йирилиб кетмайдими?

* * *

Саксонинчы йилларда бир киши иккінчісідан сұради:

– Айтинг-чи, коммунизм деганлари шуми ёки бундан ҳам баттар бўладими?

* * *

Шошқалоқлик – инсон зотининг ёвуз душманларидан бири. Айниқса, ўтмиш ҳақида фикр юритиб, ўзича ҳукм чиқариб, сўнг элга овоза қилғувчи одам шошқалоқ бўлса, ундан одиллик кутмак хўроздан тухум умид қилмак ила баробардир. Баъзан ён-атрофимизда ана шу каби шошқалоқларни учратиб қоламиз. Бундайлар ўзларини гоят билағон кўрсатиб, маълум даврларга, шахсларга ёки айрим воқеаларга нисбатан тездагина ҳукм чиқариб қўя қолишади. Ана энди бир мулоҳаза қиласайлик: Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Наполеон... шахси ва даври ҳақида ҳали узил-кесил хулосалар йўқ. Булар ва бу каби шахслар ҳақида дунё олимлари орасида бир-бирига зид фикрлар оқими ҳали ҳам мавжуд. Закийлар тарихда ном қолдирган шахслар ҳақида неча юз йиллардан бери ўзаро баҳс юритадилар. Бу табиийдир. Буюкларнинг аъло, савоб ишлари ҳам, шу ўринда камчиликлари ҳам ўзларига яраша буюк бўлади. Тарозининг қай палласи босишини биз – ожиз бандалар белгилаб бера олармиканмиз? Шундай экан, ўттизинчي йиллар ҳақида узил-кесил ҳукм чиқаришга вақт бор. Биз бу билан индамай, мум тишлиб ўтириш керак, демоқчи эмасмиз. Ҳозир ўрганиш, таҳлил қилиш даври. Одил хулоса учун эса, «вақт» деган ҳакам ҳам талаб этилади.

«Фалончининг айбномасига Пистончи имзо чеккан, қотил шу!» деб хулоса чиқариб қўйиш қийин эмас. Баъзан шундай шошқалоқ фикрнинг гувоҳи ҳам бўляпмиз. Шунга ўхшаш айбловлар айтилганда мен айсбергни – шимолий уммоннинг гердайган муз ҳокимини кўз олдимга келтираман. Айсбергнинг озгина қисмигина сув юзасида кўринади. Кемаларни парчаловчи асосий қисми кўзга кўринмайди – сув остида бўлади. Ўттизинчи йилларнинг қирғини ҳақида фикр юритганда ҳам шу нарса унутилмаса дуруст бўларди. Фалончининг айбномасига Пистончи имзо чекмаганида ўша Фалончи омон қолармиди? Йўқ. Айбномага мамнуният билан имзо чекиб берувчи иккинчи Пистончи топиларди, албатта. Иккинчи си бўлмаса, учинчиси ёки тўртингиси топиларди. Дунёда ҲАСАД деган нарса бор экан, бундайин пистончиларга муҳтож бўлинмайди. Тарихдан аёнким, ҳукмронлар айнан ана шундай ҳасадчилар хизматидан беминнат фойдаланганлар. Мен савдо ходимлари ёки ҳунармандлар орасида ҳасадчилар борлигидан ажабланмайман. Лекин халққа адаб беришга масъул зиёлилар орасида ҳасад мавжудлигига чидашим қийин. Зиёли ҳасадгўй бўлса – дунёдаги энг эси паст маҳлуқдан ҳам тубанроқ бўлади. Ҳасадгўй зиёли (балки ёзувчидир?) ўзидан истеъдодлироқ ҳамкасбига тош отади, уни йўқотишга тиришади, бу билан ўзига шон-шуҳрат йўлини очишга тиришади. Хўш, кейин нима бўлади? Шу билан шуҳрати ортадими? Йўқ; халқ унинг ўзини эртами-кечми супуриб ташлайди. Буни тарихнинг кейинги ярим асли исботлаб берди.

Энди ўттизинчи йилларни яна қайтармаслик учун айбни фақат “доҳий”дан эмас, ўзимиздан, одамлар орасидан қидирайлик. Шу билан бирга қатъий, узил-кесил ҳукм чиқаришга шошилмайлик. Бир одамнинг номини тиклаб, бошқасини ахлатга қориштирмайлик. Шошқалоқлик билан нотўғри хулоса чиқариб қўйсак, келажак авлод бизларни кечирмайди.

Биз қоралаётган одам нима учун ёлғон гувоҳлик берган ёки ёлғон айбномага имзо чеккан?

1. Хусуматдан. У ҳолда унинг номи абадул агад қора билан ёзилиши керак.

2. Қўрқоқликдан. Кўзига ўз жони, бола-чақаси кўринган. Бу ҳам лаънатга лойиқ. Лекин ўзида истеъдод чўғи бўлиб, адабиётга хизмат қила олган бўлса, унинг асарларидан воз кечмайлик. Тоғам – Мирзакалон Исмоилий ўзларини қаматишга сабабчи бўлган одамлар ҳақида ҳеч гапирмаган эдилар.Faқат бир марта хасталик пайтларида, йўқлаб кирган шоир қўшнилари чиқиб кетгач, «Бу жуда бечора одам-да», дедилар. «Нимаси бечора?» деб сўрадим. «Бечоралиги – қўрқоқлигидан, – дедилар тоғам, – қўрқоқ бўлгани учун ҳам қамалганимда рўпарамга ўтириб олиб, кўзларини мўлтиллатиб ёлғон гувоҳлик берган». Эшитганим шу. Ўша шоир ўртоқлари тоғам билан Сталинграддан то Берлинга қадар бирга жанг майдонларини кечиб боришган. Мени ажаблантирган нарса – тоғам қамоқдан чиққанларидан кейин ҳам ўша шоир ва бошқа ёлғончи гувоҳлар билан дўстликларини давом эттирганлар. Аразлаб, юзкўрмас бўлиб кетмаганлар. Исломдаги одамнинг кечиримли бўлиши фазилатини мен шунда кўрганман.

* * *

Бир ўрмонда болта пайдо бўлиб, дараҳтларни кеса бошлабди. Ўрмон аҳли унга чора тополмай донишманд Эман ҳузурига борибдилар.

– Болта деганларинг нимадан ишланган? – деб сўрабди Эман воқеадан огоҳ бўлгач.

– Болта деганимиз темирдан ишланган, – деб жавоб қилишибди.

– Дастаси-чи, дастаси ҳам темирми? – деб сўрабди Эман.

– Йўқ, дастаси темир эмас, ёғочдан.

– Эҳ, аттанг, дастаси ўзимиздан экан, энди болтани тўхтатишининг ҳеч қандай иложи йўқ, – деган экан до-нишманд Эман.

* * *

Луқмони Ҳаким йўлда бораётсалар бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар оғриқларга чидай олмаётган хас-та одам дод дер эмиш. Табиблар келиб, «муолажадан наф йўқ, бир-икки кун ичида узилади», дейишибди экан. Луқмони Ҳаким bemornining билак томирини ушлаб кўриб дебдиларким;

– Дардингга даво бор. Илон заҳри сенга шифо бер-гай.

– Илон заҳрини мен қайдан топай? Бир бедаво бўлсам... Мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Аллоҳ менинг зоримни эшитиб, Луқмони Ҳакимга рўбарў қилганида эди, у муҳтарам зот мени ташламас эдилар, – дебди хаста.

Луқмони Ҳаким бу нолани эшитгач «Зинҳор ташла-масман», дебдилар-у илонзорга бориб ёшроқ бир илон-ни бўғзидан бўғиб тутибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кириб дебдики:

– Эй Инсон фарзанди, сен нечун мени бўғаётирсан? Аллоҳнинг менга берган жабрлари камми эди?

– Аллоҳ сенга қандай жабрлар қилди? – деб сўрабди-лар Луқмони Ҳаким.

– Мени кўримсиз қилиб яратди, одамлар кўрсалар мендан қочадилар. Мени ертубан қилиб қўйди, судралиб юришга маҳкум этди. Энди сен мени бўғиб жонимни олар-санми? – дебди илон.

Луқмони Ҳаким дебдиларким:

– Шундай қилмасам, бир одам ҳаётдан кўз юмар.

– Ажаб! Бир одамни сақлаб қолмоқ учун мени ўлди-расанми? – дебди илон. – Ахир у ҳам Аллоҳнинг бир маҳ-луқи, мен ҳам. Бир жонни сақлаб қолмоқ учун иккинчи-сини маҳв этмоқ шартми? Эй Инсон боласи, сен айт: мен бирорвни чақсам, менинг заҳримни даф эта олармисан?

– Ҳа, – дебдилар Луқмони Ҳаким, – даф эта оларман.

– Үнда менинг заҳрим кучли эмас экан, – дебди илон.

✓Дунёда шундай кучли заҳар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан.

– Қандай заҳар? Қора қуртникими? – деб сўрабдилар Луқмони Ҳаким.

– Э, йўқ, – дебди илон, – дунёда энг кучли заҳар – ОДАМНИНГ заҳри~~Б~~унга даво йўқтур. Одам одамни чақса – албатта ўлим ҳақдир! Аллоҳ биз – илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биirimизни чақмаймиз. Сиз – Одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-биiringизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган хастага менинг заҳрим даво эмас, янгишма. Уни ўзининг ишонган дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмон ҳам даво топмагай. Қўй, ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин...

Ўшанда ҳазрат Луқмони Ҳаким чорасиз қолган эканлар...

* * *

Якан деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи, “отарчи”лар пулни «якан» дейишади. Аслида эса якан – қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қуритиб узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

– Ҳой биродар, ҳадеб ғўдаяверма, салгина эгил. Аллоҳнинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, – дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийириб қўя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўриbdилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар. Тасодифни қарангки, шу уй тўсинларига

узумларни осибдилар, якандан түқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозиқларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавериб хорланган қамиш охири яканга қараб зорланиби:

– Мени ўриб олиб қуритдилар, тепкилаб, қовурғала-
римни синдирилар, сўнг сувга бўқдилар. Сўнг, қайириб,
букиб мана шу бўйра ҳолига келтирилар. Энди эса ти-
нимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал
қайириб, оstimга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшишиб якан дебдиким:

– Сиз бекорга ғўдайдингиз. Ғўдайиб ўсавердингиз.
Ичингиз фовак эканини эса унутдингиз. Фовак бўлганин-
гиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсага ярамадингиз.
Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдизингиз қолган.
Сиз ўсажак қамишларга етказинг, сизнинг ҳолингизга
тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин баридир
унинг башарасига лой чапланади...

* * *

Инсон зоти ҳаётда ёлғиз яшай олмайди. Ҳар он, ҳар қадамда дўстга муҳтоҷ эканини аввалроқ айтдик. Умри давомида садоқатли дўст бўла оладиган одамни топишнинг фоят мушкул вазифа экани сир эмас. Камбағал одамнинг бу масалани ечиши осонроқ: унинг атрофида сохта дўстлар деярли бўлмайди. Бадавлат ёки мансабдор одам атрофидаги «манфаат дўстлари»нинг садоқатини аниқлаб олгунича кўп азият чекади. Яқинда бир нохуш воқеани сўзлаб бердилар. Бадавлат оила-
ларнинг фарзандлари бўлган икки дўст икки машина-
да кетаётган эканлар. Иттифоқо биринчисининг авто-
машинаси ҳалокатга учрабди-ю, ўзи жароҳатланиби-
ди. Унинг изидан келаётган дўсти «Мерседес» автома-
шинасини тўхтатиб, дўстига ёрдам бериш учун йўлов-
чи машина тўхтатиби. «Акахон, оғайним яраланиб

қолди, машинангизда касалхонага олиб бориб қўйинг, мен орқангиздан етиб бораман», дебди. Бундан ажабланган йўловчи машина эгаси «Машинангиз бўлса ўзингиз олиб боравермайсизми?» – деб сўраса, у «дўст» «Қон оқиб ётибди-ю, яп-янги машинамни қон қилади», дебди. Бу йигитнинг қанақа дўст эканини фарқлаш ўзингизга ҳавола. Ўрни келгани учун шу мавзудаги икки ривоят билан танишсак:

Ўрмон четида бир сичқон яшарди. Қурбақа макони эса кўлмак эди. У гоҳ-гоҳ кўлмак четига чиқиб, ҳаво олиб ўтирад ва ўзини булбул фаҳмлаб ёқимсиз бир овоз билан сайраб, хушовоз қўшларнинг фашини келтиради.

Бир куни сичқон қурбақанинг бу носоз овозини эшишиб ажабланди, хонандани кўрмоқ учун инидан ташқариға чиқди ва унинг хунук башараси-ю, бемаъни ашуласидан таажжубланиб, қўлларини бир-бирига урганча бошини афсус билан сарак-сарак қила бошлади. Қурбақа унинг бу ҳаракатини кўриб «Сичқон ашуламдан ҳузурланиб, мени олқишлиётир», деб ўйлади ва у билан дўстлашишни истади. Хуллас, орзузи ушалиб, сичқон билан дўстлашди.

Бир куни сичқон қурбақага деди:

– Неча вақтдан бери сен билан суҳбатлашиш ниятида қирғоққа келсан, сен сув остида бўласан, чақирсан эшитмайсан.

Унга жавобан қурбақа деди:

– Тўғри айтасан, мен ҳам кўпдан бери сен билан суҳбатлашиш орзумандиман. Аммо сени тополмайман. Қирғоққа чиқсан, сен бошқа тешикка кириб кетгган бўласан. Мен анчагина муентазир бўлиб турман. Энди тадбир ўйлаб топиб, бу муаммо иш ҳал қилгин.

– Энг яхши тадбир шуки, – деди сичқон, – мен бир узун ип топаман. Унинг бир учини сенинг оёғингга, иккинчи учини ўзимникига боғлайман. Сув қирғоғига келиб, ипни тортсан, чиқиб келаверасан. Мен керак бўлиб қолсан, ипни сен тортасан.

Икковига бу тадбир маъқул келди. Бир куни сичқон сув лабига келиб дўстини чақираман, деб турганида тепадан бир қарға бало-қазодай ёпирилди-ю, уни кўтариб учди. Оёғидан боғланган қурбақа ҳам уларга қўшилиб учди. Сичқон қарға тумшуғида, қурбақа эса сал пастроқда учиб борардилар. Бу ҳолни кўрган одамлар ажабланиб: «Қарғага нима бўлди, одатига хилоф равишда қурбақани олиб кетяпти. Ахир ҳеч маҳал қурбақа қарғага ов эмас эди-ку?» дейишиби. Сичқон билан дўстлигинг касофатидан қурбақа бу балога гирифтор бўлди.

Кимки ножинсга қўшилса, жазоси шундай бўлади, дейдилар донолар.

«Кўр ушлаганини қўймас» деган мақолнинг турли шарҳлари мавжуд. Бу ривоят шуларнинг бири:

Бир кўр билан кўзи очиқ киши ҳамроҳ бўлиб, сафарга чиқдилар. Кўрнинг қўлидаги қамчиси тушиб кетди. У отидан тушиб, ерни пайпаслаб қамчинини қидира кетди. Бир заҳарли илон тун совуғи таъсирида карахт бўлиб, Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари каби қотиб ётарди. Кўр уни қамчи деб ўйлаб, қўлига олди ва отига минди. Кўзи очиқ киши унинг бу ишини кўрди-да, ташвишланиб: «Дўстим, қамчи хаёл қилиб олганинг заҳарли илонку! Ташла!» – деб қичқирди.

Кўзи ожиз дастаси тоза чармдан бўлган қамчинга этишдим, деб ўйлаб: «Дўстим, Аллоҳ менга эски қамчи ўрнига янгисини берди. Шунга ҳасад қилиб тортиб олмоқчимисан?» – деди.

– Эй азиз дўстим, сендан қамчи таъма қилаётганим йўқ. – деди кўзи очиқ киши. – Аммо ҳамроҳликнинг шартларидан бири – йўлдоши хатарда бўлса, уни хабардор қилишдир.

У ҳар қанча гапирмасин, қизғанчиқ кўрга тушунтира олмади. Бир оздан кейин ҳаво қизиди, илон жонланиб, кўрнинг қўлини чақди ва уни ҳалок қилди.

Бу ривоятлар маҳсус шарҳга муҳтоҷ бўлмаса-да, кўрнинг жисмонан эмас, балки қалбан ожиз эканига эъти-

борни қаратмоқчимиз. Дунё молидан күзи ожиз одам билан дўстлашишдан эҳтиёт бўлмоқ лозим экан.

* * *

Соғлик ва хасталик хусусида ягона бир фикр йўқ. Ҳиндларда бир фикр, хитойларда бошқа, тибетликларда ўзгача...

Хасталик бирданига бошланмайди. У ҳам маълум гуноҳлар учун ажрдир. Хасталикка шифо истасак, касалликка қадар бўлган ҳаётимизни бир-бир эслашимиз, Аллоҳга бўлган муносабатимизни, меҳримизни, ишқимизни, тақвоимизни чамалаб кўрмоғимиз лозим. Чунки одамнинг жисми касалликка чалингунича руҳи шикастланган бўлади. Руҳ даво топмай туриб, хасталик тўла даво тополмайди, озгинагина чекинади, холос.

* * *

Биосфера, атмосфера, стратосфера... Бундан ташқари Ерни ўраб турган яна бир қатлам бор. Буни ахборот оқимлари қатлами дейиш мумкин. Кимки шу қатламнинг маълум қисми билан боғланибди, шунга яраша илмга эга бўлибди. Ньютонга қадар неча минг одамнинг бошига олма тушгандир, лекин уларнинг ҳеч бири Ерининг тортиш кучини ихтиро қилмаган. Архимедга қадар ҳам неча минг одам ваннада чўмилган, лекин сувга тушгани ҳамон Гиерон тожидаги тилла ва кумуш миқдорини аниқлашга доир илмий масалани ҳал қила олмаган. Архимеддан кейин ҳам неча миллиардлаб одам ваннада чўмиляпти, аммо, эрамиздан аввалги икки юзинчи йилдан бўёғига ҳали ҳеч ким «Эврика!» («Топдим!») деб яланғоч ҳолида уйига юрганий йўқ. Демак, олма ва ванна воқеаси дақиқасида бу олимлар биз айтиётган ахборот қатламига кирганлар.

Авлиёлар ҳам шундай бўлса керак...

Саҳоба Абу ад-Дардо, розиёллоҳу аиҳу, шундай ривоят қилган эканлар:

– Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларким: «Агар менинг билганимни билсайдингиз, оз кулар, кўп йифлар эдингиз. Ҳавойи нафс орзуларига берилиб яшалган бу дунё ҳаёти сизларга тубан кўринарди. Аллоҳ йўлида ҳаёт кечиришини устун қўйган бўлардингиз».

Абу ад-Дардо пайғамбаримиздан бу ҳадисни нақл этганларидан сўнг, йифилган жамоатга қараб шундай хитоб қилган эканлар:

– Менинг билганларимни билсайдингиз, тоғларга чиқиб Аллоҳга ёлборардингиз ва шунинг баробаринда ўз ҳолингизга йифлардингиз. Бутун борлиғингиз билан йифлаган бўлардингиз. Мол-мулкингизни ташлаб, улар ҲЕЧ НАРСА эмаслигига ишонардингиз. Афсуски, узун амал сизларнинг қалбингиздан охират тушунчасини сидириб ташлаган. Дунё ҳаёти бирдан-бир амалингиз бўлиб қолган. Шу туфайли тўғриликдан юз ўгиргансиз. Баъзила-рингиз қилган иши оқибатидаги фалокатни ўйламагани учун ҳавойи истакларини тарқ этолмаган ҳайвонлардан ҳам ёмонроқсиз. Сизларга нима бўлган ўзи, бир-бирингизни севмайсиз, бир-бирингизни тўғри йўлга солмайсиз. Аҳвол шундайки, сўзда бир-бирингизнинг диний биродарисиз. Ичингизнинг ёмонлиги сизларни бир-бирингиздан айирган, бир-бирингизни йиқитасиз. Агар тўғри йўлда бўлсайдингиз, бир-бирингизни севардингиз. Сизларга нима бўлган ўзи? Дунёвий ишларда бир-бирингизга йўл кўрсатасиз-у, охират масаласида худди шу ишни қилмайсизлар? Ҳеч бирингиз, дунёвий масалаларда севган ва ёрдам берган кишингизга, охиратга оид хусусларда сира насиҳат қилмайсиз. Бу ҳол сизларнинг қалбингиздаги имоннинг сустлиги туфайли юз беради. Агар дунё ҳаётини билганингиздай охират ҳаётини ҳам яқиндаи билсайдингиз, унга ишонсайдингиз, у дунё учун ҳам бирор иш қиласар, Аллоҳ ўртага қўйган имону ахлоқ асосларига

мослашар эдингиз. Чунки охират ҳаёти сиз учун абадий-дир. Йүқ, «дунё ҳаётига бўлган севгимиз ажойиброқ!» деёлмайсиз. Чунки, дунё ҳаётида ҳам баъзан келажакда қўлга киритишингиз мумкин бўлган нарса учун қўлингиздаги бор-йўқ нарсаларингизни фидо қиласиз. (Масалан, бир йил кейин эришишингиз мумкин бўлган ҳосил учун ҳозир қўлингизда тайёр турган уруғни сочасиз). Кутган нарсангиз бўлмай қолиш эҳтимолини билатуриб ҳам заҳмату маشاққатларга кўмилиб, нақд нарсангизни қўлдан чиқарасиз. Комил имон соҳибларига хос аломатлардан маҳрум қандай ёмон инсонларсиз?! Ёки айтинг, Аллоҳнинг расули ҳазрат Мұхаммад (с.а.в.) тақдим этган ҳақиқатлардан шубҳангиз борми? Агар шундай бўлса, бу шубҳаларингизни баён этинг. Мен эса сизларга ҳақиқатни далиллари билан кўрсатай. Қалбларингизни қаноатлантирувчи нур билан ёритай. Аллоҳга онт ичиб айтаманки, сизлар ақли ноқис кишилардан эмасизки, маъзур кўрсам. Чунки дунёвий ишларингизда тўғри ва фойдали нарсаларни фарқлай оласизлар. Қорнингизга ярайдиган нарсаларни қўлга киритишни яхши биласизлар. Уларга эга бўласизлар. Сизларга нима бўлган ўзи?! Оз бир дунёликни қўлга киритсангиз, севиниб сакрайсиз. Лекин озгина бу дунёликни йўқотсангиз қайғурасиз?! Шундайин қайғурасизки, бу нарса юзингиздан ўқилиб туради. Тилингиз уялмай шундан гап очаверади ва шу арзимас йўқотишни мусибатдай таърифлайсиз ва билмайсизки, бу хусусда гуноҳга ботасиз. Кўпларингиз дин асосларининг аксарини тарк этгансиз. Шундай бўлатуриб, юзларингизда заррача ўзгариш, қайғу аломатлари йўқ. Ҳолбуки заррача бу дунёликни йўқотсангиз юзларингизда қайғу аломатлари кўриниб қолади. Мен ҳозирча сизлардан Аллоҳ юз ўгирган, деб ўйламайман. Баъзингиз баъзи бирорингиз билан севиниб суҳбатлашасиз. Ҳар бирингиз бошқа бирингизни қабул қилганда уни ранжитмасликка тиришасиз, аммо буни фақатгина «у ҳам мени қабул қилганда хушмуомалада бўлсин», деб

шундай қиласиз. Қалбларингизда эса бир-бирингизга нисбатан гинаю адоват ва душманлик бўлади. Бутун ҳаётингиз узун амалдан иборат. Ажални унтиш борасида бир-бирингизни ортда қолдираб кетгансиз. Истайманки, Аллоҳ сизларнинг бу ҳолларингиздан мени қутқарсин. Тинчлик, хотиржамлик берсин ва мени Аллоҳнинг расулига етиштиrsин. Агар у зот ҳаёт бўлсайдилар, сизларнинг бу хатти-ҳаракатингизга чидай олмасдилар. Сизларда зако бўлса, мана сизларга ҳақиқатларни эшигтиридим. Аллоҳнинг наздидаги нарсаларни изласангиз, осонлик билан топасиз. Мен ўз нафсим учун ва сизлар учун ёлғиз Аллоҳдан ёрдам талаб қиласман.

* * *

Салкам бир ярим минг йил аввал тилдан кўчган бу ҳикматли гаплар бизгача етиб келди. Агар кераксиз, ёлғон аралашган, киши хулқини бузадиган сўзлар бўлганида ўша дамдаёқ чантга буланиб, унтилган бўларди. Бизгача етиб келдими, демак, ақлни бойитувчи маъноларни ўзимизга сингдиришимиз керак. Камина Абу ад-Дардонинг ҳикматларини ўқигач, ақлим етган даражада бир нималар ёзиб қўйган эканман:

Агар эртага эрталаб 100 доллар ишлаш имконияти бўлса, бу имкониятни қўлдан чиқармаслик учун тун бўйи ухламай ҳаракат қилиб чиқамиз. Минг доллар ишлаш учун ҳафта давомида ҳам ухламаслигимиз мумкин.

Дунёни шундай севамиз.

✓Ажаб! Нима учун ўша долларлардан азизроқ ва қимматлироқ бўлган жаннатни бу қадар севмаймиз? Жаннат ишқида бир тун уйқумизни ҳаром қилиб ибодат қилмаймиз? Ахир доллар топиш заҳмати оғирроқ, жаннатга етишмоқ эса осонроқ-ку?

Баъзан одам бойлик учун энг яқин дўстидан ҳам кечади, туғишиган биродарларидан узоқлашади, кимнидир фийбат балчигига бурайди, кимгадир туҳмат қиласди ва ҳатто кимнидир ўлдиради.

Жаннатга етмоқ учун булардан йироқ бўлса кифоя, бошқа одамларга эмас, ўз нафсиға зулм қила олса кифоя. Жаннатга етмоқ учун дўстидан юз ўгирмайди – оқибатда то сўнгги нафасига қадар яхшилар, меҳроқибатлилар қучогида яшайди. Туғишган биродарларидан узоқлашмайди – оқибатда ўзидан кейин қоладиган фарзандлари тақдиридан кўнгли тўқ бўлади. Бирорни фийбат қилмайди, бошқага туҳмат тоши отмайди – оқибатда бўлажак шармандалиқдан қутулади. Бирорни ўлдирмайди – оқибатда ўз авлодини хун тўлаш азобидан қутқаради. (Тўғри, ҳозир моддий хун тўланмайди, аммо руҳий хун деган тушунча ҳам бор-ку?)

Одам боласи бир айб иш қилиб қўйса, қамалиб қолишдан қўрқади. Чунки қамоқда ҳам маънавий, ҳам жисмоний азоб бор. Одам шу азоблардан қутулиб қолиш йўлларини излайди.

Ажаб! Қамоқдан неча минг марта даҳшатлироқ ва азоблироқ бўлган дўзахдан нечун қўрқмайди? Нечун дўзахга тушмаслик чораларини изламайди?

* * *

Битта суюкни талашаётган икки итнинг мақсадини тушуниш мумкин. Лекин емоқ-ичмоғи, киймоғи етарли, ҳатто мўл бўлган одамлар бир-бирларига зулм қилишса, уларнинг мақсадларини тушуна олмайман.

* * *

Деҳқон қишида яхоб бериб, ернинг шўрини ювади. Эътиқодсиз одамнинг пешонаси шўрини ким ва қандай ювади?

* * *

Ажаб манзара бу, ажаб манзара:

Атрофдан хуфтон азони эшитиладир. Хонадонларда эса кўзлар телевизорларга қадалган. Одамлар диққати

мексикаликларнинг тутуриқсиз ва беҳаё кинофильмлари билан банд.

Фожиа бу, фожиа...

* * *

Донишманд ўзига нисбатан қаттиққўл бўлади-ю, бошқалардан ҳеч нима талаб қилмайди. У ўзининг тақдиридан ҳамиша рози. Ҳеч маҳал нолимайди, ўзининг қисмати учун бошқаларни айбламайди. Шу боис тақдирга тан бериб, хокисор бўлиб яшайди.

Нодон эса дунё неъматларига берилиб, жонини хатарга қўяди. Агар ўқ нишонга тегмаса мерган бошқани эмас, ўзини айблайди. Донишманд ҳам айнан шундай.

Донишманд – ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқаттаб одам маълум даражада донишманддир.

Тилимиздаги “ақлли” ва “доно” атамаларини маънодош сўзлар сифатида қўллашга ўрганиб қолганмиз. Мехримизни қозонган кишини баъзан «жуда ақлли-да!» деб алқаймиз, баъзида эса «жуда доно!» деб олқишлимиз. «Жуда ақлли доно», дейдиган пайтимиз ҳам бўлади, Хўш, «ақллилик» ва «донолик» битта фазилатми? Бизнингча бундай эмас. Тўғри, ҳаётда ҳам ақлли, ҳам доно одамларни учратамиз. Лекин илмли, ақлли одамларнинг ҳаммаси ҳам доно бўлавермайди. Донолик турли диплому унвонлар билан белгиланмайди. Ҳаётда бир донишмандга дуч келгунча атрофимиизда юзларча, балки мингларча олимларни учратамиз. Ўзини доно ҳисобловчиларга эса унданда кўпроқ дуч келамиз. Бир маҳаллада гувоҳ бўлиб эдик: профессор мартабасига етишган кишининг олий мактаб кўрмаган қўшниси бор. Бу кишининг болалиги ва ёшлиги оғир йилларга тўғри келиб, илм олиш орзусига етиша олмаган. Ота касбини эгаллаб, умри темирчилик билан ўтган. Бироқ, илмга интилишлари бир зум ҳам сўнмаган. Ҳамиша аҳли илм даврасига, суҳбатига интилиб яшаганлар. Улардан эшитганларига амал

қилишни зарур деб билганилар. Маҳаллада кимки доно маслаҳатга муҳтож бўлиб қолса, шу кўчага бурилади, бироқ, профессорникига эмас, темирчиникига киради. Демоқчимизки, донолик фақат илмга эмас, ҳаёт тажрибасига ҳам боғлиқ. Ҳаётда узоқ умр кўрганлар кўп, барчаларининг ўзларига хос ҳаёт тажрибалари бор. Бироқ, атрофдагилар уларни не учундир доно санамайдилар. Нима учун, ўйлаб кўринг-чи? Инсон ҳаётда кўрган-кечирганларини фикр қилиши, яхши-ёмонга ажратиши, яххисини кўпайтириб, ёмонидан қочиши зарур. Агар ҳаёт тажрибаси таҳлил ва хулосадан бебаҳра бўлса, бу одамнинг ўзи ҳам доноликдан бебаҳра қолибди. Профессор ва темирчи акамизнинг фарқлари айнан шунда.

Агар ақл эгаси ақлни, илм эгаси илмини зарур ишларга йўналтира олсагина уни «доно» деб аташ мумкин. Шу фикрга кўра, доноликни илм ва ақлнинг амалдаги кўриниши деб белгиласак ҳам бўлади. Илмийроқ қилиб айтсак, донолик – ақл билан қўлга киритилган, кузатиш ва тажриба билан ҳаётга тадбиқ этилган ҳақиқатлар йиғиндиси, фикрларнинг турмушга уйғунлашувидир. Донолик кўп билиш эмас. Одам боласининг онги ҳеч қачон жами нарсаларни қамраб ололмайди. Донолик иложи борича кўп билиш бўлмай, балки қандай билимлар энг зарур, қандайлари озроқ ва яна қандайлари бирмунча зарурлигини билишдадир. Яъни донолик сирларидан бири – нималарга эътибор бермасликни билишда. Одам нима егани билан эмас, нимани ҳазм этса, ўша билан яшайди. Бу ҳолат тана сингари ақлга нисбатан ҳам ҳақли равищда бир хил тааллуқлидир. Ҳамма нарсани баравар билишга интилиш – ҳамма соҳада чаласавод бўлиб қолиш демакдир. Азим дарёни кўз олдингизга келтиринг: денгизга қуйиладиган жойда майда-майдада ирмоқларга бўлинниб кетади ва қувватини йўқотади.

Афлотун ҳакимдан сўрадилар:

– Файласуф олимсиз. Айтинг-чи, шунча ўқиб, қандай натижага келдингиз?

– Фақат бир нарсани англадим, – деб жавоб қилдилар аллома, – ҳеч нарса билмас эканман.

Газзолий ҳазратлари демишларки: «Билғанларим қаршиисида билмаганларимни оёқ остига олсам эдим, бошим күкларга етган бўлур эди». Азизлар, диққат қилингким, бу сўзлар шунчаки камтарлик ифодаси сифатида тилдан учмаган. Чинакам донишманд эгаллаган илмни атрофидагилар юксак, деб қадрласалар-да, унинг ўзига билими кам бўлиб туюлаверган ва илм олиш ҳаракатидан то сўнгги нафасига қадар тинмаган.

Доно бирон нимани билмасликдан қўрқмайди. Иккиланиш, меҳнат заҳмати, изланишлардан чўчимайди. Фақат бир нарсадан – ўзи билмаган нарсани биламан, деб таъкидлашдан қўрқади. Қадим файласуфларидан Цицерон айтади: «Сократ (Суқрот ҳаким)нинг донолиги шунда эдики, билмаганини билдим, деб ўйламасди». Энг буюк олимлар ҳам ниҳоясиз илм қаршиисида жуда ожиз экан, «барча нарсани биламан», деб даъво қилувчи ёки ўйловчи айрим биродарларимиз уялмоқликлари керак.

Зарур нарсаларни билмаслик иллатдир. Бундай одамини ё жоҳил, ё ношуд санайдилар. Лекин қандайдир бир нарсани билмаслик уят эмас. Чунки, айтганимиздай, ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди. Масалан, тиббиёт олими қурилиш муҳандислигини яхши билмаслиги учун изза қилинмайди. Аммо билмаган нарсасини биламан, деб мунофиқлик қилса ҳам уят, ҳам зиён бўлади. Одамлар ниманидир билмаганлари учун эмас, балки ўзларини билимдон ва доно ҳисоблаганлари сабабли янглишадилар, адашадилар. Атрофга зийрак разм солинса, англаш мушкул бўлган нарса йўқ. Шунчаки одам боласи билмаган муаммолар қалашиб ётибди. Ёмон, пойма-пой, узуқ-юлуқ, ҳатто янглиш билган гаплари эса ундан ҳам кўпроқ. Айнан шу янглиш маълумотлар одамни бутунлай билмайдиган нарсаларига қараганда кўпроқ жиловлайди ва ҷалғитади. Биз мана шу жиловга риоя қилмайдиган, чалгимайдиганларни доно деймиз.

* * *

Бир подшоҳнинг ғоят доно бош вазири бошқа вазирларга нисбатан қорароқ ва хунукроқ эди. Бир куни доно вазир келсаки, подшоҳ бошқалар билан ҳазиллашиб, кулишиб ўтирибди.

– Бугун сарой аҳли ғоят хушчақчақ кўринадир, бу шодумонлиқ муборак бўлғай, – деди бош вазир тавозе билан. Подшоҳ уни калака қилиб, роҳатланиб кулмоқчи бўлди-да:

– Булар қоп-қоралигинг ва хунуклигинг сабабини билмоқчилар, тушунтириб бера оласанми? – деди.

Бош вазир бу масхарадан ранжиса-да, сиртига чиқармади, ҳилмлик ила сўз бошлади:

– Бу тушуниш унча мураккаб бўлмаган ҳолат-ку, шаҳриёrim. Маълумингизким, ўн саккиз минг оламни яратган Ҳақ таоло одамларни дунёга келтириб, рўпарасига тўрт нарсани: донолик, қудрат, чирой ва бойлик неъматларини қўяркан. Одам булардан истаганини олиши мумкин. Менинг бирдан бир орзуим донолик неъматини қўлга киритиш эди. Аммо бу неъмат бошқаларига қараганда жуда узоқча, етиб бориш мушкул бўлган осмонўпар чўққига қўйилган экан. Мен чўққига етиб бормоқ учун ғоят машаққат чекдим. Донолик неъматини қўлга киритиб, Яратганга шукурлар айтиб, изимга қайтсамки, қолган уч неъматни бошқалар илиб кетишибди. Шундай қилиб каминага на чирой, на қудрат, на бойлик насиб этди. Хунуклигим хусусида билгандарим шу, қолгани ўзингизга аёндир, ҳазрат шаҳриёrim.

* * *

✓ Кишидаги донолик бошқаларга хизмат қилсагина, донолик ҳисобланади. Чиройли сўзлар либосидаги сафсата донолик эмас. Айрим қовунларнинг усти чиройли, ҳатто ҳиди ҳам ёқимли бўлади. Леқин ичи бемаза чиқса, четга улоқтирадилар ёки молга берадилар. Донолик кишига олижаноблик фазилатлари бағишлайди. Донолик

таъсири остида одам ҳар жиҳатдан яхшироқ ва олижаноб-ноброқ бўлади. Дарҳақиқат, донолик чинакам олижаноблик қадр-қимматини оширади. Кишининг ширин сўзлиги шундай кучга эгадирким, шу куч туфайли бошқа бир киши ундан ўз хизматини аямайди. Доно одам ўзига зарар етказса етказадики, лекин ўзини хўрламайди ва хўрлатмайди. Доно одам асло ўзини кўз-кўз этмайди ва таъмагирлик қилиб ўзини биринчи ўринга қўймайди. Ҳаётдаги ҳамма сохта ва пасткашликлардан доно одамга гард ҳам юқмайди. Бундай одам санъат, маданиятдан хабардор бўлганлиги учун ҳар қандай яхши ишга иззатикром билдириб, шундан ўзи ҳузур қиласди. Бундай одам кимга танбеҳ бериш-бермасликни ҳам билади. Яхши ва ёмоннинг нималигига ҳам ақли етади. Бошқаларнинг фикрига қул бўлмай, ўз ҳукмини юргиза олади. Доно одам ўзгаларнинг ютуқларини кўриб, ҳасад қилишни ўзига ор билади. Буларга қўшимча равишдаги донолик белгилари: энг қалтис ва нозик вазиятларда ҳам гангид қолмай, ақлини ишга солади ва тўғри ҳамда мақбул қарорга келади, давраларда бехато сўзлайди, жамият, хусусан ўзи учун фойдали бўлган вазифаларни бажаради, зарар келтирувчи ишлардан парҳез қиласди, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи ҳам амал қиласди, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди. Атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди. Ўзгалар сирини сақлай олиш ва ҳақоратларга чидаш ҳам донолик фазилати ҳисобланади. Доно одам жоҳилга дуч келганда у билан масала талашмайди ва олишмайди. Сўзинг тўғри бўлса ҳам жоҳил ва нодонларга сукут билан қарши туриш ҳикматга мувофиқdir, «сукут – нодонга жавобдир», деган ҳикматни бежиз айтмаганлар.

* * *

Бир куни подшоҳ доно вазири билан суҳбатлаша туриб «сенинг пири муршидинг борми?» деб сўради. Вазир пирга қўл бермаган эди. Подшоҳнинг нима мақсадда бу

саволни беришидан ажабланди-да, «устозим бор», деб жавоб қилди. «Устозинг ким? Нима учун у ҳақда сира гапирмайсан?» «Устозим тарки дунё қилган зоҳиддирлар. Тоғда яшайдилар. Яқин кунларда шаҳримизга келишлари хабари бор», – деди вазир. «Устозинг келса, уни менинг ҳузуримга чорла», деб амр қилди подшоҳ.

Подшоҳдан вазифа олган вазир ўтин бозорига бордида, дарвишгўй бир одамни учратиб, уйига олиб келди. Қорнини тўйғизгач, муддаога кўчди:

– Сенга бир вазифа юклайман, айтганимдай бажарсанг, сўраганингни бераман.

Ўтинчи: «Вазири аъзам пул бермаган тақдирда ҳам амрини бажаришга мажбурман. Баҳонада ўн танга ишлаб ола қолмайманми», деб шартини айтди. Вазир унга вазифани тушунтирди:

– Мен берган кийимларни кийиб, қўлингга тасбеҳни олиб, хонақоҳда қимир этмай ўтирасан. Сенинг ёнингга турли одамлар келади. Ҳатто подшоҳ ҳам келиши мумкин. Сени гапга солсалар ҳам чурқ этмайсан. Атрофга қарамайсан. Сенга ҳадялар беришлари мумкин. Ҳатто бўйинг баробар олтин берсалар ҳам, қарамайсан. Олтинни бир кесак деб билиб жим ўтираверасан. Агар айтганимни қилмасанг, бошинг кетади, шуни унутма.

Дарвеш либосидаги ўтинчини хонақоҳга кузатиб қўйган вазир саройга бориб, устозининг шаҳарга қадам ранжида қилганини айтди.

– Ҳозироқ ҳузуримга чорла, – деб буюрди подшоҳ.

– Давлатпаноҳ, зоҳид аҳли ҳеч қачон чорловга жавобан саройга келмаслар. Расм шулким, улар зиёрат қилинмоқлари даркор. Яна бир узр борким, менинг бирга бормоғим дуруст эмас. Сизнинг зиёратингиз хусусинда сўзлаганимда, устоз менинг бирга бормоғимни ман этдилар. Агар истасангиз, сарой аҳли ҳамроҳлигида бормоғингиз мумкин.

Подшоҳ сарой аъёнлари ҳамроҳлигида хонақоҳга борди. Дарвеш либосидаги ўтинчи одамлар шарпасини эшит-

са ҳам тасбеҳ ўғирганича қимир этмай ўтираверди. Подшоҳ унинг ёнига яқинлашиб салом берди. Алик олинмади. «Зикр билан банд бўлиб эшитмади», деб ўйлаган подшоҳ унинг ёнига ўтириб, гапга солмоқчи бўлди:

– Сиз вазиримнинг устози экансиз, исмингизни айтинг.

Жавоб бўлмади. Дарвеш либосидаги ўтинчи киприк қоқмай ўтираверди.

– Мен подшоҳман. Тилагингиз бўлса, айтинг.

Яна жавоб бўлмади.

– Менга бир қаранг, дуо қилинг, – деб олтин тангалар тўқди.

Тангаларнинг овозидан ўтинчининг юраги ҳаприқиб кетса-да, қимирласа боши кесилажагини эслаб, киприк қоқмай ўтираверди. Илтимоси ҳам жавобсиз қолган подшоҳ эса аччиқланди. «Устози қип-қизил аҳмоқнинг ўзику», деб изига қайтди-да, вазирни чорлади. Норозилигини бирданига ифода этмай вазирни донолик билан қармоққа илинтиromoқчи бўлди.

– Сенинг ҳар балога ақлинг етади. Қани айт-чи, бир аҳмоққа рўпара бўлиб қолсанг нима қилган бўлардинг?

– Доноларнинг ҳикматига амал қиласадим.

– Донолар нима деганлар?

– Аҳмоққа дуч келсанг, сукут қил, деганлар.

Бу жавобдан сўнг подшоҳнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қиласаверинг.

Донолик фазилатини ёшлиқда эгаллаган дуруст. Бу фазилат умр ўтгани сайин тажриба ҳисобига бойиб бораверади. Жоҳиллик ва нодонликни афзал билганлар эса аксинча, янада баттар ёмонлашиб бораверадилар.

Ёшлигига жоҳиллиги билан танилган қора Йақуб исмли одамни бир донишманд қидириб юрган эди. Излага ни унга рўпара бўлиб:

– Қора Йақуб менман. Лекин ёшим улгайиб, соч-соқолим оқарди. Энди «оқ Йақуб» десангиз ҳам бўлаверади, – деди.

Донишманд қўлинини қора Йақубнинг кўксига қўйиб:

– Биродар, қорани оқقا айлантириш қалбнинг иши.
Соч-соқол оқаришининг бунга сира даҳли йўқдур, – деди.

Икки нодоннинг суҳбатига диққат қилинг-а:

– Денгизга ўт тушса, балиқлар нима қилишади?

– Дарахтга чиқиб жон сақлашади.

– Аҳмоқ, балиқ ҳўқизмидики, дарахтга чиқса?

Бу тўқилган латифами ёки ҳаётда ҳам шунақаларга учраб турамизми?

«Нодондан қанчалик узоқ бўлсанг, бошинг шунчалик саломат бўлади», дейдилар. Кўпчилик орасидан нодонни қандай ажратиб оламиз? Пешонасига ёзиб қўйилмаса, қулоқ-бурни барчаники каби бўлса, ҳатто зоҳирий гўзалиги билан кишини мафтун этса? Энг қисқа ва оддий жавоб – дононинг акси нодондир. Айтишга осон, бироқ, дўстлар, қариндошлар, ҳамкаслар орасида нодони ким эканини аниқлаш мушкул. Нодонларча гапириб юборишидан, нодонларча бир иш қилиб қўйишдан ҳеч биримиз муҳофазаланмаганмиз. Нодонларча қилифимиз учун бирор танбеҳ бермаса-да, узоқ вақтга қадар ўзимизни ўзимиз айблаймиз. «Наҳот шу ишнинг нодонликдан эканига ақлим етмади?» деб ич-этимизни еб юрамиз. Агар бу нодонлигимиздан бирор жабрланган бўлса, узр сўраймиз. Агар шундай қилсак, нодонлик ботқоғига ботиш бизга хавф солмайди. Бунинг акси бўлишдан Худо асрасин.

Нодон одам ўзидаги айбларни кўра олмайди-да бошқаларнинг камчиликларини кўради. Аввал ўзидаги айбларни кўриб, шуларни тузатишга киришса, нодон бўлмас эди.

Ҳеч қайси нодон нодонлигини тан олмайди. Ҳолбуки, хатоларни тузатмаслик – чинакам хатодир. Баъзан кўнглимизга ёқмаган одамни ҳам нодонлар тоифасига киритиб қўя қоламизким, бу асли ўзимизнинг нодонлигимизни кўрсатиб қўяди.

Билмаганни «бilmадim», деб тан олишнинг доноликдан эканини айтдик. Бунинг акси – билмаган нарсасини «биламан», деб исбот қилишга тиришиши эса нодонлик-

дир. Билмаслигини тан олған доно ўзини ҳам, бошқа би-
ровни ҳам ҳалокатдан сақладаб қолади. Нодон эса... Но-
дон табибнинг аҳволидан хабар топганмисиз?

Ривоятким, бир шаҳарда тажрибали, беморга түғри ва
фойдалы маслаҳат берадиган, ақлли, ҳизрнафас табиб
яшар эди. Ҳакимнинг ўзига ҳам бир дард илашиб, кўзи
нурини йўқотди. Бундан фойдаланган лаёқатсиз бир но-
дон табиб ном чиқаришни умид қилди.

Шу мамлакат подшоҳи қизини ўз жиянига узатган эди.
Ҳомиладор қизининг ой-куни яқинлашганда оғир бетоб
бўлиб қолди. Подшоҳ тажрибали, аммо кўзи ожиз табиб-
ни чақиртириб келди. Табиб қизни кўриб, дарҳол таш-
ҳис қўйди. Унга «замаҳрон» дорисидан бир мисқолини
тоза мушк ва долчинга қўшиб ичиришни тавсия қилди.
Подшоҳ «Дорини ўзинг тайёрлаб, ўзинг ичир», деб бу-
юрди. Табиб ожизлиги туфайли бу ишни қилолмаслиги-
ни айтиб, узр сўради. Шу атрофда турган нодон табибга
жон кирди. Ўзини кўрсатиш, подшоҳ марҳаматига эри-
шиши учун қулай фурсат келди, деб ўйлаб: «Бу менинг
ишим, қизингизни мен даволайман», деди. Подшоҳ унга
ишониб, дориворлар сақланадиган хонага йўллади. Ил-
мисиз ва нодон одам бу соҳада ҳеч нима билмаса-да, ишга
кириши: заҳар солинган идишдан заҳарни олди, бошқа
идишлардан бошқа дориворларни таваккалига олиб, ара-
лаштириди-ю олиб чиқиб, ҳомиладор маликага ичирди.
Бемор дорини ичган заҳоти жон таслим қилди. Фазаблан-
ган подшоҳ дорининг қолганини нодоннинг ўзига ичир-
ди. Табибликни биламан, деб даъво қилган нодоннинг
аъзойи бадани кўкариб кетиб, қийнала-қийнала ўлди.

Жожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари «Дуо қилинг, нодон-
ларнинг юзин кўрмай», деб хитоб қилганлар. Фосиқ –
ахлоқсиз одам барча миллатда ҳам нодон саналади. Бун-
дай одамлар, айниқса, дили пок кишилар даврасида яна-
да нодонроқ кўринадилар. Фисқ аҳли доирасидаги но-
дон барча соҳада ёмон. Хусусан, тақводорликда – руҳо-
ний қиёфасида жуда ҳам ёмон. Бойлар орасидаги нодон-

нинг нима дейиши, тилла пашшанинг эса нима ейини ҳаммага маълум. Яссавий ҳазратлари шундай подонлардан наюҳ тилаяптилар.

Қадим ҳукмдорлардан бири машҳур бир алломага қозилик мансабини бермоқчи бўлди. Аллома унинг бу таклифини қабул қилмади. Ҳукмдор бундан ғазабланиб, унга жазо бермоқликни ихтиёр этди. Унинг адабини бериб қўйишнинг кўп турларини ўйлади. Тап жазоси бермоқликни раво кўрмай, зинданбанд қилишни буюорди. Ўша куниёқ номи чиққан бир нодонни ҳам ҳибсга олдириб, аллома ўтирган зинданга ташлади. Орадан уч кун ўтмай, аллома дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор уни зиндан чиқартириб, қандай ҳодиса юз берганини билиб турса ҳам «нима арзинг бор?» деб сўради. Аллома кўзларига ёш олиб ялинди:

– Ҳукмдорим, таклифингизни бажонидил қабул қилурменким, мени бу нодон суҳбатидан қутқарсангиз басдир.

Ҳукмдор ўзининг доно тадбиридан қувониб, алломани қозиликка тайин этди.

Алломанинг фарёдига нима сабаб бўлиб эди? Маълумки, ақлли одам кераксиз вақтда билганини сўзлашдан тортинади. Нодон эса, нима сўзлаётганини ўзи ҳам тушунмайди. Яхшиликка йўйиш мумкин бўлган сўзини ёмонликка йўйиб кишини гаранг қиласди. Ўзи билмаган ёки тушунмаган нарсани ё муқаллас деб сифиша бошлайди, ё куфр санаб, тиш-тириғи билан рад этади.

Навоий ҳазратлари бу тоифа ҳақида бир оз аччиқ аммо тўғри таъриф берганлар:

«Нодон – эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради. Қаёқча ҳайдасанг, ўши ёққа боради. Унда ақл-фаросат даъвоси йўқ. Бермасанг – оч, берсанг – тўқ. Бу бир бечорадир – юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки фалла ҳам ташувчи. Нодон бу сифатлардан холи, зоти билим либосидан маҳрум. Но-

доннинг иши такаббурлиқ, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш. Нодоннинг барча бемаъни иши ўзига маъқул. Барча ёмон феъли ўзига мақбул. Унинг кўнглида одамларга юз хил озор бериш хаёли. У жоҳиллигидан халққа минг зарар етказишни ўйлади. Эшак ҳанграшидан қулоққа озордир, бундан бўлак не айби бордир? Эшак тегирмондан уйингга ун келтиради; уни пишириш учун даладан ўтин келтиради. Эшакнинг меҳнатлари миннатсиз, унинг азоблари кулфатсиз. Нодонни эшак, десанг ранжийди, ғазабланади. Эшакка эса яхши-ёмон барибир.

Байт:

*Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюб,
Қайсинг хўб эканин аҳли хираð билгай хўб».*

✓ Яъниким, эшак билан нодоннинг бирида ҳунар мавжуд, иккинчисининг айби кўп. Қайси бирининг яхшироқ эканини ақл эгаларининг ўзлари яхши биладилар.

Бир нодон одам Ҳотам Тойга кўп жабру жафо етказди. Оғизга келган ҳар бир ярамас сўзни айтишдан тортинмади. Ақлли кишининг нодон билан олишиб туриши дуруст бўлмагани учун Ҳотам Той ҳам у билан олишмасдан, сукут этиб турдилар. У киши чарчаб, сўздан тўхтагандан кейин Ҳотам Той дедиларки:

– Яна айтадиган ҳақоратли сўзларинг борми? Бўлса, менинг ёнимда айтиб битир. «Ақлсиз, нодон одам адабсизлик қилса, у билан олишмай, адабсизлигини кечиришдан ўзга чора йўқдир», деганлар. Шунга кўра мен ҳамма ҳақоратли сўзларингга жавоб қайтармай, сукут қилдим. Сени авф этдим. Менинг одамларим орасида ўзингга ўхшаш паст табиатли, ақлсиз, нодон одамлар ҳам бор. Агар улар ёнида мени ҳақорат қилгудай бўлсанг, сенинг ҳудди ўзлари каби нодон эканингни билмаганлари сабабли ҳужум қилишиб, ман этишимга қарамай, сенга озор етказарлар. Шунинг учун ҳам барча ҳақоратли сўзларингни ўзимга айтиб битира қол.

Ота-боболаримиз битикларида ўзини доно санаган нодондан сақланмоқлик кўп-кўп таъкид этилган. Мана шундай кишиларга қараб хирадманд аҳли деганки: «Нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак, аслида унинг тириклик чоғи ҳам ўлимдан фарқланмайди».

Ҳар бир инсон қудрати ва истеъдоди кўтарадиган ишга қўйл урмоғи керак. Ўз ақл-идроки ва кучига қараб иш тутмаган киши эл орасида кулги бўлиб қолади: бургут қўзичноққа ҳамла қилиб, чангллади-ю уни даст кўтариб учиб кетди. Буни кузатиб турган қарғанинг ҳаваси жўш уриб, бургутга тақлид қилмоқчи бўлди ва ўтлаб юрган қўйга чанг солди. Бироқ панжалари қўйнинг юнгига илашиб қолиб, қанча уринмасин, чиқара олмади. Оқибатда чўпон етиб келди-ю уни тутиб олиб, болаларига ўйин қилиб берди. Болалар қарғани кўришиб: «Бу қушнинг оти нима?» деб сўрашди. Чўпон: «Бунинг оти «қарға» эди. Бироқ, бундан салгина олдин у ўзини бургут деб тасаввур қилди. Мана энди у ўзининг ким эканлигини билб турган бўлса керак!» деб жавоб берди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Кимда аҳмоқлик ва нодонлик бўлса, ҳамиша уятга қўяди. Аллоҳ таоло латиф ва мулоҳимликни севади», деб марҳамат қилганлар. Мулоҳим ва тадбир билан қилиш мумкин бўлган бир юмушни қўполлик ва тадбirsизлик билан бажариш нодонлик эканини билмайдиганлар ҳам бор. Бундайларни, айниқса, кўпчилик иштирокидаги маросимларда тез-тез учратиб қоламиз. Қаттиқ-қаттиқ гапириб, кулаверадиган, хизмат қилиб юрган ёшларга ҳуда-беҳуда танбех бераверадиган биродарларимиз борларки, шу одатлари билан кўпнинг назарига тушишни истайдилар. Улар чиндан ҳам эътиборда бўладилар, фақат ўзлари истаган мақомда эмас, балки нодонлик кўринишида бўладиларки, бундан сақланишларини истардик. Маросимда хизмат қилиб юрган ёшларнинг бири зийрак бўлса, иккинчиси табиатан эътиборсизроқ бўлиши, бири кўпчиликка тез аралашив кетса, иккинчиси одамовироқ бўлиши, кўпчи-

лик орасида хизмат қилиб юришдан тортиниши мумкин. Шундай пайтда баланд овозда «Хәй, хода ютганимсан, қимирласанғчи тезроқ» ёки «Гап сотиб, ош егани келганимсан ё хизмат қилганими?» деган гап ҳам, «барака топинглар, яхши ҳам сизлар бор экансизлар, қани тезроқ бўла қолайлик» дегани ҳам бир оғиздан чиқади. Шу оғиздан қандай гап чиқиши тилни бошқарувчи ақлга боғлиқ.

* * *

Бирон бир аёл эришган жавоҳири туфайли яхшироқ бўлиб қолган, деб ўйлайсизми? Ҳолбуки, қанчадаи-қанча аёл жавҳарга етмоқ йўлида бузилди экан, баҳтсиз бўлиб қолди экан? Қайси бир эркак тилло тўла сандиққа эга чиқиб, яхшироқ бўлибди? Бу сандиқларни тўлатиш йўлида қилинганд зулм миқдорини ким ўлчабди экан?

* * *

Бойлик эгаларининг Аллоҳ салтанатига кирмоғи бениҳоя даражада мушкул дейишади. Камбағал сабр ва шукронаси бўйича ҳисоб берса, бой тўплаган хазинасига ҳаром аралашганми ё йўқми, уни нимага сарф этган, закотни тўғри берганми... хуллас шунга ўхшаш кўп бурчлари бўйича ҳисоб берар экан қиёматда. Насронийларнинг илоҳий китоби «Инжил»да айтилишича, бойниңг Аллоҳ салтанатига, яъни жаннатга кирмоғидан кўра туяниг игна тешигидан ўтмоғи осонроқ эмиш.▶

Ровийлар дерларким, бир подшоҳ «ҳаётни ўрганиб кел», деб ўғлини дунё сафарига юборибди. Орадан ойлар ўтиб, шаҳзода саройга қайтиб, бир кафтида тупроқ, яна бирида тош билан отасига рўпара бўлибди.

– Дунё кезиб топганинг шу бўлдими? – деб ранжибди подшоҳ. – Хўш, буларингдан қандай маъно уқмоғим кепрак?

– Подшоҳ қанчалар улуғ, қанчалар қудратли бўлмасин, у тупроқдан яралган ва оқибат яна тупроққа айлан-

гуси. Шундай экан, то аслига қайтгунига қадар Аллоҳ-га мақбул ишларни қилиши, яъни раиятга меҳр-муҳабатда бўлмоғи шарт экан. Тошнинг маъноси эса: хазинадан яхшилик йўлида фойдаланилмас экан, ундаги олтину жавоҳирнинг қадри билан бу тошнинг қиймати бир хилдир, – деб шаҳзода бир ривоят айтибди:

– Зиқна бой далага чиқиб, хуржун тўла олтинини кўмиб қўйибди-да, хазина кўмилган ерни ҳар куни зиёрат қиласверибди. Қўшниси битта жойга узоқ тикилиб турувчи бойнинг бу қилиғидан ажабланиб, ўша ерни кавлабди-да, олтинларни олиб, ўрнига тош тўлдириб қўйибди. Зиқна бой кунларнинг бирида олтинларининг юзини силаб, бағрига босиб роҳатланиш мақсадида ерни кавласаки, хазина йўқ! Аламдан дод солиб турганида қўшниси яқинлашиб, не ҳол юз берганини сўрабди.

– Олтинларимни сарф қилмай шу ерга кўмиб қўйган эдим, кимдир ўғирлаб, ўрнига тош ташлаб кетибди, – деб жавоб берибди бой.

– Бекорга йифлаяпсан, – дебди қўшниси. – Сен куйинмагин-да, тошни жойига кўмиб, ҳар куни зиёратингни қиласвер. Сарф қилмаганингдан кейин бу чуқурчага тош кўмилганми ё олтинми, сен учун нима фарқи бор?

Ўғлидан бу ривоятни эшитган подшоҳ аччиқланибдида:

– Демак, сенингча бойлик тўплаб, сақлаш шарт эмас экан-да? – дебди.

– Бойликка эга бўлмаслик ёмон, бойликка эга бўла туриб, ундан оқиллик билан фойдалана олмаслик унданда ёмонроқ, – деб жавоб берган экан доно шаҳзода.

* * *

Сабр гадони подшоҳ даражасига қўтариши мумкин. Сабрсизлик подшоҳни гадолик ботқогига ботиради. Юсуф алайҳиссалом сабр қилган эдилар, юқори марта-бага етдилар. Зулайҳо нафсига банди бўлиб сабрсизлик қилган эди, унга хорлик ва шармандалик насиб этди.

Құдсий ҳадисда: «Әй Одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут, Ўзим сени олий даражага кўтараман», деб марҳамат қилинган.

Фарзандларимизни яқинларимизни дуо қилганимизда баҳт-саодат тилаймиз-у, аммо сабр-тоқат, қаноат тилашни унутамиз. Сабр-қаноатсиз баҳт-саодатга етиб бўлмаслигини биламиزم? Биз фақат жанозага борганимиздаги на марҳумнинг яқинларига сабр тилаймиз. Бу яхши одат. Бошига мусибат тушган ҳар бир бандани сабрга чақириб, ёнида далда бўлиб туриш аъло фазилатлардан. Деийлади-ки: «Әй бандаларим, мен бандаларим ичидан бир мўъмин кишини бирон мусибат етказиб имтиҳон қилсан, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойдан турганида хато-гуноҳлардан онаси туққан кунидек пок бўлиб туради». Мусибатга чидаш қийин бўлганидан унга сабр қилувчиларга ана шундай мукофот ваъда қилиняпти! Мусибат сабрли одамга бир, сабрсиз одамга икки ҳисса оғир туюлади. Мусибат кўрганида кишининг ilk сўзлари: «Аллоҳим, мени собирлардан қилгин. Мусибатнинг ажрига муваффақ қил», деган дуо бўлса хайрлидир. Бироқ, афсуски, айрим биродарларимиз мусибат тоши остида эзилиб, тилларидан қандай сўзлар учайдиганини билмайдилар, Аллоҳга қарши исён қиладиган даражага бориб етадиларки, шу боис уларга сабр тиламоғимиз, Имом Фаъзолий ҳазратларининг: «Бало фақат гуноҳ ва куфрдан келади. Мусибатлар асл бало эмас, уларнинг ичидан сен билмайдиган яхшиликлар бордир», деган ҳикматларини эслатиш дурустдир. Аммо сабр фақат мусибатли кундагина керакми? Бу саволга ҳар биримиздан жавоб лозим.

Инсон жисмоний жиҳатдан бақувватлигига мағурланиб юраверади, аслида эса у foят ожиздир. Тоқати етмайдиган юмушлари кўп. Сабрсизлиги учун йўл қўяётган гуноҳлари унданда кўпроқ.

Ҳаёти давомида кишининг боши устидан қўёш чараклаб туриши баробаринда турли ҳил ташвиш булут-

лари ҳам сузиб ўтади. Кенглик – танглик ҳам, тўқлик – очлик ҳам, ғалаба – мағлубият ҳам, шодлик – мусибат ҳам. Умри фақат шодлигу ғалаба билан ўтган кимсани тарих билмайди. Одам боласидан машақат ва мусибат пайтида сабр қилиши, умидсизланмаслиги, ҳақ устида сабот билан туриши талаб этилади. Дунё фами келиб-кетувчи меҳмондир. Абадий қолади, деб ранжи-маслик керак. Тонгни кутадиган одам сабр қилиши шарт. Тун қиёматга қадар давом этмайди. Неъматга сабр билан эришилади, шошқалоқ ва бесабр неъматдан маҳрум қолади. Неъматни кўриш билан шокир, мусибатга дуч келганда эса собир бўлиш иймон жумласига киради.

Буқрот ҳаким илми ҳикматда равнақ топгач, узлатни ихтиёр этдилар. Бир куни подшоҳ хасталаниб, ул зотни ҳузурига чақирирди. Буқрот ҳаким подшоҳнинг даъватини қабул қилмадилар. Шунда ул зотнинг ҳузурига вазирнинг ўзи келди. Қарасаки, Буқрот ҳакимнинг емишлари турли гиёҳлар экан. Вазир подшоҳнинг амрини айтиб, ялинса ҳам ҳаким кўнмадилар. Шунда вазир аччиқланиб дедики:

– Подшоҳларнинг хизматини қилишни ўрганганингда бунақа гиёҳ еб ўтирмас эдинг.

Бу дашномни эшитган ҳаким кулдилар ва дедиларки:

– Агар сен гиёҳ еб яшашга қаноат қилишни ўрганганингда жонингни хатарга қўйиб, подшоҳ хизматини қилмас эдинг.

Донолар деганларки: «Модомики, ер остида қабр азоби ҳақ экан, ер устида ўша азобнинг муқобили сифатида сабр азоби ҳам мавжуд. Бандага ё униси, ё буниси». Ҳикмат аҳли барча нарсадан айнан шу сабр азобини аъло кўрганларки, ажрлари юқори бўлгай. Ҳазрат Навоий айтганларидек: «Сабр бор ерда айрилиқ ўтида куйганларга фам йўқ, иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ». Чунки: «...уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга

салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай яхши, дерлар» (Раъд сураси).

Европанинг машҳур файласуфи, узлатга чекиниб, умрини бочкада ўтқазган Диогендан бир одамнинг бойми ёки камбағал эканлигини сўрадилар.

– Билмайман, – деб жавоб берди Диоген, – менга фақат унинг пули кўплиги маълум.

– Пули кўп бўлса, демак, бой эканда?

– Кўп пулга эга бўлиш ва бой бўлиш – бир нарса эмас, – деб жавоб берди Диоген. – Борига қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик ортиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, борига қаноат қилган одамдан камбағалроқдир.

* * *

Кутиш ва сабр қилиш бир хил тушунчами? Масалан, омадни кутиш ва омадсизликка сабр қилиш – бирми? Йўқ, менингча, кутиш бошқа, сабр қилиш бошқа. Сабр – фазилат. Кутишда фазилат кам. Унда файратсизлик ҳам мавжуд. Сабр дегани барча ёмонликларга чидаш эмас, сабр адолат учун курашни инкор этмайди.

* * *

Кино театрни ямлади, кинони телевидение ямлади, телевидениени интернет ямляяпти... Тараққиётнинг тешик кемасида маънавият соҳилидан шу зайлда узоқлашиб кетяпмиз. Борар жойимиз – мавҳумлик. Бирон соҳилга этиб борамизми ё руҳсиз денгизга гарқ бўламизми?

Хаёлан ўз-ўзимизга савол берайлик:

– Шахсий ҳаётимиздан театр йўқолса... кино йўқолса... телевидение йўқолса... нима ўзгаради? Буларнинг йўқолганини сезамизми? Жавоблар оқими турлича: қадимда аждодларимиз бу томошаларсиз ҳам яшашган, демак, кўникиб кетиш мумкин. Атрофимизга боқайлик: умрида бирон марта театр остонасини ҳатламаган, музейга ёки рассомлар кўргазмасига кирмаган одамлар

кўп. Хўш, театр, музей, кўргазмалар йўқолса, шу одамлар сезадими, уларнинг ҳаётида бирон ўзгариш бўладими? Ёки шаҳардаги интернет-клублар беркитилса, бу жойларга қадам босмаган йигитнинг ҳаётида нима ўзгаради? Бир-икки давраларда юқоридаги саволларни ўртага солдик. Жавоблар бир ҳил бўлмади. Театр, кино, телевидениенинг йўқолишига ёшларнинг муносабати: уларга барибир – фарқсиз. Ўрта ёшлилар дастлаб сезиларли бўлади, кейин кўнишиб кетармиз, дешиди. Кексалар эса бу ҳолни маънавий фожиа сифатида баҳолашди. “Қари билганни пари (фаришта) билмайди”, деган мақол бор. Ҳарҳолда кейинги баҳо ўринли. Демак, бефарқ ёшларимиз билан бу мавзуларда кўпроқ суҳбатлашиб туришимиз керак экан. Оғир жинояти учун қамалган ёшлар билан суҳбатлашганимизда уларнинг 90-95 фоизи китоб ўқимагани, театрга тушмагани маълум бўлди. Кинофильмларни ҳам танлаб кўришаркан, яъни бузуқлик ва зўрлик ҳақидагиларни жону диллари билан томоша қилишаркан... Театр, кино, телевидениенинг ҳаётдаги ўрнига шу мисол жавоб бера олар?

* * *

✓ Маҳаллага ўт кетиб, деярли барча уйлар ёнибди. Бу хабарни эшитган одам хавотирланиб, югуриб келаётган экан, қўшниси пешвоз чиқиб:

– Ташвишланманг, бутун маҳалла ёнди, аммо сизнинг уйингизга ҳам, дўконингизга ҳам ўт етмади, – деб суюнчилабди.

Бу хушхабарни эшитган одам беихтиёр равишда:

– Йа Аллоҳим, менинг мулкимни омон сақлабсан, ўзингга шукур, – деб қувонибди. Аммо уч-тўрт қадам юргач, қандай гуноҳга ботганини англаб, йиглаб юборибди-ю, саждага бош қўйиб истиффор айта бошлабди.

Аллоҳ унинг мол-мулкини асррагани учун ҳамд айтган эди. Энди нечун тавба қиляпти?

Гап шундаки, унинг шукронаси замираидар худбинлик мавжуд. Яъни, маҳалланинг куйиб кул бўлгани уни ташвишга солмаган, биродарларига ачинмаган, у ўзининг уйи омон қолгани учунгина хурсанд эди. Аввалига билмадики, Аллоҳ уни синаш учун мулкини омон сақлади. Эртами индин янада азоблироқ синов юбориши мумкин. Яъни, бутун маҳаллани омон сақлаб, унинг мулкини кулга айлантирмоғи ҳам эҳтимол. У киши шу ҳақиқатни анлаган, мулкини жабрдийдаларга улашиб, сўнгги нафасига қадар тавба қилган экан.

У киши-ку гуноҳини англабди.

Англамаганлар қанча? «Отилган ўқ тўнкага санчиладими ёки қўшнимнинг кўксигами – мен учун фарқи йўқ, менга тегмаса бас», дейдиганлар озми?

Бундайларга деймизки, «Нодонлик қилманг, биродар, қўшнингизга ўқ узган тўппонча тепкиси яна бир марта бошлиши мумкин, балки иккинчиси тўнкага ҳам эмас, қўшнингизга ҳам эмас, айнан сизнинг кўксингизга аталгандир? Сиз Аллоҳдан «Қўшнимни паноҳингда асра!» деб сўранг. Йифлаб-йифлаб юракдан сўранг. Шунда Аллоҳ сизни ҳам асрайди. «Қўшнимнинг ризқига барака бер», деб сўранг. Аллоҳ сизнинг ризқингизга ҳам барака беради. ✓

Бир кишининг уйида сичқонлар кўпайиб кетибди. Дўсти мушук сотиб олинг, деб маслаҳат берибди. «Йўқ, биродар, мушук олсан, сичқонлар қўшнимникига қочиб чиқиб, уларни безовта қиласди», дебди у одам. Яна бир одам қўшнисининг камчиқим бўлиб қолганини сезса, уйида уч-тўрт кун қозон осдирмас экан. «Биздаги таомнинг ҳиди уларнинг димоғига урилиб, қийнамасин», дер экан.

Сиз балки «Ундан кўра қўшнисига пул берса ёки таомчиқарса бўлмайдими?» дерсиз? Гап шундаки, жоҳил қўшни ҳадя, эҳсонни рад этиб, «мен сизга гадоманми?» деб ўжарлик қилас экан. Бунақа ҳолларда «Мен бердим-у сен ноз қилдингми, баттар бўл», деб майшатини қиласеверадиганлар ҳам бор. Булар Аллоҳнинг синовини англамаган бандалардир.

* * *

Мусибатга учраган одамга яқин таниши ҳамдардлик билдирияпти. Зоҳиран шундай. Аслида эса бу дарддан тезроқ узоқлашишга ҳаракат қиляпти. Биронинг дардига кимнинг тоқати бор? «Дардингизга шерикман», дейиш фақат тилда. Агар одамлар ўзганинг дардига чин дилдан «шерик» бўлганларида эди, бу оламдаги дардлар парча-парча бўлиб кетармиди?

Бир япон йигит хўжайинига рўбарў бўлиб, жилмайди-да, уйга бориб келиш учун уч кунга рухсат сўрабди.

– Уч кун уйингда нима қиласан? – деб сўрабди хўжайнин.

– Отам ўлибдилар, кўмиб келаман, – дебди йигит.

– Отанг ўлган бўлсалар нега жилмайиб туриб рухсат сўраяпсан? – деб ажабланибди хўжайнин.

– Отамнинг ўлеми – менинг дардим. Фамнок қиёфага кириб сизни дардимга шерик қилишни истамадим, – дебди йигит.

* * *

Турналар учеб келса, қалблар шодланади. Турналар учеб кетар маҳалда қалблар етим каби маъюсланади. Қарғалар учеб келганида бирор қувонмайди, учеб кетса бирор гашланмайди. Йа, Роббим, кишининг қарғамижоз бўлиб қолишидан ўзинг асра!

* * *

Деворнинг тарихини, вазифасини биласизми? Деворни ким, қачон ва нима учун кашф қилган? Дастрлабки девор – тўсиқлар шох-шаббалардан иборат бўлиб, экинзор ёки бояни жониворлардан ихота қилгандир. Бундай тўсиқлар ҳозир ҳам қишлоқларда мавжуд. Тош, пахса, гишт деворнинг дастрлабки вазифаси эҳтимол хонадонни ёвдан, ўгри, қароқчилардан ҳимоя қилиш бўлгандир. Ҳозир эса бундай баланд деворларнинг яна бир аянчили

✓

вазифаси бор – ака-укалар бир-бирларининг юзларини кўрмаслик, овозларини эшитмаслик учун ҳовли ўртасидан тўсадилар. Бир қоринга сиққан оға-инилар энди бир ҳовлига сифиши майди. «Кенгга кенг дунё, торга тор дунё», деганлар. Тор қалблар отадан мерос ҳовли ўртасига девор урмоқни ихтиёр этади. Бу – иймон ожизлигининг зоҳирдаги кўриниши. Бу – Аллоҳниң бир-бирларингизга месҳр-муҳаббатли бўлинглар, деган амрига итоат этмаслик. Девор – Аллоҳ амрига бўйсунмаганлик учун охиратда жазо олинажагига бир белги.

Ровийлар дерларки, бир ака худойи қилмоқ ниятида қўй етаклаб қассобга бораётган экан. Шу онда унинг қулогига илоҳий бир овоз келиб дебдики: «Эй Одам фарзанди, сен укангни ранжит ансан, аввал бориб ундан узр сўра, розилигини ол. Оралағингиздаги хафаликни қув. Ана ундан кейингина қўйингни сўй. Шундагина садақанг қабул бўлажак...» ✓

Ҳозир эса... ака тўй қилса, ука чорланмайди, ука эҳсон қилса, бир коса таомни акага илинмайди. Чунки ўртада девор бор. Бу гишт деворга чидаса бўлар, вақти келиб ё ўзи емирилар, ё бошқа сабаб билан олиб ташланар. Лекин ака билан уканинг юраклари орасига девор тушса ёмон, жуда ёмон! Ҳовлини гишт девор ажратса, юракни бемеҳрлик девори парчалаб ташлайди. Қалблардаги девор мавжуд экан, бу хонадонларда файз-барака бўлмайди. Файз-барака меҳр-муҳаббатли хонадонларга аталган.

Маҳаллада ака-укаларнинг узоққа чўзилган можароси ўртага девор олиш билан яқунланди. Жонга теккан можаронинг охирлаганидан, кўнгли тинчиганидан хурсанд бўлган ака қўй сўйиб, худойи қилди, маҳалла аҳлини сийлади. Бундан ажабланмай бўларканми?

Бировлар яқинларининг меҳр-муҳаббатига ташна. Болалик чоқларида қандайдир сабаб билан йўқолиб қолган жигарларини акалар ёки опалар, укалар ёки сингиллар умид билан излайдилар. Ҳа, бировлар бир-бирларига интилиб яшайдилар, бировлар эса... Ака-ука битта

масжидда намоз ўқийди. Масжид остонасидан ҳатлагач эса юзкўрмас бўлиб юраверади. Уларнинг бу ҳолатларидаги ибодатлари қандай ибодат бўлди экан? Улар силаи раҳм хусусиндаги оятлар ва ҳадисларни билишармикин? Албатта масжид имомларининг маърузаларида эшишишгандир. Аммо Аллоҳнинг буйруғига итоат этишлари шарт эканлигини ўйлаб кўришмагандир. Шундай бемеҳрларга эслатма сифатида бу ривоят баёнини тақдим этишни лозим кўрдик.

Абу Лайс Самарқандий ҳазратлари Яҳё ибн Салимдан ривоят қилган эканлар:

«Маккан мукаррамада биз билан бирга Хуросон аҳлидан бўлган бир киши бор эди. У солиҳ киши эди. Одамлар унга ўз омонатларини қўяр эдилар. Бир киши келиб, ўн минг дирҳам қолдирди-да, ўзи узоқ сафарга кетди. Қайтганида хуросонлик киши вафот этган эди. У киши ўша куни Маккада йигилган олимлардан бу масалани сўради: «Фалончига ўн минг дирҳам ташлаб кетган эдим. У киши ўлибди. Хотини ва ўғлидан сўрасам, билишмас экан. Менга энди нимани буюрасизлар?»

Айтдилар: «Бизлар хуросонликни жаннат аҳлидан, деб умид қиласиз. Кечанинг учдан бири ёки иккинчиси ўтса, замзам қудуғи олдига келгин ва мана бу сўз билан хабар бергин: «Эй Фалончининг ўғли Фалончи! Мен омонат эгасиман!»

Ҳалиги одам келиб уч марта айтди, бироқ, ҳеч ким жавоб бермади. Сўнгра олимларнинг олдига келиб, уларга бу хабарни етказди, айтдилар: «Албатта биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтажакмиз! Бизлар сенинг дўстинг дўзах аҳлидан бўлмоғидан қўрқаяпмиз. Энди Яманга боргинг, у ерда бир водий борким, уни Бархут дерлар. У ерда бир қудуқни кўрасан. Унга яқинлашгинда кечанинг учдан бири ёки учдан иккиси ўтганда: «Эй Фалончининг ўғли Фалончи! Мен омонат эгасиман!» – деб бақиргинг». У айтилган ерга бориб овоз берди. Биринчи чақирувдаёқ жавоб эшитилди. Омонат эгаси ачиниб дедики: «Шўринг

қурсин, сени бу ерга нима туширди? Сен яхшиликлар эгаси эдинг-ку?!» Жавоб келдики: «Менинг Хурросонда аҳли байтим, қариндошларим бор эди. Улар билан узилиб яшадим. Аллоҳ таоло менинг шу гуноҳим учун бу азоб билан ушлаб шу манзилга ташлади. Аммо, сен ташвишланма, молинг ўз ўрнида турибди, мен ўғлимга билдириб қўйишга улгуролмай жон таслим қилгандим. Молингни уйимнинг фалон ерига кўмганман, борсанг, то-пасан».

Шу ривоятнинг ўзи барчага ибрат эмасми? Мана буниси-чи:

Ровийлар дерларким, ота вафот этиб, бир қопгина буғдой мерос бўлиб қолибди. Ака-ука буғдойни тенг иккига бўлиб олишибди. Тунда уканинг кўзидан уйқу қочиб, ўзига-ўзи дебдики: «Эй нодон, нима қилиб қўйдинг? Сен шу буғдойга муҳтоҗмисан? Сўққабош бўлсанг, биттагина қорнингни тўйдиролмайсанми? Акангнинг болалири бор, уларга нон топиш осонми?» Шу хаёл билан ука ўрнидан туриб, омборхонага чиқибди-ю, ўзига тегишли буғдойдан акасининг хумига солиб қўйибди. Иттифоқо шу дамда аканинг кўзидан ҳам уйқу қочибди, у ўзига-ўзи дебдики: «Эй нодон, сен нима иш қилиб қўйдинг? Отанг сени уйлантириб, укангнинг тўйини кўрмай ўтди. Уканг энди қорин ташвишидан ташқари уйланиш ташвишини ҳам қилиши керак. Унга инсоф қил». Ака ўрнидан туриб омборхонага чиқибди-ю, ўзига тегишли буғдойдан укасининг хумига солиб қўйибди.

Бу ҳаракат ҳар тун такрорланаверибди.

Ой ўтибди, йил ўтибди, аканинг ярим хум буғдойи ҳам, уканики ҳам ҳеч тугамасмиш. Улар бу сирдан ажабланниб, донишмандга боришибди. Донишманднинг талаби билан тундаги қилмишларини айтиб беришибди. «Инсоф сари барака», деган ҳикматни донишманд ўшанда айтган экан.

Ҳовлиларни бўлиб олаётган, юзқўрмас бўлиб юрган ака-укалар! Ўзингиз тиклаган девор атрофида ота-она-

ларингизнинг руҳлари азоб чекиб, чирқираб юрган бўлиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

* * *

Фикрнинг ғоят доно ва қадрли эканлиги фикр эгасининг ўлимидан анча кейин маълум бўлиб қолади.

* * *

Донишмандлар дейдиларким: Ҳақиқатга кўрсатила-диган энг катта лутфу карам – унга амал қилмоқлик экан. Аммо дунёда ҳеч нимага ҳақиқатчалик машаққат билан эришилмайди. Ҳақиқатни излаш, унга етиш учун ойлар, баъзан йиллар зарур бўлар. Ҳаёт шундайки, бунда ҳақиқатдан кўра хатони топиш осонроқ. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқаймиз, ҳақиқат эса пинҳона яши-ринган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди. Ҳақиқатга етишмоқликнинг энг асосий шарти – ҳақиқатни севмоқликдир. Зотан, фақат ҳақиқатгина чинакам гўзалдир, фақат угина меҳр-муҳаббатга лойиқдир. Ҳақиқатни шунчаки севиш ва гапиришнинг ўзи кифоя эмас, ҳақиқатни бирон бир улуғ мақсадни кўзлаган ҳолда севиш ва гапириш керак бўлади. Бир одам бирор фойдали ҳақиқатни очгунича, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан ўз умрини ҳазон қилмоғи ҳам мумкин. Ҳақиқат излаш вақтичоғлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан ўтади. Аммо шунда ҳам барibir уни изламоқ лозим, акс ҳолда, ҳақиқат топмасак, уни севмасак, ҳалок бўлмоғимиз тайин. Ҳақиқатни ўргана туриб, уч мақсадни кўзда тутиш зарур: уни излаб топишимиз, топгандан сўнг, албатта, исботлаши-миз, ниҳоят, ҳақиқатни изоҳлаб, исботлаётганда уни сохталиқдан ажратади билмоғимиз шарт.

* * *

Кимки интилмаса, у ҳеч нарсага эришмайди, кимки шижоат кўрсатмаса, у ҳеч нарсалик бўлмайди, кимки

ўзининг маънавий қувватидан фойдаланмаса, бу қувват уни тарк этади.

* * *

Машинасида кетаётган бир одам йўл ўртасида ётган итнинг ўлигини кўрди. У ўзининг итини таниди, машинасини секинлатди, аммо тўхтатмади. Ўнидаги ҳамроҳига қараб:

– Қаранг, олапарнинг куни ҳам битибди. Эрталаб кўринмаган эди-я, – деди.

Ит умри бўйи унга садоқат билан хизмат қилган эди. Ўлимига ҳам шу садоқати сабаб бўлди – хожасининг ошхонасидан гўшт ўғирлаётган мушукни қувиб бораётган эди...

Итнинг садоқатига хожаси хиёнат билан жавоб берди. Агар дунё айланиб, бу одамнинг бошига шундай кун тушса, ит хожасининг жасадини ташлаб кетмаган бўларди...

* * *

Машинанинг орқа ўриндиғида уч аёл ўтирибди. Учовининг ёши олтмишдан ошган. Улардан бирининг қайнонаси яқинда оламдан ўтган. Аёллар ўша қайнонадан қолган матохлар, латта-путталарнинг меросхўрлар орасида ногўғри тақсимланганини муҳокама қилиб боришияпти. Уларнинг ҳар бирлари ўзларича донодирлар, ўзларича ҳалолдирлар, ўзларича адолат эгасидирлар. Гўё Яратган Ҳақ барча ақлни уларгагина берган-у, бошқалар бу неъматдан бенасиб қолганлар.

Ақлнинг ўлчови йўқ. Ҳарҳолда ўзини доно сановчи ҳар бир инсонда озми-кўпми Худо берган ақл мавжуд. Лекин гап бу ерда ақлдан қандай фойдаланишда. Одам боласи ёнидаги юз сўм пулга битта нон олиб еб қорнини тўйғазиши ёки шу пулга сақич харид қилиб, чайнаб-кавш қайтариб, пуфак чиқариб юриши ҳам мумкин.

Машинадаги уч аёлнинг занглаған ақллари демайдики: «Эй инсон, сен нималарни ўйлаб бош қотиряпсан?

Латта-путтага куйиниб жавраётган маҳалингда ёнингга яқин келиб қолган ўлшем сендан куляпти. Ахир олтмиш йилдан зиёд умр кўрд инг. Бу ёғи қаинча қолди? Уша латта-путталар эгаси бўлмиш кампир салкам тўқсон йил яшади. Оқибат, топганларини, ийққанларини ташлаб кетди. Шу ҳолнинг ўзи сенга ибрат бўлмайдими? Сен шу матоҳларсиз олтмиш йил яшадинг. Шу латта-путталарсиз яна 10–15 йил яшай олмайсанми? Бойликсиз, латта-путтасиз яшаш мумкин. У дунёда «қайнонангнинг матоҳларидан нега қўпроқ улуш ололмадинг?» деб сўралмайди. Имонсиз яшамоқ мумкин эмас. Шу боис у дунёда «нима учун имонсиз яшадинг?» деб сўралса керак...»

Автомобилнинг филдираклари шитоб билан айланади. Умримиз филдиракларининг ҳам шу каби, балки унданда тез айланишини идрок қилмаймиз. Хотинларнинг гийбати, ифвоси авжга чиққан маҳалда биргина туртки ёки йўлдаги муштдеккина тош сабаб бўлиб ҳалокат юз бериши, уларнинг жонлари шу онда, гийбатни охирига етказа олмасларидан узилиши мумкин. Тил гийбат билан банд бўлганда шаҳодат калимасига ўрин йўқ. Роббим, бандаларингни шундан асрагин!

* * *

Айрим жойларда киши вафот этгач, айрим кийимлари кўзга кўринарли жойга қатор қилиб илиб қўйилади. Бу одатни баъзилар шарҳлай олмайдилар, айримлар бу кийимлар фассолга бериб юборилади, дейишади. Бизнингча мазкур одатнинг маъноси бундай: кийимларни осиб қўйиш билан дейилмоқчики: «Ана, кўриб қўйинглар, бу инсон ўлиб, ўзи билан ҳеч нарса олт’о кетмади. Ҳатто кийимлари ҳам қолди. Кўринглар, шунга қараб фикр қилинглар ва мол-дунёга берилишдан тийилинглар!» ✓

* * *

Фарзандларининг бемеҳрлигидан шикоят қилувчилар ҳам бор. Шулардан бири: «Мен отам ўлганида йифлама-

дим, онам ўлганида йифламадим, ич-ичимдан эзилдим. Энди шу ёшга кириб, болаларимдан меҳр кўрмай йифлагяпман», деди. Балки ота-онаси билан видолашаётганда йифлаганида – ҳозир ўз қадрига йифламасмиди...

Фарзандларидан нолийдиган одамлар оз эмас. Отанинг фарзанддан нолишига ҳаққи борми? Йўқ. Боғбон шафтоли данагини экиб ниҳол ундиrsa, сўнг бошқа нав шафтolinинг новдасини олиб келиб, пайванд қилса, сўнг парваришиласа-ю, у дарахт ширин эмас, аччиқ ёки нордон мева тугса. Бунга дарахт айбли бўладими ёки ўша мевами? Боғбон қандай данак эккан эди, аниқ билармиди? Қандай новда улади, сувдан вақтида хабар олиб турдими, кераксиз новдачаларни кесиб қўйдими, дарахт барглари офтоб нуридан етарли баҳра олдими?

Фарзанд отанинг пушти-камаридан дунёга келган бўлса, уни отанинг ўзи тарбия қилгани ҳолда яна нолиса? Илмий жиҳатдан, ирсият қонунлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ота-онанинг феъли, табиати фарзандига ўтади. Меҳрибон одамдан бемеҳр бола туғилмайди. Тўғри, кейинчалик атроф-муҳит бола онгига, хулқига таъсир қиласди. Лекин ота-она ана шу таъсирни ҳам бошқаришлари шарт. Агар ота бўлмиш ўзининг ота-онасига, aka-укалари, опа-сингилларига меҳрибон бўлса, ширинсўз бўлса, уларнинг қадрига етса ва буни боласи кўриб, билиб турса бу фарзандга ортиқча гапнинг ҳожати йўқ.

Биз фарзандимиздан нолишдан олдин «ўзимиз фарзанд бўлиб ота-онамизга қандай ҳунарлар кўрсатгган эдик?» деб ўйлаб кўрайлик. Балки ота-онамизга қилган қилиғимиз энди фарзандимиз воситаси билан ўзимизга қайта-ётгандир? Балки орадан йиллар ўтиб ҳаёт кўзгусида ўзимизни-ўзимиз кўраётгандирмиз?

* * *

✓ Одамзот танасида олти аъзо борким, уларнинг учтаси ўзига бўйсунмайди, учтаси эса ўзининг ҳукмида. Кўз, қулоқ, бурун одамга бўйинсунмайди. Кўргиси келмаган

нарсасини кўришга, эшигиси келмаган гаплар ёки товушларни тинглашга, хуш ёқмайдиган исларни ҳидлашга мажбур бўлади. Оёқ, қўл, тил эса одамнинг ҳукмида. Тил билан илоҳий каломларни, ширин сўзларни айтиши ёки аксинча бунинг ўрнига тилини фийбат, иғбо, ярамас гаплар билан банд этмоғи мумкин. Қўллари билан гўзал буюмлар яратиши ёки гўзаллик обидаларини қўпориши ёинки шу қўл билан эҳсон, ҳадя бериши ёки ўзгалар мулкини ўзлаштириб олиши ўз ихтиёрида. Оёқлари эса, истаса – уни ибодатга, истамаса – фоҳишахонага олиб бормоғи мумкин.

* * *

Бандаларни «Аллоҳдан қўрқинглар!» деб кўп огоҳлантиришади. Бу хусусда ояти карималар ҳам мавжуд. Мен мазкур иборанинг талқини хусусида кўп ўйлайман. Ўйларини баён этмоққа журъат қиласман, йа Роббим, мени адабтирма.

«Аллоҳдан қўрқмоқлик»ни тўғридан-тўғри, айнан тушунмаслик керак. Чунки Аллоҳ – раҳмли, шафқатли, тавбаларни қабул этиб, гуноҳларни кечиргувчиdir. Дўзах азобларидан қутқарувчи, жаннат боғларини инъом этувчи меҳрибондир. Демак, Аллоҳнинг ўзидан змас, унинг ғазабидан, айбларимиз учун Аллоҳ белгилаб қўйган жазоларга, азобларга мубтало бўлиб қолишдан қўрқмоғимиз ва гуноҳ ишлардан тийилмогимиз шарт.

Ривоят қилурларким, Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалири ҳамроҳлигига бир ерга кетаётганларида саҳобалар ўзаро ҳазил-мутойибалар қилишиб, кулишиб бораётган эдилар. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом дедиларким:

– Эй асҳоб, қиёматда сизнинг боражак ерингиз дўзах оташидир. Нега кўп куласизлар?

Бу гапни айтишлари билан Жаброил алайҳиссалом тушиб келдилар ва дедиларким:

– Йа Расулуллоҳ! Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло марҳамат қилдики: “нимага менинг бандаларимни қўрқитасан, уларнинг гуноҳини мағфират этувчи фафуру Роҳиймурман”.

Аллоҳ бандасини дабдурустдан, бекордан бекорга жазоламайди. Сиз билан биз, ҳатто неча-неча аждодларимиз ҳали дунёга келмаёқ Аллоҳ бандаларини огоҳлантириб, гуноҳлар учун аниқ жазоларни тайин этиб қўйган. Демак, биз энг аввало ўзимизнинг нафсиздан қўрқишимиз, нафснинг хожаси шайтон алайҳилаънадан ва унинг оёқларимиз остига ташланган сиртмоқларидан қўрқишимиз керак. Айни тушунчани ҳам тўғри англамоғимиз жоиз. Чунки қўрқиш – қочиш ёки писиб ўтириш демакдир. Нафс ва шайтондан қўрқиш – улар етовида юриб, оқибатда дучор бўлинажак қиёмат азобларидан қўрқмоқлиқдир. Ана шу қиёматдаги жазодан қўрқиши бандани нафс ва унинг хожаси шайтонга қарши жиҳодга отлантирмоғи лозим. Албатта, биз шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳга юкинибгина паноҳ топамиз. Бироқ, бу паноҳга етмоқ учун ҳам курашмоқ зарур.

Хулосамиз шуки, Роббимиз, яъни тарбиячимиз бўлган Аллоҳ таборак ва таолони бутун қалбимиз билан, бутун жонимиз билан ва бутун онгимиз билан севмоғимиз шарт. Шунинг баробаринда ўзгаларни ҳам ўз-ўзимизни севганимиз даражасида севмоғимиз лозимдир. Чунки Аллоҳ бандаларини, яъни ўз биродарларини севмай туриб «Аллоҳни севаман», дегувчиларнинг гапларига инонмоқ мушкул.

* * *

Балиқ, каламуш ва бўриларнинг имтиёzlари шундан иборатким, улар талаб ва эҳтиёж қонунига биноан кун кўрадилар. Инсон ҳаётининг қонуни эса адолатдир.

* * *

Инсонлар ёлғони ва адолатсизлигига дуч келинган дамларда ҳам мүъмин бўлмоқликдан чарчамаган ҳолда ҳақиқатни ҳимоя қилмоқ ва адолат билан иш юритмоқ – ҳаётдаги энг бебаҳо нарсадир.

* * *

Кўп гапирган одам кам ҳолларда айтган сўзларини амалга оширади. Доно эса, айтаётгандарининг амалидан ошиб кетишидан қўрқади.

* * *

Зулмнинг ота-онаси – нафсдир. Нафс – гўё валади зинодир. Унинг оқибати – ҳалокатдир. Зулм – ўзганинг зулмни чақиради, нафс – ўзганинг нафсини ўзига чорлайди.

Бир сичқон жаҳду жадал билан дараҳт томирини кемира бошлади. Дараҳт тилга кириб дедики:

– Эй ситамкор, нима учун жоним ришталарини қирқ-япсан?

Сичқон унинг нолаю зорларига эътибор бермай ўз ишини давом эттираверди. Ногоҳ илон пайдо бўлди-ю, сичқонга ҳамла қилди ва бир дамда ютиб юборди. Шу онда типратикон келиб илоннинг думидан тишлиди. Илон жон аччиғида ўзини ура бошлади, оқибатда типратиконнинг тиканларида ҳамма ёғи пора-пора бўлди. Типратикон уни еди. Бу онда тулки пайдо бўлди. Типратикон бошини тиконлари орасига яширди. Тулки ҳийла ишлатди: уни ётқизиб, устига ёзилди. Типратикон «ёмғир ёғяпти-микин?» деб бошини чиқарган эди, тулки шарт тишлиб бу бошни узди, сўнг қорнини ёриб еди. Нафси қониқмай туриб ёввойи ит келди-ю, уни поралаб ташлади. Ит тулки гўштлари еб тугатмай, ўзи қоплонга ем бўлди. Қоплон гўшт лаззатидан роҳатланиб турганида овчининг ўқига учради. Овчи унинг терисини шилиб олиб кетаётган эди, йўлда бир одамга дуч келди. У одам терига ишқибоз бўлиб овчи билан урушди ва уни ҳалок қилди.

Ўлжасидан қувониб кетаётган эди, оти қоқилди-ю, ўзи йиқилиб тил тортмай жон берди...

Жониворларни эҳтимол айблаб бўлмас. Уларнинг тирикчилиги шу. Одамлар-чи?

* * *

Инсон тили ширин сўз айтиб, ўликни тирилтириши ёки заҳарли сўз айтиб, тирикни ўлдириши мумкин.

Бир одам айиқ билан дўстлашиб қолиб, уни меҳмон қилибди. Зиёфат охирлаб, айиқ кетишга изн сўраганида у одамнинг меҳри жўшиб, айиқни ўпиди хайрлашибди-да, хотинига ҳам шундай қилишни буюрибди. Хотин айиқа яқинлашгач, жонивордан тараалаётган ҳидга чидолмай, четга қараб тупурибди-да:

– Сассиқ меҳмонларга тоб-тоқатим йўқ, – дебди.

Айиқ индамай чиқиб кетибди. Орадан кунлар ўтиб одам дўстини кўргиси келиб йўлга отланибди. «Қайтишда ўтин кесиб келарман», деб болтасини олволибди. Айиқ уни қувонч билан қаршилаб, меҳмон қилибди. Сўнг «Шу болтанг билан бошимга бир уриб ёр», деб илтимос қила-верибди. Айиқ ялинавергач одам унинг бошини ёрибди. Оғриқдан ўкирган айиқ ўрмонга кириб фойиб бўлибди. Одам эса таажжуб ва афсус билан уйига қайтибди. Орадан бир ой ўтиб, айиқ одамнига келиб дебдики:

– Бошимни уриб ёрган эдинг, қара, ярам битди. Аммо хотинингнинг тили билан тилинган қалбим яраси ҳали-гача битмади.

Тилга, аниқроқ айтилса, тилдан учувчи сўз қадри ҳақида айтилган мақоллар, ҳикматлару ривоятларнинг ҳисоби йўқ. Барчасини бир-бир санашга бизда имкон йўқ, аммо айримларини айтмоққа эҳтиёжимиз бор:

Сўзниг ханжар бўлиб, киши қалбига санчилиб, ҳалок этмоғи мумкинлигини ёинки тириклик суви бўлиб ўликни тирилтира олувини ҳазрат Навоий байтларида баён этганлар. Яна донишмандлар айтишганки: «Айтган сўзим хожам, айтмаганим қулим». Яна ҳазрат Умар дебдилар-

ким: «Жаннатга олиб борувчи ҳам, дўзахга етакловчи ҳам шу тилдир»...

Ривоят қилурларким, бир болакай катталарда ҳам тез-тез учровчи оғир хасталикка мубтало экан. Бу хасталикнинг номи бирон бир тиббий китобда қайд этилмагани сабабли ҳалқ бундай беморларга «Эзма-чурук» ёки «Шақ-шақ», ёки эркалатиброқ «маҳмадона» деб ташхис қўяр экан. Бизнинг болакайимизга илашган хасталикка айнан «маҳмадона» демоқлик дуруст бўлар.

Кунларнинг бирида шу болакайнинг тишлари нола қилиб дейишибди:

– Бу тил бизнинг бошимизга битган бало бўлди-ку, сира ҳам тинчлик йўғ-а, озгина тийила қолса-чи?

Бу ноладан ғаши келган тил сурбетлик билан жавоб қайтариби:

– Мен билан нима ишларинг бор? Менинг назоратимдан ўтган нарсаларни чайнанг-у, бошқа нарса билан ишингиз бўлмасин. Сизлар кимсизлар-у мен кимман! Сизлар бирин-сирин жойингизни бўшатиб, тушиб кетасиз. Мен эса ўз жойимда ҳукмрон бўлиб қолавераман. Шунинг учун менинг ишимга аралашибга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Айниқса, сизларнинг аҳмоқона насиҳатларингизга сира тоқат қила олмайман.

Бу танбеҳдан сўнг тишлар жим қолишибди-ку, болакай тушмагур ўрними-ўрнимасми, дуч келган ерда маҳмаданалик қолавериби. Қулоқлар етказган айrim ҳикматларни баъзан мағзини чақмай, баъзан бузган ҳолда катта-кичик давраларда сайраб айтавериби.

Маҳмаданалиги шу даражага етибди, болакай бир даврада гапира-гапира кулгига қолиби-да, шармандаликтан қутулиб қолмоқ учун ёлғон гапларни айта бошлабди. Ана шунда тишларнинг сабр косалари тўлиб, ёлғончи тилни гапиртирмаслик қасдида шарт тишлашибди.

Тил аввал қизариби, кейин қонаб кетиби. Болакай эса оғриқданми ёки уятданми йифлаб юбориби.

Ўшандан бери тил беҳуда тиш ҳатламас эмиш, болакай ҳам бир гап айтмоқдан аввал етти марта ўйлаб кўрармиш...

Болакай-ку, эсини тўплаб олибди. «Ёшлигингда одат қилсанг қаригунингча кўникасан, қариликда одат қилсанг – кўникунингча кўмиласан», деб бекорга айтмаганлар.

Бир мамлакатда беҳуда, ёлғон гаплари билан bemaza nom чиқарган одам бор экан. Унинг ёлғон гап тополмай қийналган чоғидагина рост гапириши мумкинлиги ҳатто подшоҳга ҳам аён экан. Подшоҳ беш йилга мўлжалланган сафарга отланибди-ю, заҳар тилли одамни чақириб:

– Беш йил ичida ҳеч бўлмаса биттагина тўғри ва яхши гап айтгин, бу хизматинг учун мен сенга бошдан-оёқ сарупо қилий, – дебди.

Заҳар тилли одам бу гапни эшишиб, бош чайқабди:

– Агар сафардан тирик қайтмасангиз менга ким сару по беради? Бекорга хизмат қилиб қолавераманми?

Подшоҳ ғижинибди-ю, сафар олдидан уни жазолагиси келмабди.

Орадан икки йил ўтиб, заҳар тилли одам зерикибди-ю подшоҳни соғиниб, уни излаб йўлга чиқибди. Охири топибди ҳам. Унинг шоҳона чодирга яқинлашаётганини кўрган подшоҳ вазирига:

– Ана, совуқ нафас келяпти. У барибир ёлғон гапириб таъбимизни хира қилади. Шунинг учун сен ундан ҳеч нимани сўраб-суриштирма. Фақат итимнинг аҳволини сўрасанг бас, – дебди.

Заҳар тилли одам кириб подшоҳнинг оёқларини ўпибди. Шунда вазир:

– Аъло ҳазратнинг итлари қай аҳволда? – деб сўрабди.

– Ит бечора ўлиб қолди, – дебди заҳар тилли одам. Вазир бу гапдан ажабланиб, подшоҳнинг огоҳлантиришини унутиб, сўрашни давом этиби:

– Ит нега ўлди? Илон чақдими?

– Йўқ. Подшоҳи оламнинг севган оқ туялари ўлган эди. Ит ана шунинг гўштини еб, бўкиб ўлибди.

– Ие, оқ туя нимадан ўлди?

– Подшоҳи оламнинг қиблагоҳлари, улуғ маликамиз вафот этган эдилар. Тобутни шу туяга орта қолган эдик, йўлда чидолмади, жонивор.

Бу хабардан кейин подшоҳнинг юраги ёниб, заҳар тилли одамни сўроқ қила бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Онам қандай хасталикдан ўтдилар, табиблар яхши қараашмадими?

– Волидаи муҳтарамангиз хасталикка чалинмадилар. Рафиқангизнинг вафотидан куя-куя ўлдилар.

– Рафиқам қандай хасталикка чалинибди?

– Рафиқангиз ҳам соғ эдилар. Аммо ўғилларингиз, қизларингиз бирин-сирин чечакдан ўлдилар-у рафиқангиз бу айрилиққа дош беролмадилар. Юралари ёрилиб ўлдилар, деб тахмин қиласман.

– Э воҳ! – деб нола қилибди подшоҳ. – Демак, хонадонимдан ҳеч ким қолмабди-да?

Заҳар тилли одам бу саволга дарров жавоб бермабди. Аввал чуқур «уф» тортибди; сўнг кўзига ёш олиб:

– Бунисини аниқ билмайман, подшоҳим, мен чиқиб келаётганимда сарой аҳлининг ярмидан қўпроғи ўлатдан ўлиб бўлган эди. Ҳозир қанчаси тирик – ёлғиз Худога маълум, – дебди.

Подшоҳ сафарини охирлатмай изига қайтибди-ю, аҳли байтни соғ-омон кўргач, заҳар тилли одамни даволашни буюрибди.

Заҳар тилнинг жазоси – ўткир пичноқ экан.

Яхшики, бу бир ривоят, афсона. Йўқса, ўткир пичноқнинг иши кўпайиб кетармиди...

* * *

Телемухбир йўловчиларни тўхтатиб, савол беряпти:

– Сиз нимани йўқотишдан қўрқасиз?

Бу саволга одамлар турлича жавоб беришяпти. Бири «Ота-онамни йўқотищдан қўрқаман», дейди. Билмайдики, қўрқса-қўрқмаса, ўзининг дунёга келишига сабабчи бўлган энг азиз кишиларини эртами-кечми барибир йўқотади. Бошқа бир одам «Тинчликни», яна бири «Оила баҳтини...» деди.

Ҳамма жавоблар тўғри.

Лекин...

Бирон бир киши «Виждонни йўқотищдан қўрқаман», демади, «Иймонимни йўқотищдан қўрқаман», демади. «Эътиқодни, диёнатни, Ватанга садоқатни йўқотищдан қўрқаман», демади-я!

Мантиқан олиб қаралса, ота-онани йўқотищдан хоҳ қўрқинг, хоҳ қўрқманг, бир кунмас бир кун улар фоний дунёни ташлаб кетишгач, армон билан бўлса-да, яшайверади киши. Худо кўрсатмасин-у, аммо тинчликни йўқотиб урушга дуч келса ҳам, азоб билан бўлса-да, яшайверади инсон. Оила баҳтини ҳеч ким йўқотмасин, аммо бу ҳол юз берса янги баҳт умиди билан ҳаёт кечираверади одам.

Аммо...

Иймонни йўқотса...

Виждонни йўқотса...

Йўқотса эътиқод, диёнатни ҳам

Ватанга садоқатдан айрилиб қолса...

Иймонсиз, виждонсиз, эътиқод-диёнатсиз, садоқатсиз ҳам яшаяпман, дегувчи одам ёлғон сўзлабди. У ўзини тирик деб ўйлади, аслида у тирик мурдадир.

Яна ҳақиқат шуки, бирорлар ота-оналарини жисман эмас, руҳан йўқотадилар. Булар ҳам тинчликни, оила баҳтини йўқотганлар ҳам билмоқлари жоизки, улар ҳаммадан аввал виждон билан диёнатни йўқотган бўладилар. Қолганлари кейин ўзи кславеради...

Жиддий муаммолар, афсуски, фақат бир жамиятгагина хос бўлмайди. Дунё тирик жон каби, нуқтадек жойи

оғриса, бутун бадан азоб чекади. Ўн мингларча чақирим наридаги юртда бир юқимли касаллик уйғонса, кўп ўтмай бизга ҳам етиб келади. Маънавий касаллик ҳам шундай. Тиббий касаллик жисмонан заиф вужудга тезроқ юқади. Маънавий хасталик ҳам маънавий қашшоқ одамни тез ўзига бўйсундиради. Мустақилликнинг дастлаб кунлариёқ “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!” деган ажойиб шиор кун тартибига қўйилган. Хўш, келажаги буюк давлатни ким қуради? Албатта илмли ёшлар, маънавияти бой авлод қуради. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда чет давлатлар ёки банкларнинг кўмагидан фойдаланишимиз мумкин. Лекин маънавиятга доир муаммоларни ҳал этиш фақат ўз кучимиз билан бўлади. Ёшлар тарбиясини Англия ёки Испания мисолида олиб боролмаймиз. Европа олимлари ёшларимизга математика ёки иқтисод фанларини ўргатишлари мумкин, лекин одамийликни улардан ўрганолмаймиз. Чунки уларнинг ўзлари ҳозир маънавий қашшоқликдан нолишяпти.

✓ Ёшларни маънавий қашшоқликдан асраб, руҳан бойитишида бадиий адабиётнинг вазифаси салмоқли экани барчага маълум. Бу соҳада камчиликларимиз борлигини эса доим ҳам тан олавермаймиз. Ёшларимиз, айниқса, болалар ва ўсмирларимиз учун қизиқарли ва фойдали китобларимиз етарлими? Болаларимизнинг севимли қаҳрамонлари борми? Биз эллик йил муқаддам Чиполино, Буратино, Гулливерларни ўқиб улғайган эдик. Невараларимиз ҳам шуларнигина ўқишиди. Бу асарларни камситмаймиз, уларни ҳам ўқиши лозим. Бироқ, ўзбек болалар адабиётида бундай қаҳрамонларнинг ҳануз йўқлигини ачиниш билан қайд этишнинг ўзи кифоя эмас. Буни ҳам жамиятнинг зарур муаммоси сифатида кун тартибига қўйишимиз керак. Биз ёшлар билан учрашиб, китобхонлик ҳақида сўзлаганимизда улар томонидан “бизни кам китоб ўқишида айблаяпсиз, нималарни ўқийлик, тавсия қилинг”, деган эътиrozлар ҳам бўлади. “Шарқ” нашриёти “XX аср ўзбек романни” туркумida китоблар чи-

қармоқчи бўлганида йигирмата асар тўпланди. Хўп, киши ўн беш ёшида китобга қизиқиб, шу романларни ўқий бошласа, йилда иккита китобни мутолаа қиласа ҳам, йигирма беш ёшигача ўқиб тугатади. Кейин нимани ўқисин? Бу ҳам фақат адабиётнингтина эмас, жамиятнинг жиддий муаммоси. Ҳамонки, ёшларни қизиқтира оладиган асарлар керакли даражада ёзилмаётган экан, ёзувчилар бунга муҳим ижтимоий муаммо сифатида қарашлари керак эмасмикин, деб ўйлаб қоламан.

Тараққиёт, ахборот алмашинуви, глобаллашув деган жараёнлар шу даражага бориб етдики, ўйлаб инсоннинг ақли шошади. Бу оқимлар сел каби бостириб келяпти. Айрим ҳолларда буни цунамига ҳам ўхшатиш мумкин. Бу оқимлар рўпарасида инсон ожиздек кўринади. Лекин бу оқимларни ким яратди? Инсонми? Демак, инсоннинг ўзи бу оқимларни енгиш чорасини топа олади. Шундай чоралардан бири – илм. Илмли инсоннинг ақли ҳар нарсага шошавермайди. Ўша даҳшатли ахборот оқимларни элақдан ўтказа олади. Бу оқимлар илм элагидан ўтмаса, барча балчиф-у, хаслари билан инсон онгини банд этиб қўяди. Иккинчи чора – вақтдан тўғри фойдаланиш. Бекорчиликдан қочиш, бекорчи ўйинлардан қочиш, бекорчи машшатлардан қочиш...

Тараққиётни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этмаган, этмайди ҳам. Лекин ҳар қандай тараққиётнинг икки кўриниши бор: масалан, атом электр станциялари ва атом бомбаси бор. Бир хил темирдан трактор ҳам, танк ҳам ясалади. Коинотдаги минглаб сунъий йўлдошларнинг оз қисми илмга хизмат қиласди, кўп қисми ҳарбий мақсадларга. Бири инсониятни чиройли тараққиёт чўққисига етаклайди, иккинчиси босиб янчади. Ўтган йили Россия, Испоил, Испания, Португалияда ўрмонлар ёнди. Бу ёнгин ҳар йили юз беради, аммо ўтган йилгиси даҳшатли бўлди. Сув сепадиган самолётлар, вертолётлар ихтиро қилинганига кўп йиллар бўлди. Ўша мамлакатларнинг бомба ташловчи ва қирувчи минглаб самолётлари, вертолётла-

ри бўлгани ҳолда сув сепувчи мосламалари ғоят камлиги ақлсизлик эмасми?

Тараққиёт ақл асосида бўлсагина гўзалдир. Ҳозирча гўзалликни ваҳшийлик босиб кетай деяпти. Бу ўринда мен табиатни аёвсиз қиришни, илмий тил билан айтганда “экологик кризис”ни назарда тутяпман. Бугунги экологик кризис, хусусан иқлимнинг бузилиши ҳақидаги илмий ҳақиқатлар бундан қирқ йил аввал ҳам маълум эди. Ҳатто рус адиби Антон Чехов ёки Константин Паустовский асарларида рус ўрмонининг аянчли аҳволи ҳақида ги ачинарли сатрларни ўқиймиз. Демак, бу муаммони ақл эгалари юз-юз эллик йил илгари кун тартибига қўйганлар.

Собиқ иттифоқ даврида “Табиатни енгамиш!” шиори остида ўрмонлар қирилди. Экин майдонларига заҳарли кимёвий дорилар сепилди... Устоз Асқад Мухтор бир ибратли воқеани айтиб берган эдилар. Эллигинчи йиллари ёш шоирлар машғулот ўтаётганида осмонда ўзидан оппоқ тутун-из қолдирувчи самолёт пайдо бўлади. Самолёт са-мода доира ясаганида унинг тутунли изи ҳалқа ясади ва Қуёш шу ҳалқа орасида қолади. Самолёт гўё Қуёшни арқон билан боғлаб олгандай бўлади. Устознинг таклифи билан шоирлар бу ҳолатни шеърга соладилар. Барча шеърлар ўша “Табиатни енгамиш, бўйсундирамиз! Инсон табиат олдида тиз чўкмайди!” деган хитоб атрофида бўла-ди. Орадан йигирма йил ўтиб, осмонда худди шундай ман-зара пайдо бўлганда ёш шоирлар энди табиатни ҳимоя қилиш ҳақида фикр юритадилар. Бошқача айтганда, Қуёшнинг бу ҳолатидан ачинадилар, одамзоднинг нодон-лиги ва аёвсизлигидан афсусланадилар...

Табиатга бўлган нодонларча муносабатни ҳозир қўшни республикаларда кўриб, ажабланамиз. Масалан, алюмин савдосидан топаётган пулларини тарозининг бир томонига қўяйлиг-у, табиатнинг озор чекиши натижаси-да кўрилаётган умумбашарий зарарни бир палласига қўяйлик. Алюминидан тушадиган фойدادан воз кечсалар

камбағал бўлиб қолмайдилар, бусиз ҳам асрлар бўйи яшаб келишган. Лекин табиатнинг ярасини даволаш учун қанча пул сарфланишини қўя турайлик, неча йиллар керак бўлади? “Умумбашарий” деб ошириб юборганим йўқ. Табиатнинг зарар кўришидан бир-икки вилоятгина азият чекмайди. Ер курраси тирик жон каби экан, оёққа кирган зирачча бутун танани зириллатади. Орол фожиаси бир-икки республика эмас, дунё муаммоси эканини энди тан олишяпти-ку? Ўтган йили Россиядаги катта ГЭС ҳалокати ҳам қўшниларимизга ибрат бўлмагани янада ажабланарли. Ер сатҳи, хусусан, тоғлар худди тирик жонга ўхшайди, тананинг бир ерига бармоқ қаттиқ ботирилса, вужуд зирилламайдими? Тоғ бағрида тўплана-диган сувнинг оғирлигини тасаввур қилиб кўрайлик? Неча миллион тонна оғирлик билан босади? Худо кўрсат-масин-у, тоғ бағри бунга чидай олмасдан силжиса... Бу иншоотларни маблағ билан таъминлаб, фойда олишни мўлжаллаётган Россия зарар кўрармикин ё шу ҳудуд аҳолиси бошига балолар ёғилармикин? Буни ким ўйлаши керак? Қилинаётган шу ишлар ҳам “тараққиёт” тамфаси остида олиб бориляптики, бунинг росмана тараққиётга даҳли йўқ эканини таъкидлашга мажбурмиз. Очикроқ айтсак, бу аксилтараққиётдир.

Цивилизация натижасида инсон ўз ҳис-туйгуларидан, ўзлигидан жуда узоқлашиб, бегоналашиб боряпти. Афсус шундаки, цивилизация (тараққиёт) билан инсоний туйгулар орасида зиддият мавжуд ва бу зиддият Европада юқори чўққиларга чиқиб олган. Француз адаби, Нобел мукофоти соҳиби Албер Камюнинг “Бегона” асари худди шу мавзуда. АҚШ ва Европада одамлар иқтисодий жиҳатдан яхши яшайдилар, илм-техника тараққиёти ҳам юқори даражада, аммо одамлар орасидаги, ҳатто энг яқин қариндошлар орасидаги меҳр-оқибат пастлашиб кетди. Айрим жойларда ҳатто йўқ даражага тушиб қолган. Мисол: бир аёлнинг укаси вафот этиб, қабристондан жой танлаш учун бориб, кичик ўғлининг қабрини

күради. Ўттиз беш ёшдаги ўғли бир ярим йил аввал ўлган бўлса-да, она бехабар экан. Ўғлининг вафотидан огоҳ қиласмагани учун ўша шаҳарча идораларини айблайди. Қизиқ-а? Бир шаҳарда яшайдиган она-бola ўн саккиз ой бир-бирини кўрмай, ҳатто хабарлашмай ҳам яшайверган. Ўғил онасининг туриш-турмуши билан қизиқмаган, она эса “ўғлимдан дарак йўқ, тинчмикан”, деб хавотир ҳам олмаган. Она ва ўғил орасида меҳр-муҳаббат, оналик ва фарзандлик масъулияти бўлмаса шаҳар маъмурияти айборми? Европада ҳозир бунаقا саволлар берилмайди. Европада бундай бемеҳрликдан даҳшатга тушишмайди. Мен эсам бемеҳрлик ботқоғига бўғзига қадар ботган бу қитъага қараб ҳайқиргим келади: “Қаёққа қараб кетяпсан, эй, Евropa?!”

Москвада бир кампирнинг ошхонасида ўлиб қолганини бир ярим йилдан кейин билиб қолишган. Уй, сув, газ ҳақи вақтида тўланмагани учун талаб қилувчи идора эшикни бузиб кирганда қарздор кампир суюкларини кўрган. Ана шу тўлов муаммоси бўлмаганида кампирнинг суюклари Қиёматга қадар ҳам ошхонасида ётган бўлармиди...

Булар цивилизация келтириб чиқарган маънавий хасталиклар. Даволаниши қийин бўлаётган, ҳатто бедавотиббий хасталиклар эса ҳисобсиз...

✓ Афсусли ери шундаки, аслида цивилизация деганимиз одамларни яхшилашга хизмат қилиши керак, ҳозир эса биз Farbda бунинг аксини кўряпмиз. Ҳайриятки, бизда қадриятлар эъзозланади. Демак, аждодлардан қолган удумларимизни қадрлашни фарзандларимизга ҳам ўргатишимиз керак. Бир одам донишмандан: “Мен ота-онамнинг қабрига ҳар ҳафта бораман, ўлсам, болам ҳам борармикин?” – деб сўрабди. “Қабристон зиёратига болангиз билан бирга борасизми?” – деб сўрабди донишманд. “Йўқ, бир ўзим бораман”, дебди у киши. Шунда донишманд: “У ҳолда болангиз қабрингизни зиёрат қилгани бормайди”, деган экан.

Кўпчилик ҳисоб-китобни маҳкам ушлайдилар. Бироқ дунёда синов, имтиҳон мавжудлигини унугтадилар. Уларнинг назарларида Ер юзи имтиҳон эмас, тижорат майдонидир. Бандаларнинг Тангридан уялмаганлари истаган ишларини қиласверадилар. Майли, улар Ер юзини тижорат майдони, деб ҳисоблайверсинглар, лекин банданинг қалбини нима дер эканлар? Ахир қалб – баққолнинг дўкони эмас-ку!

Тилимизда «умр савдоси» дегани ибора ҳам бор. Ҳўш, умримизнинг савдоси қандай бўляпти?Faflat ва жаҳолат уйқусида ўтятпими? Эртага яна ҳам бойиш, яна ҳам баландроқ мартабага эришиш... орзулари билан ўтаётгандир балки? Ўқ изига қайтмаганидай, кун ҳам қайтмасдир. Умр савдосида ибодатсиз кунлар ва тунлар кепак баҳосида, жуда арzon кетмаяптими? Донишманд дебдики: «Менинг сармоям умримдан иборатдир. Чиққан ҳар бир нафасимнинг қайтиб келиши мумкин эмас. Нафаслар саноқлидир. Камайиб бормоқдадир. Шундай экан, кунни фақат тирикчилик қайфуси билан ўtkазишдан ҳам катта зарар борми?»

Афсус шуки, бу заарни фаҳм этмаймиз. Чунки ақлимизни моддий бойлик орзуси буткул асир этган. Яна афсус шуки, буни ўзимиз ҳам биламиз ва деймизки: «Майли, аввал шу бойликка етишиб олай, кейин тавба қиларман. Аллоҳ раҳмли, кечиргувчидир». Тўғри, Аллоҳ – Раҳмондур, Раҳимдур. Бироқ, донишманд дерки: «Эртага тавба қиламан, солиҳ амаллар қилишни бошлайман», десанг дегин-у, бироқ ўлимнинг бир оз аввалроқ келиб қолиши мумкинлигини ҳам унутма. Бугун, ҳатто шу онда эмас, «эртага тавба қилишим осонроқ», деб ўйласанг – хато йўлдасан».

Донишманд яна дерки: «Бир кишининг тижорати охират тижоратига монелик қилса, бундай киши бадбаҳт кишидир. Бечорадир. Бу бир тандир учун бир кўза олтин берган кабидир...»

Бозорда қаллоб сотувчига дуч келсак, беш-үн сўмга зарар кўрармиз, орадан фурсат ўтгач, бу заарнинг ўрни тўлар. Аммо улушимизни бой берсак... афсус-надоматда қолмасмиканмиз?!

✓ Осмон ва замин абадийдир. Бунинг сабаби: замин ҳам осмон ҳам ўз манфаати учун яшамайди. ✓

Авлиёлар ҳам шу кабидирлар. Улар ўzlари учун ҳеч нима изламайдилар. Шу боис ҳам амалга оширмоқлари фарз этилган барча ишларни бажара оладилар.

Буларнинг зидди ўлароқ яна бир тоифа бор:

Инсонга хос номаъкул хулқлардан бири – унинг ўзига муҳаббат қўйиши, ўзини бағоят даражада иззат қилиши, ўзига ва фақат ўзига яхшиликлар тилашидир. Унинг бадбаҳтлик саройи айнан шу хунук хулқ пойдеворига қурилади: яъни у буюк бўлмоқликни истайди, бироқ кўрадики, у зифирдан кичикроқ мартабада экан; у баҳтиёрлик денгизизда сузмоқликни ихтиёр этади, лекин ўзини бадбаҳтлик кўлмагида кўради; у ўзини комиллик чўққицида тасаввур этади, ҳақиқат кўзгуси эса уни тубанликда кўрсатади; у ўзини бениҳоя даражада ҳурмат қилувчи одамлар даврасида кўрмоқни хоҳлайди, бироқ, ёмон хулқи туфайли одамларнинг нафратига етишади. Нурли орзулари амалга ошмаган бу инсон оқибатда жиноят йўлини танлайди: у ўз хоҳишига хилоф ҳисоблаган ҳар қандай ҳақиқатни инкор эта бошлайди. Бу ҳам камлик қилиб, бора-бора нафратланади. Мазкур ҳақиқатни маҳв этмоқ истайди. Истагини амалга оширмоқча қурби етмагач, қалбидаги мақрини яшириб, бошқаларнинг кўзлари олдидা бу ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳаракатига тушади. Бунинг учун ҳеч нарсадан тап тортмайди, фақат шу йўл билан у ўзининг камчиликларини ҳам ўз-ўзидан, ҳам бошқалардан яширгандек бўлиб, гўё кўнгли таскин топади.

Қалблари нақадар ожиздир бундай кимсаларнинг...

Биродарим, мўъминлигингиз учун кимларнингдир нафратига учрамоқликдан чўчийсизми? Чўчиманг асло! Инсофли ва виждонли одамлар сиздан зинҳор нафратланмаслар. Ўзга тоифаларга эса эътибор берманг. Улар ўзларининг бузуқлик даражаларига мос равишда фикр юритадиларким, бу фикр сизга гард юқтира олмас.

Сиз ёвуздарнинг тажовузидан ҳам қўрқманг. Ахир покиза қалбга ким даф қила олади? Нималардан ҳижолатдасиз, биродар?

Донишманд айтган экан: «Менга зарар етказмоқни ўйлаётган одамлардан куламан. Улар менинг яхшилик ва ёвузликка бўлган муносабатимдан огоҳ эмаслар. Улар менга ҳаёт бераётган кучни тасаввур этолмайдилар, қалбимдаги покиза руҳларни маҳв этиш у ёқда турсин, ҳатто чертиб кўрмоққа ҳам ожиз эканликларини билмайдилар».

Ёнғоқ дарахти савлат тўкиб, меваларини кўз-кўз қилиб, керилиб яшарди. Унинг энг яхши кўрган юмуши – улуғворлигини кўз-кўз қилиш эди. Ёнғоқ дарахти бир куни қарасаки ёнида қайрағоч ниҳоли пайдо бўлиб, астаста ўсиб келаётганмиш.

– Менинг ёнимда илдиз отишга, менга ҳалал беришга, меваларимнинг етилишига халақит қилишга сенга ким ҳуқуқ берди? – деб ўшқирибди Ёнғоқ дарахти. – Жавоб бер, сен кимсан ўзинг?

– Мен қайрағочман, – дебди ниҳол бир оз довдираган ҳолда.

– Ҳа, «қайрағоч-қайрағоч, куну тун қорни оч-оч», деб масхара қилибди Ёнғоқ дарахти, – сен қанақасан ўзинг, меваларинг қани? Мевасиз яшашга уялмайсанми? Бирор нафинг бўлмаган ҳолда бошқаларга ҳалал бериб ўшишингни қара-я! Билиб қўй: яқинда менинг меваларим пишиб етиладилар, ерга тўкилиб, нам тупроқда ўсиб чиқа-

диларда сени ўраб олиб, йўқ қилиб ташлайдилар. Шунда бу атрофларда фақат менинг зурриёдим яшайди!

– Мен бу ердан ўз хоҳишим билан ўсиб чиқмадим. Тақдир экан, на қиласай? Ҳеч фойдаси йўқ, деб камситманг, кимларгадир менинг ҳам фойдам тегади. Фойдам бўлмаса бу дунёга келмас эдим.

Бироқ, Ёнғоқ дарахти Қайрағочнинг гапларига қулоқ осмай ҳар куни уни таҳқирлайверибди.

Куз бошланиб, Ёнғоқ дарахти кутган онлар келибди – мевалари обдон етилибди. Айни шу кунларда, айни шу жойдан бир гуруҳ аскарлар ўтиб қолишибди. Улар ёнғоқ меваларини кўриб, қоқиши башлашибди. Ёнғоқ дарахти таёқлар зарбидан зир-зир титрабди. Оҳу нола чекибди, бироқ унинг фарёдларини бирор эшитмабди. Оқибатда унинг мевалари битта қолмай қоқилиб, йифиштирилиб, қопчиқларга жойланибди. Меваларидан жудо бўлган Ёнғоқ дарахти таёқ еб синган, заха бўлган шохларининг азобларидан инграбди.

Шунда ёнидаги қўшниси Қайрағоч унга қараб, ачинибди-да дебди:

– Бечора қўшним! Сен менинг ўлимимни тилаган эдинг, ундан кўра ўзингга осойишталик сўраганинг маъқул эмасмиди? Ўзингнинг бошингга тушажак офатдан бехабар экансан-да? Сенга икки томонлама ачиняпман: ҳам меваларингдан ажралдинг, ҳам калтак единг.

Ёнғоқ дарахти бу ҳақиқат олдида тили калимага кепломай, азоб билан тўлғонибди, захаланган шохларини даволагунча анча фурсат ўтиби.

Бирорга ёмонлик тиламаган, бирорга ҳасад қилмаган қайрағоч эса томир отиб, барг ёйиб эркин равишда ўса-верибди...

* * *

Ўзгага жаҳаннам гуллари насиб бўлишини истаган одам ўзига жаннатроҳатини тилагани афзал эмасмикин? Ўзганинг жаҳаннам ўтида куймоғи унинг дуоси билан

бўлмаганидек, ўзининг жаннат боғларида сайр қилиши яхши ният ва амаллари билан эканлигини билиш ҳам бир баҳтдир.

* * *

Бир уйки, ҳавас қиласиз. Билур қандиллар кўзни оламан, деб ёниб турибди. Бойлигини кўз-кўз қилаётган кимса қалбида эса имон қандили ёнмайди, қалб – зим-зиё тун...

* * *

Муҳтарама аёлларимизни таҳқирловчи «сўзлар йиғиндиси» мавжуд. Мен атайин «мақол эмас», «сўзлар йиғиндиси» деяпман. «Хотинларнинг сочи узун, ақли калта», деган сўзлар йиғиндисини қайси тил билан «мақол» демоқ мумкин? Мақол – ҳикмат демак. Ким юқорида зикр этилганни «мақол» деб таърифлабди, ҳикматдан узоқ кимса экан. Баъзан жиддий, баъзан ҳазил аралаш юқоридаги сўзларни айтамиз. Ким айтибди, демак, ўша кимсанинг онаси, опаси, синглиси ва ниҳоят қизи ақлан заиф экан, деган маъно келиб чиқади. Шундай эмасми?

Биз бемаъни сўзлар йиғиндисининг фақат биттасини мисол тариқасида баён қилдик.

Лекин шунга ўхшаш иборалар ҳам борки, уни тўғридан-тўғри, очиқ тарзда тушунмоқ маъқул эмас. Иборанинг моҳиятини англаш, бошқача айтсак, мағзини чақиб кўриш керакмикин?

Масалан, «Хотинга сир айтма», деган иборани таҳлил этиб кўрайлик: юзаки қаралса, бунда ҳам аёллар таҳқирланаётгандай туюлади. Яъни: хотинларга сир айтсанг, панд ейсан, каби. Асли моҳиятини олсак, бунда аёлларни эҳтиёт қилишга уриниш бор. Яъни: аёлларга ҳамма сирни айтавериб, унинг ташвишини ортирма, деган маънони ўқисак ҳам бўлади. Баъзи эркаклар хотинларини ягона сирдош деб билиб, барча ташвишларини унинг қаршисида дастурхон қилиб ёзадилар. Қарабисиз-

ки, у ўз ташвишидан бир алам тортса, бир «уфф», деса, аҳли аёли ўн карра кўп дард чекади, юрагига ўн карра кўп зардоб йифилади ва оқибатда бир касалга мубтало бўлади.

Аёлларга касалликни раво кўрмай, мақолга амал қилиб, сир айтмай қўя қолган маъқулмикин?

* * *

Дунё баргга қўниб, титраб турган шудринг томчисига ўхшайди. Дунё жар ёқалаб кетаётган, йўқ, аниқроғи – қил кўприкдан ўтаётган кимсага ўхшайди. Сал тойдими – тамом! Балки қиёмат қойим шу биргина тойишдан бошланар? Ҳарҳолда инсон боласи эсини таниган онидан бошлаб кучлар курашига гувоҳ бўлади. Гувоҳлик билан чекланса, кошки эди. Шу курашларнинг қурбони бўлади.

Давр ва жамиятлар ўзгараверади, кучлар кураши эса турли кўринишларда қайтарилаверади. Кучлар қурашини ҳал этмоқ ғоят мураккабдай туюлади. Ҳозир бу масалани ҳал этмоқ учун неча ўн минглаб сиёsatдонлар бош қотиришади. Дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига учишади ва оқибатда... деярли ҳеч нарсани ҳал этиша олишмайди. Бу масала наҳот шу даражада муракаб бўлса?

Ровийлар дерларки, Искандар Зулқарнайн дунёни забт этмоқ қасдида жанг сафарига чиқиб, неча юргларни эгаллаб, Чин мамлакатига етди. Жанг олдидан чодир тикиб ўтирган экан, Чин подшоси элчи юборганини билдиришди. Элчи кириб гапини ёлғиз Искандарга айтажагини маълум қилди. Унинг истаги вожиб бўлиб, ҳоли қолишгач, деди:

– Мен элчи змас, Чин мамлакатининг подшосиман. Беҳуда қон тўқмай изингизга қайтмоғингиз учун нима қилмоғимиз мумкин?

– Уч йиллик хирожни тўласанглар мақсадга мувофиқ бўлади, – деди Искандар Зулқарнайн. Сўнг сўради: – Чоғинглар келадими бунга?

– Уч йиллик хирожни түлай оламиз, – деди Чин подшоси, – аммо шу даражада қашшоқлашамизки, кичкина қабила ҳам бизларни забт этиб, эгалик қылмоғи мумкин.

– Икки йиллигини түласаларинг-чи?

– Ақвол ўзгармайди.

– Бир йиллик-чи?

– Хазинамда ҳеч вақо қолмаслиги мумкин, аммо чи-даб яшаса бўлар.

– У ҳолда ярим йиллик хирожни тўплаб бер-да, мен изимга қайтай.

– Марҳаматли султонимизга жонимиз фидо бўлсин. Эрта ёки индин биз – фақирлар кулбасини ташрифингиз билан обод қилсангиз. Меҳмондорчилик адогида биз хирожни ҳам жамлаб қўяжакмиз.

Искандар Зулқарнайнга бу таклиф маъқул келиб, икки кундан сўнг Чин мамлакати сарҳадидан ўтди. Шу ондан бошлаб атрофда минг-минглаб аскарлар пайдо бўлиб, атрофни ўрай бошлади. Бундан хавотирга тушган Искандар дедики:

– Сен ҳийла билан мени олмоқчи бўлдингми?

– Йўқ, – деди Чин подшоси, – ҳийла – ожизлар иши. Сиз кўриб турган лашкарлар қўшиннинг бир улуши холос. Асосий кучлар тоф ортида турибди.

– Шунча қудратинг бор экан, нечун менга таслим бўляпсан, нечун хирож тўламоққа розилик беряпсан? – деб ҳайратланибди Искандар.

– Мен инсонлар қонининг беҳуда тўкилмоғини истамадим. Ундан ташқари сизга Осмон назар қилган. Назаркарда султонларни ҳеч қандай куч билан енгиб бўлмас.

Бу жавоб Искандарга маъқул келиб, саройга кирди-ю, товоқлар, лаганларда товланиб турган тилла-ю, жавҳарларни кўриб янада ажабланди. Чин подшоси «дастурхонга марҳамат, тановул қилинг», дегач, таажжубини яширмай сўради:

- Бу бәзаклар одам учун таом бүлолмайди-ку?
- У ҳолда сиз нима ейсиз, улуф султон?
- Мен ҳамма каби нон ейман.
- Шундайми? Воажаб! Румда нон топишиңгиз шунчалар мушкулмиди? Шунча мاشаққатлар чекиб бу ерга қадар лашкар тортиб келибсиз?

Бу гапни эшитиб, Искандар унинг донолигига таҳсин ўқибди. «Мен бу ердан бир дона жавҳар ҳам олмайман, сенинг ҳикматли пандинг барча талабларимни қондирди», деб орқасига қайтган экан.

Неча юз йилларни оралаб бизга қадар етиб келган бу ривоятни ўқигач, йигирма йилча аввал бўлиб ўтган бир воқеани эсладим. Ўтган асрда Америка билан собиқ иттифоқининг орасидаги муносабат чигаллашиб, росмана урушнинг шарпаси сезилиб қолган эди. Бир издиҳомда қариялар шу масалада куюниб гапиришди. Уларнинг аксари уруш кўрган, урушнинг касофати қандай бўлишини билувчи одамлар эди. Давра тўрида ўтирган бир қария суҳбатга аралашиб:

– Агар менга қўйиб беришса Американинг подшоси билан бизникини ярим соатда яраштириб қўярдим, – деди. Атрофдагилар бу гапни ҳазилга йўйишди. Қария эса жiddий туриб, фикрини исбот этишга киришди:

– Агар менга қўйиб беришса, иккаласини шу ерга чақираман. Келишгач, иккаласига биттадан нон бераман.

– Нонни нима қиласиз? – деб ҳайрон бўлишади.

– Енглар, – дейман.

– Емаймиз, қорнимиз тўқ, – дейишади.

– Қоринларинг тўқ бўлса нега урушмоқчисизлар?

Нимани талашасизлар? Сизларга нима етишмаяпти, айтинглар мен топиб берайнин, – дейман. Агар ақли бўлса иккаласи ўйланиб қолади. Кейин «гапингиз тўғри экан» оқсоқол, деб ярашиб олишади...

Дунёнинг мураккаб савдолари бу каби содда тарзда ҳал қилинса эди, замин инсон қонларидан тўйиб кетмасди. Отахоннинг гапи кўпчиликка ғалати туюлар. Уч-тўрт

йил муқаддам қўшни республика билан чегара бир қишлоққа бордим. Дунё дунё бўлганидан бери аҳил қўшни, аҳил қариндош бўлиб яшаб келган икки қишлоқ замона зайли билан энди икки мамлакатнинг ери сифатида бўлинган эди. Қишлоқдан ажиб бир сой оқиб ўтарди. Мен борганимда, айни ёз чилласида сой суви қурибди. Сой қўшни қишлоқдан (энди қўшни республикага тобе) оқиб ўтарди. Билсам, туман бошлиғи нимадандир норози бўлиб сой сувини буриб юборишга фармон берибди. Бизнинг ҳоким илтимосини инобатга олмабди. Шунда ҳоким донолик қилиб, қишлоқ оқсоқолларининг вакилларини ўша қўшни қишлоққа юборди. Бир соатдан сўнг сойдан шарқираб сув кела бошлади...

Умар Ҳайём ҳазратларининг бир рубойиларида икки киши ер талашиб, бири «шу парча ер меники», деркан, бошқаси «йўқ, меники» деркан. Шунда Ер тилга кириб: “талашманглар, икковинг ҳам меникисан”, деган экан. Бу фалсафанинг маъносига барча тушуниб этса эди...

* * *

Ҳамиша ўқимоқ тараққий этмоқ ҳаракатида бўлмоқдан зиёдроқ қувонч борми? Узокдаги дўстнинг ташрифидан ҳам ёқимлироқ яна нима бор? Одамлар орасида машҳур эмасман, деб нолимайдиган инсон доно эмасми?

* * *

Донишманд дер эканки: мен кунда уч марта ўзимни ўзим тергайман: одамлар учун ҳалол ва холис хизмат қиляпманми, дўстлар билан суҳбатда риё йўқми менда, муносабатим самимийми, устозлар таълимини такрорлаб турибманми?

* * *

Доно устозлардан бирлари дебдиларким: агар бирон бир киши одамларга яхшилик билан хизматда бўлишни ўзига байроқ қилиб олса, сўнгги қуввати қолгунича ота-

онасини парвариш этса, Ватанига жон фидо құлмоққа ҳар он тайёр турса, үзгалар билан фақат ва фақат ҳақиқат тилемді гаплашса, унинг етарли даражада илми бўлмаса-да, мен уни улуг олим, деб иззат қиласадим.

* * *

Жамият, наинки жамиятга, ҳатто динга зарап келтирувчи одатлар бор. Биз уларни умумий тарзда «Бидъат ва хурофот» деб юритамиз. Энди сўз шу ҳақда. Бу ўринда баёнимиз бир оз чўзилса айбситманг. Келинг, биргалишиб фикр қиласайлик:

Бир мамлакатнинг одил ва доно подшоси қарилек ёшига етгач, тахтни ўғлига топшириб, дебдики:

— Эй қўзимнинг нури, умидим чечаги, бу обод мамлакатни сенга топширяпман. Ақл билан иш юритгин ва унинг хорланишига йўл қўйма. Мен мамлакат хазинасидан ташқари үзимнинг бойлигимни ҳам қўлингга топшираман. То менинг жоним бор экан, сен унинг бир мисқолига ҳам тегмагин. Яратганнинг раҳматига жўнаганимдан сўнг бу хазинани очасан-да, мискин-камбағалларга улашиб чиқасан. Токи уларнинг дуоларидан руҳим баҳраманд бўлгай.

Не бахтким ўғил ҳам отаси каби доно экан. Мамлакатни яхши идора этиб, юртни янада обод қилиб, раият дуосини олибди. Аммо унинг бир одати бор эканки, на сарой аҳли ва на шаҳар аҳли тушунаркан. Бирон бир кишининг «Эй подшоҳим, бу қилифингизни тушунмоққа ақлларимиз косирлик қиляпти, бизга бунинг маъносини англатиб қўйинг», демоққа юраги бетламас экан. Вақтики келиб, кекса подшоҳ собиқ ва содиқ мулозимларини чорлаб, ўғлининг ҳол-аҳволини сўраганда улар юрак ютиб, воқеани баён қилган эканлар. Ўғлининг қилиғидан ҳайратланган подшоҳ дарҳол уни чорлатиб, бу ҳаракатининг маъносини сўрабди. Ўғил фарзандлик бурчига, одобига риоя қилган ҳолда дебдики:

– Отажон, сиз менга хазинангизни вафотингиздан сўнг
халқа улашишни васият қилган эдингиз. Рости, мен бу
амрни бажармоққа бурчли ва мажбур бўлганим туфай-
ли сиз зоти олийларига эътироуз билдиримоққа журъат эт-
мадим. Бироқ, ҳар тун шаҳарга чиққанимда фонус-чи-
роқни олдинда эмас, орқа томонда олиб юрмоқни амр
этдим. Сабабки, вафотидан сўнг эҳсон улашмоқ – қора
тунда чироқни орқа томонда ёритиб бормоқ каби эмас-
ми? Орқа томондаги фонус ёруғидан йўловчига не фой-
да? Олдинда ёқиб бормоқ афзал эмасмикин?

Ота ўғлининг бу доно тадбиридан қувониб, бойлиги-
ни ўзи камбағалларга улашиб берган экан...

Ҳар сафар «йигирма» ёки «йил оши» деб аталмиш
маъракага таклиф этилганимда шу ривоятни эслайман.

Бирор ўн кило, бошқаси юз (ёки унданда кўп) гуруч
дамлаб, ТЎҚларни ош билан сийлайди («тўқ» сўзига
алоҳида урғу беришим боисини кейинроқ тушунтираман)
ва муҳим бир бурчини адо этгандай қўнгли таскин топа-
ди. Афсусли ери шуки, одамлар дин томонидан белгилан-
ган, бажарилмоғи сўзсиз шарт бўлган вазифани қойил-
мақом қилиб уддаладик, деб ўйлайдилар. Бу одатларнинг
динга алоқасиз эканини эса кўпчилик билмаслиги мум-
кин. Бу илмни омма орасига сингдиришга масъул айрим
биродарларимиз эса мазкур бурчларига совуққон равиш-
да қарайдилар. Тўғри, улар вақти-вақти билан бидъат ва
хурофот хусусида ваъз айтадилар. Аммо...

Бидъат ва хурофот хусусида фикрларни муҳокама
тарзида кўпчиликнинг эътиборига ҳавола этиш нияти-
миз анчадан бери мавжуд эди.

Даставвал «бидъат», «хурофот» сўзларининг луғавий
маъноси хусусида: «Бидъат» – сўзи айнан таржима қилин-
са «янгидан ўйлаб чиқилган одат» деган маънони бера-
ди. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида бу сўзни «ёқим-
сиз» деган маънода ҳам қўллаганлар. Яна «бидъати
сайиға» ҳам дерларким, бу «ёмон одат» демакдир. Таъ-
бир жоиз бўлса – динга ёт, ёқимсиз бўлган одатларни

«бидъат» деб белгилаймиз. Тўғри, «бидъати хайрия» – яъни «яхши одат» деган тушунча ҳам бор. Аммо тилимизда қўпроқ ёмон одат маъносини ифодалаб келгани учун «бидъати саййиа» деб ўтирмай, қисқагина қилиб «бидъат» атамаси билан фикр билдиришга кўникиб қолганимиз. «Хурофот» эса «асоссиз» демак. Яъни, динда асоси йўқ, беҳуда ишлар, одатлардир.

Ҳозирги кунда сиз билан биз қаттиқ амал қилаётган кўпгина одатларни дин ҳам, жамият ҳам рад этади. Ди-ний томондан буюрилган фарз-суннат амаллар билан бидъат ва хурофотни айриб олиш аслида унча мушкул вазифа эмас. Масалан, фарз ва суннат амаллар бизда ҳам, араб мамлакатлари ёки Малайзияда ҳам айнан бир хилдир. Яъни, намоз барча ерда беш маҳал ўқилади, бомдод азони Бухорода субҳи содиқда, Қоҳирада кун ёйилганда чақирилмайди. Қуёшнинг ҳаракатига қараб ибодат вақтлари ҳамма ерда бир пайтга белгиланган. Ёки, ҳамма жойда инсоннинг инсонга зулми ҳаром, ҳамма ерда муслим ва муслималарнинг илм олмоқлари бир хилда фарздир.

Тошкентда бир киши вафотидан сўнг ўн етти ёки ўн тўққиз кундан сўнг «йигирма оши» берилади. Водийда бу одат сал кечроқ бўлиб, «қирқ оши» деб номланади. Бощқа мамлакатларда бу каби ошхўрлик умуман йўқ. Тошкентда икки ҳайит байрамида марҳумнинг яқинлари уч кундан бел боғлаб туришади. Водийда эса уч ҳайит, аммо эркаклар арафа куни фотиҳада юрадилар. Тошкентда ўлик чиқарилган хонадонда уч кунгача ўчоққа ўт қаланмайди. Сирдарёда эса то жанозага қадар жонлиқ сўйилиб, таом тортилади. Кўриниб турибдики, булар маҳаллий шароитга мосланган одатлардир. Уларнинг айримлари, масалан, арафа куни қабр тепасига, ошхона бурчакларига шамчироқ ёқиб қўйиш ёки арвоҳларни меҳмон қилиш каби одатлар исломдан аввал ҳам мавжуд бўлган. Демак, улардан бемалол воз кечиш ёки камтарлик ва холислик билан сугорилган фойдали одатга айлантиришга

ҳаракат қилиш мүмкін. Воз кече қолсак янада тұғрироқ бўлади. Чунки бугун соддалаштирилган одат эртага ба-рибир мураккаблашиб бораверади.

Бу каби одатлар бирданига юзага келмаган. Бир сабаб билан бошланиб, сўнг «ким ўзар» мусобақа, яъни манманлик, риё югуриши бошланган.

Ҳар қандай одатнинг ё очиқ, ёки рамзий маънолари бўлади. Қадим замонларда эр вафот этса, хотини ҳам тириклайн қўшиб кўмилган экан. Шубҳа йўқки, буни Худонинг хоҳиши деб белгилашган. Бу одат билан фататгина хотиннинг марҳум эрга садоқати, фидойилиги намоён этилмаган, балки ўликнинг у дунёда қайта тирилиб, маишатини давом эттиришига ишонишган. Кейинроқ бу одат ислоҳ этилиб, қабрдаги хотин ўрнини чўри эгаллаган. Қабрга маишат учун зарур таомлар, ашёларни ҳам қўйганлар. Жоҳиляят давридаги араблар эри вафот этган тул хотинга хароб кийимларни кийдириб, хароб ҳужрада бир йил яшашга мажбур қилган эканлар. Бу билан у гўё эрининг вафотидан тоят қайғуда экани, дунё чиройидан завқланишни ўзига ҳаром этганини на-мойиш қилган. Шу зайлда бир йил аза тутгач, унинг ҳузурига бирон совлиқ ёки қуш олиб кириб беришаркан. Бева бирон нима билан жонликни таталаб-таталаб терисини шилиб, ўлдиргач, ҳужрадан ташқарига чиқарган. Шунда унинг қўлига тезак тутқизишар, бева эса «бир йил давомида кўрган куним шу тезакдан баттар эди», деган маънода уни отиб юбораркан. Аза шу тарзда барҳам топаркан. Ислом дини нозил бўлгач, бу каби маънисиз одатларга барҳам берилди. Ҳатто беваларнинг аза муддати қисқартирилиб, тўрт ойу ўн кун деб белгиланди (Бу фатат эри ўлган хотин учун). Уламоларимизнинг фикрларига кўра, бу муддат фақат қайғу рамзи эмас, балки беванинг ҳомиладорлигини аниқлаш учун ҳам лозим бўлган. Шунингдек, аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган. Сир эмаски, бир киши вафот этса, уй-жой, мерос талашишлар бошланади. Баъзан қарин-

дошлар «меросда хотиннинг ҳаққи йўқ», деб ўзларига мос равишда фатво чиқариб, бевани уйдан ҳайдашдан ҳам тойишмайди. Белгиланган идда – 130 кун бевани шундай ҳужумдан ҳам сақлади. Аммо бу муддатни уй қамоғи шаклида кўрмоқлик дуруст эмас. Агар бева истаса, идда муддатини бошқа уйда ҳам ўтказиши мумкин экан. Бу масала ҳам мерос ҳақидаги оятлар нозил бўлганида ҳал этиб берилган. Идда даврида бева ясантусан қилмоқликдан, бошқа кишига турмушга чиқмоқликдан, ўйин-кулгудан сақланади. Бу – фарз, бажарилиши шарт бўлган одат. Лекин уни турлича талқин қилувчилар ҳам топилади. Бу масалага алоҳида тўхталишимизнинг сабаби: кекса бир онахон бева қолганларида «доно» отинчалар «эрингизнинг жони узилган уйда тўрт ой ўн кун жилмай ўтирасиз», деб «фатво» берибдилар. Кампир бечорага бошқа фарзандлари уйига боролмаслик камлик қилиб, шифохонада ётиб даволаниш ҳам мумкин бўлмай қолибди.

Бу ўринда биз фарз амалининг мағзини чақиб кўрмай, уни бузиб талқин қилиниши оқибатида юзага келган бидъатга гувоҳ бўляпмиз. Фаргона водийсининг айрим тоғли қишлоқларида эри ўлган хотин қирқ кун яланг оёқ юришга мажбур экан. «Нега шундай?» деб қизиқсак, «Худо шундай буюрган», деб ишонч билан айтишди. Во ажаб, Худо фақат шу қишлоқларнинг хотинларига яланг оёқ юрмоқликни буюрибди-да, а? Шубҳа йўқки, бу одат исломдан аввалги даврлардан ўтиб келган. Худди араб бевасининг жонлиқни тимдалаб ўлдириб, сўнг тезак отишига ўхшайди.

Водийнинг айрим қишлоқларида яна бир одат сақланиб қолган: жанозадан сўнг (кўпинча масжид имоми раҳбарлигига) марҳумнинг яқинлари бир уйга тўпланишади-да, унинг гуноҳларини ҳисоб-китоб қилишади. Марҳум етмиш (ёки ундан кўп) йил умр кўрган. Шундан, айттайлик, ўттиз йилини бенамоз, берўза ўтказган. Демак, бенамоз ўтган ҳар куни учун фидя белгиланади. Яъни,

кунда бир фақирнинг қорнини тўйғазишга етадиган маблаф ўттиз йилга кўпайтирилади. Бир фақирнинг қорнини тўйғазиш (мисол учун) 500 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, беш юзни уч юз олтмиш олтига, ҳосил бўлган рақамни эса 30 (йил)га кўпайтирилади. Шундай қилиб, марҳумнинг салкам беш ярим миллион сўмлик «гуноҳи» борлиги аниқланади. Унга рўза фидяси қўшилади. Бу ҳам салкам ярим миллион сўмни ташкил этади. Демак, хона-дон эгаси шу пулга арзийдиган бирон нимани: автома-шинаними, бир-икки буқаними, ҳовлига олиб кириб боғ-лайди-да, арқоннинг бир учини давра қурилган ўйга узатади. Шунда марҳумнинг яқинлари (кўпинча имом бошчилигига) арқонни ушлаб, «мен марҳумнинг мана бунча сўмлик гуноҳини сотиб олдим», дейди-да, кейин «Аллоҳ-нинг розилиги учун мен бу пулдан воз кечдим», деб тантилик қилиб қўяди. Гёё бу билан марҳумнинг маълум миқдордаги гуноҳлари шу одамга ўтади. Гуноҳлар шу тарзда бўлиб олингач, марҳум у дунёга гёё фариштадек жўнайди. Бунга ўхшаган одатлар қозоқ овулларида ҳам учрайди. Фақат у жойларда бунаقا томоша кўрсатилмай, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинади. Уламоларнинг айтишларича, Тошкентда, бошқа вилоятларда ҳам бир пайтлар бу бидъат ҳукмронлик қилган экан. Муфтий Зиёвуддин Бобохон ҳазратларининг фатволари билан кўп жойларда бу бидъат барҳам топган. Ажабки, Қўйкон атрофидаги айрим қишлоқлар ҳали ҳам ўликларнинг гуноҳларини сотиб олиш билан баандлар. Қишлоқ имомларининг бу бидъатга бош бўлганлари ачинарли ҳол, фидянинг хасталиги ёки бошқа узрли сабаб билан рўза тутолмаганлар учунгина берилган имтиёз экани, бенамозларга бундай имтиёз йўқлигини билмасликлари ёки билиб туриб шундай бемаъни одатга бош бўлишлари янада афсуслидир. Бир жанозада ўзимиз ҳам шундай одатга гувоҳ бўлдик. Қишлоқ имоми «гуноҳ сотиб олиш» маросимини бошлаш учун уйга кирганида марҳумнинг шогирдларидан бири «тақсир, марҳум устозимиз намоз

ва рўза фарз бўлган ёшдан бошлаб бехато равишда бу амалларни бажарганилар, сизнинг ҳисоб-китоб қилмоғингизга ўрин йўқ, ҳисоб-китоб қилиш қиёматда Аллоҳ то монидан бажарилади», деб балоларга қолаёзди. У бидъатга эмас, нақ Аллоҳнинг буйруғига қарши одамдай, ҳатто «Аллоҳга қарши исён қилувчи»дай уйдан чиқарилди. Баъзи уламоларимизнинг айтишларича, бу одатнинг асоси бошқачароқ: агар банда ўлимидан олдин “мен шунча кун (ёки йил) рўза тута олмаганман, фидясини бериб қўйинлар”, деган васият билан маблағ қолдирган бўлса, бу иш амалга оширилади.

Қадимги Хитойда ота ёки она вафот қиласа уч йил мотам тутилар экан. Бу пайтда ҳатто мактабга бормоқ, илм олмоқ ҳам, мазали таомлар истеъмол қилмоқ ҳам ман этилган экан. Ривоят қилишларича, файласуф Конфуцийнинг шогирдларидан бири Цзай Во бу одатга қарши чиқиб, мотам учун бир йил кифоя, деган фикрини билдирганида устоз «Ноинсоф ўғил. Ахир сени ота-онанг уч ёшингчча қўлдан қўймай катта қилишган-ку? Уч йил мотам тутмоқликни Осмон буюрган», деб норозилигини баён қилган экан. Кўриниб турибди-ки, улар мотам кунини белгилашда ота-онанинг гўдакка қилган хизматларини назарда тутганлар.

Ислом дини эса бу одатни рад этади, аза уч кун деб белгиланади. Лекин бу уч кундан сўнг вафот этганларни унутиш мумкин, деган гап эмас. Инсон тирик экан, ўтганларини ҳар куни энг камида беш маҳал эслашга, дуо қилишга буюрилган. Инсон намозларида Яратганга му ножот қилиб, марҳумларни мағфират этишини сўрайди. Зоро, «дуо»нинг луғавий маъноси – «илтижо»дир. Бизни ташлаб, Аллоҳнинг раҳматига йўналганлар биз дамлаган ошга эмас, дуоларимизга муҳтожидлар. Оилада бир киши вафот этгани билан бу хонадонда ҳаёт тўхтаб қолмайди. Бир-бир ярим йил қайғу белгиси сифатида кўк кийиб, кўз ёши тўкишимиз билан марҳумнинг руҳи ором топмайди. Марҳумларнинг руҳи яхши ишларимизнинг

савоблари, поклигимизда қылган холис дуоларимиздан баҳраманд бўладилар.

Тошкентда уч кун таом пиширилмаслигидан «шундай қайғудамизки, томофимиздан овқат ҳам ўтмайди», деган рамзий маънони уқиш мумкин. Лекин нима учундир жанозадан сўнг қабристондан фотиҳа ўқиш учун қайтганларга аatab ноз-неъматли дастурхонни безаб қўйишади. Бу дастурхон уч кун давомида ёзиғлиқ туради (Ҳайит байрами кунлари ҳам шундай). Яхши томони шундаки, ҳозирги кунда кўп хонадонларда бунинг бидъат эканини тушуниб, дастурхон безашмаяпти. Қўшниларнинг, қариндошларнинг таом пишириб келишлари яхши одат, уларнинг меҳр-оқибатларидан дарак беради. Лекин бошқа ердан овқат келишини кутиб туриш ҳам дуруст эмас. Динда «аза уч кун», деб белгиланган, «уч кун овқат пиширмай, емай, оч ўтирилсан», дейилмаган.

Сирдарё томонларда жонлик сўйилиб, дошқозонда таом пишириш, жанозага келганларга пул тарқатиш бидъатига эса бугунги кунда мутлақо ҳожат йўқ. Келинг, бир оз мозийга қайтайлик. Мирзачўл томонларда одамлар зич яшашмаган. Бир қишлоқдан иккинчисига етиб келгунча от-аравада узоқ йўл босишган. То жанозага етиб келгунларича очиқишган, чанқашган, ҳоришган. Уларга дам бериш, тўйдириш учун овқат пишириб қўйишган. Қайтиб кетишлирага асқотар деб озгина пул ҳам беришгандир. Энди эса бунга зарурат йўқлигини ҳамма билади. Ҳозир қишлоқлар ораси унча узоқ эмас, автомашина деган беминнат дастёримиз ҳам бор. Жанозага келганларнинг шу ернинг ўзида овқатланишига, айниқса бериладиган беш-үн сўм пулга муҳтоҷликлари йўқ. Шунга қарамай, бидъатдан қутулишнинг ҳаракати кўринмай турибди. Пулдор одамлар жаноза баҳонасида бойликларини кўз-кўз қилиб олишга уринадилар. Жанозани тўйдан афзалроқ тарзда ўтказадилар. Қўл учida кун кўрувчилар эса «мен ҳам шундай қилишга мажбурман», деган фикрда қарз олишга мажбур бўладилар. Яқин одада

мидан ажралган хонадон учун бу азоб устига азоб эмасми? Дин эса одамларнинг беҳуда азобда қолишини мутлақо инкор этади. Ҳарчолда марҳум ота (ёки она) руҳи «ўғлим менинг обрўйимни ўйлаб, қарз олиб бўлса ҳам мол сўйди», деб шод бўлмаса керак.

Жанозадан кейинги барча бидъатларни таҳлил этсак, марҳумга, унинг руҳига фойдасиз эканини кўрамиз. Аксинча, бу одатлар одамларнинг ўз руҳларини тинчтиши учун, кўнглигини ҳотиржам қилиш учун хизмат этади. Аёлларнинг «кирювди»сида энг яқин қариндошлар йиғилишса, хонадон эгасига озгина далда бўлади, қайғуси сал енгиллашади. Етти маҳалла ёки қишлоқ хотинларининг тугун кўтариб келишлари, уларга уч-тўрт хил таом тортилиши шарт эмас. Қор ёққан маҳалда (ёки лайлак учеб келганида) «марҳум тирик бўлганида Аллоҳнинг бу неъматидан шодланарди, қовун (ёки қовоқ) пишганида бу ризқдан баҳраманд бўларди», деган маънода кичик даврада эсланиши, дуо қилинишининг зарари йўқ. Аммо шу номларда яна катта-катта зиёфат бериш – бидъатдир. Айниқса, хотинларнинг тугуни бугунги кунда ортиқча машмаша эканини тушунтириш қийин бўляпти. Меҳмонга ҳадя билан бориш яхши одат, бироқ, мажбурий эмас. Тугунни бировлар ҳадянинг бир тури, деб баҳолашлари мумкин. Бизнингча эса ундан эмас. «Ол товоғим, бер товоғим, ўртада синди товоғим», деганларидай, бундай ҳадянинг изидан чиқадиган нохуш гап-сўзлар ҳам бор. Ҳадя қилувчи меҳрибонлиги эвазига бундан аълороқ нарса олиш нияти билан бормайди. Тугуннинг тарихи ҳадя билан эмас, оғир, қаҳатчилик кунлари билан боғлиқ бўлса керак. Маъракага отланган аёл уй эгасининг дастурхонига қўйишга noni борми, йўқми, деган истиҳолада кўтариб борган бўлиши мумкин. Кейин бошқалар ундан ибрат олишиб, доруломон кунларда ҳам давом эттиравергандар.

Ривоят қилишларича, бадавлат одамнинг бир неча хотинидан анчагина фарзандлари бор экан. У киши тур-

ли онадан бўлган фарзандларининг тарқалиб, юзкўрмас бўлиб кетишлигини олдини олиш, улар орасига меҳрмуҳаббат уруғини экиш мақсадида ўлимидан сўнг ҳар пайшанбада, сўнг йигирма кунда, сўнг қирқ кунда, кейин бир йилда йиғилиб туришларини васият қилган экан. Ўгай ака-ука, опа-сингиллар васиятга амал қилишиб, биринчи пайшанбада ўzlари тўпланишибди, кейингисида «дадамизнинг қадрдонларидан фалончини йўқлайлик», деб уларни ҳам таклиф қилишибди. Оқибат, бу давра кенгая бориб, бундан қариндошлар андоза олишиб, тақрорлашиб бир бидъатни юзага келтиришган ва унга дин либосини кийдиришган. Бу одатни кўпхотинли бадавлат ота эмас, худди Худо буюргандай қабул қиласиган бўлиб қолишган.

«Йигирма», «йил оши»да Қуръон тиловат қилинади. Ўқиши – суннат, соме ҳолда тинглашнинг фарзлигини кўпчилик билади. «Соме» дегани хаёлни фақат Аллоҳнинг каломига бериб, жимтина ўтиришдир. Қуръон тиловат қилинаётган дамда ҳатто нафл намози ўқимоқ мумкин эмас, дейилади. Биз бўлсак Қуръон ўқилаётганда ош ошалаймиз, хўриллатиб чойни ҳам ичаверамиз, туриб юраверамиз ҳам. Энди қарайлик: маъракага бориб, Қуръон ўқисак ёки эшитсак, савоб ҳосил бўлади ва биз бу савобдан марҳумнинг руҳини баҳраманд этишини сўраб, дуо қиласиз. Тиловатни соме ҳолатида эшитмаслик гуноҳ бўлса, марҳумнинг руҳи нимадан баҳра олади?

Айрим уламо, имом-домларимиз бунинг ҳам фатвосини топдилар. Ҳамонки «Йигирма», «йил оши» бидъат, хурофот экан, бу маъракани йигирма беш ёки элилкундами «Эҳсон», бошқача айтганда «амри маъруф ва наҳийи мункар» тарзида ўtkазиш йўлга қўйилди ҳисоб. Пули борларга унисининг ҳам бунисининг ҳам фарқи йўқ – сочаверадилар. Тўғрироғи, «амри маъруф» тарзидаги маърака уларга маъқулроқ. Чунки бундай йигинда маърузачи микрофон орқали маърака эгасини келиштириб мақтайди, унинг ҳаққига ажойиб дуолар қиласиди. Аммо

маъраканинг бу тури кўпчиликни қийнаб қўяди: энди улар маъруза қилувчи домлага, микрофончига ҳам пул беришлари шарт. Домла-имомларимиз янги одатга «эҳсон» деб чиройли ном қўйиб бердилар. Ўзлари эса ашулачиларга ўхшаб дафтарча тутиб олганлар. Ашулачилардан фарқли ўлароқ, улар баъзи кунда тўрт-беш «эҳсон»ни гуллатиб берадилар. Дастурхонга, зиёфат охирида туғилажак тугуннинг ҳажми, айниқса, чўнтакка солинувчи «мulla жиринг»нинг чўғини чамалаб, дуони қуюқ қилаверадилар. Машҳурроқ домлаларимиз бадавлатларниandan қолмайдилар, мундайроқларникига эса шогирдларини юборадилар. Ачинарлиси шуки, бундай дабдаба маросимларини рағбатлантиришга уринадилар. Имомларимиздан бири «Ақиқа» деб аталувчи маросимда «пайғамбаримиз қарз олиб бўлса ҳам ақиқа қилишни буюрганлар», деганини эшитиб, «бу киши адашиб айтиб юбордилар», деб ўйлагандик. Кейин яна бир неча марта бу асоссиз гапни эшитиб, афсусландик. Исломда қарз олиб эҳсон ёки худойи қилиш мумкинмаслигини бу тақсирим ё билмайдилар, ё билиб турсалар-да, ўз жигилдонлари манфаати юзасидан фатво тўқийдилар, мўъминларни чалғитадилар.

Ислом кўрсатмаси бўйича, одам энг аввало ўз оиласини таъминлаши керак. Эҳсони ҳам, ҳадяси ҳам биринчи галда ўз фарзандлари ёки ота-оналарига бўлиши шарт. Ота-онасини яхши парвариш қилиш, фарзандларини яхши кийинтириб, едириб, яхши ўқитиб... ундан орттираса бошқаларни сийлаши мумкин. Фарзандлари ризқини қийиб, ўзгаларни тўйдиришини дин буюрмайди. Эҳсон ёки худойи дегани албатта қўй сўйиб, зиёфат қилиш, имомни чорлаш эмас. Агар қўй сўйишига, дастурхон тузаб меҳмон чорлашга имконингиз етса, ихтиёр ўзингизда. Бироқ, чорлашнинг ҳам чегараси бор. Сўйилган қўйнинг гўшти уч қисмга бўлинади, бир қисми билан қанча одамни таомлантириш мумкин бўлса, шунча меҳмон айтилади. Уламоларимизнинг айтишларича, «худойи»

деб сўйилган қўйнинг барча гўшти мискинларга тарқатилиши шарт экан.

Дўстингиз ёки қариндошингиз сиздан қарз дейлик. Қарз тўлашга қурби етмай, руҳан қийналиб юрибди. Шу қарздан Аллоҳ розилиги учун кечсангиз, энг улуф савобга етган бўласиз. Агар бирор сизни ножёя хафа қилган бўлса-ю, сиз унинг бу гуноҳидан ўтсангиз, кечирсангиз бу ҳам ўзига хос бир «худойи» дейиш мумкин.

Эҳсон-худойи агар билиб амалга оширилса, исломнинг энг яхши одатларидан бири. Қўшниси, қариндоши ёки биродари муҳтоҷ бўлгани ҳолда кишининг сочиб, тўкиб, исроф қилиш даражасида ҳаёт кечириши дуруст эмас. Шу боис ҳам закот фарз қилинган. Ҳар бир дин одам болаларининг teng яшамоқликларини даъват этади. Исломда бу масала янада мукаммалроқ даражададир. Ҳаёт шундайки, бирор тадбирда илфор бўлгани сабабли бойиб кетади, бошқаси илм-ҳунарда заифлигидан ёки хасталиги туфайлими муҳтоҷроқ бўлиб қолади. Ҳайр-эҳсонлар ана шунда керак. Тўкин-сочин дастурхонлар атрофида биз бу неъматларга муҳтоҷ бўлмаган ўзига ТЎҚ одамларни кўрамиз. Зориқан одамлар эса чорланмайди. Бирон киши эскироқ кийимда яқинлашса, «сен шошмай тур, меҳмонларни кузатиб олай, сўнг сенга овқат бераман», дейди. Хасталиги ёки бошқа узрли сабаб билан зориқиб яшаётганларнинг аксари иззатда бўлмасликларини билиб, бундай «худойи»ларга яқин ҳам келишмайди. Маърака эгаси агар инсоф қилса, унинг уйига қолган ошдан бир лаган чиқаради, бўлмаса йўқ.

Динда эҳсон-худойиларнинг аниқ муддатлари белгиланмаган. Бу маъракаларни ўтказиш учун бирорнинг ўлимини ёки бошга ташвиш тушишини кутиш шартмас. Кимнинг қачон имкони бўлса, исроф қилмаган, барча одамларни teng кўрган ҳолда ўтказавериши мумкин.

Андижонлик дўстим ачиниб айтиб қолди: бадавлат қўшниси маърака қилмоқчи экан. Дўстим бунинг бидъат эканини тушунириб, муҳтоҷ қўшнига ёрдам бериш аф-

залроқ эканини айтибди. Бироқ, бадавлат одам икки кундан кейин маъракага айтиб чиқиб, тўрт етим билан бева қолган хонадонга минг сўм садақа берганини ҳам фарх билан билдирибди. Ана энди у одам оладиган савобнинг миқдорини ўзингиз чамалаб кўраверинг. Унинг жоҳиллиги ёки кибр-манманлиги катта савоб йўлини тўсди.

Бадавлатларнинг маърака ошларини ейишга чидаш мумкинdir. Бироқ, балофатга етмаган, норасида етим болалар қолган хонадонга қайси бет, қайси фаросат ва қандай мақсадда борилади? Ўша тортилган ошда етимнинг ҳақи борлигини наҳот фаҳм этмаймиз? Аждодларимиздан қолган ибрат бор: етимларнинг уйида уларнинг пиёласидан ҳам фойдаланиш мумкинmas. Наҳот бу ибратлар унутилди?

Бир дўстимнинг укаси қазо қилиб, вояга етмаган беш боласи етим қолди. Жаноза олдидан муҳтарам домламомга вазиятни тушунтирган эдим, у киши бу хонадонда маърака ошлари қилмаслик ҳақида яхши гапирдилар. Етим ҳақи нима эканини тушунтирилар. «Йигирмасини мен қилиб бераман», деган мард топилганда ҳам бу маъракани қилмай, унга кетадиган харажат пулени шу оиласга топшириш савоброқ эканини таъкидлайдилар. Дафн маросимидан сўнг хонадонга келиб, фотиҳа ўқигач, бу масалага қайтиб, янада ойдинроқ тушунтирилар.

Эртасига келсам, дўстим тоғалари, амакилари, маҳалла раиси билан бирга «йигирма оши»ни қаерда, қачон, қандай ўтказишни маслаҳатлашиб ўтирибди.

– Кеча домланинг гапларини эшитмадиларингми? – деб ажабландим.

– Домла гапираверади, нима, биз кетмон даста кўмибизми?

– Етим ҳақи-чи?

– Маъракани ана, акаси ўтказиб беради.

Акаси – менинг дўстим. Бир неча ой аввал тўнғич ўғлидан айрилган, бошқа болалари ҳали ёш, ўзи маош-

га қараб кун күради. «Йигирма оши» қилса, қулоғигача қарзга ботиши аниқ.

– Бунинг ҳам вояга етмаган болалари бор. Ўзидан ортмайди топгани, – деб эътиroz билдиридим.

– Ке, қўй, дўстим, шу «йигирма»ни қилмасам маломатга қоламан. Маҳалла нима дейди?

– «Маҳалла нима дейди?» деб яшаган дурустми ё «Худо нима деркин?» деган аълороқми?

Хуллас, ўша куни мен енгандай бўлиб эдим. Бир ҳафта ўтгач, дўстим қўнғироқ қилди:

– Якшанбада «йигирма». Келмаслигингни билсан ҳам айтиб қўйяпман...

Афуски, бундай воқеаларни тез-тез эшитамиз. Ёки учратамиз. Яхши амалларимиз билан савоб топиш ўрнига бидъат ва хурофот қулига айланиб қоламиз. Бу билан ўзимиз ҳам, бошқаларни ҳам қийнаймиз. Айтганларимизга қараб, бидъат ва хурофотдан қутулиш мумкин эмас экан-да, деб бадбин хуносага келмаслик керак. Бугун жамиятимизда бидъат ва хурофот одатларимиздан воз кечаетган, бошқаларга тушунтираётган, бу тушунтиришни амалда исбот этаётган биродарларимиз кўп. Бидъат ва хурофотдан қутулиш қийин эмас. Бу масалани яхши ечиб берувчи уламоларимиз, илмига амал қилғувчи дома-имомларимизнинг сўзларини яхши фаҳм этсак кифоя.

* * *

Ўқиганингиз бу сатрлар мулоҳаза сифатида баён этилиб, фикрлашиш мақсадида матбуотда эълон қилинган эди. Каминада билимни кўз-кўз қилиш ёки ўзни илмиллар сафида кўрсатишга уриниш мақсади зинҳор бўлмаган. Мен олим эмасман, олимларнинг муҳлисиман. Кўп қатори уларнинг илмларидан баҳраманд бўламан. Бу уламолар билан замондош қилгани, уларнинг суҳбатларини насиб этгани учун ҳамиша Яратганга шукур қилиб юраман. Ажабки, бидъат ва хурофот хусусидаги фикрларим АЙРИМ биродарларимизда ғалат таассурот уй-

ғотибдиким, гайри фикрларини жамоат орасида ҳам айтиб, бир озгина ғийбат гулобидан ҳам симирибдилар. Бундан күнглиминг озор етди. Йўқ, бу озор уларнинг но маъқул муомалаларидан эмас, балки ғийбат гуноҳидан татиб қўйишларидандир. Динимизга хизмат қилиб келаётган ул биродарларимизнинг бундай гуноҳлардан эҳтиёт бўлишларини истар эдим. Аллоҳ уларни кечирсин. Катта жамоатларда айтилмиш гайри фикрлар унчалик тўғри бўлмагани учун баёнимизга кичик илова лозимдай кўриниб, яна қўлга қалам олдик, маъзур тутгайсизлар.

«Тўғри гап туққанингга ёқмас», деган мақолни «Тўғри гап жоҳил имомларга ёқмас», деб ўзгартирсак ҳам бўлар экан. Муборак динимизнинг қудратига салбий таъсир этувчи бидъат ва хурофотлар хусусида фикр юритиб, бу ярамас одатларга йўл беришда АЙРИМ имомларнинг хизмати ҳақида бир-икки аччиқ сўз айтиб эдик. Ният холис эди, кимнидир айблаб, шармсор қўилмоқ фикридан узоқ эдик. Аммо баён этилмиш ҳақиқат айрим тақсирларимга ёқмабди. Бу бир жиҳатдан яхши, гап эгасини топибди. Ёмон томони – уларнинг бидъат ва хурофот ботқоғидан чиқмоқликка уринмасликларида. «Динимиз учун офат ҳисобланувчи бидъат ва хурофотлардан қутулагайлик», демоқлик ўрнига «бу одам нега ақл ўргатмоқчи бўлади, нечта ҳадисни билади ўзи?» деб маломат қилибдилар. Биз бунга жавобан кишининг динга қилган хизмати нечта ҳадис ёдламоқ билан эмас, билганларига тўғри амал қилмоқлик билан қадрланади, демоғимиз ҳам мумкин. Чунки Қиёматда айнан амал асқатмогини тақсирларим менданда кўра яхшироқ билишар. Яна улар ҳадиси қудсийдаги Аллоҳнинг марҳаматлари баёнидаги (мазмуни): «Бандаларимнинг ибодатлари ичida менга суюмлироғи – менинг йўлимда яхши амалларга тарғиб ҳамда холис насиҳат қилишдир», дейилмиш ҳақиқатга қандай муносабатда эканлар, бизга қоронги. «Нечта ҳадис билади?» дегувчига «Тақсирим,

камина қанча ҳадисни ўргангани, фикр қилганини санағап эмас, сиз ўзингизникини санабсиз, дуруст. Бироқ, сиз ҳам, камина ҳам имом Бухорий ҳазратлари билганчалик билмасмиз?» деб жавоб қайтармоғимиз ҳам мумкин эди. Лекин биз бундай тиилиб, у муҳтарам тақсиримга шарафли ҳадислардан бири билан жавоб қайтармоқликни лозим кўрдик:

Абу ат-Туфайл Омир ибн Восила (розияллоҳу анҳу) айтдилар: ҳазрат Али (карамаллоҳу важҳаҳу)дан сўралганда, ҳазрат Али: «Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ўзимизга хос айтган гаплари фақат мана шу қиличимнинг қинидагилардир», – дедилар-да, ундан бир саҳифа қофоз чиқардилар. Бу саҳифада: «Аллоҳ таолодан бўлак нарсалар номига атаб бирон жонлиқни сўйган кишига, ота-онасиға лаънат ўқиган кишига ва шариятда бўлмаган нарсаларни дин номидан пайдо қилганларга йўл берган (имконият туғдирган) кишига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин», деган ҳадиси шариф ёзилган экан.

Мазкурни шарҳлашдан ожиз банда ожиздир.

* * *

Бидъат ва хурофот дейилгандаги асосан динга доир маросимларни назарда тутамиз. Ҳолбуки, хурсандчилик тўйларимизга доир ярамас одатларимиз ҳам борки, бу ҳақда ҳам бир оз мунозара қилсанк фойдадан ҳоли бўлмас. Тўйлар ҳақидаги гаплар меъдангизга теккан бўлса, мазкур баённи ўқимай, бир неча саҳифа ўтиб қўйилган юлдузчалардан сўнг келувчи фикрларга ўтаверинг.

Хурсандчилик хабари етган онда «Аллоҳ ҳаммани тўйга етказсин...» «Топганингиз яхши тўйларга буюрсин...» – шундай деб бизларни дуо қиласидилар. Биз ҳам бошқаларга шу саодатни тилаймиз.

Оилада гўдак дунёга келгани ҳамон ота-она қалбидаги умид ҳам туғилади. Бу умид фарзанд билан бирга улғаяди. Яратганга илтижо қилинган дамларда шу умидга ет-

казиш сўралади. Фарзанднинг яхши, файзли, номусли оиласалардан бирига куёв (ёки келин) бўлмоғи орзуси билан тўй қилинади. Бу тўйга узоқ йиллар ҳам моддий ҳам руҳий томондан тайёргарлик кўрилиши барчага маълум. «Қизингни бешикка бела, молини сандиққа ташла», деган мақол бежиз айтилмагандир. Ўғил туғилганида йигирма туп терак экиш одати ҳам ана шу тўйга тайёргарликнинг бир кўриниши. Ўғил улғайгунига қадар тераклар ўсиб, иморатбоп бўлади. Бўлажак ёш оиласа атаб ўй солинади. Сўнг қарабсизки, тўй-да...

Тўй туфайли хонадонимизга ташриф буюражак шодлик ва баҳт умрининг нечоғли узун бўлмоғи ўзимизнинг фаҳму фаросатимизга боғлиқ. «Қарз қутилар, хотин ёнга қолар», мақолига амал қилган бўлсак, шодлигимиз тўй тугаши билан тугаб, ташвишимиз бошланади. Агар «Кўрпангга қараб оёқ узат», ҳикматидан юз ўгирмасак, қарз ташвиши бизларни азобга солмайди.

Биз кўпгина ташвишларга ўзимиз харидор бўламизыва, сўнг «бизни шунча қийноқларга соласанми», деб Худога даъво ҳам қилиб қўямиз. «Топганингиз яхши тўйларга буюрсин», дейилмиш дуони «Топган-тутганингнинг барчасини битта тўйга совуриб юбор, етмаганига қарз ол», деган маънода тушунмаслик керак. Кўнгил хоҳиши билан ҳаёт ҳақиқатининг муросага келмоғи мушкуллиги унтилмаса дуруст. Тўйдан кейин бошланажак ҳаёт, турмуш ташвишлари назардан четда қолмаса яна-да яхши. «Ортиқча кучаниш белни синдирад», деган мақолни ёдда тутиш эса доноликдир. Сиз билан биз ҳар қанча данғиллама тўй қилмайлик, унинг шуҳрати енгил шабада ҳам учирив кета оловчи хазон кабидир. Одамлар тўйингизни ойлаб-йиллаб эслаб, мадҳ этиб юрмайдилар. Яқинларимиз кўришганда «Қалай тўйларнинг чарчоги чиқдими?» деб қўйишлари билан ҳаммаси тугайди. Тўй ҳар қанча дабдабали бўлмасин, кишийнинг обрўсига обрў қўшмайди. Бугунги куёв ва келиннинг эртанги тотув ҳаёти, саодат йўлидаги интилиши, ота-она-

лари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшниларига бўлган меҳр-оқибати, ҳаё ва одоби хонадонга ҳурмат ва эътибор келтиради. Билмоғимиз жоизки, манманлик ва мақтанчоқликтининг энг хунук кўриниши – тўй-маросимларда қилинаётган сохта сахийликдир. Тўй баҳонасида манманликларини кўз-кўз қилмоқчи бўлган қудалар ҳавоий полвонларга ўхашади. Куч ҳам йўқ, усул ҳам бўлмаса-да, гиламга тушган полвоннинг бели синганидек, қудаларнинг нодонлиги туфайли оиланинг бели синади.

Тўй қилиш бўйича аниқ тавсиялар йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Аввал айтганимиздай, тўй – кўнгил иши. Кўнгилни эса ақл бошқаради. Яна бир гап: кўнгил талаб қилувчи дабдабани чўнтак кўтаролмаслиги мумкин. Ҳар бир шаҳар-қишлоқнинг тўйга хос ўз одатлари, удумлари бор. Афсус шундаки, асосий эътиборни дастурхон безашга қаратиб, яхши урф-одатларимизни унутилишга маҳкум этяпмиз. Барча жой учун бир хилда бўлган ярамас одатимиз – «ким ўзар» мусобақаси. Бу мусобақанинг шиори «Агар сендан ортда қолсам – қулоғимни кесаман!» Ҳа, бизга айнан шу шиор маъқул бўлиб қолди. Ақлни ишлатиб демаймизки: «Бирор томдан ташласа мен ҳам ташлашим керакми?»

Тўйга доир муаммолар ҳақида оқил устозларимиз кўп ва хўб ёзганлар, гапирганлар. Йил йўқки, матбуотда бу масала кўтарилимаса. Тўй қилувчилар бу ҳикматларни ўқимайдиларми, ҳарҳолда ўз билгиларидан қолмайдилар. Демогингиз мумкинки: «Тўй қилувчи Фалончи, қийналса ўзига жабр, сизга нима?» Сиртдан қараганде шундай. Аммо «жамият, унинг тараққий этмоғи», деган тушунчаларимиз ҳам бор-ку? Бугун оила қурадиганларнинг маънавий-руҳий оламлари, маданий даражаларини жамиятдан айри ҳолда кўролмаймиз-ку? Тўйлардаги исрофгарчилик жамият тараққиётига салбий таъсир ўтказмайдими? Тангри Таолоннинг «енглар-ичинглар, аммо исроф қилманглар», деган амрини бажармаслигимиз жазосиз қолармикин? Ўтмиш донолари хазинасига разм

ташласак, исрофга доир күплаб бебаҳо фикрларни учратамиз. Айни дамда шулардан бирини эсламоқни лозим топдик:

«Исроф энг ҳурматли оиласларни ҳам бузади, энг бой хонадонларни оқибат вайрон қилади. Энг юқори мансаблардан тубан туширади. Энг шуҳратли ному насабга эга бўлганларни хор-зор қилади. Шунга кўра исрофдан сақланмоқ, ҳар бир ишда тежам, иқтисодга риоя қилмоқ шартдир. Тадбир билан сарф қилинган мол-дунё озаймайди, балки ортади. Бахил, хасис одам пулини ҳатто ўзига ҳам сарф қилишга кўзи қиймай, очлик ҳолида яшайди. Исрофчи эса охир оқибат бир тийинга зор бўлиб қолади».

Йиллар оша гаплар гапирилаверилди, оқибат маҳсус қарор ҳам қабул қилинди, бироқ бир оз фурсат ўтиб, бу зарур қарорни унута бошладик. Замон яна шу масалага қайтишни талаб қиляпти. Биз устозлардан ўқиганимиз, доно отахонлардан эшитганимиз асосида бир-икки фикрни баён қилишга эҳтиёж сездик.

Улугимиз Абдулла Қодирийнинг дастлабки саҳна асарлари «Бахтсиз куяв» деб номланган. Асарнинг маъносини сарлавҳаданоқ англагандирсиз? Фақат «ўтмишда уйланажак қаллигини никоҳдан аввал кўришмаган, бир йигитга қари қиз дуч келган бўлса, унинг бахтсизлиги шуда», деб фикр қилманг. Асардаги куёв боланинг бахтсизлиги – тўй туфайлидир. «Тўй» ва «касофат» тушунчалири бир-бирини инкор этса-да, мазкур воқеадаги куёвнинг бахтсизлиги айнан шу тўйнинг касофатидандир. Бўлажак куёв – етим. Амаки ота ўрнида ота бўлиб, жиянни уйлантириш ҳаракатига тушади. Яхши хонадоннинг қизига совчи бўладилар. Қизнинг отаси «тўй-тўйдек бўлсин», деган орзуда оламжаҳон нарсаларни талаб қилади. «Бўлажак оиласи қийнамаслик керак, дабдабали тўйнинг ҳожати йўқ», деган насиҳатларга қулоқ солмайди. Күёв боланинг амакиси уятга қолмаслик учун бу талабларга кўнади. Оқибат отадан қолган ҳовли-жой гаровга қўйилиб,

кўп миқдорда қарз олинади. Куёв қарзни вақтида беролмайди. Судхўр ҳовли-жойни тортиб олажагини билдириганда, куёв «бу кунимдан ўлганим яхши», деб жонига қасд қиласди. Буни кўрган келинчак кўзига дунё тор кўриниб, у ҳам ўзини-ўзи ўлдиради.

Таъсирли тарзда, насиҳат йўсинида битилган бу асарда баён этилган воқеа юз йилнинг нари-берисида бўлиб ўтган. Ажабким, тўйда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақида унда айтилган гаплар бугунга ҳамоҳанг бўлиб турибди. Тўй эгасига қилинган насиҳатларнинг шамолга қарши қичқириш каби самарасиз кетиши ҳам юз йилни оралаб бизнинг кунимизгача етиб келибди. Тўғри, ҳозир кўп жойларда «қалин» деган тушунча йўқ. Аммо унинг ўрнига ёзилмаган, аммо бажарилиши шарт бўлган турли-туман қоидалар мавжуд. Бу қоидалар бадавлат оиласлар томонидан тез-тез ўзгартирилиб турилади. Агар келин томонга тўй юборилганда аввал битта қўй берилган бўлса, серҳиммат биродарларимиздан бири жуфт қила қолди. Сўнг унинг ёнига бузоқ қўшилди. Агар илгари битта сандигу битта жавон билан оила қуриш мумкин бўлган бўлса ҳозир «мебел» дегани пайдо бўлди. Аввал фақат ётоқ учун олинган бўлса, энди унинг ёнига меҳмонхона, ошхона мебеллари ҳам қўшилди. «Фарзандимнинг кўнгли чўкмасин», деб отлиқ ҳашамни Тошкентда келин томон қиласди. Бошқа ерларда куёв олиши керак. Бир хонадонда тўйга тайёргарлик бошланган эди. Қиз томон «мебел»ни олиб келиб ўрнатмоқчи бўлганида, куёв томон «ие, мебел чет элники эмас экан-ку?» дебди. Шу гап туфайли тўй бузилди, десак, ишонмассиз. Сиз ишонинг бу бўлган воқеа. Ана энди ўзимизга савол берайлик: йигит «мебел»га уйланадими ё қиз «мебел»га турмушга чиқадими? Шу матохни деб тўйни орқага суришлар ҳам мавжуд-ку? Бунга нима деймиз? Қўполроқ бўлса ҳам жавобимиз шу: бу – ақлсизликнинг ўзгинасидир!

Ўрни келганда айтиб ўтайлик: ота-она тўй ҳаракатини бошлаганида аввало ўз имкониятини чамалаб кўриши ва шунга қараб маросимнинг даражасини, ўтказиш тартибини белгилаб олиши лозим. Ундан сўнг фарзанднинг тарбиясида шу масалага ҳам жой берилиши шарт. Яъни, дабдабадан, демакким, кибрдан қочишининг савоблиги, бирорларга қараб кўнгилнинг чўкиши яхши эмаслиги, оила қурмоқлик фақат дабдабали тўйдан иборат бўлмаслиги, оила саодатини тўйнинг шуҳрати эмас, тўйдан кейинги totuv ҳаёт белгилаши ҳақидаги ҳақиқатларни фарзанднинг онгига сингдиришга уриниш керак. Айситмасангиз мисолни ўз оиласидаги воқеадан келтирсам: агар кузатсангиз «ЗАГС» деб аталмиш маросимда келинниги келувчи автомашиналарнинг русуми, санофи болаларни қизиқтиради. Каминанинг ўғли ҳам биринки «фалончиникига учта «Мерседес», ўнта «Волга» келди», деган хабарларни айтарди. Бир куни шундай хабардан сўнг «уч-тўрт йилдан сўнг Худо хоҳласа сени уйлантирамиз. Сен ҳам шундай машина карвони билан келинниги борасанми?» деб сўрадим. Ўғлим ва у каби ўсмирлар учун автомашиналар карвони мажбурий қоида каби кўриниши табиий. Чунки ҳамма шундай қиляпти. «Фалончининг қизига «Лимузин» келибди...» деган шовшувлар шамолдай учиб юради. Ўсмир ота-онасидан шундай марҳамат кутади ёки орзу қилади. Шуни билган ҳолда камина ўғилга «Худо тўйга етказсин, аммо биз бундай қилмаймиз. Никоҳни рўйҳатдан ўтказиш учун турнақатор бўлиб борилмайди, вакилни тўйхонага таклиф этамиз», дедим. Бу гапимдан ўғлимнинг ажабланишини, ранжишини билардим. Турнақатор автомашиналар эгаларига тўлаш учун ортиқча маблағим йўқ, десам эҳтимол тушунарди. Лекин бунга моддий имконият бўла туриб рад этилиши ўсмирни лол қолдирди. Шундан сўнг бу каби одатлар манманлик экани, манманлик эса гуноҳлигини тушунтиргандай бўлдим. Бу суҳбатдан сўнг ўғлим автомашиналар карвони ҳақида гапирмай қўйди. Аммо ич-

иичида армон мавжудлигини билардим ва шунинг учун вақт-бемаҳал кўчада кўрганим карвонлар ҳақида ўзим гап очардим ва бу одатнинг яхши эмаслигини таъкидлардим. Шунинг баробаринда санъаткорлардан яқинларим кўп бўлса-да, фақат битта ёки иккитасини таклиф этиш ниятимни ҳам билдириб турардим. Шу зайлда орадан бир неча йил ўтиб Худо бизни ҳам тўйга етказди. Совчилар келин бўлмишнинг уйларига бордилар. Орага воситачи одам қўймай тўй тартиби ҳақида ўзимиз гаплашайлик, деган таклифимиз қуда томонга маъқул тушиб, маҳалламизнинг оқсоқоли билан бордик. Камина орзу қилинаНг тўйнинг тартибини баён этдим. Никоҳ рўйхатидан ўтишга бормаслик, «чарлар», сўнг эса «куёв чақирди», «қуда чақирди», деб аталмиш маросимларни ўтказмаслик ҳақидаги таклифимиз уларни бир оз ўйлантириди, бамаслаҳат жавоб қилажакларини билдириши. Шукурки, қудаларимиз ҳам, келинимиз ҳам буни тўғри тушундилар. Орзу қилган тўйимиз бир кунда чиройли тарзда ўтди, исрофдан қочганимиз учунми, Оллоҳ ёшларимизнинг бахтини берди.

Энди бугунги тўйларимиз хусусида бир-икки сўз айтсак: бизларда ё у томонга, ёки бу томонга кескин оғиш одатимиз бор. Бугунги кунда «Исломий тўй» деган тушунча пайдо бўлди ва бунинг тарафдорлари тўйдаги ўйин-кулгуни мутлақо рад этадилар. Келинг, шу тарздаги тўйларнинг тарихига бир назар таштайлик: тўйдан мақсад – фақат хурсандчилик эмас, балки шаръий, қонуний никоҳдан атрофдагиларни боҳабар қилиб қўйишидир. Саҳобалардан бири шаръий тарзда уйланганларини ха-бар қилганларида пайғамбаримиз алайҳиссалом «Бир таом тайёрланг-да, қўни-қўшниларингизни чорлаб, никоҳдан огоҳ этиб қўйинг», деган эканлар. (Албатта, исломдан аввал ҳам ҳар жойнинг ва диннинг ўзига хос тўй маросими бўлган.) Мақсад шуки, одамлар буларни кўрсалар «фалончининг ўғли билан пистончининг қизи номақ-бул юришибди», деган ножӯя хаёлга бормасинлар. Ула-

молар етказган ҳадисга кўра, пайғамбаримиз алайҳис-салом бир ерга кириб бораётгандарида қўшиқ айтиёт-ган аёл, ашулани узуб салавотга ўтганида, жанобимиз «аввалги қўшифингни айтавер», деган эканлар. Шунга кўра мусулмон мамлакатлардаги тўйларда қўшиқдан воз кечмаганлар. Аммо бу масалада бизда сал қуюшқондан чиқилиши афсусли ҳолдир.

Маст-аластлик билан беҳаё ашулаларни айтишлиқ, беҳаё қилиқлар билан рақсга тушишлиқ, ўртада шодланиб ўйнаётган қиз-жувонларга кайф аралаш ҳирс билан тикилишилик каби иллатларни маъқуллай олмаймиз. Ахир ўйлаб кўрайлик: тўйдан шодланиб рақсга тушаётган қиз ёки жувон кимнингдир суюкли фарзанди, кимнингдир жуфту ҳалоли. Бу тикилишнинг ёки маст ҳолда ёнига тушиб ўйнашнинг ёмон оқибатларини кўриб турамиз-ку?!

Тўйлардаги ичкилик ичиш алоҳида бир масала. Бир танишим тўй қилиб, ўғлини уйлантирди. Бу билан зиммасидаги бурчини адо этгандек бўлди. «Этгандек бўлди», деб кесатишинг асос бор. Айтмоқчиманки, бурчни бажариш икки хил бўлади: биринчиси – атрофидаги одамларнинг розилиги, хурсандлиги учун. Яъни, бир тўда еб-ичиб, майшат қилиб кетса бас. Ҳалол-ҳаромнинг фарқига борилмайди. Савоб-гуноҳнинг нима эканига ҳам эътибор берилмайди. Бунинг оқибати маълум: бугун фарзандининг оиласидаги нотинчликдан беҳаловат бўлаётган ота-оналар бу ташвишнинг илдизини топмоқ учун тўйни қандай ўтказгандари, бурчларини қандай адо этгандарини ўйлаб кўрсанлармикин? Иккинчи бурч Яратганинг розилиги учун адо этилади. Яъни ҳаромдан («ҳаром»нинг маъноси – тақиқлаш, ман этишдир), гуноҳдан эҳтиёт бўлинади. Янги оиласидаги муazzам бир уй деб тасаввур этсак, унинг пойдеворида ҳалоллик ётсагина бақувват бўлади. Туз бетонни еб адо этганидек, аввал бошда аралашган ҳаром аста-секин умр саройи пойдеворини кемиради.

Бу гаплар шунчаки хаёл маҳсули эмас, балки ҳаётдаги воқеалар юзага чиқарган ҳақиқатдир. Баён қилаёт-

ган танишимиз бадавлат эмас, дабдабали тўй қилишга қурби етмайди. Аксинча, қарз-ҳаволадан умид қилувчи одам. Камина унга қарз кўтармасдан осонгина тўй қилишнинг йўлини айтдим. Аслида бу йўлни мен ўйлаб топмаганман. Олтмишинчи йилларга қадар барча шу хилда тўй қилган. Кейин «комсомол тўйи» деб номлан-миш касофат – бемаъни базм кашф қилиниб, харажатлар кўпайгандан кўпайди. Бугунги келиб «комсомол» деган нарса йўқолди. Бироқ, унинг номи билан юзага келган тўй шакли сақланиб қолди. Асл ўзбек тўйидаги ёр-ёр, тортишмачоқ каби ажойиб одатлар ўрнини масталааст қийқириқлар эгаллади. Уруш-жанжал, баъзан қотиллик ҳам шу янги тўйнинг мевалари экани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, буларни билиб турсак-да, билмагандек хотиржам юраверамиз.

Хуллас, танишим ароқсиз тўй қилишдан уялди. Махалла аҳлидан уялди. Уларнинг «тўйига ароқ қўймабди», деган маломатидан қўрқди. Ароқни ман этган Зотдан қўрқмади, уялмади. Лекин ўз фикрича, савоб ишга ҳам қўл урди: тўй арафасида «худойи» деб аталмиш эҳсон қилди. Энди «худойи» дастурхони билан базм дастурхонини бир-бирига солиштирсангиз савобнинг миқдорини чамалай оларсиз. Аллоҳ бандасининг дастурхонига муҳтож эмас. Аксинча, банда Яратганинг марҳаматига муҳтож. Ўша базмда сўзловчилар ёшларга бахт тилашади. Кимдан? Бахтни ким беради? Бахт берувчи «ичма» деган нарсани ичсаг-у яна ундан тилак тиласак берармикин? Бу томонини ўйламаймизми? Ичига ҳаром луқма кирган банданинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмаслигини наҳот билмаймиз?

Иккинчи бир танишимизда ўзгача аҳвол юз берди. Куёв бўлмиш йигит дастурхонга ароқ қўйилмаслигини талаб қилибди. Ота-бола орасида шу хусусда келишмовчилик чиқибди. Ота ўғлидан нолиб: «Ароқ қўймасам шарманда бўламан-ку, мен ҳам тўйларга бориб ичганман-ку», деб эзилди. Биз дедикки: «Биродар, ўғлингиз-

нинг ақлига тасанно айтмоқ лозим. Сиз түйларга борганингизда қарзга ёки насияга олиб ичмагансиз-ку? Ё барчаларига «түйимда қайтарам ичган ароғимни», деб вაльда қилғанмисиз?» Ота-бала баҳсида ўғил енгиб, у айтгандай түй бўлди. Санъаткорлар ичкиликсиз ҳам түйни ширин тарзда ўтказиб беришди. Мезбонлар ўйнаб-кулиб роҳатландилар. Шу маҳаллада, икки кўча наридаги түй эса фожия билан якунланди. Маст йигитларнинг жанжали ҳали чимилдиқ кўрмаган дўстларининг ўлимига сабаб бўлди. Мана сизга бир вақтда бўлиб ўтган икки түйнинг якуни. «Бадмаст улфат – даврага кулфат», деб бежиз айтмаганлар машойхлар. Биз айтаётган масала бошқа миллатларда ҳам мавжуд. Агар эсласангиз, саксонинчи йилларда украиналикларнинг «Тўй айбланади», деб номланган кинофильми бўларди. Фильм ўзбек тилига таржима қилинган, ҳозир ҳам телевидение орқали намойиш этиб турилади. Унда ёш футбол юлдузининг ўлимига сабаб бўлган ресторандаги тўй, исрофгарчилик, маст-аласт йигитларнинг қиликлари кўрсатилади. Эътибор берайлик: Европа учун ресторандаги тўй, ичкилик одатий нарса. Шунда ҳам улар бу одатга қарши чиқяптилар. Биз эса Европадан маданиятни эмас, уларнинг ўзлари ҳам рад этаётган ёмон одатларни оляпмиз.

Европадаги миллионер оиласлар ҳам тўйларида биз каби сочиб, исроф қилмайдилар. Улардаги никоҳ ўқитиш маросимининг ўзи тўй. Энг яқин одамларини таклиф этишади. Бир неча соат ичида тўй ўтади. Биз улардан мана шу никоҳ ўқитиш (яъни – ЗАГС) маросимини олдик-да, ўзимизникига қўшдик. Ана энди тўй маросимларимизни санаб ўтайлик: совчилар ишни пиширишгач, қиз билан йигитнинг кўчада кўришув маросими бўлади. Қиз билан йигит аввалдан бир-бирларини билсалар-да, совчиларнинг аралашувисиз аҳду паймон қилиб қўйган бўлсаларда, бу маросимга келадилар. Йигит қизга қимматбаҳо совфа беради. Совғанинг қабул қилиниши – ризолик аломати экан. Ана ундан кейин янга совчилар борадилар ва

«оқ ўраш ёки патир синдириш» маросими бўлади. Кейин эса фотиҳа тўйи, бошқача айтилса, қўни-қўшнилар, яқинларга маълум қилиш мақсадида бўлажак келиннинг уйига тоғоралар карвони жўнатилади. Агар тўйга қадар орада хайт байрами бўлса «йўқлов» деб аталмиш янги «карвон» йўлга чиқади. Булар – тўйнинг дебочалари. Баъзи жойларда «маслаҳат оши» дегани ҳам бор. Номидан маълумки, яқинлар тўйни ўтказиш тартибини белгилаш учун чақирилади. Ошдан сўнг маслаҳатлар берилади ва... тўй эгаси маслаҳатларга қулоқ ҳам солмайди, ўз билганидан қолмайди. Орада дастурхон сарсон... Ниҳоят тўй. (Еткизганига шукур!) Бир кун тўй юборилади (тўй олинади). Бир кун куёв (ёки келин)нинг отаси ишхонасидагиларни зиёфат қиласди, яна бир кун онаси ҳамкасбалига дастурхон ёзади. Бир кун келинникида «Қиз базми». Ҳозир бу маросимга куёв жўралари ҳамда отаси ва унинг яқинлари билан келадиган бўлган. Бундан олдин ёки кейин ҳар икки хонадонда «худойи». Сўнг «сабзи тўғрап» деб номланмиш зиёфатча. Эртасига эрталаб (ёки пешинда) ош. Кейин «ЗАГС» деб аталувчи маросим. Ниҳоҳдан ўтилгач, ёшлар учун бирон ерда кичкина зиёфатча. Ниҳоят, ҳовлида ёки бирон ресторонда никоҳ базми! Эрталаб келинсалом ва аёлларнинг қаймоқхўрлик зиёфати. Тўй эгалари нафас ростлашга улгурмай, эртага кутилаётган «чарлари» маросимига тайёрланишни бошлайдилар. Куёв тўра эса ўртоқларига яна бир зиёфат берадиким, бунинг номини «куёв оши» дерлар. Авваллари Тошкентда “чарлари” аталмиш маросимга, яъни, келин отасиникига тўйдан уч кун ўтиб келарди. Ҳозир тезлашув замоними, тўйнинг эртасига ёқ келади. Камида 60 аёл билан келган қуда хотинлар камида 6-7 хил таом билан сийланадилар. Аёллар кетишгач, энди куёв бўлмиш жўралари билан келади. (Худди қайнотасига «бу ёғини қойиллатиб қўйдим», дегандай ҳисоб бергани келганга ўхшайди, шундай эмасми?) Изма-из куёвнинг отаси бошқа қариндошлари билан келишиб «чарлари» давом эта-

ди. Тўйлар шу зайлда ниҳоясига етгач, «тоганика келинсалом», «Амма-холаникида келинсалом»... каби маросимлар бошланади. Бу орада Худо фарзанд берса «ақиқа» ёки «бешик тўйи»... Хуллас, сўзни мухтасар қилсанак, тўй-тўйга уланади. Донолар таъбири билан айтсанак, «йўғонни чўзадиган, ингичкани узадиган» маънисиз ва кераксиз одатлар, расм-руsumлар оқими...

Кези келганда хайит байрамидаги келинсалом маросимларини эсламасак бўлмас. Бу маросимга келин томон беҳисоб тогоралар карвонини жўнатади. Уч кун давомида келиннинг уйи, ясатиғлиқ дастурхон атрофи гавжум бўлади. Меҳмонлар орасида қариндошлар ҳам етти ёт бегоналар ҳам бор. Бу маросимни фитна уйғотувчи тадбир десак, янгишмасмиз. Чунки бунга келганлар фақат еб-ичмайдилар, балки уйнинг ҳашами, дастурхон тўкинилиги, келмиш тогораларнинг сон-саноғи билан қизиқадилар ва муҳокама қиласдилар. Бундай муҳокамаларнинг кераксиз гапларга ва қўнгилсиз оқибатларга олиб келиши бир масала, яна бир масала телевидениеда бадавлат хонадонларнинг уйлари кўрсатилиб, бу ҳол энг азиз қадриятлар сифатида обдон тарғиб қилинди. Ҳайриятки, бунинг асл мазмунига тушунилибдими, энди такрорланмаяпти.

Биз Тошкент тўйларини баён этдик. Бошқа ерларда буларданда баттар кераксиз одатлар борким, ўзингиз яхши биласиз. Одат ёқимсиз ва заруратсиз эканини билсангиз-да, уни бажаришга мажбур бўласиз. Нима учун? Наҳот «маҳалла-кўй нима дейди?» деган истиҳолани енгиб ўтиш шунчалик қийин бўлса? «Тўй қиламан, деб бели синибди, бечоранинг», деган маломат қайда-ю, «Тўйни ихчамгина ўтказди, барака топсин», деган шараф қайда! Тўғри, орамизда оғзига кучи етмаган «оғзи бедарвоза»-лар ҳам бор. Аммо уларнинг гаплари кўпчиликнинг фикрини ифода этмайди. Бунаقا тузсиз гапларга сал қўполроқ бўлса-да: «Ит ҳурав, карвон ўтар», деб қўя қолган маъқулмикин...

Бизларни шодлантирадиган нарса: бугунга келиб «суннат тўйи» («хатна тўйи») деб аталмиш зиёфатлар анча камайди. Бунақа тўйлар бутунлай қилинмаса янада яхши. Чунки мазкур тўй номининг ўзиёқ ножоиз. Суннат – пайтамбаримиз алайҳиссаломнинг қилган ишлари, одатлари демак. У зот ҳаётлик чоқларида бунақа тўй қилмаганлар ва шундай қилинглар, деб айтмаганлар. Мусулмон мамлакатларида туғруқхонада туғилган ўғил бола шу ернинг ўзидаёқ хатна қилинар экан. У томонларда «суннат тўйи» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бу одатни бизда бирон бойвачча манманлик йўсинида бошлаган-у, кейин ўзгаларга мажбуриятга айланиб қолган бўлса эҳтимол.

Кейинги пайтларда никоҳ тўйларида куёв томоннинг ош бериши ҳам камайяпти. Афсус шуки, бели бақувват биродарларимиз бу заруратсиз одатни ҳамон давом эттиришяпти. Мен бир нарсага тушуна олмайман: эркак қудалар фақат тўй ошида бир-бирлари билан кўришадилар. Үнгача худди бир-бирларидан уялгандай кўришмоқликтан сақланадилар. Ахир тўйдан олдин учрашсалар, тўй тартибини ўзаро маслаҳат қилиб олсалар ёмонми? Икки томонда ош бермай, биргалашиб бир ерда қилинса бўлади-ку, бу маросим. Бунақа яхши одат кам бўлса-да, учраб турибди ва биз буни қуда бўлмишларнинг донолиги деб ҳисоблаб, уларни шарафлаймиз.

Тўй қилиш жараёнида энг мураккаби хотинларнинг талабларини ва инжиқликларини енгиб ўтиш. Муҳтара-ма аёлларимиз, ҳақ гапимиздан ранжиманглар, мавжуд кераксиз одатларнинг ихтирочилари ҳам, садоқатли ва ўжар ижрочилари айнан сизларсизлар. Тўй учун топганнуттганларни елга совуриш бўйича сиз жаҳоннинг мутлақ чемпионларисиз, десак, бу мартабани қабул қиласиз. Совуриб бўлгач, тўйдан кейин нолишларни бошловчиilar ҳам ўзингиз. Кераксиз одатлардан воз кечиши ҳақида гапиравериб тоғларни эритиб юбориш мумкин, аммо сиздаги жоҳилликни енгиш мумкин бўлмаяпти. Сиз

узоқ ташвиқотдан сүнг бирон масалада чекинишга мажбур бўласиз-у, ўша заҳоти янги бир кераксиз, баъзан зарарли одатни ихтиро қиласиз. Масалан: тугун ва тоғоралар муаммоси. Кўп аёллар гўё тугундан воз кечдилар. Бунинг ўрнига эса битта тугун учун сарфланажак маблағ чамаланиб, тўй эгаси аёлнинг қўлига пул қистириш одати расм бўлди. Бойроқ аёлларимиз долларни ошкора равишида узатишга уринадилар: одамлар кўриб қўйишин-да! Камроқ пул узатувчилар эса ийманадилар. Бу одат тўй эгаси учун ортиқча даҳмаза эшигини очди. Энди у пул берганларга жавоб тариқасида тугун ўрнига қофоз халталарни шайлаб қўяди. Аввал тугунлардаги нарсаларни ўзаро алмаштириб қўйган бўлса, янди ҳар бирига алоҳида нарса солиши керак. Агар минг кишилик ошда 500 нон ишлатилса, юз кишилик аёллар маросимига мингдан ортиқ нон олинади.

Келин-куёвни кийинтириш бобида ҳам аёлларга бир сўз айтмоқлик мушкул. Куёв тўра зар чопон кийиб, салла ўрайдилар. Буни тушуниш мумкин: гўё қадриятларимизга қайтаётган эканмиз. Келинпошшани европача кийинтириб, бошларига шляпа кийдириб қўйишилари-чи? Бир ерда «келиннинг эгнига атлас куйлак-лозим, беқасам нимча, бошига ироқи дўппи кийгизиб оқ рўмол ташланса бўлмайдими?» деган эдик, «нима, бизнинг келинимиз жувонми?» деган танбеҳни эшитдик ва ажабландик: атлас кийим жувонлик белгиси эканми? Унда келин ҳали қизлик оламини тарқ этмай туриб, тўй базми эртасига келин саломга атлас кийим-бошда чиқади-ку? Истиқлолдан аввал, хориждаги ўзбеклар билан борди-келди қийин бўлган маҳалларда эшитган эдим: ватандошлар атлас мато топилмагунча қизларининг тўйларини бошламас эканлар. Гап бу ерда бизнинг европача кийимга нисбатан инжиқлигимизда эмас. Тўғри, оқ либос ҳам қизларимизга яратади, оқликда покизалик рамзи ҳам мавжуд. Лекин бу куйлак (куёвнинг зар чопони ҳам) ўзлариники эмас-ку? Бирордан ижарага олинади-ку? Наҳот покиза қизимизни

нече-неча одам кийган, охори түкілған күйлакда узатиб борищдан истиҳола құлмаймиз. Эртасига бу кийимларни тахлаб, изига қайтарищдан уялмаймиз?

Катта ёшдаги мұytабар одамлардан әшитған әдим: уруш ва ундан кейинги азобли йилларда ҳам замонга мос равища түйлар бўлиб турган. Дастурхонга бир неча туршак, жијда қўйиб ҳам тўйни ўтказишган. Жамоа хўжалигининг ёки қишлоқ кенгаши раисининг хонасида ямоқ тушмаган битта тўн билан бир атлас кўйлак сақла-наркан. Тўй куни келин-куёвга шу лиbosлар ижарага бериб туриларкан. У замонда умумнинг кийими ноилож-ликдан олиб кийилган. Ҳозир-чи?

Ўтмишдаги тўйлар ҳақида гапирганимизда маросим-ларимиз албатта ўшандай бўлиши шарт, деб даъво қилмоқчи эмасмиз. Тўйлар давримизга яраша бўлиши керак. Шунинг баробаринда, замонавий тўй маданияти ҳақида ўйлаб кўришга ҳам мажбурмиз. Айрим биродарларимиз хориждан келган меҳмонларни тўй ошига ёки базмига олиб боришни хуш кўришади. Камина эса бундан ҳижо-латдаман. Қаранг, тўй учун кўп минглаб пул сарф қила-мизу маданиятни белгиловчи арзимас нарсаларга эъти-бор бермаймиз. Ҳатто ресторонлардаги тўйларда ҳам аҳвол шу. Хориждаги зиёфатларга эътибор берайлик: хизматчилар меҳмондан доимо хабар олиб турадилар, бўшаган идишлар дарроў алмаштирилади. Ҳатто тўкил-ган ушоқлар ҳам кичик чангютар ёрдамида тозалаб ту-рилади. Сочиқлар алмаштирилади. Хуллас, хизмат ма-данияти юксак даражада. Бизнинг тўйларимизда-чи? Ай-ниқса, тўй ошларида қўл ювадиган жой йўқ. Баъзан ёшлар сув тутиб туришади, раҳмат, аммо сочиққа қўл артилаверилганидан уни сиқиб қайтариб беришдан ўзга чорангиз қолмайди. Ичкарига кирсангиз, дастурхон усти йиғиширилмаган. Ёғли қошиқлар оппоқ дастурхон устини доф қилиб турибди. Бурда нонлар бетартиб сочил-ган. Ярим ейилган узум бошлари маъюс. Пиёлалардаги қолдиқ чойлар ҳам тўкилмаган. Сочиқни сиқсангиз бир

камбағалнинг ошига етгулик ёғ сизиб чиқади... Биз бунақа манзарага кўнишиб кетганимиз. Аммо хорижлик меҳмон буларни кўриб бизнинг тантлигимизга тасаннолар айтиб кетармикин? Йигирмата ароқни камроқ олиб, бунинг маблагини покизалик хизматига, тўйчилик маданийини оширишга сарф этиш наҳот мушкул бўлса?

Тўй маданияти ҳақида гапирганда санъаткорларнинг ўзларини тутишлари, пул қистириш, пулни бошдан сочиш каби ярамас одатни айтмай иложимиз йўқ. Бу ҳолат ва раққосаларнинг беҳаё қилиқлар қилиш эвазига пул тўплашлари бизнинг маънавий оламимиз пастлигидан далолат бермайдими? Бир тўйда ҳайратга тушганим ёдимда. Қўқон атрофидаги тўйлардан бирида раққосага тўхтовсиз пул қистираётган киши диққатимизни торти. Ўша одам бир кун аввал биз билан сұҳбатлаша туриб, иқтисодий қийинчиликдан нолиб, «болаларимга қишлик кийим ҳам олиб берганимча йўқ», деган эди. Эртасига у одам билан яна кўришганимизда «пул қистириш ўрнига болаларингизга кийим олиб берсангиз бўлмайдими?» десак, «тўй эгаси – тоғам бўладилар, ҳамма қистирганда мен қараб турсам уят эмасми?» дейди. Қаранг, боласи юпун юрса уят эмас, ҳаёсиз раққосанинг даҳанига пул қистирмаса айб экан. Бунисига нима деймиз?

Сирдарёдаги бир тўйни гапириб беришди. Тўй эгаси икки минг доллар сарф қилиб бир ашулачини олиб келибди. Ўша куни ёмғир ёғиб йўлларнинг аталаси чиқиб кетганидан кўпчилик тўйга келишга қийналиб, охири «ўша икки мингни йўлни тузатишга сарфласа савоби мўлроқ бўларди», деб кетишибди. Бу гапда ҳам жон бор.

Тўйларни батартиб, чиройли равишда ўтказишда маҳалланинг бурчи ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очиғини айтиш керак, бугунги кунимизда тўй қилувчилар маҳалланинг фикри билан деярли ҳисоблашмайдилар. Аввал тўй куни маҳалла билан бамаслаҳат белгиланаарди. «Сиз айтган куни фалончи ҳам белгилаб қўйган, сиз тўйингизни бошқа кунга кўчиринг», дейиларди ва бу масла-

ҳатга амал қилинарди. Ҳозир эса битта маҳаллада бъзан бир пайтнинг ўзида тўрт-беш тўй бўлиб ўтяпти. Одамлар қайси тўйга боришга ҳайрон. Биринчи жойда ош еб чиқилгач, иккинчи тўйдаги лаган тўла ошга қўл ҳам урилмайди. Қарабсизки, яна исроф. Тўйга келолмаганлар ҳижолатда, тўй эгалари эса гина-кудуратда. Илгарилари идиш-товоқ маҳалладан олингани туфайли маҳалла раисининг тўй эгасига сўзи ўтарди. Энди эса гап гаплигича қолиб кетади. Бироқ, дабдабали тўйга қурби етадиган биродарларга «тўйингизнинг дабдабасини сал камайтириб, тежалишдан ҳосил бўлгувчи маблағни фалончи хонадонга берсангиз савоб бўларди. Улар ҳам тўйларини вақтида кўнгилдагидек ўtkазишиб олишарди», деган маслаҳатга юрадиганлар ҳам топиляптики, бу яхшиликлари эвазига топилган савоблар туфайли уларнинг тўйлари файзли ўтиб, фарзандлари тотувлик ва баҳтга эришяптилар.

✓ Тўйни тартибли ўтказища маҳалла кўп ишлар қилиши мумкин. Авваллари тўй базмларида бадмастлик авжга чиқса, жанжал кўтарилса, маҳалла қариялари бу хонадонда тортилажак ошга чиқмасдилар. Бу ўзига хос танбеҳ, ўзига хос жазо тури бўлиб, тўйчиларга таъсири сезиларди. Маҳалланинг таъсири ё маслаҳат ва насиҳат йўсинида, ёки қатъий чора тарзида ҳам бўлиши мумкин. Андижон атрофидаги хўжаликлардан бирининг радиси қўллаган чорани ибрат сифатида келтирсак: у киши тўйга аёллар келадиган пайтда ҳовлида ўтириб олибдилар-да, тугун кўтариб келаётган аёлни тўхтатиб «тугунингни анави четга қўй», деб буюрибдилар. Аёллар раиснинг ихтиёрига қарши чиқишармиди. Хуллас, барча тугунлар бир ерга тўпланади. Очиб ҳам кўрилмайди. Раис аёлларнинг маросими тугагунча тўйхонадан кетмайди. Кетса нима бўлиши маълум: тугунлар одатдагидай очилади... Тўй тугагач, раис аёлларга тугунларингни ола кетинглар ва бундан кейин тугун қилманглар, деб тайинлайди. Аёллар нима кўтариб келишган бўлса, уни

қайтариб олиб кетадилар. Бу ҳол ўн-ўн беш маротаба қайтарилгач, масала ҳал этилади. Бу ҳаракат айримларга эриш туюлиши ҳам мумкин. У ҳолда бошқа чорани тавсия этиб кўринг.

Кераксиз одатларнинг пайдо бўлуви ва изсиз йўқолуви сиз билан бизнинг онгимизга, виждонимизга боғлиқдир. Кибр ва манманлиқдан озгина чекинсақ, олам-олам савобга эришамиз ва хонадонимизнинг чексиз саодатга етмофини таъминлаймиз. Суҳбатимиздан мақсад сизларга ақл ўргатиш эмас, фикрлашга таклиф этмоқлиkdir. Сўзларимизни ҳадиси қудсийда келтирилган Аллоҳнинг хитоби билан якунлашни маъқул кўрдикким, бу ҳақиқат юмуқлик кўзларни очар:

✓ «Эй Одам фарзанди, агар мендан уялмасанг, ҳарна хоҳласанг қил!..»

* * *

Баҳорда бодом гуллади, кўзларни қувонтирди.

Кузда эса...

Бодом мевалари ҳали етилмай туриб, «бошқалар тेरиб кетишмасин», деган хавотирда қоқа бошладилар. Бечора дараҳт инсон боласига мева туғиб бергани учун таёқ ея бошлади. Сўнгсиз, ҳисобсиз урдилар. Дараҳт барглари кўзёши мисол тўкилди. Лекин инсон болалари бунга зътибор бермадилар. Ҳали тирик баргларни топтадилар. «Дараҳтнинг таёқ еган шохлари, навдалари ҳам азобланар, озор чекар-ку», деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

Бу-ку, дараҳт, тилсиз, бизнинг назаримизда жонсиз бир нарса. Дараҳтларни савалаш билан кифоялансак кошки эди.

Ҳаётда...

Ўз биродарларимизни заҳарли сўз таёқлари билан савалаймиз. Юрлари қон қақшаб кетса ҳам савалайвемиз. Үнли йигисига ҳам, унсиз фарёдига ҳам аҳамият бермаймиз. Савалай-савалай роҳатланамиз.

Дарахтларни савалашдан мақсад – меваларни териб олиш.

Үз биродарларимизни савалаб нималарни териб ола-
миз? Гуноҳлар ортилаётган қопларни тўлдирмаймизми?

Бодом тўла қопни орқалаб бозорга шошамиз.

Гуноҳлар тўла қопларни ортмоқлаб қайга борамиз?

* * *

Эркинлик йўқ жойда масъулият ҳам бўлмайди. Ахир тутқун одамда қандай масъулият бўлсин? Агар идора раҳбари мулозимларига эркинлик бермаса-ю, улардан масъулият талаб қилса, кулгили эмасми?

* * *

Ўтмиш, хусусан Сталин замонидаги зулм учун ким айбдор? Бу ҳақда аввалроқ ҳам фикр билдирилиб эди. Энди мазкур саволга бошқачароқ жавоб қайтарсакчи? Яъни, бугунги авлодни айблаш мумкинми? Масалан: «Сенинг отанг фалончининг устидан ёзган», деб Албатта йўқ. Бироқ, у дамларни унутмаслик керак. Чунки зулм дарахти ҳеч бир замонда, ҳеч бир жамиятда қуримайди. Қуёшнинг ҳаракатига қараб соя ташлайдиган жой ўзгариб тураверади. Қайси бир авлоднинг эргами кечми яна шу сояга дуч келиши эҳтимоли бор. Ҳозир бирор идора раҳбариға ёки ундан каттароғига бошқа ходимни ёмонлайдиган, ифво балчигини чаплаб роҳатланадиганлар йўқми? Ана ўшаларнинг шу хизмати зулм дарахтини суғоради ва қуриб қолишига йўл қўймайди.

* * *

Телевизорда ёзувчи биродаримиз ғалати бир гал айтди: яъниким, илм-фан – бош, ақл учун, адабиёт эса юрак учун экан. Бу гапда мантиқ кўрмадим. Назаримда, биродаримиз фикрларини тўғри баён қилиб беролмадилар шекилли. Балки у киши бундай демоқчи бўлгандирлар:

«илм-фанга доир ишлар, кашфиётлар асосан ақл маҳсулі. Аниқ фан билан шуғулланиш учун юракдаги түйу́лар, ҳис-ҳаяжонлар шарт эмас. Айтайлик, қуёш физикаси билан шуғулланувчи олимдан офтобнинг эрталабки латофатига маст бўлиш талаб этилмайди. Унинг учун қуёш нурларининг уфқда товланиши муҳим эмас, балки улуғ ёритгичнинг хусусиятларини ўрганиш зарурроқ. Бадиий асар эса аввал юракда туғилиб, сўнг ақл восита-сида бойитилиб, қофозга туширилади». Аниқ фанлар билан бадиий адабиётни айри-айри кўриш қалам соҳиблари учун янгилик эмас. Бу хато фикрни тез-тез эшитиб турамиз. Бундай биродарларимиз фақатгина ўз тумшуқлари остидаги нарсаларни кўрадилар. Орқага қарамайдилар, рўпарада нималар борлиги билан қизиқмайдилар. Мозийга қарасалар эди, алломаларимизнинг бадиий адабиёт билан шуғулланганларини билар эдилар. Яна сир эмаски, фандаги кўп кашфиётларга бадиий адабиётда акс эттирилган илмий тахминлар асос бўлган. Лазер нури бунга мисол.

Шу телекўрсатувда биродаримиз китобларни компьютерлаштириш, яъни китоб саҳифасини компьютер экранига чиқариш масаласига салбий муносабат билдиридилар. «Китобни мазза қилиб ўқиш керак», дедилар. Улар бир нарсага тушунмадилар шекилли: компьютерда фақат тамоша қилинмайди, унда ҳам ўқилади. Биз истаймизми ё йўқми, қофоз масаласи жаҳон миқёсида жиддий муаммо сифатида кун тартибига қўйилгач, матбуот ҳам, китоб нашри ҳам аста-секин компьютерлашади. Ҳозирнинг ўзида айрим илмий адабиётлар, луғатлар, қомусий луғатлар компьютерлаштирилди. Бу жараён ривожланиб бораверади. Лекин шунда бошқа бир муҳимроқ муаммо кўндаланг бўлиши мумкин: компьютердан таралувчи нур оқимининг инсон саломатлигига зарари одамларни ўқишидан чеклаб қўйиш эҳтимоли туғилади...

«илм-фанга доир ишлар, кашфиётлар асосан ақл маҳсүли. Аниқ фан билан шуғулланиш учун юракдаги түйфулар, ҳис-ҳаяжонлар шарт эмас. Айтайлик, қуёш физикаси билан шуғулланувчи олимдан офтобнинг эрталабки латофатига маст бўлиш талаб этилмайди. Унинг учун қуёш нурларининг уфқда товланиши муҳим эмас, балки улуф ёритгичнинг хусусиятларини ўрганиш зарурроқ. Бадиий асар эса аввал юракда туғилиб, сўнг ақл восита-сида бойитилиб, қофозга туширилади». Аниқ фанлар билан бадиий адабиётни айри-айри кўриш қалам соҳиблари учун янгилик эмас. Бу хато фикрни тез-тез эшишиб турамиз. Бундай биродарларимиз фақатгина ўз тумшуқлари остидаги нарсаларни қўрадилар. Орқага қарамайдилар, рўпарада нималар борлиги билан қизиқмайдилар. Мозийга қарасалар эди, алломаларимизнинг бадиий адабиёт билан шуғулланганларини билар эдилар. Яна сир эмаски, фандаги кўп кашфиётларга бадиий адабиётда акс эттирилган илмий тахминлар асос бўлган. Лазер нури бунга мисол.

Шу телекўрсатувда биродаримиз китобларни компьютерлаштириш, яъни китоб саҳифасини компьютер экранига чиқариш масаласига салбий муносабат билдирилар. «Китобни мазза қилиб ўқиш керак», дедилар. Улар бир нарсага тушунмадилар шекилли: компьютерда фақат тамоша қилинмайди, унда ҳам ўқилади. Биз истаймизми ё йўқми, қофоз масаласи жаҳон миқёсида жиддий муаммо сифатида кун тартибига қўйилгач, матбуот ҳам, китоб нашри ҳам аста-секин компьютерлашади. Ҳозирнинг ўзида айрим илмий адабиётлар, луғатлар, қомусий луғатлар компьютерлаштирилди. Бу жараён ривожланиб бораверади. Лекин шунда бошқа бир муҳимроқ муаммо кўндаланг бўлиши мумкин: компьютердан тарагувчи нур оқимининг инсон саломатлигига зарари одамларни ўқишдан чеклаб қўйиш эҳтимоли туғилади...

* * *

– Миллион долларсиз яшамоқ мумкинми?

– Мумкин.

– Юз, ўн, ҳатто бир долларинг бўлмаса-чи?

– Яшамоқ мумкин. Ризқни Тангри беради. Кишининг тирик юриши учун кунда бир кесим нон кифоя. Оғир кунларда одамлар шундай яшашган. Одам нима учун таомланади? Ўлиб қолмаслик, ҳаракатдан тўхтамаслик учун. Бунинг учун катта бойлик шарт эмас.

– Шон-шуҳратсиз яшамоқ мумкинми?

– Одамлар яшашипти-ку? Нега мумкин эмас экан?

– Юқори мансабсиз-чи?

– Одамларнинг барчаси мансабдор эмас-ку?

– Амалинг бўлмаса, бойлигинг бўлмаса, шон-шуҳратинг бўлмаса, тўй-ҳашамларда сенга пойгақдан жой тегади.

– Демак, улар Одамни эмас, амал ва бойликни тўйга чорлашган экан. Пойгакда ўтиришдан афсус чекмаслик керак. Чунки ўша тўрдагилар ҳадемай пойгакка тушадилар.

– Хўш, бойликсиз, амалсиз, шуҳратсиз яшамоқ мумкин экан. Нимасиз яшамоқ мумкин эмас?

– Иймонсиз. Иймон билан яшаётган киши Аллоҳнинг ҳузурида энг бой, энг шуҳратли кишидир. Тангри ҳузуридаги дастурхон тўри ҳам иймон згалариники бўлади. Дунёвий бойлик, мансаб, шуҳрат хиёнаткордирлар. Иймон бойлиги эса садоқатлидир. Бу дунёда ташвишли ёки қувончли кунларда ҳам ёлғиз қўймайди. У дунёда эса ўзингга кўшк бўлиб хизмат қилади.

* * *

Олимлар тош асли миллион ёки неча минг йил олдин ўтиб кетган дейишади. Лекин мен айрим одамларнинг тош қалблариға қараб, бу гапга ишонгим келмайди. Тош асли тугамаганга ўхшайди.

Бир киши ўзининг синглиси билан юз кўрмас даражада аразлашган экан. Узоқ йиллар давомида ака-сингил

бегоналардай юришган. Вақти келиб, сингил қазо қилганида ака фотиҳага бормоқни ихтиёр этиб, ҳаракатини «ўликнинг ҳурматини қилиб қўйиш керак», деб изоҳлабди.

Ажаб, минг бор ажаб! Дуруст, ўликнинг ҳурмати бор экан. Тирикнинг ҳурмати-чи?

* * *

Ақлимиз ҳамиша биз билан бирга эмас, доимий равища ҳукм ўтказмайди. Худди чекиш баҳонасида ташқариға чиққан кашандада сингари бизларни тарқ этиб туради. Биз буни сезмаймиз ва айни шу дамда аҳмоқлик қилиб қўйиб, сўнг афсусланамиз.

* * *

Одамнинг эл орасидаги ўрни, мартабаси, обрў-эътиборини аввало қилган ишлари, сўнг эса атрофидагиларнинг мақтov ва олқишилари белгилайдими? Балки аксинчадир? Яъни, атрофидагиларнинг ёлғон-яшиқ олқишилари бирламчи, арзимас хизмати эса иккиламчидир?

* * *

Бир киши билан танишадиган бўлсак, унинг қандай фазилатларга эга эканлиги билан қизиқамиз. Иллатлари ҳам назаримиздан четда қолмайди. Сўнг ақлу фаросатимизни тарозуга айлантириб, янги танишимизнинг фазилату иллатларини «тортиб» кўрамиз. Тарозунинг «фазилат» палласи оғирроқ келса, янги танишимиз билан янада яқинлашишга, дўстлашишга интиламиз. Тарозунинг «иллат» палласи босса, ундан нари қочишга уринамиз. Ўзимизга хос ажиб хусусият шундаки, «фазилат» ва «иллат» тушунчаларини ўз ақлимида даражасидан чиқолмаган тарзда, ўз қаричимиз билан ўлчаймиз. «Комил инсонга хос фазилат» деган меъёрни эса унутамиз. Шу боис янги танишимизга хос фазилатдай кўринган одат комил инсонга ёт, иймонга зид бўлиб чиқиш эҳти-

моли ҳам бор. Бу борада янглишмаслик, янги танишни асл ҳолида танимоқлик учун ўзимизнинг қобиғимиздан чиқишимиз керак бўлади. Каллакесар одам чивинга ҳам озор бермайдиган кишининг бу мўъминлик фазилатини қадрлай олмайди, аксинча, «нодон» деб кулади. Бесабр одам сабрли кишининг қадрига етолмайди. Демак, уни зоҳирان билса-да, ботинан танимоги мушкул.

* * *

Барча миллат вакиллари, динга ишониш-ишонмасликларидан қатъи назар, «Худога шукур» ёки «Худо хоҳласа» каби калималарни тилдан қўймайдилар. Ҳатто ашаддий худосизлар ҳам баъзан беихтиёр равишда шукронга айтиб юборганларини ўzlари ҳам билмай қоладилар. Худони тилдан қўймаслик, албатта, яхши фазилат, аммо банда учун бу кифоя эмас. Одам фарзанди бутун умри давомида Аллоҳни таниш ҳаракатида бўлмоғи жоиз. Роббимиз бўлмиш Аллоҳ бандаларига илм олмоқни фарз қилган. Зоро, Аллоҳни таниш фақат ва фақат ўқимоқ, илм олмоқлик билан бўлур. Илмсиз, жоҳил одам Аллоҳнинг буюклигини, қудратини тўлалигича била олмайди. «Аллоҳу акбар!» – Аллоҳ улуг, буюк, деб кунда минг марта тақрорлагани билан бу буюкликнинг нимадан иборат эканлигини билмаслик – Аллоҳни танимаслиkdir.

* * *

Аллоҳ таборак ва таоло Одам болаларини бошқа маҳлуқотлардан фарқли ўлароқ, азиз ва мукаррам қилиб яратган. Коинотга сочилган ҳаётсиз қуруқ сайёralар занжиридаги обод сайёрани ҳам ана шу азиз ва мукаррам қилиб яратган бандаларига раво кўрди.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

*Хушдуурүр боди коинот гули
Барчадин яхши ҳаёт гули...*

Коинот – мўъжиза. Кичик бир заррага боқамизми ё баҳайбат тоғларга қараймизми, барча-барчасида Аллоҳнинг буюк қудрати ва маҳоратини кўрамиз. Бу мўъжизанинг кўламини қай даражада идрок эта олувимиз – Аллоҳни қай даражада танишимизни белгилайди. Қуръони Каримда таъкид этилишича, ҳар бир гиёҳ, оламдаги ҳар бир жараён – Аллоҳнинг оят-мўъжизаларириди.

Биз бир-биrimizning овозларимизни эшитамиз. Жоноворларнинг овозларини ҳам ажрата оламиз. Бироқ, табиатнинг товушини ҳамма ҳам эшитавермайди. Табиатнинг сўзларини қулоқ билан эмас, илм билан қувватланган идрок воситасида тингламоқ мумкин. Киши бу овозларни тинглагани сайин Аллоҳнинг нақадар буюклигини янада аниқроқ ҳис эта боради.

Аллоҳ кузда дарахтларга ўлим уйқусини беради. Гўёки табиат ўлади. Баҳорда эса навдалардаги гуллар кўзларни қувнатади. Бу қиёматда тирилмоқча ишора эмасми?

Ёки саҳро бағрида неча фурсат ўлик каби ётган уруқча ёмғир томчиларининг ҳаёт бахш этиши-чи?

Баъзан ўйлаб қоламан: олов нима учун яратилган экан? Таом пиширмоқ учунми? Хом гўшт еювчи маҳлуқлар ҳам кўп-ку? Уйни иситиш учунми? Музликларда яшовчи маҳлуқлар ҳам бор-ку?

Ёмғир ёғади, қор ёғади. Баъзан шукурлар қиласиз, баъзан «кўпайиб кетди», деб нолиймиз. Бошимиз узра томчилаётган томчилар булат шаклида неча юз ёки минг чақирим йўл босиб келганини тасаввур қила оламизми? Кўзимизга чиройли кўринган ёки чақин чақиб борлиқни гулдуратган булатларнинг неча юз ёки минг тонна сувни ернинг бир ҳудудида тўплаб, иккинчисига олиб келиб тўкишини ўйлаймизми?

Аллоҳнинг замину осмондаги барча мўъжизалари бехато ишлайди ва азизу мукаррам қилиб яратилган инсонга хизмат қиласиди. Кўзимизга аҳамиятсиз кўринган чивин ёки газанда ҳисобланмиш маҳлуқнинг ҳам таби-

атда ўз ўрни, ўз хизмати мавжуд. Чивин ҳам мўъжиза, фил ҳам бир мўъжиза ва бу мўъжизаларнинг барчаси занжир халқаси каби бир-бирларига боғланган, уни узмоқ, тўғрироғи узмоққа уриниш инсоният бошига фожиалар ёғдиражаги тарихдан маълум.

Бўйларнинг камайиб кетиши бошқа жониворлар орасида турли касалликнинг кўпайишига сабаб экани энди сир эмас.

Тимсоҳларнинг қириб ташланиши натижасида дарё ўзанларининг беркилиб қолаётгани ҳам маълум.

Хитойликларнинг эса «донни еб ташлаяпти», деб чумчукларни қириб юбориб, сўнг бу қушчаларни чет элдан сотиб олишга мажбур бўлганлари кулгили, айни чоқда ачинарли ҳол.

Худосизлар жамиятида «табиатни енгамиз!» деган шиор мавжуд эди. Агар табиат инсон онгининг маҳсали бўлганида уни енгиш балки мумкин бўларди. Буюк қудрат билан илоҳий тарзда яратилмиш табиатни енгиш мумкинмикин?

Энг аввал нозил бўлган суралардан бири «Аъло» («Энг олий зот») сурасининг дастлабки оятларида зикр этилганидек, «Аллази холақо фа савва. Валлази қоддаро фа ҳада. Валлази ахрожал маръаа. Фа жаълаҳу гусоъ аҳва». Майно таржимаси: «У (яъни Аллоҳ) барча нарсаларни яратган ва яхшилаб, муносиб қилган Зотдир. У ҳар бир нарса учун муносиб йўлни белгилаб (яъни барча нарсани ўлчов билан қилиб), ҳидоятга бошлаган Зотдир. У ўт-ўланларни ундириб чиқариб, сўнг қорамтири хас-ҳашшак қилиб қўйган Зотдир». Энди мазкур оятни тафсирчи уламоларимиз, муҳтарам устозлар сўзлари билан англашга уриниб кўрайлик: «Тафсири ҳилол»да баён қилинишича, дунёдаги яралмиш маҳлуқотнинг ҳар бирига идрок диққати билан назар солинса, Аллоҳнинг қудратига, ҳар бир нарсани дақиқа-сонияларигача илоҳий ҳикмат ила маҳорат билан яратилганига қойил қолмасдан иложи йўқ. Инсон аввало ўз-ўзига назар солса, ҳар бир аъзоси энг муносиб

ҳажмда, жойда, шаклда эканини билади. Бирортаси озги-на ўзгарса, мувозанат бузилади, ўз вазифасини адо этолмай қолади. Бошқа маҳлуқот ҳам айни шундай. Ҳар бир нарса, ҳатто ақлсиз бўлса ҳам, Аллоҳ берган ҳидоят орқали бу дунёда ўз ўрнини топади, ўз вазифасини бажара-ди. Ит итлигини, эшак эшаклигини қиласи, бири иккин-чисининг вазифасини бажара олмайди. Инсон ҳаёти ўсим-ликлар ҳаётига ҳам ўхшайди: инсон туғилади, ўсиб-улга-яди, қариб-қартаяди ва ниҳоят, қурийди – вафот этади.

Айрим уламолар оятдаги «ғусоъ» сўзини нефть деб таъвил қиласидилар. Уларнинг фикрича, сел кўпикларига қоришган чирик япроқ-хазонларининг қуйқасидан нефть ҳосил бўларкан. Бу изоҳларни дунёвий олимлар ҳам эъти-роф этадилар.

Қуръони Каримнинг асли ёки маъно таржималари билан таниш биродарларимизга маълумки, бир қанча сураларнинг қатор оятларида бу каби мўъжизалар баё-ни берилгандиким, мазкур илоҳий мўъжизаларнинг илмий ҳақиқат эканини XX аср дунё олимлари тан олдилар. Шулардан бири «Ар-Роҳман» сурасидаги дарё-денгиз-ларнинг бир-бирлари билан учрашадиган қилиб қўйил-гани, уларнинг ўрталаридан тўсиқ бўлиб, бу тўсиқдан ошиб ўтолмасликлари баёнидир. «Тафсири ҳилол»да ёзи-лишича, араб олими доктор Муҳаммад Мутаваллининг таъкидига кўра, Форс кўрфазида денгиз тубидан чучук сувли булоқлар отилиб чиқаркану аммо денгизнинг шўр сувига аралашиб кетмас экан. Ўша булоқлар Кўкбот номи билан машҳур экан. Бошқа илмий маълумотларга қараганда, Адан кўрфази билан Қизил денгиз туташган Боб ал-Мандаб бўғозида ва Атлантик океани (Атлас уммони) билан Ўрта ер денгизи (Оқ денгиз) туташадиган Гибралтар (Жабалил Ториқ) бўғозида икки денгиз суви бир-бирига аралашмаган ҳолда оқар экан. Бу мўъжиза-нинг бир минг тўрт юз йил илгари Қуръони Каримда баён қилинганидан хабар топган машҳур сайёҳ Кусто беих-тиёр калима келтирган, дейишади.

Шундай илоҳий мўъжизалардан таркиб топган табиатни инсон онги енга олармиди? Асло! Аммо табиат овозини эшитмаслик, идрок қила олмаслиги натижасида ўз бошига ўзи балолар орттириб, олиши мумкин. Бугун дунё халқлари тилидан «экологик фожиа» деган ибора тушмай қолди. Бу фожиа табиатни енгмоқ қасдида қилинган саъй-ҳаракатлар учун ажр-мукофотdir. Инсоният ақл-идрокини табиатни енгишдай беҳуда ишга эмас, илоҳий мўъжизаларни ва унинг Яратувчисини танишга қаратмас экан, бугунги фожиалар ҳолва бўлиб қолади.

Коинот гули ҳисобланмиш, «Она Ер» деб эъзозланмиш курраи замин фақат бизники эмас, унда бугунги гўдакларнинг, яна юз, минг... йиллардан кейин, то қиёматга қадар туғилажак чақалоқларнинг ҳам ҳақлари бор. Бизларга Ерни еб адо қилмоқлик буюрилмаган, балки авайлаш, эъзозлаш мажбурияти юкланганди.

Авлодлар қарғишига қолмайлик десак, табиат овозини идрокимиз ила тинглайлик.

* * *

«Мана шу қаср, шу автомашина, шу жавоҳиру ёқутлар меники», деб ўйлаймиз. Нодонлармиз биз. Ахир жонимиз узилиши билан булардан ажраймиз-ку? Булар бизларга асқотмайди-ку?

«Шу кўз, юрак, жигар... меники», деймиз. Зоҳиран тўғри – ҳаёт эканимизда бизники. Аслида – оқибатда эса, жон чиқиб сўнгти манзилимизда борганимизда эса улар ўз эгаларини топадилар.

У ҳолда чин ўзимизники бўлган, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ўзимизга садоқат билан ҳамроҳ бўлувчи, бошқаларга насиб этмовчи, фақат ўзимизга хизмат қилувчи бирон нимамиз борми? Бор! Бу – иймон.

* * *

Қўшиқчи: «Бургутлар, мени самоларга олиб чиқинг!» деб нола қилияпти. Дуруст, самога-ку, бургут олиб чи-

қар. Осмонга чиққандан сүнг тушмоқ ҳам бор. Бургут олиб тушармикин? Одамлар айтмайдими: «Нодон, ўзинг учишни билмасанг нима қиласан учишни орзу этиб?» деб.

* * *

Ж Шоир китоб ўқиб ўтирган экан. Бир жоҳил одам унга яқин келиб «нечун ёлғиз ўтирибсан?» деб сўрабди. Шунда шоир унга қараб: «Сен келишинг билан ёлғиз қолдим. Чунки китоб мутолаасидан тўхтадим», деган экан.

* * *

Ривоят қилурларким, ТАҚДИРнинг бениҳоя тенгсиз гўзал, оқила қизи бор экан. Қарангки, бир вақтнинг ўзида АҚЛ, ДАВЛАТ ва УМИД деган йигитлардан совчилар келишибди. ТАҚДИР қизини чақириб «Куёв бўлмишни ўзинг танла, қайси бири сенга маъқул?» деб сўрабди. Доно қиз ўйлаб туриб жавобини бошлабди:

– АҚЛ инсондаги энг олийжаноб фазилатdir. АҚЛ ёрдамида дўстни душмандан, ҳушёрни эса девонадан фарқлаш мумкин. Лекин АҚЛнинг бир айби борки, кишини чалғитиб, хатарли йўлларга солиб қўймоги ҳам мумкин. «Ақллилик балоси» деб бекорга айтмаслар.

– ДАВЛАТ ҳақида нима дейсан?

– ДАВЛАТ – ишбилармон ва ҳукмдордир. Давлатнинг итоатида кўп нарсалар бор. Бироқ, унда вафо йўқ. Агар ихтиёрни ўзимга берсангиз мен УМИДни танлагум. Чунки УМИД ҳар қандай ҳолатда ҳам инсондан ажралмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам вафолигидан чекинмай, энг яқин дўст бўлиб қолади, – деган экан оқила қиз.

* * *

Бир кар одамнинг ҳўқизи йўқолиб қолибди. Кўчада қидириб юриб, янада карроқ одамга дуч келибди. Иттифоқо бу одам эрталаб эшак топиб олган экан. Кар одам ҳўқизи йўқолганини айтиб, унинг шохлари-ю, думларининг таърифини келтирибди. Карроқ одам унга жавобан:

– Ҳа, тўғри, мен эшагингни топиб қўйганман, суюнчини бергин-у олиб кетавер, – дебди.

Кар одам эса яна ҳўқизининг таърифини қиласверибди. Шу ҳолда гап талашиб туришганда эшагига бир жувонни мингаштириб олган оқсоқол кўринибди. Қарангки, оқсоқол улардан-да карроқ экан. Йўлни тўсиб, бири ҳўқиз, бири эшак ҳақида тинмай гапираётган одамларга қараб: «Хотинни олиб қўйишмоқчи шекилли», деб ўйлаб:

– Яқинда хотиним ўлди. Бу жувон бегона эмас, хотинмининг чўриси эди, – дебди.

Хуллас, учкови уч хил гапириб, баҳслашиб, ҳақиқат истаб қозига келибдилар. Худонинг қудратини қарангки, қози улардан баттар кар экан. Рамазон оий яқинлашиб қолган, агар янги Ой кўринса, нофоралар чалиниб, элга маълум қилиниши керак экан. Қози уларнинг тинмай, бир-бирларига гап бермаётганларидан «Ҳа, улар янги Ой чиққанини кўришибди-да», деган қарорга келиб, хизматкорларига буюрибди:

– Ҳой, нофораларни чалинглар, эртага саҳардан рўза!

Қиссадан ҳисса: бир-биримизнинг гапларимизга тушунишни истамай юрганимизда ўша одамларга ўхшаб қолмаймизми?

* * *

«Ўзингни-ўзинг англаб ет!» дейишади. Ҳўш, қандай англамоқ мумкин? Бунинг учун киши ўзига қараши, ўзини ўзи идора этмоғи лозимми? Ўз-ўзини англамоқ учун бу кифоя эмас. Бунинг биринчи шарти: одам атрофидагиларни зийраклик билан кузатмоғи шарт: яъни ўз кучини, зеҳнини, идрокини бошқаларники билан таққосласин, манфаатларини ўзгалар манфаатига солиштиrsин-да, уларнинг назарида ўзининг қандай кўринишда эканини тасаввур этсин. «Менда бошқаларни қойил қолдирувчи ҳеч афзаллик йўқ», демоқقا куч топсагина, ўзини англашни бошлайди.

* * *

Агар сиз бошқалардан бирон нимани илхақ кутмаёт-
ган бўлсангиз, ўзгаларнинг марҳаматига муҳтож бўлма-
сангиз бир асаларига иккинчиси, бир арғумоққа бошқа-
си хатарли бўлмаганидек, одамлар ҳам сизга даҳшатли
ёки ёвуз бўлиб туюлмайди. Агар сизнинг баҳту иқболин-
гиз бошқалар измида бўлса, одамлардан қўрқа бошлай-
сиз.

Демак, яшамоқнинг қоидасини бу тарзда белгиламоқ
афзал: ўзимизники бўлмаган барча нарсалардан воз кеч-
моғимиз шарт. Токи ўзимизники бўлмаган бу нарсалар
ўзимизга хожа бўлиб олишмасин. Аъзойи баданимизнинг
хоҳиш-истакларига қулоқ солмайлик, унинг инжиқликлари
бузуқлик жари томон етаклаши мумкин; бойликка
муҳаббат уйғонишидан сақланайлик, бу муҳаббат ҳалок
қилғувчидир; шон-шуҳрат, мансаб, эҳтиромлар эшик
қоқса, «хуш келибсиз, мен сизга мунтазир эдим», деб
қуҷоқ очмайлик. Бу ўринда дониш аҳли дерки: фарзанд-
ларинг, хотининг, aka-укаларингдан ҳам воз кечгил. Ле-
кин бу талабни сўзма-сўз тушунмоқ дуруст эмас. Яқин-
лардан воз кечмоқлик – уларни кўчага чиқариб ташла-
моқлик ёки тўнни елкага ташлаб «ҳайт!» деб чиқиб кет-
моқлик эмас. Гап бу ерда яқин кишиларнинг нафс бало-
сига учраб қолишидан қайтариш ҳақида кетяпти. Яқин-
ларингиз нафс ботқоғига бота бошладими, истар-иста-
манг ўзингиз ҳам улар изидан бораверасиз.

Ўзингиз сақланиб, уларнинг ҳалок бўлишларини ку-
затиб туришингиз эса важдондан эмас.

* * *

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломдан сўради: «Ана у
қўйлингдаги нимадир, эй Мусо?» Мусо алайҳиссалом де-
дилар: «У асойим (ҳассам) унга таянурман ва у билан
қўйларимга барг қоқиб берурман. Яна унда бошқа иш-
ларим ҳам бор». Аллоҳ айтди: «Уни ерга ташлагин, Эй
Мусо!» (Тоҳа сурасидан).

Тафсирчилар Мусо алайҳиссалом асоларининг ерга отилишини ул зот ички дунёсининг ўзгариши, деб изоҳлайдилар. Мусо алайҳиссалом ҳассалари билан нафсоний ишларни бажаришларини айтганларида Аллоҳ асони ерга ташлашни амр этди. Шу онда нафс ва нафсга оид барча нарсалар илон каби тўлғониб ерга тушди. Шу йўл билан Мусо алайҳиссаломга нафснинг ҳақиқати кўрсатилди. Қўрқиб, кўрган нарсаларидан қоча бошлаганларида дейилдики: «Эй, Мусо! Бу илон Аллоҳдан бошқа нарсаларга итоат қилишнинг намунасиdir. Бу намуна инсонларга кўрсатилса, улар қўрққанидан ундан қоча бошлайдилар».

Бошқа бир мазмунга кўра эса асони ташлашга амр этилишида бу маъно яширинган: «Сен энди тавҳидга эришдинг. Сенинг асога таянишинг, ундан ёрдам сўрашинг тўғрими? Қандай қилиб сен бу асо билан уни қиласман, буни қиласман, дея оласан? Тавҳид йўлидаги илк қадам – сабабларни тарқ қилишdir. Ҳар турли талаб ва орзуладардан воз кеч». Нединки, «Таъвилоти Нажмия»да бундай дейилади: «Аллоҳнинг нидосини эшитган ва Унинг жамоли нурини кўришга мұяссар бўлган киши, Аллоҳдан бошқа таянадиган ҳар нарсани ерга ташлайди. Аллоҳнинг фазли ва қарамидан бошқа нарсага таянмайди. Нафснинг орзуладидан узоқлашади».

Мусо алайҳиссалом оиласлари билан Мадяндан Мисрга борар эдилар. Совуқ ва қоронғи йўлчилик давомида фарзандлари дунёга келади. Уларнинг олов ва ёруғликка эҳтиёжлари бор эди. Шу онда узоқдан бир олов шуъласи кўринди. Аслида бу нур Мусони пайғамбарликка ҳозирлашнинг бир ишорати эди. Бу оловдан чўғ келтириш учун ул зот шуъла томон йўналдилар. Унга яқинлашганларида нидо эшитилди: «Эй, Мусо! Мен сенинг Парвардигорингман. Кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан» (Тоҳа сурасидан). Муфасирлар «Кавушларингни ечгин» калимасини турлича шарҳлайдилар. Жумладан: «Кавушларинг дейилганда

охират ва дунё тушунилмоқда. Икки кавушингни еч – яни, қалбингни дунё ва охират савдоларидан бўшат». Бошқа шарҳларда эса бундай дейилади: «Сен табиат ва нафсингдан воз кеч. Нафсингни ва унга оид нарсаларингни фикрларингдан чиқариб ташла». «Далилий тафаккурдан воз кеч. Чунки мушоҳада ва кўз билан кўргандан кейин бу ердаги нарсалардан сенга фойда йўқдир».

Барча динларда, барча замонларда одамнинг нафс қулига айланмаслиги учун эҳтиёткорликка чақирадилар. Донолардан бири деб эканларким: «Аллоҳ яратган энг ярамас маҳлуқ нафсdir. Чунки нафс фақат ўзига қарши бўлган нарсаларни истайди».

Ривоят қилишларича, ҳазрати Зулқарнайн сафарлари чоғида нафсни енгишга уринган бир қавмга дуч келади. Бу ердаги инсонларнинг биронтаси бойлик тўплаш билан шуғулланмас экан. Таомлари ҳам асосан сабзавотдан иборат экан. Бу ердагилар ўзларига қабр қазишиб, унинг ёнида ибодат қиларканлар. Зулқарнайн бундан ажабланиб, бу қавмнинг ҳукмдорини ҳузурига чақирибида. Ҳукмдор эса «Менинг ҳеч ким билан ишим йўқ. Кимнинг менда иши бўлса, ўзи ёнимга келсин», дебди. Зулқарнайн янада ажабланиб, унинг ёнига келиб: «Сени чақириувдим, нега келмадинг?» деб сўрабди. Ҳукмдор, тилёғламалик қилиб ўтиrmай:

– Сенга ҳеч бир эҳтиёжим йўқ, агар бўлганида ҳузурингга борар эдим, – дебди. – Сенинг менда эҳтиёжинг бордирки, чорлатибсан.

– Эҳтиёжим – сизлардаги аҳволнинг сиридан воқиф бўлмоқлик, – дебди Зулқарнайн.

– Тўғри фаҳмлабсан, эй ҳукмдор, бизнинг олтин ва кумушларга эҳтиёжимиз ҳам, ишимиз ҳам йўқ. Чунки бир озгина бўлса-да, олтин ёки кумуш топган кишининг янада кўпроқ топиши учун ҳузурини йўқотганини кўрдик. Шунинг учун ҳам дунё сарватидан воз кечганмиз.

– У ҳолда бу қабрлар кимга керак? Нега қабр қазиб, уларнинг ёнида ибодат қилмоқдасизлар?

– Бу ишимиздан мақсад ҳам дунё сарватига майл қўймасликдир. Қабрларни кўргач, бир кунмас бир кун шу ерга тушишимизни ўйлаб, ҳамма нарсадан воз кечамиз.

– Нега сабзавотдан бошқа нарсаларни емайсизлар? Ҳайвонларни боқиб, сути ва гўштини истеъмол қилсаларингиз бўлмайдими?

– Ошқозонларимизнинг жонли ҳайвонларга мозор бўлишини истамадик. Сабзавотлар билан ҳаёт кечирмоқ мумкин экан, бизга шу маъқул. Зоро, томоқдан ўтганидан кейин ҳеч бир нарсанинг таъми қолмайди, – деб жавоб берган экан қавм ҳукмдори.

* * *

Ҳаёт – бешик ва тобут орасидаги тор бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичida бир совун кўпиги кабидир. «Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборатдир?» деган саволга ернинг заҳи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима ҳам бўлур эди?

* * *

✓ Ривоят қиладиларким, пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳнинг расули вазифаси берилиган чоқда Иблис алайҳилаънанинг ёрдамчилари ҳовли-қиб келиб:

– Бир пайғамбар жўнатилиби ва бир уммат пайдо бўлиби, – деб хавотир билан хабар беришибди. Шунда Иблис сўрабди:

– Ўша уммат нафснинг ҳавои истакларига берилиб яшашни севармикин?

Ёрдамчилар «ҳа, севаркан», деб жавоб беришганда, Иблис хотиржамлик ва мамнунлик билан дебдики:

– Нафснинг ҳавои истакларига берилиб яшашни севсалар – масала йўқ, биз учун ташвишли ери ҳам йўқ.

Бутга топинишилари мутлақо шарт эмас. Мен уларни уч восита билан йўлдан оздираман: Биринчиси – ҳақсиз ва гайриқонуний фойда топдириш орқали, иккинчиси – топган-туттганларини лойиқ бўлмаган нарсаларга ҳарж қилдириш орқали ва учинчиси – войиқ бўлган нарсаларга сарфлашдан юз ўгириш орқали. Билингким, бутун ёмонликларнинг манбаи шулардир.

* * *

Одамнинг энг зўр душмани – ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги кепрак. Нафс шундай фанимки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир.

Шайтоннинг энг ишончли қуроли айнан шу нафсадир.

Одам Ато Момо Ҳаввонинг жаннатдан Ерга туширилишларига сабаб шайтон алайҳилаънанинг васвасаси экани барчамизга маълум. Васваса нафсни уйғотди ва Одам алайҳиссалом айтилган вазифани бажармай иродавий хатога йўл қўйдилар. «Нафси уни биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди» (Моида сурасидан). Одам алайҳиссаломнинг катта ўғиллари Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдирди. Бу фоний дунёдаги дастлабки қотиллик акадаги нафс ғолиб келган дамда содир этилди.

Муҳтарам Пайғамбаримиз (с.а.в.) душман билан жангдан сўнг қайтиб келаётган бир гуруҳ саҳобаларига айтдиларки:

– Марҳабо, сизларга! Кичик жиҳоддан катта жиҳодга келдингиз!

Саҳобалардан бири сўради:

– Эй Аллоҳнинг расули, катта жиҳод деганингиз нима?

– Нафс билан жанг қилиш, – деб марҳамат қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Яна Аллоҳнинг расули дедиларки: «Мужоҳид – Аллоҳга итоат йўлида нафси билан жиҳод қилган одамдир». «Нафсингдан келаётган азобни ташлаб кет. Ал-

лоҳга исён борасида нафсингга қулоқ солма. Қиёмат куни нафс сенга душманлик қилганида баъзи бир аъзоларинг баъзилариға лаънат айтади. Фақат Аллоҳ авф этса ва ҳимоясига олса, бирон нарса бўлмайди».

Инсонлар орасидаги урушда танаффус бўлиши мумкин. Нафсга қарши жангда нафас ростлаш бўлмайди. Бир кунда энг камида беш марта қарши ҳужумга ўтилса, нафснинг зарбаларига дош бериш мумкин. Йўқса, нафс бандани янчаверади, янчаверади... Кўзларимиз, қулоқларимиз, димоғларимиз нафсга сидқидилдан хизмат қиласверади. Қўл-оёқларимиз нафс кўрсатган томонга интилаверади. Қалб бу аъзоларни бошқара олмай қолади... Ҳолбуки, нафс фақат ақл йўли билан эмас, асосан қалб йўли ила тарбия этилади. Шунинг учун «нафис ақлимигга на бўлдики, ҳасис нафс бизга ғолиб бўлубдур?», дейилганда қалб тарбиясининг заифлиги назарда тутилади. Агар одам ўз нафсига асири бўлиб қолса, инсонийликни қўлдан бой беради.

Сўйиш учун келтирилган ҳайвонларнинг ҳеч нарсадан бехабар ҳолда бир тутам кўқатни талашиб, уришишларини ҳеч кузатганимисиз? Бу манзара ўлимга орқа ўғириб, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай, нафс йўлида манфаат фавгосини қилаётган инсонлар ҳолининг намойиншини эслатмайдими? Инсонларнинг жанжалларини фаришталар кузатиб туришади. Фаришталар бизлардан олдингиларни ҳам билишганлари учун бу ҳолимиз уларга балки айни манзаранинг такори бўлиб туюлармикин? Фаришталар бир вақтлар кичкина нарсалар учун катта жанжаллар кўтаргандарнинг ҳозир қабрларида ҳисоб беряётганларини, ўз фарзандлари томонидан аҳён-аҳёнда эсланиб, набиралари томонидан эса тамоман унутилганликларини кўриб туришади.

Шайх Саъдий ёзадилар: «Бир улуғдин «аъдо адуввика нафсу каллази байна жанбайка» ҳадиси маъносини сўрдум. Ул деди: «Маъниси улдурки, ҳар душмангаким, эҳсон қилсанг, ул сенга дўст бўлур. Магар наф-

ски, анга ҳар неча мадоро қилсанг, мухолифатни зиёда қилур».

«Бу дунёдаги энг йирик ёв, билгингки, эй күнгил, ўз нафс сингдир, – дейилади «Қутадғу билиг»да, – Унинг тузоги доимо ёйик. Нафсдан жон учун етишадиган нарса – машиқат. Нафси бузуқнинг давосини ўлимдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. Шу нафс гоҳ югуртириб, гоҳ елдиради, гоҳ кулдириб, гоҳ йифлатади. Кўзни суқ қиласидиган ҳам шу нафс. У туфайли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Бир орзуни топса, бошқаси қолади. Нафс семирса, охир-оқибат эгасини йиқитади. Кишининг нафси овчи итга қиёс: агар у семириб кетса, эгасининг ҳақини ҳам танимайди. Ёки киши нафси ёш болага ҳам ўхшайди. Қорни тўйса бас, чопиб кетаверади. Сен эса унинг орқасидан излаб юрасан».

«Нафсдан ҳам даҳшатлироқ ёв – бойлик», дейишади. Бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки бойлик – нафснинг фарзанди. Аслида, барча иллатлар нафснинг боласи. Аммо бора-бора ёвузиликда ўз оналаридан ошиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди.

Бир учқундан пайдо бўлған ёнфиннинг фалокату фожиалари аён. Кичкинагина тешикча туфайли катта кема фарқ бўлиши мумкин. Чунки нафсдан туғилган гуноҳлар иймонни хароб қиласиди. Гўё микроблар сингари ёпишиб, аввалига иймонни заифлаштиради, кейин эса ўлдиради. Дарвоқе, иймон бир марта заифлашдими, уни йўлдан тойдириш жуда осон бўлиб қолади. Мана шу жиҳатдан нафснинг душманлиги бошқа душманларга қараганда қўрқинчлироқдир.

Шайтон васвасаси билан нафс васвасаси орасидаги фарқни уламолар бундай изоҳлайдилар: шайтон ўйиндан ўйинга ўтаверади. Нафс эса бир нарсани қайсарлик билан талаб қилиб тураверади. Шайтон моҳир ёлғончи ва ҳийлакор бўлгани боис, инсонни Аллоҳ розилигидан чалғитиши мақсадида бир гуноҳга ундолмаса, бошқа бир гуноҳни «таклиф қиласиди», бир ўйинда инсонни лақиллата олмаса, иккинчи бир ўйинни тадбиқ этади. Аммо нафс

қайсар ёш боладек ёпишиб олган нарсаларни хоҳлаб тураверади. Васвасанинг нафсдан эканлиги шу тариқа англашилади.

Ҳазрати шайх Иброҳим бин Довуд Роққодан (қ.с.) ҳикмат: «Одамларнинг заиф жиҳати улдурки, шаҳват ундан кучли бўлгай, нафснинг қўлида ожиз қолгай, сўнг уни «нафс эшаги» дегайлар. Одамларнинг зўри улдурки, нафс устидан ғолиб келгай, нафсини ўлдирса, бас, ул киши фариштадан афзалдир». Нафсни енгишдан вужуд жафо тортади, аммо ундан кўнгил сафо топади. Отнинг тизгини суворийда бўлгани каби нафс тизгини инсонда бўлса, у ҳақиқат йўлида бардавомдир. Нафсини жиловлай олмаган инсоннинг қалби эса қаровсиз боланинг кийими каби иркит юради. Ҳазрати шайх Ҳаким Термизийдан (қ.с.) ҳикмат: «Ҳар кимнинг зотида нафсоний сифатлардан «мен» сифати қолган бўлса, ул киши шундоқ кишига ўхшарки, бирорда бир дирҳам қарзи қолар бўлса, озод бўлмас, шу бир дирҳамнинг қули бўлур. Аммо ул кишиким, бутун нафсоний сифатлардан ўзини йироқлаштирган бўлса, ҳеч кимда қарзи қолмагани каби озод бўлур. Ҳақ таоло ул кишини ўзига жазб айлар. Нечуким, Ҳақ таоло Қуръонда бу хусусда ишорат айлагандир».

Нафс махлуқига таслим бўлган инсоннинг эртаси фоят ачинарли. Охират лаззатларидан маҳрум, турли ҳайвоний орзулар билан кечирилган умрнинг сўнгги хайрли бўлмаслиги маълум. Бундай қоронгилик чодиридаги умрнинг ёруғлик билан тугаши ҳам амри маҳолдир. Илоҳий ибрат саҳналаридан хулоса чиқармай, фоясиз умр кечирмоқ, ўлимнинг изтироблари ичida йўқ бўлиш – инсон учун нақадар катта фожиадир. Нафсоний ҳаётнинг турли-туман кўринишлари, жарангдор қаҳ-қаҳалари эса жаҳаннам ҳаётининг ишоратларидир. Вужуд ороми орзусига банди инсон ўз умрини ўзи қатл қилаётганини хаёлига келтирмайди. Ўлимнинг ҳақиқатини тушуниш ўрнига, ундан даҳшатга тушади. Ўлим аслида истиқболнинг

бошланиши эканини ё англамайди, ё тушунса ҳам тан олгиси келмайди. Димоғидан чиқаётган ҳар бир нафас-нинг ўлук ҳолида ўзидан узоқлашаётганини кимса на-ҳот фикр қилиб кўрмаса? Инсонлар «ҳаёт нима?» деган саволга жавоб излаб, файласуфлик қиладилар. Бу са-волга энг тўғри жавобни зах лаҳад ва совуқ қабртош-лари жавоб бермайдиларми? Ҳаёт, донолар таъкид эт-ганларидек, бешик ва тобут орасидаги тор бир йўлак эмасми?

Ривоят: қавм бир дарахтни танлаб олиб, унга сифина бошлади. Бундан хабар топган зоҳид қўлига болтасини олиб, дарахтни кесиб ташлаш учун йўлга тушди. Дарахт олдидা одам қиёфасидаги иблис уни қарши олди.

– Эй киши, нима учун дарахтни кесмоқчисан? – деб сўради шайтон.

– Қавмим бу дарахтга сифиниб адашмоқда, гуноҳга ботмоқда, – деди зоҳид.

– Улар билан нима ишинг бор?

– Уларнинг ҳидоят топишларини истайман.

– Дарахтга сифинишнинг нимаси ёмон? – деб яна сўра-ди шайтон.

– Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! – деди зоҳид. – Шайтонга эргашувчилар адашганлардир!

– У ҳолда дарахтни кесишингта йўл бермайман!

Бу гапдан кейин зоҳид унинг шайтон эканини билди, ўрталарида кураш бошланди. Кечга қадар давом этган курашда ниҳоят зоҳид ғалаба қозонди. Шайтон чекинди, аммо жуда қаттиқ чарчаган зоҳид дарахтни эрталаб ке-сишга аҳд қилиб, уйига қайтди.

Эртаси тонгда яна шайтонга дуч келган зоҳид ажаб-ланди:

– Кеча енгилган эдинг, яна нима истайсан?

– Бугун сендан кучлироқман, барибир муддаомга ета-ман!

Яна кураш бошланди. Бу сафар ҳам зоҳид ғалаба қозонди, шайтон енгилди. Кеч кирди, ҳориган зоҳид уйи-

га қайтди. Бу ҳол бир неча кун такрорланаверди. Зоҳид-га кучи етмаслигини англашган шайтон ҳийлага ўтди:

– Бир неча кунки, мени курашда енгяпсан, аммо дарахтни кесишга кучинг етмай қоляпти. Сенга бир йиллик аҳдлашувни таклиф этаман. Йил давомида ҳар тонгда ёстифинг тагига икки тилла танга қўяман. Қавмнинг ишига аралашмайман. Дарахтга келсак, ўзи қуриб қолар, қуrimаса, бир йилдан кейин кесиб ташлайверасан.

Зоҳид камбағал эди, бу таклиф кўнглига фулгула солди. Ўйлай-ўйлай шайтон билан шартлашди.

Ҳар тонг ёстифи остидан икки тилла танга олиб нафси ва эҳтиёжини қондира бошлади. Шу зайлда кунлар ўтаверди, дарахтни ва унга сифинувчи қавмни унутди. Кунларнинг бирида ёстифи остини қарасаки, тангалар йўқ. Фазабланиб, шайтонни учратиш мақсадида дарахт томон юрди.

– Нега келдинг? – деди шайтон.

– Эй шайтон, аҳдингни буздинг, – деди зоҳид. – Тилла тангаларимни бер, йўқса дарахтни кесаман.

– Мен зоҳид билан аҳдлашганман, – деди шайтон. – Тилла тангалар ҳам уники. Сени эса танимайман.

Яна кураш бошланди. Бу галги кураш узоқ давом этмади, шайтон рақибини осонгина енгди. Чунки бир йил аввал Аллоҳ йўлида курашга кирган зоҳид энди шайтон билан олишишга киришмасдан олдиноқ ўз нафсининг қурбони бўлган эди.

Аллоҳнинг валий қулларидан бири Абу Туроб Taxсабий бундай ҳикоя қиласидилар:

– Нафсим жуда тансиқ ва лаззатли таомлар талаб қилмас эди. Лекин бир куни гўшт, тухум ва асал ейишни хоҳлаб қолди. Нафсимга: «Булардан воз кеча қол», дедим. Бироқ, уни қайтара олмадим. Нафсим бу таомларни зўр иштаҳа билан ейишга орзуманд эди. Юриб-юриб бир нотаниш қишлоққа бориб қолдим. Шу пайт бир одам ёқамга ёпишиб, бақира кетди: «Ўғриларнинг ичиде сен ҳам бор эдинг!» Елкамни яланғоч қилиб, етмиш қамчи

уришди. Етмишинчи қамчи тушар-тушмас шу қишлоқ-лик бир одам мени таниб қолди:

– Ахир бу Абу Туроб-ку!

Мендан кечирим сўрашди, Қишлоқдагилардан бири мени уйига олиб борди. Дастурхон ёзиб, олдимга гўшт, тухум ва асал қўйди. Мен эсам нафсимга хитоб қилиб, дедим:

– Етмиш қамчидан кейин ея қол энди!

* * *

Донишманд шайхнинг ҳузурига бир мўйсафид келиб: «Шайх ҳазратлари, энди мен қариб қолдим, кун ўтказишим ҳам машақатга айланяпти. Менга панд-насиҳат қилинг, шояд Аллоҳ ишларимни яхши йўлга бошласа», – дебди.

Шунда шайх мўйсафидга хитобан дебдики:

– Биродарим, агар сен эсда тутувчи бўлсанг ҳам, хотиранг юқори мақомда бўлса ҳам икки нарсани эсдан чиқаргин: аввали – халқ учун қилган яхшилигингни, кейини – бироннинг сенга қилган ёмонлигини.

– Мардлик ва одамийлик ҳақида ҳам сўз айтинг.

– Миннат юкига бардош бермоқлик – одамийлик нишонасидир. Қўлидан келадиган ишни ўзгадан дариф тутмаслик эса мардликдир.

– Ҳамиша мўъмин ва мусулмон бўлиб юрмоқлик ҳақида ҳам айтинг, шайхим.

– Кишининг айини қидирмаслик – мусулмонликдандир. Ўмон сўзларни айтмаслик мўъминликдандир, – деб шайх насиҳатига якун ясаган экан.

* * *

Энди аҳмоқлик масаласига келсак, Қуръони Каримда икки ҳил аҳмоқликдан сўз юритиларкан. Уларнинг биринчиси коғир ва мушриклар тоифаси бўлиб, Аллоҳ таоло улар ҳақида юқорида зикр этганимиз «Бақара» сурасида марҳамат қилган. Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Му-

фира ибн Валид ва шунга ўхшаш кимсалар ҚАЛБлари муҳрли, кар, кўр ва соқов бўлганлари учун ҳам ҳидоятга эриша олмадилар. Шунинг учун ҳам улар: «Биз сенга ишонсак хотинларимиз олдида масхара бўламиз» ёки «Пайғамбарлик бизга берилиши лозим эди. Чунки бизнинг мол-мулкимиз ва бола-чақамиз янада кўпдир», деган ақлсиз ва мантиқсиз сўзларни сўзладилар. Улар Ра-сулуллоҳнинг ҳақ пайғамбар эканликларини билганла-ри ҳолда аҳмоқликлари туфайли инкор этувчи ўжарлик-ларидан қайтмаганлар.

Қуръони Каримда зикр қилинган иккинчи тоифа аҳмоқлар эса ўзларини ғоят ақлли деб биладиган киши-лардир. Дунёвий орзулар уларни фафлатга етаклагани учун кўзлари ҳақиқатни кўрмайдилар. Бундай кишилар-нинг фақат айримлари бирон бир фалокатга учраганла-рида қисман кўзлари очилиши мумкин.

Ҳазрати Жалолиддин Румий аҳмоқлар ҳақида шундай деган эканлар: «Аҳмоқлардан қочингки, Ийсо алайҳис-салом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча марта қонлар тўкилгандир».

Ўрни келганда Ийсо алайҳиссаломнинг аҳмоқдан қочишлари баёни билан танишсак:

Маряннинг ўғли Ийсо худди арслон қувалаган каби югуриб борар эдилар. Кўчадан ўтаётган одамлардан бири унинг орқасидан югурди ва шундай деди:

– Нима бўлди сизга, ҳуркитилган қуш каби учиб бор-моқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом шу қадар тез чопар эдиларки, шошилганларидан бу одамнинг саволига жавоб бера олмадилар. Ул зотнинг бул тарзда югуршидан баттар ҳайратга тушган одам, ниҳоят яқинлашди ва яна сўради:

– Эй, Руҳуллоҳ! Аллоҳ ризоси учун бир он тўхтанг ва ҳолингиздан бизга хабар беринг? Кимдан ва нима учун қочмоқдасиз? Ахир орқангизда арслон ҳам, душман ҳам, қўрқадиган бошқа бирон нарса ҳам йўқ-ку?

Бунга жавобан Ийсо алайҳиссалом дедилар:

– Аҳмоқдан қочмоқдаман, аҳмоқдан! Мендан узоқроқ турки, ўзимни қутқарай.

Бояги киши сўради:

– Нафаси билан кўрларга ва карларга шифо берувчи Ийсо Сиз эмасми?

– Ҳа, менман, – дедилар Руҳуллоҳ.

– Маънавий сирларнинг тилсимини билган ва шунинг учун ҳам «Руҳуллоҳ» номини олган маънавий зот Сиз эмасми? Ахир сиз дуо ўқигандаганда ўлганлар ҳам худди овни тутган арслон каби қабрдан сакраб чиқарди-ку?

Бунга жавобан ҳазрати Ийсо дедилар:

– Ҳа, ўликларни тирилтирадиган менман.

– Эй, Ийсо! Лойдан қуш ясадб, уларга жон бағишлаган Сиз эмасми?

– Ҳа, менман, – дедилар Ийсои Руҳуллоҳ.

– Эй, тоза руҳ! Ўзингиз истаган нарсага қодир бўла туриб, яна кимдан қўрқиб қочмоқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом яна жавоб қилдилар:

– Аввало руҳни ва сўнгра вужудни яратган Жаноби Ҳаққа ва унинг сифатларига қасам ичаманки, сен айтган бу дуони, яъни исми Аъзамни кар ва кўрларга ўқиган эдим, улар тузалдилар. Сўнгра бу дуони баланд чўққили тоққа ўқиган эдим, дуонинг кучидан ўртасидан айрилиб кетди. Сўнгра ўлик бир жасаднинг қаршиисида ўқиган эдим, ўлик тирилди. Ҳеч бир нарсаси бўлмаган фақирга ўқиган эдим, бой-бадавлат бўлди. Лекин бу дуони аҳмоқ бир қалбга минг дафъа шафқат ва марҳамат ила ўқисам ҳам ҳеч фойда бермади. Бу аҳмоқ тош каби қаттиқ туриб олди ва аҳмоқлигидан воз кечмади. Оҳак тўкилган қум каби ундан бир ўт ҳам ўсиб чиқмади.

Бу сўзларни эшитган у одамнинг қизиқиши янада ортиб ҳазрати Ийсадан сўради:

– Исми Аъзам бу қадар киши ва нарсаларга таъсир қилиб, фойда бергани ҳолда нега аҳмоқликка таъсир қилмади? Ҳолбуки, қолганлар ҳам хаста эдилар. Улар-

нинг даво топиб, аҳмоқнинг даво топмаслиги сабаби ва ҳикмати недир?

Саволга Руҳуллоҳ шундай жавоб бердилар:

– Аҳмоқлик қаҳри илоҳий бўлган бир хасталикдир. Қолганлари эса кўрлик каби қаҳри илоҳийга дуч келмаган хасталиклардир. Бало ҳам бир хасталикдир, лекин у ҳам мубталосидан шифо топади. Аҳмоқликка келадиган бўлсак, бу ҳам бир хасталикдир, лекин аксарият ҳолларда бу хасталикдан бошқалар зарар кўрадилар. Аҳмоқлик тамғаси Аллоҳнинг бир муҳриди. Унга ҳеч кимса чора топа олмайди.

Бу ҳикматни рамзий маънода тушунмоқ лозиммикин. Яъни: аҳмоқдан жисмонан эмас, руҳан қочмоқлик жоиз. Руҳан қочмоқлик – иймонни унинг салбий таъсиридан эҳтиёт қилиш дегани бўлади. «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади», деганлари бежиз эмас.

* * *

Ҳикмат аҳлидан бири: кунлар ўқ, инсонлар эса нишондир. Эй инсон, замон, ҳар кун сени ўқлар билан ўқлаётir ва бутун вужудингни ҳар бир ҳужайрасигача илма-тешик қилиб кечаю кундуз илгакли игнаси билан тўrlаётir. Кундузлар ҳам, кечалар ҳам бир зумдай ўтиб кетади. Бу аҳволда сенинг вужудинг қандай қилиб соғ-саломат сақланиб қолсин? Агар кунларнинг сенга етказаётган нуқсонлари кўз ўнгингда кўргазма қилиб ёйиб қўйилган бўлсайди, ҳеч шубҳасиз, келиб кетган у кунлардан ўтаканг ёрилар, сўнг эса югуриб кетардинг. Тез келиб кетган соатларинг нималарга сарфланганини кўриб, жирканардинг? Лекин Аллоҳнинг тадбири тадбирларнинг аълосидир. Дунё ташвишларидан узоқ бўлинганда ҳаёт totли кўринади, албатта, лекин аслида сен завқ деб ўйлаган нарсалар, кимёгарнинг ханталдан олган аччиғидан ҳам аччиқдир. Ҳавойи нафсга берилиб яшалган дунё ҳаётининг иснодлари шу қадар кўпдирки, буни тушунтироқчи бўлганлар гапира-гапира чарчайдилар. Аллоҳим, сен бизни тўғри йўлга сол!

* * *

Ҳикмат аҳлининг бири бўлмиш мўътабар донишмандга мурожаат қилиб, дунё ҳаётини тавсифлашни сўрашганида у зот мазкур жавобни берган эканлар:

— Дунё ҳаёти — сен ичида бўлган ОНдан иборатдир. Чунки ўтган ўтмиш бўлиб қолади. Ортиқ ҳеч нарсалик бўлолмайсан. Келажагинг эса қандай бўлишини билмайсан. Вақт шундай нарсаки, тун кундузнинг ўлимидан хабар беради. Туннинг бошланиши у куннинг завол топганини билдирувчи бир ишоратдир. Тинимсиз келиб кетган ҳодисалар инсонларни ўзгартиради, эскитади, қаритади. Вақтнинг вазифаси жамоаларни сочиб ташламоқ, сараламоқ ва неъматларни йўқотмоқдан иборатдир. Амал узун, умр қисқа, ҳар нарса эса ёлғиз Аллоҳга қайтади.

* * *

Агар сиз билимдон бўлсангиз, биродарларингизга ҳам беринг, токи ундан шамчироқларини ёндириб олишсин.

* * *

Илмнинг юзасида сузуб юрувчи одам жаҳолатни тे-ранлик деб, ёввойиликни забардастлик, мавҳумликни ниҳоясизлик, бемаъниликтини эса ўта таъсирчанлик деб қабул қиласиди.

* * *

Одам боласининг энг жиддий эҳтиёжи — ҳақиқатни билиш эҳтиёжидир. Минг хил йўл билан янгилиши мумкин, ҳақиқатга эса фақат битта йўл олиб боради. Ҳақиқатни юрак-юракдан севиш — уни топишнинг асосий шартларидан биридир. Исботланиши қийин ҳақиқатларни кўпчилик овознинг эътироф этмоғи узил-кесил далил бўла олмайди, чунки бундай ҳақиқатларга кўпчиликдан кўра айрим одамларгина дуч келадилар. Тажриба синовига чидаган нарса — ҳақиқат бўла олиши мумкин.

* * *

Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очиқ денгиз қабидир. Бирор унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди. Фаннинг ибтидоси – ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-тоқатдир. Улуғ ишлар учун толмас сабот керак. Кишини қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана олишни билишига қараб қадрлашади. Қобилият ўз-ўзича шуурсиздир, у ишга солинган тақдирдагина жилоланади.

* * *

Баъзилар муҳаббат ёш танламайди, дейишади. Тўғридир бу балки. Аммо Қобус ўғлига мурожаат этиб: «Ёшинг қайтганда севма», деган экан. Яна бир доно одам «одам қирқ ёшга қадар севмадими, ундан кейин ҳам севмай қўя қолгани маъқул», деган экан. Чунки кексаликдаги муҳаббат – фазилат эмас, балки иллатга айланаркан. Кексайган одамнинг ёшлиқ ўтида ёна олмаслиги ойдек равшан ҳақиқатдир. Шундай экан, «ошиб қария – табиатдаги энг катта мажруҳликдир», дегувчи мутлақо ҳақдир! Эски саноч шаробга бас келолмагани каби кекса юрак ёшлиқ туйфуларига бардош беролмайди. Уйланмоқчи бўлган қариянинг бирдан-бир муддаоси – унга энага керак. Ёш хотин орзусидагиларга шайх Саъдийнинг сўзларини эслатмоқ жоиз: «Ёш хотиннинг биқинида чол ётганидан кўра, шу биқинга камон ўқи ботгани афзалроқ...».

* * *

Вазир подшоҳнинг кайфияти синиқ эканини фаҳмлаб, кўнглини кўтариш учун бир ҳазил гап айтибди. Подшоҳ қошларини чимириб қўйибди-ю, индамабди. Бу ҳол учинчи такрорланганида у ғазабланиб:

– Менга бемаъни гапларни айтмоққа қандай журъат этяпсан! Йўқол, кўзларимга кўринма, йўқса бошингни оламан! – деб қувибди.

Вазир доно экан, «кетганим маъқул, соғинса ўзи қидиртириб топади мени», деб уйига ҳам кирмай, узоқ қариндошлариникига бориб, паноҳ топибди. Подшоҳ янги вазир тайин этибди, аммо ундан күнгли тўлмабди. Вазирлар алмашинаверибди, подшоҳ эса доно вазирини соғингандан соғинаверибди. Уни қидиртирибди, аммо изини ҳам тополмабди. Ўйлай-ўйлай «Кимки бош вазир лавозимини орзу қилса, саройга келаверсин, саволларга мукаммал жавоб берса бу юқори мартабани эгаллайди, жавоб бера олмаса сазойи қилинади», деб жар солдирибди. Бу чақириққа жуда оз одам ишониб келибди. Улар орасида эки кийимда, соқоллари ўсиқ, чўлоқ ва букри бир одам ҳам бор экан. Аввал тузукроқ кийимдаги, кўринишдагилар имтиҳон қилиниб, жавобларига ажр олибдилар – сазойи қилиниб, шарманда бўлибдилар.

✓ Навбат букрига келганда сўрабдилар:

– Дунёдаги барча денгизлардаги марваридларнинг сони қанча?

Букри истеҳзо билан жавоб берибди:

– Дунёдаги одамларнинг кўзлари қанча бўлса, денгиздаги марваридлар ҳам шунчадир.

Сўрадилар:

– Инсон танаси учун энг зарур нарса нима?

Букри жавоб берди:

– Саломатлик.

Сўрадилар:

– Қайси қурол мўлжалга бехато ура олади?

Букри жавоб берди:

– Ақлли инсон онги, тафаккури.

Сўрадилар:

– Қум билан шакар аралашиб кетган бўлса, уни сувга солмай туриб ажратиш мумкинми?

Букри жавоб қилди:

– Мумкин. Бу аралашмани чумоли уяси ёнига тўксангиз, чумоли шакарни ташийди-ю, қум сизга қолади.

Сўрадилар:

– Сен денгиз сувини ичиб адо қила оласанми?

Букри жавоб қилди:

– Албатта. Сиз аввал денгизга келиб қуюловчи барча дарё ва ирмоқларни тўхтатиб берасиз, мен эсам денгиз сувини ичиб қуришман.

Сўрадилар:

– Ўлик гулханда ёнаркан, тирикни нима куйдиради?

Букри жавоб берди:

– Тирикчилик ташвиши.

Сўрадилар:

– Энг тубан юмуш надир?

Букри жавоб берди:

– Тиланчиликдир.

Саволлар адогига етгач, букри подшоҳга мурожаат этиб: «Вазирларингизга мен ҳам битта савол берсан бўладими?» деб сўрабди. Подшоҳдан ижозат теккач:

– Эшикнинг фижирлаши нимани англатади? – деб сўрабди.

Вазирлар ўйлаб-ўйлаб тайинли жавоб айтишолмагач, у истеҳзо билан кулиб дебдики:

– Бу савол сиз ўйлаганчалик мушкул эмас: эшикнинг фижирлаши – унинг очилиб ёпилганидан далолатdir.

Подшоҳ қувониб кетибди, «бу букри бўлса ҳам фоят доно экан, ҳатто аввалги доно вазиримдан ҳам аълороқ экан», деб вазирлик сарполарини келтиришни амр этибди. Шунда букри:

– Подшоҳим, мен Аллоҳнинг бир ожиз бандасиман. Аввал сизнинг ёнингизда бир доно вазир бўларди, мен унинг ўрнини эгалламоққа лойиқ эмасман, – дебди.

– Ҳа, бор эди, – дебди подшоҳ, – мен нодонлик қилиб уни қувиб юборгандим. Энди у йўқ, излаб изларини ҳам тополмадим.

– Афсусланманг, подшоҳим, чин юракдан қидирган бўлсангиз унинг ўзи ҳузурингизга келади. Мен унинг қаердалигини биламан.

– Қаердалигини айтсанг, тилаган тилагингни бераман,
– деб қувонибди подшоҳ.

Шунда букири қаддини тиклабди, ясама соқолини юлиб ташлабди. Подшоҳ ўрнидан туриб доно вазирини бағрига босибди.

Қиссадан ҳисса шуки, тафаккур кишини ҳеч қачон хор ёки зор қилмайди.

* * *

Подшоҳ вазирининг укаси ҳудди акаси каби ҳукмдорга суюмли бўлишни орзу қилибди. «Сен ўз юмушингдан қолма», дебди акаси. Аммо ука акасига ҳасад қилиб, унинг ўрнини эгалламоқ қасдида подшоҳга рўпара келибди-да, ўзини доно билиб:

– Мен осмонда итларнинг ҳуришини эшитдим, – дебди. У нодон «гапимда фалсафий маъно бор», деб ўйлаган экан. Подшоҳ эса «Ҳузуримда бундай бемаъни гап айтмоққа журъат этган бу нодонни зиндонга ташланг», деб ҳукм қилибди. Шунда ака:

– Подшоҳим, бу менинг укамдир, бир озгина гапга нўноқ, мақсадини дуруст баён қила олмайди. У ёлғон сўз айтгани йўқ. Кеча бургут бир кучукчани олиб учган экан. У ўша кучукчанинг ангиллашини эшитган, – деб укаси ни жазодан қутқариб олибди.

Шундан сўнг ҳам укага ақл битмай, яна подшоҳга рўпара бўлибди-да:

– Мен узган камон ўқи кийикнинг ҳам туёғига ҳам қулоғига тегди, кейин ўз-ўзидан қоврилди. Мен уни мазза қилиб едим, – дебди.

Подшоҳ баттар ғазабланиб, яна зиндонга ҳукм қилибди. Шунда ака яна ўртага тушибди:

– Подшоҳим, укамнинг гапга нўноқлигини аввал айтиб эдим. У ҳозир ҳам ёлғон сўз айтмади. Укам ниҳоятда мерган. У ўқ узган дамда кийик туёғи билан қулоғини қашиётган экан. Ўқ туёқ билан қулоқни тешиб ўтиб,

қайроқ тошга тегибди-ю, учқун чиқиб, ҳашак ўт олибди.
Кийик гүштини шу ўтда пишириб ебди.

Қиссадан ҳисса шуким, бўзчи билганини тўқигани
маъқул.

* * *

Ажриқдан сўрабдилар:

– Нега қишида ҳам кўкариб чиқмайсан?

– Сўрама, биродар, – дебди ажриқ хўрсиниб, – Кўкламда кўкариб чиқиб қандай ҳурмат кўрибманки, қишида ҳам кўкарсам?

* * *

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Хамр (яъни ақлни олғувчи ҳар бир нарса) ёмонликлар онасидир», деганлар. Яна марҳамат қилиб дедиларким: «Хамрдан сақлан. Унинг дараҳти бошқа дараҳтлардан ошиб ўтгани каби, гуноҳлари ҳам бошқа гуноҳлардан ошиб тушади». Майхўрликнинг Аллоҳ томонидан ҳаром қилингани (яъни таъқиқлангани)ни, бу ҳақда Қуръони Каримда оятлар мавжудлигини кўпчилик билади. Яна билишимиз жоизки, ҳатто Тавротнинг саҳифалирида ҳам «Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақлли эмасдир», дейилган.

Минг афсуслар бўлсинким, асли мусулмонобод бўлган юртимизда, асли мусулмоншева бўлган одамларнинг фарзандлари ўз насабларини унугиб, ёмонликлар онасининг фарзандига айланиб қолаётганлар бор. Майхўрликка қарши гапириш, майхўрларни инсофга чақириш – шамолга қарши ҳайқириш каби бесамар кетяпти. Уламоларимиз, имомларимиз гапиргудек бўлишса, «Сен майнинг қадрини қаердан билардинг?» деган маънода афтларини бужмайтирадилар.

Бир куни камина ҳам майхўрликка қарши сўз айтган эдим, «Ҳадеб ароқни ёмонлайверасизми, ўзингиз ҳечам

ичмаганмисиз?» деб таъна қилишди. Тўғрисини айтдим. Аллоҳга тавбалар қилганим ҳолда, ўша қилмишларими-ни лаънатлаганим ҳолда, ичганларимни яширмайман. Мен кўп ичмаганман. Лекин кам ичдинг нима-ю, кўп ич-динг нима, фарқсиз – игна ҳам, йўғон қозиқнинг учи ҳам кўзга кирап бўлса, барибир кўр қиласди. Менга таъна қилган жамоатга қараб дедимки: «Сиз бутун дунё бўйи-ча бир одамни топинг. Агар у: «илгари касал эдим, шу ароқни ичиб тузалдим, илгари камбағал эдим, шу ароқни ичга-нимдан кейин обрў топдим, шарафландим», деса, сизларни ичкилик билан ўзим таъминлаб тураман. Шундай одамни топа олмайсиз. Чунки ароқ (ароқ деганда барча маст қилувчи ичимликларни назарда тутяпмиз) соғлом одамни касал қилиши, бойни камбағалликка гирифтор этиши, шарафли одамни эса хорлик жарига судрашини ҳамма билади. Аммо нафс олдида мағлуб ҳолда тураве-радилар.

Мени бир нарса ажаблантиради: айтайлик, телевизор сотиб олдик. Дарров қўлланмасини ўқиймиз. Телевизорни яратган олимлар, усталар бизларни огоҳлантириша-ди: 220 волтли токка уланг, иситиш ускунасидан нари-роқда турсин... Буни билиб, биз ҳеч қачон телевизоримизни 380 волтли токка уламаймиз, телевизорнинг бузилишига йўл қўймаймиз. Қўлланмага амал қилмасак пулга куямиз. Ҳолбуки, Инсонни яратган Аллоҳ Одам болала-рига тўғри яшаш йўлларини ўргатувчи қўлланма – ило-ҳий китобларни туширди, тўғри йўлга бошловчи элчиларни юборди. «Қўлланма»нинг энг улуғи, шубҳасиз, Қуръони Каримдир. Элчиларнинг энг шарафлиси, шубҳасиз, бизнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломдирлар. «Мўъмин-лар учун насиҳат, коғирлар учун ҳасрат» бўлмиш Қуръони Карим одамларга қаратади: ичма, бу дунёда хор бўла-сан, у дунёда азобга қоласан, деб турса-ю, биз эшитма-гандек, билмагандек ичаверсак. Бу дунё азобига дуч кел-ганимизда, айтайлик, тузалмас хасталикка чалиниб,

түшакка михланганимизда ёки фарзандларимиз ёмон хул-қлари билан күйдира бошлаганида «Эй, Худо, мен Сенга нима ёмонлик қылувдимки, менга шунча ғам-алам берасан», деб нолалар қиласыз, күз ўшлар түкәмиз.

Фиръавнинг имон келтириши каби кечиккан бу ҳасратларимиздан фойда бўлармикин?

Кечагина «Ичманг, биродар», дегани учун кўзимизга ёмон кўринган имомни чақиритириб: «Бир ўқиб қўйинг», деймиз. Мулла қирқ марта «Ёсин» сурасини ўқиса, у дунёга гўё гуноҳлардан холи бўлиб кетиладигандай ту-юлади. Кошки эди буларнинг фойдасизлигини билсак. Юқори кучланишли токка уланган телевизор кўйгани каби охиратимиз куйиб бўлганини англамаймиз. Телевизор куйса, пулимизга ачинамиз. Умримизнинг энг гўзал онлари куйиб адо бўлаётганини эса, фаҳмламаймиз.

Ароқ одамнинг ўзигагина ёмон таъсир қилса, чидаш мумкиндир балки. Ароқнинг зурриёдга таъсири-чи? Мажруҳ туғилаётган болалар, туғилмаёқ ўлаётган болаларчи?! Бирор кишини беҳос уриб ёки туртиб юбориб, оёғини ёки қўлинин майиб қилиб олсангиз, қонун олдидা жазоланасиз. Лекин қўл-оёқсиз ёки ақлсиз туғилаётган болаларнинг мажруҳлигига сабабчи ота ёки онани жазоламаймиз. Тўғри, бу дунё қонуни жазоламайди, аммо Аллоҳнинг жазоси тайин-ку, қўрқмаймизми?

Ароқхўрлик ҳақида гапирилса, европаликлар бузди бизларни, деймиз. Бу гапда жон бор. Лекин улар ҳар биримизни ётқизиб олиб, оғзимизга зўрлаб ароқ қўймадилар-ку? Европаликларнинг маданиятга оид дуруст одатларини олмаганимиз ҳолда нима учун фақат бузуқликларини маъқул кўриб қолдик?

Биз ичганда ҳам гўё маданийча ичишга ўрганганмиз. Чиройли сўзлар, яъни, «тост» айтамиз. Тилаклар тилаймиз. Соғлиқ, омад, баҳт... Кимдан тилаймиз? Албатта Худодан тилаймиз. Ўйламаймизки, яратган Тангри «ичма, бу ҳаромдир», деб қўйибди. Шу ҳаромни ича туриб, Ундан яна баҳт сўрасак, берармикан шу баҳтни!

(Мазкур фикрни аввал ҳам айтиб эдик, тақрор этаётганимиз бежиз эмас).

Баъзан ичкилик қўйилган давраларда ўтиришга мажбур бўламиз. Шунда айримлар сал истиҳола қилган бўлиб: «Чарчоқни кўтаради, ижозат берсангиз, озгиназгина ичсак», дейишади. Шунда: «Рухсатни мендан сўраманг, чунки буни мен ҳаром қилган эмасман», деган мазмунда жавоб бераман. Баъзиларга шу гап таъсир қилади, бошқалар: «Худонинг ўзи кечиради», деб ичаверишади. Худди Худо уларга «Тўйиб ичиб олаверларинг, кейин сенларни кечираман», деб тилхат бергандай ёки вахий юборгандай ишонч билан гапиришади.

Бир неча йил бурун Туркистон шаҳрида, ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараларидан бир чақиримча нарида аянчли бир даврада ўтиришимга тўғри келган эди. Воқеа тўйнинг эртасига содир бўлди. Дастурхон атрофида турли ёшлардаги одамлар ўтирибмиз. Айтишим жоизки, шундай муқаддас ва шарафли шаҳарда яшовчи, ўзини мусулмон деб атовчилар ароқхўрликда «чемпион» эканлар. Хуллас, мендан «тост» айтишимни илтимос қилишди. Дастворад этдим. Талаблар тақрорланавергач, дедимки: «Хўп, гапираман, аммо ранжимайсизлар. Ҳозир сизларга, «ичманг», деганим билан ёқмайман. Лекин бир нарсани ўйлаб кўринглар: мана бу йигит ўғлингиз экан, ота билан ўғил нима деган одам бўлдиларинг энди?! Мана бу йигит сизнинг күёвингиз экан, сиз билан ичиб, маст бўлиб, уйга боргач хотинини, яъни қизингизни урса, қизингиз додини кимга айтади? Сўнг эса сиз додингизни кимга айтасиз?»

Бу гапдан кейин ўғил ва куёв чиқиб кетишиди. Бир-икки киши гапимни маъқуллаб, ароқ қўйилган пиёлани нари суриб қўйишиди. Бошқалар эса «Худо кечиради», деб ичишни давом эттираверишиди. Бундай одамларни «эшшакдай қайсар», дейишади. Йўқ, азизлар, эшакларни ранжитманг, эшаклар уларга ўшамайди, чунки эшакни тарбия қилса бўлади: «ишиш» десангиз тўхтайди. Бундай одамлар эса тўхташмайди.

Ароқхўрлик қанча-қанча улуғларни хорлик ботқоги-га ботирди. Жуда кўп истеъдод эгалари бу бало оқиба-тида умрларини ҳам, қобилиятларини ҳам бой бердилар.

Шу ўринда ҳазрат Бобур Мирзонинг бир фармонларини эсга олсак, фойдадан холи бўлмас. Милодий ҳисобда 1525 йили имзоланган мазкур фармонга биноан май-қатафон (сухой закон) эълон қилинган эди:

«Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас, «нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этувчи»dir. Ундан қайтиш бағишловчи Маликнинг лутфмарҳаматидан бошқа мумкин эмас. «Бу Аллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, баҳш этади. Аллоҳ катта эҳсон эгасидир». – Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан фараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружуъ қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарқ қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкилиқдан қайтиш тавбаси «ҳар иш ўз вақтига боғлиқ» деган парда остига беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда файб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Аллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан қўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик. Тавфиқ йўлловчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, киради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алқисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдинг-

да тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчиси-
ман», деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Кўнгил ха-
зинасида маҳфий қолган ичкилиқдан қайтиш тавбаси
истагини юзага чиқардик...»

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо ҳазратларининг
асосий ғалабалари айнан шу фармондан – майқатафон-
дан сўнг қўлга киритилган. Яна тарихдан маълумки,
Ҳусайн Бойқаро бошқарган мамлакатни айни шу ички-
лик барбод қилган. Айни шу ичкилиқ (уни «ҷоғир» деб
атаганлар) умидли ва суюмли набира Мўмин Мирзо-
нинг бошини узган.

Баъзи биродарларимиз айтадиларки: «Ароқ бировлар-
ники бўлгани учун ҳаром қилинган». Йўқ, азизлар, ароқ,
чўчқа гўшти бошқалар истеъмол қилгани учун эмас,
одамга зарар бергани учун ҳаром қилинган. Агар у би-
родарларимиз айтгандай бўлганида эди, бировлар ейди-
ган мол ёки қўй гўшти ҳам, бошқа неъматлар ҳам ҳаром
қилинар эди. Яна ўйлайлик, нима учун айнан ароқ ва
чўчқа гўшти ҳаром қилинди? Нега мураббо ёки қовун-
тарвуз ҳаром қилинмади?

Ароққа қарши бутун насоро олами ҳам курашган.
Урушдан аввал ҳатто АҚШда ҳам майқатафон эълон
қилинган. Большевиклар замонида ҳам бир-икки уруниш
бўлди. Охиргиси эсингиздадир, «қайта қуриш», деб атала-
ган замонда ҳам ичкилика қарши курашилди. Биз бу
курашни жону дилимиз билан қувватлаш ўрнига норози-
бўлдик, ўзимизча найранглар ўйлаб топдик. «Тўйларда
ичкилиқ қўйилмасин», дейилди. Ҳўп дедиг-у, баъзилари-
миз битта самоворга сув қуийиб қайнатдик, иккинчисини
ароқ билан тўлдириб, чойнакда тарқатдик ва бу «ихти-
ро» билан фахрландик. Бундан ортиқ нодонлик бўлар-
микин? Ана ўшалар ва ўшалар кабилар ҳазрати Анастас-
нинг (розиёллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (с.а.в.) ривоят
қилган бу ҳадисларидан хабардормикинлар: «Аллоҳ
шаробни, уни ичганни, қуийиб берганни, сотганни ва со-
тиб олганни, сиқиб тайёрлаганни ва тайёрлатганни, олиб

келганни ва олиб келтирганни ҳамда ундан келган даромадни еганни лаънатлайди».

Ароқقا берилган одамнинг бу йўлдан қайтиши қийин бўлади. Чунки бу ҳам Аллоҳнинг имтиҳонларидан бири. Кимки нафсини жиловлай олса, имтиҳондан ўтади.

Тақводор дебдики: “Қудуқ ичига ичклиликдан (масалан, ароқ) бир томчи тушса, қудуқ сувини поклаш учун ташқарига чиқариб тўксалар, сув тўкилган ерда ўт-ўлан ўсиб чиқса, шу ўт-ўланларни еган қўй-сигирнинг гўштини емайман”. Бу ерда муболага, бўрттириш бор. Муболагадан мақсад – одамларни “арзимас ҳаром” деган тушунчадан эҳтиёт қилиш. Қабристонда ўсанг ўт-ўланни молга бермаслик тавсия этилади. Чунки юқумли касаллик билан вафот этган одамнинг мурдасидан тарқалган микроблар ўт орқали сут ва гўштга ўтиши мумкин.

Бир кишига дедингизки: “Чўчқа гўштидан е!” Шубҳасиз, у дерки: “Емайман, бу гўшт ҳаром!” Баракалла, бу киши ҳаром-ҳалолнинг фарқига борар экан, деб қувонасиз. Аммо қарайсизки, у ароқнинг ҳаромлигини билса ҳам ичади, зинодан ҳам қайтмайди, тарозидан ҳам уради... “Булар ҳам ҳаром-ку, билмайсизми?” деб ажабланасиз, ҳатто ғазабланасиз. У эса ишонч билан: “Билишга биламан, гуноҳимни Худонинг ўзи кечиради”, дейди. Ажабки, гўё Аллоҳ таоло унга гуноҳини кечиришга ваъда берган. Чўчқа гўштини жуда зарур ҳолатда, дейлик, ўлиб қолмаслик учун маълум миқдорда истеъмол қилишга ижозат бор. Аммо ўлиб қолмаслик учун ароқ ичишга, зино қилишга, пора олишга... мутлақо ижозат йўқ! Яна бир гап: бирор ҷўчқани етаклаб келиб, бир-икки кун ҳовлингизда тура турсин, деса унамайсиз, лекин тўйга атаб олинган беш-үн қути ароқ уйингизда тура турсин, деса рад этолмайсиз. Бунга нима дейсиз?

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшитиб, кўчадан ўтаётган бир одам эшикни очибди. Ит

қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда кўчадаги у киши дебди:

– Э биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кириб қолган. Бизнинг эс-ҳушшимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...

Худога шукур, атрофимиизда эс-ҳуши жойида бўлганлар кўп. Лекин бузуқ ошёнларнинг оҳанграбоси кучига нафси дош беролмаётгандар-чи? Қўшниларимиз орасида борми? Бор! Қариндошлар орасида борми? Бор! Ҳамкаслар орасида борми? Бор! Хонадонимизда борми?.. Ресторанларни четлаб ўтишимиз яхши, лекин ҳаромдан ҳазар қилмайдиганларни ҳам ҳоли қўйганимиз-чи? Қудсий ҳадисда айтилган: “Э Одам фарзанди! Дунёдаги жами нарсалар уч тоифага бўлинади: бири Менга хосдир, иккинчиси Мен билан сенинг ўртамиздадир ва яна бири – сенладир. Сендан бўладигани дуодир ва Мендан бўладигани ижобат қилмоқдир. Бас, ҳаром емасанг, дуойинг тўсилиб қолмас”. Расулуллоҳ (с.а.в.) ароқ ичган одамнинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмаслигини таъкидлаганлар. Яқинларимизнинг дуолари қабул бўлмаслиги бизларни нечун қайғуга солмайди?

Ҳаром дунёсидаги энг қабиҳ иллат – ичкиликбозлик ҳақида, энди гиёҳвандлик ҳақида уламолар ҳам, дунёвий олимлар ҳам тинмай гапиришади. Раҳбарият томонидан чоралар белгиланади. Лекин, ижобий натижадан ҳали узоқмиз. Чунки бу иллатни ҳукумат қарорлари билангина тузатиб бўлмайди. Уламоларнинг насиҳатлари ҳам кифоя эмас. Қачонки, ҳар бир муслим биродарини ҳаромлик ботқоғидан суғуриб олишга киришмас экан, “ичкилик туфайли жиноятчилик қўпайиб кетди, ёшларимиз бузилиб кетишияпти”, дебвойвойлаб юраверамиз. Ресторанлар, дискотекалар... Мени икки нарса ажаблантиради: биринчиси, ресторанда кечқурун ароқхўрлик, майшат қилинади, тонгда эса амри маъруф, наҳий мункар? Иккинчидан, ресторанларнинг номлари ҳам ғоят жозибали:

“Улугбек”, “Ҳувайдо”, “Беруний”, “Кавсар”... Ҳаром ичимликка “Умар Хайём” номининг берилиши-чи? Менингча, ҳар нарсага ўзига муносиб ном берилгани яхши. Масалан, мен маст қилувчи ҳаром ичимликларга “Шайтонсув”, “Иблис тупуғи”, “Шайтон мұхаббати”, “Буюк алкаш” каби номларни, майшатхоналарга эса “Дўзахга йўл”, “Дўзахнинг оташин боғи”, “Вайл”, “Самум” сингари номларни тавсия этган бўлардим. Шу майшатхоналарнинг хўжайнлари майхўр шоирларга илтимос қилишса, “Дўзахда бирга бўлурмиз то абад” деган ялла-ма-ёrimларни ёзиб беришади.

Ичкилик ва гиёҳвандлик вабоси дунёни еб адо қиляпти. Қаранг-а, бир йилда Европада 105 миллиард АҚШ доллари маст қилувчи ичимликларга сарфланар экан. Бу Ер юзидаги барча аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши учун сарфланаётган маблағдан ўн марта кўп демакдир. 2009 йидағи иқтисодий буҳрон чоғида Европадаги сармоядорлар пиво ичиш камайганидан фоят ташвишланиши. У томонларнинг инсофга киришига кўзимиз етмайди. Ўзимизга қараб, болаларни, ёшларни тўғри тарбиялашга кўпроқ аҳамият бермасак, Европа аҳволига тушиб қолишимиҳ ҳеч гап эмас. Маълумотларга қараганда, спиртли ичимлик ичиш бўйича Ўзбекистон Европадан анча орқада экан. Сиёсатчилар тили билан айтганда, Ўзбекистон ҳушёр мамлакат саналаркан. Европада спиртли ичимлик бир кишига йилда 14 литр атрофида, Ўзбекистонда эса 2 литр атрофида тўғри келар экан. Бу рақамни янада пастга туширсак, юртимиз янада тараққий этади, янада обод бўлади.

Ичкилик ва қиморга мубтало бўлганлар ўзига ўзи суиқасд қиласидилар. Маст ҳолда фалокатга учраб ўлган кишиларга жаноза ўқилмаслигига айрим уламоларимиз фатво берганлар.

Аҳли ҳикмат дейдики, шароб ичган – заҳар ичгандир, ким хамр (маст қилувчи барча ичимликлар) сотишни ўзига

ҳалол қилиб олса, түнгиз гүштини ейишни ўзига ҳалол қилибди. Қорин ҳаром ичкилик билан түлса, дунё муҳабати устун келиб, ғофилликда яшайды.

Иймонни бир муazzам сарой десак, унинг ичига кирмоқ учун юриб бориш керак, балки тиконзорни яланг оёқ кечиб ўтишга тўғри келар. Иймон саройига ҳам сизни бирор кўтариб олиб кирмайди. Бобур Мирзо таъкид этганларидек, эшикни астойдил қоққан одамларгина кирадилар. Асалариларнинг қўриқчилари ёмон жойга қўнган асалариларни уяга қўймас эканлар. Шунга кўра, иймон саройига оғзидан ароқ ҳиди гупуриб турганлар қўйилмайдилар. Уларнинг жойлари иймон саройи эмас, шайтон кулбаси бўлиб қолади. Расууллоҳнинг ҳадисларида айтилишича: «Давомли хамр ичган киши бутга топингувчи кабидир. Ўлса, Аллоҳнинг ҳузурига бутпаст каби боради».

Нафсларимизни тарбиялашнинг энг биринчи шарти – тавбадир. Тавбалар ижобат бўлмоғини Аллоҳ насиб этсин.

Иймон саройига кирмоқ мушкул, аммо ундан чиқиши осон, «Ёмонликлар онаси»дан юз ўгириб, ҳидоят онасига фарзанд бўлмоқликни Аллоҳ барчаларимизга насиб этсин.

* * *

Калтак еган болага тасалли берибдилар:

– Ранжимагин, болакай, таёқ жаннатдан чиққан, асли яхши нарса.

Болага бу таскин таъсир этмай, йифлаганича дебдики:

– Ҳечамда! Яхши бўлганида жаннатдан чиқарилармиди?

* * *

Чўкаётган одам нола қилиб, қичқирибди:

– Эй, Худойим, мени қутқар!

Ёнидаги дўсти дебдики;

– Қўлларингни ишга сол, шунда Худо сени қутқаради.

* * *

Надоматлар, афсусларим, фоҳишабозлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб боряпти. Туркия сафарида бўлганимизда у ердаги ватандошларга «савдо важҳидан биз томондан келувчи аёлар кўп экан, шу нарса сизларга малол келмаяптими?» деб сўраган эдик, улар «фақат тижорат мақсадида келсалар майлига эди, улар орасида фоҳишаларнинг кўплигидан юзимиз ерга қарамоқда», дедилар афсус билан. Ажабланамиз: шу жувонларнинг ота-оналари бор, ака-опалари, укалари бор, айримларининг ҳатто эрлари ҳам бор! Наҳот улар уялмайдилар? Яна афсус, яна надомат... фоҳишалик билан бирга даюслик ҳам яшяяпти...

Фоҳишаликнинг сабабларини айримлар иқтисодий қийинчиликдан деб белгилашяпти. Бу фикрга қарши юз бора, минг бора «йўқ!» ва яна «йўқ!» деймиз. Агар бу даъво рост бўлса, камбағалларнинг ҳаммаси фоҳишаликка кириб кетишлари керак эди. Бу бузуқликларнинг аввали ҳам, охири ҳам иймонсизликда!

Таъкид этамизки, бузуқликка иқтисодий эмас, балки маънавий қашшоқлик сабаб. Бу ривоятни ўқиганлар, фикримга қўшилишса керак, деб умид қиласман:

Бир обид ниҳоятда фақир яшар эди. Шундай бўлдики, уйда ейишга бир тишлам ҳам нон қолмади. Болалари очлик азобига чидаёлмай йиғлайвердилар. Очликдан обиднинг ҳам силласи қуриган эди. Ҳатто кўчага чиқиб тиланишга қурби етмай қолди. Унинг ўрнига хотини чиқди. Бир кишидан нон тилаган эди, у ноинсоф “Эй ноззанин, агар танингни менга бахш этсанг, сенга сўраганингни берурман”, деди. Бу талабдан ғазабга келган хотин вужуди титраган ҳолда уйига қайтди. Онанинг қуруқ қўл билан қайтганини кўрган болалар яна нола қила

бошладилар. Фарзандларининг ўлар ҳолга келганига чидолмаган хотин яна кўчага чиқди. Яна тиланди. Унинг ҳуснига маҳлиё бўлган киши нафси талабини айтди. Хотин ундан юз ўгириб, яна бир одамга бориб тиланган эди, яна ўша беҳаё талабни эшилди. Бас, ночор хотин рози бўлди. Хилват жойга боргандарида аъзойи бадани титроқдан ларзага келди. У одам “Эй нозанин, нега тит-раяпсан?” деб сўради. “Бу гуноҳни қилмакка Худодан қўрқиб вужудим ларзага кирди”, деди хотин. Бу гапни эшитиб, у одамнинг виждони уйғонди. “Эй хотин, шунчалар фақир бўлсанг ҳам сен Аллоҳ таолодан қўрқяпсан. Бас, менга бу қадар неъматлар берган Аллоҳ таолодан менинг ҳам қўрқишим зарурдир”, деб гуноҳдан қайтди ва хотинга кўп неъматлар ҳадя этди.

Бу ривоятнинг бир неча холосаси мавжуд. Бирида “у киши Худодан қўрқиб нафсини тийгани учун барча гуноҳлари кечирилган” дейилади. Яна бир холосага кўра, бечора хотин унинг ҳаққига дуо қилиб: “Ё Аллоҳ, бу банданг нафсини тийиб қўлини баданимга етказмагани учун гуноҳларини кечир ва унинг қўлларини икки дунё оловларидан асрар!” деб илтижо қилган экан. Дуо ижобат бўлиши натижасида у киши чўғни кафтига олса ҳам куймас экан...

Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас. Чунки номус жондан ҳам қимматлидир. Сувнинг соғлиги унга қиймат бергани каби, инсоннинг номуси ҳам унга қадр келтиради.

* * *

Бир ривоят ўқидимки, уни сиз, азизлар билан баҳам кўрмасам бўлмас:

Чўл ўртасида бадавий араб хотини билан чодирда яшар эдилар. Бир куни хотини ҳасрат қилиб қолди:

– Бутун йўқсиллик ва жафони биз чекяпмиз. Бошқаларнинг умри фаровонлик билан ўтятти. Фақат бизлар-

тина фақирмиз. Нонимиз йўқ, қатигимиз оз. Пиёламиз йўқ, сувимиз эса – кўз ёши! Кундузи кўйлагимиз – қуёш, кечаси тўшагимиз – ой. Очлик сабабидан баъзан Ойни нон дея хуружга тушамиз. Бу кетишда ҳолимиз нима бўлади?

Бадавий хотинига бундай жавоб қилди:

– Эй хотин, қачонгача дунё моли учун ҳасрат чекасан? Бу дунёда яна қанча умримиз қолди? Ақлли кишилар оз-кўпга қарамайдилар. Ёшлигингда қаноатли эдинг, қариган сари ҳирсинг ортмоқда. Олтин истайсан, ҳолбук авваллари ўзинг олтин каби эдинг. Сенга нима бўлди?

Хотин эса бу сўзларга парво қилмай фарёд этишда давом этаверди:

– Эй, номус нималигини билмайдиган одам! Сизнинг маъносиз сўзларингиздан тоқатим тоқ бўлди. Ҳолимизни кўриб уялмайсизми? Менга қаноатли бўл, дейсиз. Қачонгача сабр қилай? Сабр қачон жонимизга аро кирган эди? Бу гапларни унутиб тўқлик йўлини изласангиз-чи!

Бу ношукурликдан ғазабланган бадавий деди:

– Сен аёлмисан ёки бошимга келган дардмисан? Мен йўқсиллигим билан ифтихор қиласман. Бошимни оғритма! Мол, мулк ва пул бошдаги кулоҳ кабидир. Кулоҳ эса калларнинг нажотидир. Бойлар – қулоқларига қадар гуноҳга ботган кишилардир. Мол-мулклари эса уларнинг гуноҳларини яшириб туради. Йўқсиллик нималигини сен қаердан билар эдинг? Йўқсилликни хор-зорлик ўрнида кўрма! Аллоҳ кўрсатмасин, менинг бу дунёдан таъмам йўқ. Кўнглимда эса қаноат ва сабр тўла бир олам бор. Эй хотин, жанжални бас қил. Жанжални бас қилмасанг, мени тинч қўй. Мен яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам жанжал қила олмайман. Жанжалга тоқатим йўқ. Жанжал у ёқда турсин, кўнглим тинчликдан ҳам беҳузурдир. Овозингни ўчир, бўлмаса бошим оққан томонга кетвoramан...

Аёл эрининг ўз сўзларидан қайтмаслигини кўриб, кўзига ёш олди, гўё пушаймон бўлди. Бадавий ҳам хотини-

нинг кўз ёшларидан таъсирланиб, айтган сўзларидан бир оз пушаймон ҳам бўлди.

Эрининг пушаймонлигини сезган аёл унга шундай маслаҳат берди:

– Кўзада ёмғир суви бор. Бутун мол-мулкимиз шундан иборат. Бу кўзани олиб, хоқонлар хоқонининг ҳузурига боринг-да, бу совғамизни бера туриб шундай денг: «Бизнинг бундан бўлак ҳеч мол-мулкимиз йўқ, зотан, чўлда бундан яхшироқ совға ҳам топа олмайсиз. Подшоҳимизнинг хазиналари тўла бўлса ҳам унда бу каби сув топилмаса керак. Бундай сувни топиш осон эмас».

Бечора аёл Бағдод шаҳрининг ўртасидан дарё оқиб ўтишини қаердан билсин? Ўзи тўплаган сувни мақтагандан мақтайверди, эри ҳам ниҳоят унинг сўзларини маъқул деб топди:

– Бундай совға тайёрлаш ҳамманинг қўлидан кела-вермайди. Бунақа тоза сувни фақат подшолар ичиб ҳузурланишлари мумкин.

Шу қарорга келган бадавий кўзанинг оғзини маҳкамалаб, Бағдод сари йўлга тушди. Кўза синиб қолмасин, суви тўкилмасин, деб уни кўз қорачиғидек асради. Кунлар, ҳафталар йўл босиб, ниҳоят Бағдодга етиб келди. Излабизлаб ҳалифанинг саройини топди. Сарой посбонлари уни тўхтатиб, мақсадини сўрадилар.

– Эй, муҳтарам зотлар, мен бир фариб бадавийман. Подшоҳимизнинг лутфу марҳаматларидан умидвор бўлиб чўлдан келдим. Бу совғами подшоҳ ҳазратларига элтинг, подшоҳдан умидвор бўлган кишининг эҳтиёжларига шу йўсинда жавоб беринг. Бу ниҳоятда тотли сувдир. Уни чўлда ёмғир томчиларидан тўплаганмиз. Қаранг, кўзам ҳам яп-янги...

Посбонлар аввалига бадавийдан кулдилар. Кейин унинг соғдил ниятларга ўралган совғасини қабул қилиб олдилар. Бадавий эса саройининг нариги қаноти ортида кўпириб оқаётган дарёдан хабарсиз подшодан хабар кутиб ўтирди.

Бадавийнинг сув тўла кўзасини халифага беришган эди, у ниҳоятда қувонди. Бадавийни ҳузурига чақиртириди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, янги уст-бошлар кийдирдида, хизматкорларига амр этди:

– Кўзасини олтинга тўлдириб, эгасига қайтаринглар. Уйига эса дарё йўли билан кемада олиб бориб қўйинглар. У бу ерга чўл йўлидан келибди. Унга дарё йўли яқин-дир.

Бадавий дарёни кўрганда ҳайратдан шошиб қолди ва Аллоҳга шукурлар қилди.

Энди мазкур ривоятнинг шарҳи сифатида мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»ларининг маъноси билан танишсак:

«Эй ўғил! Сен бутун дунёни оғзига қадар илм ва гўзаллик билан лиқ тўлган бир кўза деб билгинким, кўзада тўлиб турган илм ва гўзаллик Аллоҳнинг ҳикмати бўлган дарёдан бир қатрадир. У яширин бир хазина эди. Тўлибтошиб, тупроққа жон бериб, бу тупроқни осмондан ҳам мовийлаштириб юборди. Яширин хазина шу тарзда ошкор бўлиб, тупроқни атласга ўралган ҳолга келтирди. Бу бадавий ҳам Аллоҳнинг дарёсидан бир қатра кўрганда эди, ҳақиқатда денгиз бўлган бу қатранинг қаршиисида кўзасини чил-чил синдириган бўлур эди».

Ривоятда «халифа саройи» деб билдирилган жойни «Илоҳий даргоҳ» деб англамоқ лозим. Мусулмон киши нақадар илм, ирфон, мол-мулк ва ибодат соҳиби бўлса ҳам бу бойликларга ишониб, ўзидан кетмаслиги, уларнинг борлигидан алданмаслиги керак. Бу бойликларини Аллоҳнинг бир лутфи ўрнида кўриб, ўз амаллари эса дарёга нисбатан бир пиёла сув миқдорида эканлигини асло унутмаслиги зарур.

Бадавийнинг чўлда минг машаққат билан йиққан бир кўза суви унинг учун ҳаёт дориси – тириклик суви эди. Ҳолбуки бу «дори» дарёга тўкилгандан кейин бир зумда йўқ бўлиб кетди. Инсониятнинг башарий имконлар билан қўлга киритишга уринган нарсалари ҳам, илоҳий

санъатдан тушуниб етган нарсалари ҳам «дарё»нинг бир томчисига арзимайди. Бу ҳолат чумолининг ўз иинини, балиқнинг эса ҳовузни ёки аквариумни дунё деб билиши кабидир холос. Инсонлар ҳам ўзларининг нодонликларини унутиб, улкан кўзгунинг ёлғонларига баъзан ишониб қоладиларда худди ўша чумоли ва балиқ ҳолига тушидилар.

* * *

Золим одам ёмонликдан қайтишни ихтиёр этиб, бир куни саҳарда ибодат қилиб ўтиrsa, рўпарасида фаришта пайдо бўлиб дебдики:

— Ёмонликларинг учун Аллоҳ сенга жаннатнираво кўрмади. Лекин қилаётган ибодатларинг эвазига жаннатдан бўлак нимани сўрасанг, берилади.

— Агар жаннат менга ҳаром қилинган бўлса, — дебди золим одам, — ибодатларим учун сўраганим ижобат қилинса, сўровим шуки, Аллоҳ Қиёматда мени шу қадар баҳайбат одамга айлантириб қўйсинки, мендан бошқа ҳеч ким дўзахга сифмасин.

* * *

Подшоҳнинг устози унга «Сен уч кишини ўлимга ҳукм қилишда ҳеч таҳаммул (сабр) қилмагил: биринчиси — мулкингни эгаллашга ҳаракат қилган кишини, иккинчиси — молингни ўғирлаган кишини, учинчиси — сирингни фош қилган кишини», деб қайта-қайта насиҳат қиласди. Бир куни подшоҳ вазирини саройдан четлатиш нияти борлигини айтиб, устози билан маслаҳатлашди. Вазир бу маслаҳатдан огоҳ бўлиб, бир тадбир ишлатди. Подшоҳнинг устозини меҳмонга чорлаб, иззат-икром билан кутиб олди. Устоз ўзини тия олмай, шаробдан кўпроқ ичиб, подшоҳнинг ниятини айтиб қўйди. Вазир эса тонгга қадар мол-мулкини рўйхат қилиб, подшоҳнинг ҳузурига кириб: «Эй подшоҳим, шу рўйхатдаги барча молмулк сизнивидир, камина бу бойликларингизга фақатги-

на посбондирман, бу бойликни қабул этинг, олампаноҳ, мени зинҳор душман деб гумон қилманг», дегач, подшоҳ ажабланди. Устозини чақириб, «Вазир ҳақидаги ниятимни фақат сизга айтувдим, у маккор қайдан огоҳ бўлди экан?» деб сўради. Шунда устоз узр билан дедики:

– Сирни душманга айтганим, ажалим етганидан дало-латдир. Гарчи мастилиқда айтиб юборган бўлсам-да, бу мастилик узр қаторига ўтмайди. Энди панд-насиҳатимга кўра, мени ўлимга ҳукм қилмоғинг шарт. Акс ҳолда, салтанатингдан барака кетади.

Подшоҳ уни кечирса ҳам, устоз ўз сўзида қаттиқ туриб олди ва ўз қилмишига яраша ўлим топибди.

* * *

Исроф тентаклиги ва марҳамат йўқсиллиги бу дунё-нинг бош балосидир, охиратда эса азоб сармоясидир. Ўтган кунларимизнинг моҳиятини ўзгартириб бўлмайди. Келажагимизнинг моҳияти эса шубҳалидир. Он бу ондир. Бу онимизнинг кўнгил ва пешона терларини ҳаёт тупроғига эка олсак, икки дунёмиз обод бўлғусидир.

* * *

Донишманд дебдики:

– Ҳаққа – садоқат билан, халққа – инсоф билан, куфрга – қаҳр билан, катталарга – хизмат билан, кичикларга – шафқат билан, дўстларга – насиҳат билан, душманга – юмшоқлик билан, олимларга – тавозе билан, жоҳилларга – ҳомушлик билан, дарвешларга – одоб билан муносабатда бўлмоқлик жоиздур.

* * *

Ҳозир исбот этилган нарсалар илгарилари фақат тасаввурда мавжуд бўлган. Бугун ҳақиқат деб эъзозланан-ётган қанчадан-қанча нарсалар то рўёбга чиқарилгунича аввалига бидъатга ўхшаб туюлган. Ҳатто бу ҳақиқатлар аввалига масхараланган. Тарихга қараб туриб, ҳар

қандай таълимот уч босқичдан, таъбир жоиз бўлса, уч чириқдан ўтган, десак ҳам бўлар. Аввалига уни ақлга сифмайди, деган овоза тарқатиб унга ҳатто хуруж қила-дилар. Кейин бу таълимотда озгинагина ҳақиқат борга ўхшайди, деб тан ола бошлайдилар. Ниҳоят унинг фоят муҳим, оламшумул эканини тан оладилару сўнг «уни мен очдим!», «Йўқ, сен эмас, бу менинг кашфиётим!» деб та-лаша бошлайдилар.

* * *

Мамлакатларнинг бирида ҳар куни подшо ўзгарапкан. Эрталаб тахтга ўтириб, шомда амални топшираркан. Бир одам «агар мен подшо бўлсан бир кун эмас, ўлгунимча тахтда ўтираман», дебди. Дўстлари уни кулги қилибдилар. Иттифоқ ўша одам подшоҳ бўлибди. Тахтга ўтириши билан «Ҳамма саройга биттадан тухум олиб келсин», деб амр қилибди. Амр ижро бўлгач эса, пешин чоғида «Ҳамма ўзи олиб келган тухумини олиб кетсин», деб фармон берибди. Одамлар «мен олиб келган тухум каттароқ эди», деганла-рича шошилиб, танлаб-танлаб, тортишибдилар. Оқибат шу бўлибдики, ўзлариникини эмас, бошқаларникини олибди-лар-у луқмаларига ҳаром аралашибди. Тухум талашиб, шом чоғи подшоҳни унутишибди ва у одам айтганидай, то ўлгунича қадар тахтдан тушмабди.

Қиссадан ҳисса шуки, фақат ҳалол луқмагина мам-лакатни обод қила олади.

* * *

У дунёдаги аросат ҳақида эшитганмиз. Бу ёруғ дунё аросати-чи? Ўтмиш шоирларидан бири «на чин мусул-монмиз, на кофир» деган мазмунда байт битган экан. Халқда «мусулмон бўлиб масжиди йўқ, насроний бўлиб черкови йўқ», деган мақол ҳам бор. Аросатда юрганлар оз эмас.

Бир неча йил аввал Русиянинг Тула шаҳрига бориб, дунёнинг буюк адиларидан ҳисобланмиш Лев Толстой

яшаган уйни күрдим. Ёзувчи насронийлар қабристонига эмас, ўзининг боғига дағы этилган. Насроний одатига зид равишда қабри тепасига хоч (крест) қўйилмаган. Ўшанда бу ҳолатга унча эътибор бермаган эдим. Кейинроқ ёзувчининг ислом оламига муносабати, ислом олимлари билан алоқалари ҳақидаги маълумот билан танишгач, хоч қўйилмаганинг сабабини англагандай бўлдим.

Лев Толстой черковни инкор этиш даражасига борган эди. Ленин унинг бу ҳаракатини худосизлар нуқтаи назари билан баҳолаб, ёзувчига «рус революциясининг кўзгуси» деб таъриф бериб, салкам коммунистга айлантириб қўя қолган эди.

Толстой Худодан эмас, черковдан юз ўгирган эди. У Худони исломий қалб билан таний бошлаган эди. Аммо у узил-кесил бу комиллик чўққисига кўтарила олмади. У икки оёғини икки кемага қўйиб олган одам каби ҳалокатга учради. У уйини ташлаб чиқиб кетди. Олимлар унинг бу ҳаракатини изоҳлаб, «Васиятномасига хотини қарши чиққани учун Толстой уйдан чиқиб кетган», дейишади. Йўқ, гап васиятномада эмас эди. Гап Худони танишдаги диний қараашларнинг зиддиятида эди. Толстой уйдан чиқиб кетди – йўлда вафот этди. У бир қараашни, бир динни тарқ этди, иккинчисига етиб бора олмади. Худди аросатга ўхшайди бу ҳолат...

* * *

Оғзида биронта тиши йўқ қария билан ўспирин биргаликдан овқатланиб ўтиришарди. Иккови бараварига йиғлаб юбориши.

- Нега йиғлаляпсиз? – деб сўрашди қариядан.
- Оғзимда тишим йўқ, то мен ямлагунча, бу йигитча овқатни паққос тушириб, мен оч қоляпман.
- Сен нега йиғлаляпсан? – деб сўрашди ўспириндан.
- Мен овқатни чайнагунимча бу чол чайнамай ютиб, овқатнинг баракаси учиб кетди, оч қоладиганга ўхшайман, – деган экан ўспирин.

Саҳрода ов қилиб юрган подшоҳ мулозимларидан ажраб, адашиб қолибди. Ёнидаги содиқ вазири билан юра-юра толиқибди. Шомга яқин чўпоннинг чодирига йўли-қишибди. Чўпоннинг иккитагина қўйи бор экан. Меҳмонларнинг иззати учун биттасини сўйиб, таом пишириб келибди. Подшоҳ таомга қўл ҳам узатмабди. Шунда вазир хожасининг фақат калла гўшт истеъмол қилишини айтибди. Чўпон аввал битта каллани пишириб келтирибди. Сўнг иккинчи қўйини ҳам сўйибди. Кетар маҳалларида вазир:

– Олампаноҳ, кўрдингизки, чўпон бояқиш борини дастурхонга қўйди, сиз учун иккала қўйини сўйди. Агар бирон бой бизни бундан ўн зиёда тўкинлик билан меҳмон қилганида ҳам, уйида бундан юз баробар кўпроқ мулки қоларди. Бу бояқишнинг эса ҳеч нимаси қолмади, – дебди.

Подшоҳ бу гапдан эриб, чўпонга қамчисини узатибди-да, дебди:

– Саройимга бор, бу қамчинни кўрсатсанг ҳеч ким сенинг йўлингни тўсмайди. Мен сенинг бошинг устидан дур сочаман.

Уч-тўрт кун ўтгач, чўпон «бориб кўрай-чи», деб йўлга тушибди. Чиндан ҳам уни сарой эшиги олдида бирор йўлини тўсмабди.

Чўпон ичкарига кирганида подшоҳ ибодат қилаётган экан.

– Нима қиласпти у? – деб ажабланибди чўпон. У шу ёшга кириб намоз нималигини билиш у ёқда турсин, Аллоҳнинг номини ҳам эшитмаган экан.

– Илтижо қиласпти, – деб тушунтиришибди унга.

– Нима сўраяпти? – деб сўрабди чўпон.

– Бойлик сўраяпти, – дейишибди.

– Агар ўзи бойлик сўраётган бўлса, менинг ундан бир нима сўрашимга ҳожат йўқ экан. Мен ундан эмас, балки у илтижо қилаётган Зотнинг ўзидан сўрай қоламан, – деб изига қайтибди.

Чўпон подшоҳ қандай ҳаракатлар қилган бўлса, қайтариб «Эй, Худо, сенга подшоҳ ҳам илтижо қилиб бойлик сўради, ўша бойлиқдан менга ҳам бер, кўриб тургандирсан, мен жуда камбағалман», дебди.

Орадан ҳафта ўтиб, чўпон чодирини кўчириш ҳаракатига тушибди. Устунни кўмиш учун чуқур кавлаётган экан, олтин ва кумуш тўла кўза чиқибди. Чўпон кўзани кўтариб, подшоҳга рўпара бўлибди.

– Шу пайтгача нега келмадинг, сени кутдим? – деб сўради подшоҳ.

Чўпон келиб-кетганини, кўрганини айтгач:

– Мен ҳам сиз илтижо қилган Зотдан сўраган эдим, шу бойликни берди. Мулозимингизга айтинг, ҳисоблаб, қабул қилиб олсин.

Подшоҳ чўпоннинг марҳаматидан қувониб, олтин-кумушларни санаб олишни буюрибди. Вазир эса бош чайқаб дебдики:

– Чўпоннинг иккитагина қўйи бор эди, сиз учун сўйди. Сиз уни мукофотламоқчи эдингиз, у сиздан ҳеч нима сўра мади. Уни Худо тақдирлади. Энди Худонинг инъомини тортиб олмоқчимисиз?

Қиссадан ҳисса: кўз тўймаса шунақаси ҳам бўлиб тураркан.

* * *

Кишининг комил саодатга эришмоғи учун аввало ҳалқ фаровон бўлмоғи даркор. Ҳалқ фаровон бўлмоғи учун оила баҳтли бўлмоғи шарт. Оила баҳтли бўлмоғи учун кишининг ўзида эзгулик бўлмоғи лозим. Кишида эзгулик бўлмоғи учун унинг қалби тоза бўлмоғи зарур. Чунки кишининг хазинаси айнан ўз қалбидадир. Қалбнинг покизалиги учун тўғри, ақлли, ҳикматли фикрлар даркор. Ақлли фикрлар учун эса юқори даражадаги билим керак. Юқори даражадаги билимга етишмоқ учун киши ўзини-ўзи ўқишга ўргатмоқ лозим.

Дунёдаги барча нарсалар ўзининг илдизига ва оқибатга эга, барча ишларнинг ибтидоси ва интиҳоси мавжуддир. Мана шу бошланиш ва якунланиш масофаси ораглифида нималар биринчи даражали муҳим, нималар охирги даражани ташкил этади – буни англаб етиш киши эгаллаган билимнинг мағзини белгилайди. Кишининг комиллик сари қадам қўйиши барча нарсаларнинг ибтидосидир. Агар унинг билим дарахти илдизи бефарқлик ва илтифотсизлик бўлса, меваси ҳам шунга ярашадир. Киши асосий мақсадини аниқ белгилаб олгач, бошқа майдачуйда ният ва умидларни четга суриб хотиржамлик ва саботга етишади. Осойишталик ва саботга етган киши маълум бир нарса хусусида тиниқ фикр юритмоғи мумкин. Маълум бир нарса хусусида тиниқ фикрлай олгач, мақсадга етишмоқ мумкин.

Ўтмиш файласуфларининг фикри шундай экан.

* * *

Сўрадилар:

– Олижаноб киши мардликни, жасурликни қадрлаши керакми?

Жавоб бердилар:

– Олижаноб инсон энг аввало адолатни қадрлайди. Олижаноб киши жасур бўлса-ю, адолатсизлик қиласа, фитна ва нотинчликни уйғотади. Адолатдан узоқ, аммо жасур майда одам эса қароқчига айланади.

Сўрадилар:

– Олижаноб киши бирон бир одамни ёқтирмаслиги мумкинми?

Жавоб бердилар:

– Мумкин. Аввало фийбатчилардан ҳазар қиласи, пастроқ мартаба эгаларининг юқори амалдагилар олдида лаганбардорлик қилишларидан нафратланади, одатларга хилоф иш юритувчи мардлардан, жасур, аммо қайсарлардан ўзини нари тутади.

Сўрадилар:

– Яна кимларни ёқтиirmайди?

Жавоб бердилар:

– Бирорнинг ақли билан тирикчилик қилувчиларни, бўйсунмасликни жасорат, чақимчиликни ҳақиқатгўйлик деб билувчиларни ёмон кўради.

* * *

Инсон табиати кўп ғалатидир: бойлигини йўқотса, қай-фуради, дунё кўзларига қоронғи кўринади. Аммо, ҳаёти-нинг кунлари мангуга йўқолаётгани билан иши йўқ...

* * *

Иттифоқо ҳукмдорнинг кўзи боғбоннинг гўзал хоти-нига тушибди-ю, шайтон васваса қила бошлабди. У боғ-бонни бир баҳона билан сафарга жўнатибди-да, гўзалга «барча эшикларни яхшилаб беркит», деб буюрибди. Хо-тин амрни бажаргач, эҳтиётдан сўрабди:

– Ҳамма эшикларни беркитдингми?

– Йўқ, – дебди аёл, – учта эшикни ҳарчанд уринсам ҳам беркитолмадим.

– Қайси эшиклар экан, ўзим беркитай, – дебди нафсга банди ҳукмдор.

– Уларни сиз беркитолмайсиз. Мен виждон, ҳаё, садо-кат эшикларини беркитолмадим.

Ҳукмдорга озгина бўлса-да, инсоф бор экан, аёлнинг гапини эшитиб, ўзининг қилиғидан уялибди.

* * *

Бир тошкесар топган пулинни ўзи еркан, ортса гадо-ларга бераркан, улардан-да ортса – итларга ташларкан. Эртаги куни учун ҳеч нарса олиб қўймас экан. Кунлар-нинг бирида сафардаги тақводор унинг кулбасига қўнибди. Тошкесарнинг қандай яшашини кўриб, дуо қилибди-ки:

– Йа Раббим, бу қулингни бунчалик камбағалликда ушлама, унга ҳам бойлик бер.

Унинг илтижосига жавобан фаришта дебдики:

– Сен кимни дуо қилаётганингни фаҳмламадинг. Биз унинг феъл-атворини биламиз, бойлик берилса у ўзини эплай олмай қолади.

– Бу одам борига қаноат қилиб яшашга ўрганган, бойлик олдида талвасага тушмайди, – деб яна илтижо қилибди тақводор.

Хуллас, унинг дуоси ижобат бўлиб, тошкесар тоғда бир форга дуч келибди. Ичкари кирибди-ю, беҳисоб бойликка эга бўлибди.

У бойликни яширинча уйига ташиб келтирибди. Сўнг бошқа мамлакатга кўчибди. Данфиллама сарой қурдирбди. Эшиклари оғзига посбонлар қўйибди. Хасислик балосига мубтало бўлиб, муҳтожларни ҳам унутибди, ҳатто унга бойлик ато қилган Худони ҳам эсидан чиқариди. Шунда фаришта тақводорга бу ҳақда хабар берибди. Тақводор тошкесарни инсофга чақирмоқ қасдида йўлга тушиб, унинг саройига рўпара бўлибди. Посбонлар уни ичкарига киритмай, уриб-уриб ҳайдashiбди. Шунда фаришта яна пайдо бўлиб дебдики:

– Кимни дуо қилганингни энди фаҳмлаб етдингми?

– Айбдор менман, ҳар қандай жазога тайёрман, – дебди тақводор.

– Бойликни ҳамма ҳам кўтара олмайди. У тошкесарлигини қилгани маъқул, – дебди фаришта.

Ўша кунлари тошкесар мамлакат подшосига қарши фитна тайёrlаётган экан. Подшо бундан хабар топиб, уни таъқиб эта бошлабди. Одамларини зинданбанд қилибди, саройининг кулинни кўкка совурибди. Тошкесар бир амаллаб қочиб қутилибди. Бойлик топган куни тоғда қолдирган чўкичини излаб топибди – аслига қайтибди.

Худди шунга ўхшаган воқеалар ҳозир кўп учраяпти. Бир қарабалса – одамнинг тагида қўш машина, сароймонанд уй қурган. Бир қараса, машиналар ҳам, уйлар ҳам сотилган... Кечаги бой бугун қарзга ботган...

* * *

Ҳотамтойнинг қўргонида қирқта дарча бор экан. Ҳар куни муҳтоjlар шу дарчаларга келишаркан, Ҳотамтойдан садақа-эҳсонларни олиб, дуо қилиб кетишаркан.

Бир куни Ҳотамтойнинг укаси онасига нолиб қолибди;
– Нима учун ҳамма фақат акамни алқайди, дуо қилади. Мен ҳам саҳийман-ку?

Онаси ўғлининг бошини меҳр билан силабди-ю, жавоб бермабди.

Эртасига дарчалардан бирида тиланчи кампир кўринибди. Ҳотамтой уйда йўқ экан, укаси садақа берибди.

Ҳалиги кампир иккинчи дарчадан келиб сўрабди. Ука яна садақа берибди. Учинчи дарчадан ҳам узатибди. Тўртинчига келганда Ҳотамтойнинг укаси:

– Сен қанақа тиланчисан ўзинг, ҳозир уч марта олдинг-ку? – деб аччиқланибди. Шунда кампир бошидаги эски ёпинчиқни олибди. У гадо эмас, Ҳотамтойнинг онаси экан.

– Ана кўрдингми, ўғлим, – дебди она, – мен шу аҳволда қирқта дарчадан сўраганимда ҳам аканг лом-мим демай садақа берган. Сен ўзингни саҳий деб билганинг билан, асли қонингда хасислик бор, болам. Аканг чақалоқлигига битта кўкрагимни эмиб, иккинчисини эммас эди, сенга илинарди. Сен эсанг, битта кўкрагимни эмиб туриб, иккинчисини қўлинг билан чанглаб, беркитиб турардинг... Акангдай бўлолмаслигингни мен ўшанда билганиман...

Дунёдан кўп бойлар ўтди. Ҳотамтой эса биттагина эди. Ҳозир ҳам бойлар кўп дунёда. Ҳотамтой эса...

* * *

Бир одамнинг рўпарасидан ожиз одам чиқиб қолди. «Бу кўзи ожиз одамни бир синаб кўрмайми?» дебди у киши ва тўғри бориб унга урилибди.

– Сен қандай безорисан, мендай кўзи ожиз нотавонни туртдинг-а, Худодан қўрқмайсанми? – деб нолибди ожиз.

– Мен ҳам ожиз одамман, сенга беҳос урилдим, кечир мени, – дебди у киши. Узр қабул этилиб, улар ўтирибдилар-да, ширин суҳбатни бошлабдилар.

– Омадим келиб йигирмата кумуш тангага етишдим, – дебди у киши, – лекин бу тангаларнинг қай бири асл, қай бири сохта экан, билмайман.

– Омадингиз келибди, биродар, мен кўзим кўр бўлгунiga қадар заргар эдим. Тангаларнинг қай бири сохта, қай бири асл – бармоқларим билан силаб туриб ҳам билбид бераман.

У киши гўё ожизнинг гапига инонган бўлиб, кумуш тангаларни берибди. Ожиз эса тангаларни белбоғига туғиб, ўтирган еридан сурила-сурила нари кетибди-да, писиб олибди. Назарида беркиниб олгандай бўлибди. Кўзи очиқ киши унинг бу қилиғидан ачиқланса-да, худди ожизни кўрмәётгандай, илтижо қилибди:

– Қаердасиз, биродар, мен пулларни кўп азоблар билан топган эдим, шўримни қуритиб қўйманг, ўзингиз эса гуноҳга ботманг.

Ожиз жавоб бермай, писиб ўтираверибди. Шунда у киши бир кесак олибди-да:

– Худойим, ўзинг меҳрибонсан, агар у биродорим шайтон йўлига кириб, тангаларимни олиб қўйишни хаёл қилган бўлса, шу кесак унинг оёғига тегсин, – деб кесакни отибди. Ожиз оёғига кесак тегиши билан чўчиб, янада нарироқ сурилибди.

– Раббим, мен биродарим деган одам маккорлик қилиб тангаларимни олиб қўймоқчига ўхшайди. Агар шундай бўлса, бу кесак унинг елкасига тегсин! – Бу сафар ҳам кесак мўлжалга теккач, ожиз яна жойини ўзгартирибди.

– Аллоҳим, ўзинг меҳрибонсан. Агар биродарим чиндан ҳам маккор ўғри бўлса бу тош пешонасига тегиб, миясини ўпириб чиқиб кетсин! – дебди у киши. Бу галдан ожиз қўрқиб кетибди. «У икки марта кесак отувди айтган жойга тегди, буниси ҳам мўлжалга тегса, ўламан, тангалар кимга қолади?» – деб ўйлаб, жонҳолатда:

– Ҳой, биродарим, мунча ҳовлиқмасанг, мен тангалингни саралаяпман-ку, ахир, – дебди.

– Худо сени бекорга бу аҳволга солмаган экан. Сен – сўқир, мен басирни алдамоқчи бўлдинг-а! – деган экан у киши.

Ҳаётда шунақаси ҳам учраб туради. Ҳеч ким кўрмаяпти, деб гуноҳларни қилаверамиз. Билолмаймизки, ҳатто тун пардаси ҳам айбларимизни ёпа олмайди. Ҳазрат Аҳмад Яссавий болалик чоғларида муаллимлари буюрибдиларки:

– Болалар, эртага ҳар бирингиз битта хўrozни тутиб, Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойда сўйиб келинглар.

Болаларнинг бири хўrozни тунда сўйибди, яна бири кўприк остида... сўйиб келишибди. Аҳмад Яссавий ҳазратлари эса хўrozни тиригича кўтариб келибдилар.

– Сен нима учун айтганимни қилмадинг? – дебди муаллим.

Шунда бўлажак валий жавоб берибдиларким:

– Устоз, мен хўrozни сўймоқлик учун Аллоҳнинг назари тушмайдургон жойни тополмадим. Ер юзасининг ҳар бир нуқтасига, куну тун Аллоҳнинг назари тушиб турибди.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий болалик чоғларидаёқ бу ҳақиқатни англағанлар. Агар инсон болалари ҳам бу ҳақиқатни тушуниб етсалар эди, қанча-қанча гуноҳларнинг олди олинарди...

* * *

W Нималарни олтин қуммати билан ўлчаб бўлмайди: отаона дуосини, ота-она меҳрини, ота-она юзидағи нурни. Яна чин дўстни, ёрнинг вофосини, фарзанднинг кулгисини. Бир қоп олтини бор одам булардан бебаҳра бўлса бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам куйган, деяверинг.

* * *

Сурув қайтяпти. Қор-ёмғирларни роса шимиб семирган ерни қоплаган ўтлоқда тўйган қўзилар терисига сифмайди. Икки қўзи бир-бирига калла уряпти: улар дунёнинг лаззати шу урушда, «зўрман», деган қўчқорни қочириб, гердайиб юришда деб биладилар. Икки қўчқор қўзи олишаётган дамда учинчиси урғочига сакраяпти. У дунёнинг лаззатини фақат шунда деб билади...

* * *

Мушуклар итлардан кўп. Улар чаққон. Ҳаракат доираси ҳам кенг. Лекин итлардан қўрқишишади. Чунки улар сира бирлаша олишмайди. Беш-ўн ит бирлашиб олиб ҳуриши, одамни қўрқитиши мумкин. Ҳатто талашдан ҳам қайтмайди. Лекин мушуклар бирлашиб туриб, итларга қарши миёвлай олишмайди. Уларнинг фожиаси ҳам шунда.

* * *

Радиомухбир тишга оид хасталиклар шифохонасидан ҳикоя қила туриб, «30-йилларда ҳам Тошкентда тиш докторлари бор экан, демак, медицинанинг бу соҳасида ҳам тарихимиз бор», деб фахрланди. У айтмоқчи бўлган тарих 70–80 йилни ташкил этадими? Нодонлик ҳам шунчалар бўладими? Қадим аждодларимизнинг тишлари бор эдими? Тишлари оғриб ҳам тургандир, даволатишгандир ё олдиришгандир? Ё «қачон XX аср кириб қеларкин, қачон совет медицинаси билан стоматология пайдо бўларкин?» деб орзу қилиб,вой-войлаб юраверишганми? Радиомухбир суҳбатлашаётган врач эса «тиш чўткаси Тошкентда пайдо бўлган, кейин Европага ўтган. Тошкентда дараҳт шохини қайнатиб, тишга суртишган», деб изоҳ берди. Ўзбекчани русча талаффуз билан аранг гапираётган бу йигитдан хафа бўлмаслик мумкин: тилни билмаган тарихни билармиди?

Аввало, ҳар қандай дарахтнинг шохини тишга суртиш мумкин эмас. Қолаверса, қадимдан тиш мисвак

билан тозалангани маълум. Мисвак – шоҳ эмас, илдиз. Асосан араблар юртидан келтирилган. Мисвак билан тиш тозалаш – суннат амали ҳисобланади. Бу – 1400 йиллик тарих. Ундан олдин ҳам тозалаш усуулари бўлгани шубҳасиз. Фақат не иснодки, камина ҳам буни аниқ билмайди. Билганимиз: қадимдан то XX асрнинг биринчи чорагига қадар сартарошлар зиммасида тишни даволаш ҳам бўлган экан. Сартарошларнинг айримлари соч-соқол олишдан ташқари ўғил болаларни хатна қилишган, тишни даволашган ёки сугуришган. Замонавий стоматология ривожланиб, одамлар сартарошхоналарга бормай қўйишиди. Ажабки, жарроҳлик (хирургия) ривожланса ҳам, болаларни ҳамон сартарошларга ишонишиади. Нега шундай экан? Совет даврида хатна қилган жарроҳ эскилик сарқити билан шуғулланаяпти, деб жазоланган. Балки шу баҳонада жарроҳлар ҳанузгача ғайрат қиласлар?

* * *

Хушахлоқ, маънавиятнинг комиллигига эришмоқни мақсад қилган кишининг қалби озод бўлмоғи шарт. Кимларданdir ранжийверадиган, нималарданdir қўрқаверадиган, ҳиссиётга берилаверадиган одамнинг қалби озод бўлолмайди. Кимки ўзини қўлга ололмаса, фикрларини фойдали нуқтага қаратолмаса, беҳуда нарсалар билан овора бўлса, кўриниб турган нарсани кўра олмайди, эшитилиб турган ҳақиқатни эшитолмайди. Оқибатда оқуқорани ҳам ажратиш фазилатидан маҳрум бўлади.

* * *

Донолар дебдиларким: энг кам баҳслашувчилар энг оқил муаллимлардир.

* * *

Доно одам тилидан учайдиган ҳар бир сўз учун эҳтиёт бўлмоғи шарт. Чунки биттагина сўзи уни маънили одам мартабасига кўтариши ёки жоҳиллик ботқоғига ботириб қўйиши мумкин.

* * *

Агар бирорни яхшиликка ўргатиш қўлингиздан келса-ю, ўзингизни четга олсангиз – сиз биродарингизни йўқотибсиз демак.

Агар бир одам насиҳатингизни қулоғига олмаса-ю, сиз тинмай гапираверсангиз – яхши сўзни йўқотибсиз, ҳавога совурибсиз.

Доно одам биродарини ҳам, сўзини ҳам йўқотмайди, дейдилар.

* * *

Ҳар ким ўзи билганича ва ўзи хоҳлаганича дуо қилади, яъни Тангри таолога илтижо қилиб, ниманидир сўрайди. Баъзилар бир ҳафта ёки ўн кун дуо қилади. Сўрагани берилавермагач, ҳафсаласи пир бўлиб, дуони тўхтатади. Кўпчилик дуони сўрамоқлик, деб ҳисоблайди. Бу фикрни бутунлай инкор этиш ниятимиз йўқ. Бироқ, сўрашда ҳам сўраш бор-да! «Чойнакни узатиб юборинг», «сигарет чектиринг» ҳам сўраш. Аниқроқ айтсак, тил учидан сўраш. Дуо эса қалбдан чиқмоғи керак. Яъни, аввал қалбингизни Аллоҳ билан боғламоғингиз, ўзгача таъбир билан айтсак, Аллоҳни танимогингиз керак. Сўраётган лаҳзангизда тўлалигича Яратганга банди бўлмоғингиз шарт. Тилингиз хонадонингизга барака тиласа-ю, хаёлингиз таниш жувонни ресторонга таклиф этиш муаммоси билан банд бўлса, бу дуо ҳисобланмайди. Дейлик, бир қоп буғдойни кўтара олмайсиз. Сизга ёрдамчи керак. Рўпарадан олти ёшли гўдак билан йигирма яшар йигит келяпти. Сиз ҳеч қачон олти ёшли болага мурожаат этиб, «кўтаришиб юбор», демайсиз. Йигитдан илтимос қиласиз. Айни чоқда сиз йигитнинг кучини танидингиз, унга ишондингиз. Дуо қилинаётган нафасда ҳам Аллоҳнинг буюклиги, ягона қудрат эгаси, меҳрибон ва раҳмдил эканини ҳис қилиб туриш керак бўлади.

Донишмандлар айтишганки: «агар мен сенга Худо ҳақида гапирсам, тилла ёки кумушдан ясалган бир буюм

ҳақида гапиряпти, деб ўйламагин. Сенга баён қилаётганим Худо – сенинг қалбингдандир. Ташқаридаги мавҳум нарса эмасдир. Ёмон хулқинг ва бузуқ ишларинг билан сен энг аввало ўз қалбингни ифлослайсан. Қалбингдаги Аллоҳни инкор этган бўласан. Агар тилладан бир бут ясалса-ю, «Мана шу Худо бўлади», дейилса, сен унга рўпара келсанг ёки ёнидан ўтаетганингда озгина бўлсада, ҳайиқасан. Шу ҳайкал пойида гуноҳ иш қилишдан тийиласан. Лекин ҳар бир қадамингни кўриб турувчи, ҳар бир нафасингни сезувчи, ҳар бир ниятингнинг моҳиятини англовчи, қалбингдаги Аллоҳдан қўрқмайсан, гуноҳдан қайтмайсан. Бирорга зулм қилиш учун режа тузаетганингда ёки пок аёлни бузуқликка чорлаётганингда ақалли уялиб ҳам қўймайсан...

Агар биз Аллоҳ қалбимизда эканини, барча яхши-ёмон ишларимизга ўзи гувоҳлигини ҳамиша ёдда тутганимизда эди, гуноҳлар дафтарини тўлдирмас эдик. Аллоҳ ҳам гуноҳкор қалбларни тарк этмас эди.

* * *

Бир йигит қазо қилди. Бундай ҳолларда «бевақт вагонт этди», дейишга кўникканмиз. Билмаймизки, ўлим бевақт келмайди. Аллоҳ тайин этган аниқ нафасда келади. Инсон ризқида белгиланганидан бир луқма ҳам кўп емай, бир луқма кам ҳам емайди. Бир нафасни ортиқча ҳам, кам ҳам олмайди. Юраги битта кўп ҳам, кам ҳам урмайди. Ҳар бир одам ўз вақтида ўлади. Биз буни билмаймизми? Биламиз, фақат «бевақт» деб ўзимизни алдаймиз. Ҳўп, алдамас эканмиз, «вақтида» келган ўлим қандай бўлади? Қачон ва қай ҳолда келади? Етмиш ёшдами ё саксондами? Балки тўқсон бешдадир. Аниғи шуки, ўлим айни вақтида келади. Биз, ўзимиз уни қаршилашга, Тангри берган омонатни қайтариб беришга, у дунёда кутилажак савол-жавобга вақтида тайёр бўлмаймиз...

Бир киши қүшбозорига бориб, иккинчи кишидан чумчукни қафаси билан бирга сотиб олиб, уйига олиб келибди. Қүшчанинг бошини узиб, шўрвага солиш ниятида қўл чўзган эканки, мўъжиза юз бериб, чумчуқ худди одам каби гапира бошлабди:

– Эй марҳаматли одам, мени еб нима наф топардингиз, яххиси мени қўйиб юборинг, эвазига учта фойдали гап айтай сизга.

У одам «ҳамонки қушча одам тилида гаплашдими, демак, бунда сир бор. Айтадиган гапи ҳам анов-манов бўлмас», деган тўхтамга келиб, қушчага, «насиҳатларингни айт», дебди.

Чумчуқ:

– Биринчи насиҳатимни қафас ичида айтаман, иккинчисини қўлингизга қўнган ҳолда, сўнггисини эса дарахт шохига қўнгач айтаман,— деб шарт қўйибди. У одам шартга қўнгач, биринчи фойдали гапини айтибди:

– Қўлингиздан кетган нарсага афсусланиб, ранжиманг. Чунки у барибир изига қайтмайди.

У одам «гапида ҳикмат бор, лекин бу асосий насиҳати эмасдир», деган фикрда қафасни очибди-да, қушчани қўлига қўндириб, «иккинчисини айт-чи», дебди.

– Агар биронтадан ақлга сифмайдиган гап эшигудай бўлсангиз асло унга ишонмангиз, – дебди чумчуқ, сўнг учиб бориб дарахт шохига қўнибди-да: – нодон одам экансиз, қорнимда йигирма мисқоллик гавҳар бор эди, сезмай мени учириб юбордингиз-а, шунча бойликдан қуруқ қолдингиз-а, – дебди..

Бу гапни эшигтан одамнинг эс-ҳуши учиб, бошларига муштлаб, ўзини лаънатлай бошлабди. Чумчуқ унинг аламли ҳолатини бир оз кузатибди-да:

– Эй инсон фарзанди, ҳозиргина сизга икки фойдали гап айтган эдим. Бу гаплар у қулоғингиздан кириб, бунисидан чиқибди-да, а? Аввал айтдимки, қўлингиздан кетган нарсага зинҳор афсусланманг, деб. Мен қўлин-

гиздан учиб кетдим, энди минг надоматлар чекинг, қайтмайман. Шундай экан, ўзингизни лаънатлаб нима қиласиз? Учиб кетиш олдидан айтган иккинчи фойдали гапим шу эдики, биронтадан ақлга сиғмайдиган гап эшитсангиз, инонманг. Бу насиҳатни ҳам дарров унутибсиз. Қани, бир ўйлаб кўринг-чи, ўзим кичкинагина бўлсам, ўн мисқол ҳам чиқмасам, қорнимга йигирма мисқоллик гавҳар сифар эканми, а? – дебди.

Бу гапдан у одамнинг эси ўзига келиб, чумчуққа ялиниб;

– Унда учинчи гапингни айт, балки фойдаси тегар, – дебди.

– Менга яхшилик қилдингиз, сўзларимга ишониб, эркинлик бердингиз, – дебди чумчуқ – шунинг эвазига бу дарахтни тагини кавлангда, олтин тўла кўзани олинг.

Умидвор киши чумчуқнинг айтганини қилиб, олтин тўла кўзани қазиб олибди-да:

– Шунчалар ақлли экансан, ҳатто ер остидаги олтин тўла кўзани кўрибсан-у, ўз оёғинг тагига қўйилган тузоқни кўрмай, оқибатда қафасга тушибсан, – дебди.

Шунда чумчуқ дебдики:

– Эй инсон фарзанди, ғафлат ғалаба қилганида, кўрап кўз ҳам кўрмас бўлиб қоларкан...

Чумчуқнинг ақли етган ҳақиқатга одамлар кўп ҳолларда етиб боролмайдилар. ғафлатдан ўзи асрасин...

* * *

Ҳазрат Алишер Навоий чин сўзни мўътабар, деб шарафлаганлар. Ёлғонни барча ёмонлади, аммо ҳамма ҳам ундан қочмайди. Шундай одамлар борки, ёлғон гапира-гапира ҳузурланадилар, кимнидир алдаганларидан фахрланадилар. Инсоф эгалари эса аксинча.

Подшоҳ овда кийикни қувиб юрган экан. Кийик бир инсоф эгасининг ёнгинасидан қочиб ўтиб, бутазорга яширинибди. Орадан кўп ўтмай подшоҳ инсоф эгасига рўпара келиб:

– Шу ердан бир кийик қочиб ўтмадими? – деб сўрабди.

Инсоф эгаси оғир вазиятга тушибди: кўрдим, деса бе-чора кийик ўлдирилади. Кўрмадим, деса ёлғон гапирган бўлади ва ўзи гуноҳга ботади. Шунда инсоф эгаси доно-лик билан дебдики:

– Эй подшоҳим, кўзларим кийикни кўрдилар аммо га-пиролмайдилар. Тилим гапира олади, аммо у кийикни кўрмади.

Подшоҳ бу доно гапдан сўнг кийикдан воз кечиб, изи-га қайтган экан.

Ҳаёт қизиқ: ёлғонга ишониб, чин гапга ишонмайди-ганлар ҳам бўлар экан.

Ривоят қилишларича, уч ака-уканинг каттаси бева қолиб, сўнг орадан пича фурсат ўтгач, уйланибди. Кич-кинагина тўй ҳам қилишибди. Меҳмонлар кетишгандан сўнг қарашса, кўчада, шундай эшиклари ёнида анчаги-на бойлик ортилган оқ тую турганмиш. Ака-укалар қуво-ниб, бойликни ташиб олишибди-да, бирор билмасин, деб туюни сўйишиб, терисини кўмиб қўйишибди.

Эртасига таянинг эгаси қишлоқقا келибди. Йўлда катта акани учратиб, оқ тую кўрган-кўрмаганини сўрабди.

– Мен буғдой экмоқчиман, – дебди ака унга жавобан.

– Мен сендан оқ таянни сўрайпман, кўрган бўлсанг айт, эвазига суюнчи бераман.

– Экиб бўлганимдан кейин ёмғир ёғса дуруст бўларди.

– Мен сендан оқ таяни сўрайпман! – деб аччиқланибди таянинг эгаси.

– Тўғри фаҳмлабсан, ошна, манави ҳаром ўлгур ола буқа, ишга ярамай қоляпти, – дебди ака.

Таянинг эгаси «бу одамнинг эси оғиб қолган», деган фикрга келиб, йўлида давом этибди-да, ўртанча ўғилга дуч келибди. Касби тўқувчи бўлган ўртанча ўғил даст-гоҳни созлаётган экан.

– Мен оқ таянни йўқотиб қўйиб, излаб юрибман, – дебди тую эгаси.

– Сизга тўғри айтишибди, – дебди ўртанча ўғил, – мен чиндан ҳам тез тўқийман. Файрат қилсан, кунига икки қулочгача олиб бораман.

– Мен сендан туюни сўраяпман!

– Дастроҳ менини эмас-да, бўлмаса сизга сотардим.

Туюнинг эгаси «Мен қанақа юрга келиб қолдим ўзи?!» деб аччиқланиб нари кетибди-да, кенжатойга йўлиқибди. Кенжатойнинг касби тикувчи экан. «Оқ туюни кўрдингми?» деган саволга жавобан:

– Ҳозир ишим жуда кўп, бошқа тикувчига борақолинг, – дебди.

Туюнинг эгаси яна аччиқланиб, йўлида давом этибди-да, бу сафар кечагина катта акага турмушга чиқкан хотинга дуч келибди. Хотин оқ туюни кўрганини, эри билан қайнилари уни сўйишганини айтибди. Шунда туюнинг эгаси:

– Бу воқеа қачон содир бўлди? – деб сўраганида хотин:

– Аниқ эсимда, мен никоҳланган кечаси бўлувди, биринчи кечада эрим ёнимда бўлмай, туюн билан ўралашиб қолувди, – дебди.

Туюнинг эгаси яна аччиқланибди:

– Бу юртдагилар ҳаммаси тентак экан. Мен кеча йўқолган туюмни сўрасам, бу телба хотин эрга теккан кунини эслаб, бошимни қотиряпти.

Туюнинг эгасига ҳеч ким ёлғон гапирмаганди: катта aka чиндан ҳам буғдой экаётганди, ола буқаси ростдан ҳам қариб, кучсизланиб қолганди, ўртанчаси ростданам тез тўқирди, кенжатой рости билан банд эди... Рост гапларга ишонмаган туюнинг эгаси қуруқ қолди...

Тўғрилик Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари кабидир. Эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилик ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади. Тўғрининг ёрдамига чопган – Аллоҳ таолонинг ёрдамига чопган. Ҳар бир сохталик иймонсизликка етаклайди, ҳар бир тўғрилик иймондандир.

Инсондаги ажойиб хулқлардан бири ростлик – тұғрилиkdir. Тұғрилик одамдаги барча ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлады. Тұғрилик издан чиқди-ми, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Ҳоҳ катта ва улуғ ишлар бўлсин, ҳоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қаралса, уларда тұғрилик йўқ экан, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тұғрилик билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тұғрилик билан бардам ва устувордирлар. Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, тұғри яшамоги муҳимроқ. Тұғриликка ишонмаган ақлнинг ўтқир бўлганидан фойда йўқ. Соатнинг ҳам югуриб кетиши эмас, тұғри юриши муҳимроқ. “Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тұғрилик йўлини тут, – дейди дониш аҳли. – Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тұғри бўлгани учун юзи доим гулгун. Камон эгри бўлгани учун каноп билан боғланиб, банди қилинган”.

Халифа Ҳорун ар-Рашид янги сарой бино қилишни ихтиёр этди. Унинг истаги бўйича сарой ўртасига тұғри бир устун қўйиш зарурати туғилди. Халифанинг буйруғига кўра, шундай устунбоп ёғочни қидира-қидира Бағдодга яқин бир қишлоқдан топдилар. Устунбоп ёғоч Бағдодга келтирилганда Ҳорун ар-Рашид ёнига амалдорларини олиб, устун кўрмоқ мақсадида қурилиш майдонига келди. Амалдорлар орасида донишманд Баҳлул ҳам бор эди. У устунга яқин келиб, зенгашди-да, нимадир деб пи-чирлади. Сўнг янада зенгашиб, устунга қулоғини тутди.

Унинг бу қилифидан барча таажжубланди. Халифа эса бу ҳаракатининг сабабини сўради. Донишманд бундай жавоб берди:

– Мен устундан: “Ўзинг бир ёғоч бўлсанг-да, халифа жаноблари сенга пешвоз чиқиб, кўргани келдилар. Бундай иззат ва ҳурматга лойиқ бўлишинг сабаби недир?” – деб сўраган эдим, бундай жавоб қайтарди: “Мен эгри бўлмадим, тўпта-тұғри ўсдим, тұғрилигим туфайли шун-

дай иззатга муносиб кўрилдим. Эгри бўлсам эдим, майдалаб, ўтин қилиб ёқиб юборардилар. Тўғри ўсганим учун мени экиб, парваришлаган кишининг хонадонини ҳам бойитдим”.

Ривоят қилишларича, фуқаролардан бири амир Алининг олдига келиб:

– Ё амир, исломда ман қилинган нарсалар кўп. Мен ёлғон сўзлайман, ўғрилик қиласман, шароб ичаман, бошқа гуноҳларим ҳам бор. Лекин мен ана шу гуноҳ ишларнинг ҳаммасидан бирданига халос бўлолмаяпман. Бинобарин, яхши фазилатлардан бирини ўргатинг, токи гуноҳ қилмоқдан халос бўлай, – деди.

– Ёлғон сўзлашдан ўзингни сақлагин, – деб насиҳат қилди амир Али.

У киши Алининг ҳузуридан чиқиб, ўз юмушига кетди. Йўл устида майхона бор эди. Унинг дилида шароб ичишга майл туғилди ва шу ниятда майхона сари юрди. Юра туриб ўйлади: “Агар амир мендан “Шароб ичдингми?” деб сўраса, мен “ҳа”, деб тўғрисини айтсан, у ҳолда жазога рўпара бўламан. Агар “йўқ” деб жавоб берсан, алҳол “ёлғон гапирмайман”, деб аҳду паймон қилганман”. У киши ўйлай-ўйлай нафсини енгди-ю, шароб ичмоқ фикридан қайтди.

Шунингдек, йўлда бир хотинни учратиб, шаҳвоний ҳирси қўзғаб, зино қилмоқ ҳаракатига тушди. Бироқ, аввалгидек қилган аҳду паймони ёдига келиб, бу бузуқликдан ҳам воз кечди. Натижада, қайси бир гуноҳ ишнинг устидан чиқса, эсига ёлғон гапирмаслик ҳақидаги қилган аҳду паймони тушиб, ўзини тўхтатаверди. Шундан сўнг у амир Алининг ҳузурига келиб деди:

– Ё амир! Бир гуноҳдан тўхташим туфайли қаршимда очиладиган барча тўғри йўлларни кўрсатдинг. Барча ёмонликларнинг бошланиши ёлғон гапиришдан вужудга келишини энди тушундим.

Тўғриликка малака ҳосил қилдириш қасди билан боловларга буйруқ бериш, уришиш ва сўкиш фойдали эмас,

балки зааралидир. Бола нима учун ёлғон гапиради? Бирон жазодан қутилиб қолиш учун, шундай эмасми? Эндиғина түрт ёшга тұлған бола косани синдириб қўйди ёки мураббони тўкиб юборди. У онаси ёки отасининг бақиришидан ёки уришидан қўрқади. “Бу ишни мен қилмадим”, деган ёлғон унинг учун нажот бўлиб қўринади. Таҳдид оҳангি билан “ким қилди?” деб сўралса, оддий ёлғон туҳматни чорлайди: айбиз одамнинг номи айтилади. Бу одат оиласдан боғчага, ундан мактабга кўчади. Уйга берилган вазифани бажармаганини яшириш учун айтиладиган “дафтарим уйда қолибди”, деган баҳона неча ўн йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб, то ҳозиргача ишлатилади. Болага тарбия беришнинг йўли ота-она ўзлари болалар олдида рост сўзлашлари, ёлғон гапир-масликлари, болаларга ўрнак бўлишлари ва фарзандларининг муҳаббатларини қозонишга эришишлари орқали бўлади. Одам болаларини эзгуликка ва жаннатга олиб борадиган тўғрилик ана шундай бўлиб, сиддиқлар худди шундай кишилар орасидан етишиб чиқдилар. Оталар ва оналар ўзлари қилмайдиган иш ҳақида болаларига, “ундай қиламиз, бундай қиламиз” дейишлари ёки юпатиш учун ваъда беришлари бола тарбияси учун жуда зааралидир. Кичкитойларга бирон нима ваъда қилсангиз дарров ишона қолмайди, аксинча, ундан “алдаяпсиз” ёки “барибир алдайсиз” деган танбеҳни эшитмайсизми? Эшитганингизда “болам менга нима учун ишонмаяпти?”, деб ўйлаб кўрганмисиз?

Ҳамонки ёлғон энг ёмон иллатлардан экан, бу ҳақда нималар биламиз? Фарзандларимизга бу ҳақда нима дея оламиз? Агар бу хусусда кўп ҳикматларни билсангиз, нур аланныр, суҳбатимиз сиз учун бир такрор ўрнида ўтади. Камроқ маълумотга эга бўлсангиз, Қуръони Карим ва шарафли ҳадисларни ўқинг, улуғлар меросини ўрганиб, дарс олинг.

Ёлғончи одам таҳқир ва койишгагина сазовор эмас, у жуда ҳам мушкул, ноаниқ, мужмал ҳаёт кечиришга маж-

бурдир. Чунки биринчи сўзлаган ёлғонини хаспўшлаб беркитиш учун иккинчи ёлғонга, буни ҳам беркитишга ҳаракат қилиб, учинчи ёлғонга эҳтиёж сезади. Шундай қилиб катта ва қўрқинчли хатоларга дучор бўлади. Ўзининг иззат ва обрўсини ҳалқ орасида йўқотгани соясида доимо қайфу-алам билан умр ўтказади. Демак, ёлғончилик ва иккюзламачилик жуда ҳам нафрат этиладиган иллатлардан саналади, ёлғон сўзлаш – ўзини камситиш ва таҳқир қилишдир. Бу ёмон иллатни тарк этиш лозимлигини билишнинг ўзи кифоя эмас. Афсусларки, орамизда буни яхши билганлари ҳолда ундан қутилишга бепарво одамлар ҳам топилади. Ёлғончи одамлар ўз ёлғонларига бошқаларни ишонтириш учунгина рост сўзлайдилар. Бу ёлғончиларнинг юзлари кулиб тургани билан қалблари қорадир. Кўринишлари одам шаклида бўлгани билан, ёлғон гапирганлари учун инсонийликдан узоклашганлар. Ибн Масъуд дедиларки: “Энг яхши озуқа тақводир, энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир. Хатоларнинг энг каттаси ёлғондир”. Бу ҳикматдан келиб чиқадиган маъно: қалби кўр одам ёлғони оқибатида келувчи ҳасратни кўра олмайди. Ёлғончиларнинг бу иллатдан қутилишлари учун Арасту ҳакимнинг: “Тўғриликда ўлиш – ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир”, деган ҳикматлари асқотармикин? Эҳтимол, ҳазрат Науойининг: “Бирорким, эрур ростликдан йироқ, анингдек киши бўлмоғон яхшироқ”, деган доно сўзлари таъсир қилас?

Ҳазрати имом Абу Ҳанифаи Куфий (қ.с.) кечалари уч юз ракаат намоз ўқир эдилар. Бир куни кўчадан ўтиб борар эканлар, бир хотиннинг бошқа хотинга: “Бу киши беш юз ракаат намоз ўқийдилар”, деганини эшилдилар. “Шу хотин ёлғончи бўлиб қолмасин”, деб энди беш юз ракаатдан ўқий бошладилар. Бошқа бир кун шогирд боланинг “Бу киши кечалари минг ракаатдан намоз ўқийдилар”, деганини эшитиб, “бола ёлғончи бўлиб қолмасин”, деб энди минг ракаатдан ўқидилар. Шогирдлари-

дан бири айтди: “Халқ сизни кечалари ухламай намоз ўқиб чиқадир”, дейди”. Ҳазрати имом бу гапни эшитиб, “Энди кечалари ухламасман”, дедилар. “Нечун?” деб ажабланди шогирд. “Халқ ёлғончи бўлмасин”, дедилар. Шундан сўнг ўттиз йил ухламадилар. Бомдод намозини хуфтон таҳорати билан ўқир эдилар. Икки тиззалари гўё тута тиззасига айланган эди.

Ёлғон ва алданиш турларини ҳаётда ҳар куни кўплаб учратамиз. Оилада заарсиз туюлган кичик ёлғонни тимсоҳ тухумига ўхшатиш мумкин. Тимсоҳ боласи тухумни ёриб чиқиб ваҳший маҳлуққа айланади. Хотинини ёлғон гап билан алдаётган эр (ёки эрини алдаётган хотин) бу одатни қачон ва қаерда ўрганганини бир мулоҳаза қилиб кўрса ёмон бўлмас эди.

* * *

Аҳли донишнинг таъкидига қарагандо, сир сақламоқлик – тил остига чўғ олиб туришдан ҳам машаққатлироқ эмиш.

* * *

Баъзи бировларнинг қулоқлари ҳақ сўзни эшитишга келганда игна тешиги каби торайиб, фосиқ сўзлар учун эса катта дарвоза каби очилиб кетаркан.

* * *

Одамнинг ўзига-ўзи ишониши гўзал фазилатdir. Бу фазилат ўз қобилияти даражасини билувчи кишиларга хосдир. Кишининг ўзига бўлган ишончи ўзгаларга бўлган ишончининг асосини ташкил этади. Ҳаёт йўлида учровчи кўпгина муваффақиятсизликнинг асосий сабабларидан бири кишининг ўзига ишонмаслигидан келиб чиқади. Чунки ўз-ўзига ишонч буюк ишларнинг энг биринчи зарур шарти ҳисобланади. Энг даҳшатли ишончсизлик эса – кишининг ўз-ўзига ишонмаслигидир. Шубҳа – хоин, дейдилар ва у одамни уриниб кўришдан, ҳара-

кат қилишдан қўрқитиб, эришиши мумкин бўлган кўп нарсалардан маҳрум қиласди. Ўзига ишониш, ўз қадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, шунинг баробаринда янада саботли қиласди. Донолар дерларким, безбетлик ва мақтансоқлик – жирканчлидир, бироқ ўзига ишонмайдиган, бу фазилатга эришиш учун ҳаракат қилмайдиган киши жирканчликда ундан қолишмайди.

* * *

Шайтон йўриғидаги банданинг шукур қилмоғи анча қийин бўлади. Аллоҳ таборак ва таоло Қудсий ҳадисда марҳамат қилиб, бандаларига танбех берадики; «Эй Одам фарзанди! Мен яратган неъматларни еб-еб тишларинг малолланиб кетди-ю, лекин менинг шикоятимдан тилинг ҳеч чарчамайди».

Бир мамлакатнинг обод шаҳрида ҳокимдан одамлар ҳамиша шикоят қилаверар эканлар. Подшоҳ шикоятлардан безиб ҳокимни ҳузурига чақирибди-да, ўrniga бошқа одамни тайин этибди. Одамларнинг ношукурликлари эвазига аввалги ҳукмдордан жоҳилроқ, золимроқ одам уларга насиб бўлибди. Янги ҳокимдан жабр кўравериб толиққан аҳолининг боши қотибди; яна подшоҳга мурожаат қилиб, ҳокимни ўзгартириб беринг, дейишга журъатлари етмабди. Шунда бир дононинг маслаҳати билан аҳоли шамчироқларни ёқибди-да, кундузлари кўчаларда изғиб юраверибди. Шаҳар аҳлининг куппа-кундуз куни чироқ ёқиб юришидан хабар топган подшоҳ ажабланиб, сабабини вазиридан сўрабди. Дона вазир жавоб берибди:

– Шаҳар аҳли ношукурлиги учун жазосини олди. Энди кундузи ҳам чироқ ёқиб, аввалги ҳукмдорларини қидириб юришибди...

Қудсий ҳадисдаги илоҳий сўзлар балки ана шундай қавмга аталгандир: «Эй Одам фарзанди, албатта сен мени ёд этиб ва неъматларимга шукур қилиб юрсанг, мен эҳсонимни яна зиёда қилавераман. Агар мени ёд этмай, эсдан

чиқарсанг ва неъматларимга шукур қилмай, куфр қилсанг, бериб турган инъом ва эҳсонимни ҳам тўсиб қўйман». Шундайлардан бўлишдан Аллоҳ сақласин!

Суқрот ҳаким: “Неъмат ва давлатингиз бор пайтда шукур бажо келтириб, бошингизга қийинчилик тушган вақтда сабрни ўзингизга йўлдош қилинг. Сабр ҳар бир енгилликнинг очқичи бўлиб, неъматга шукур қилиш давлат ва осойишталикнинг қўпайишига сабаб бўлади”, деганлар. Одам Ато жон кириши билан аксириб, “Алҳамдуллаҳ!” деганлар. Шукур айтиш бизга Одам алайҳ-иссаломдан мерос.

АЗИЗЛАР, ношукурлик хорликни келтириб чиқаришини биласизми? “Йўқ нарсага қайғурмайдиган эмас, борига шукур қилувчи – донодир”, деган мақолни-чи? Ҳа, баракалла, биласиз. Кўпчилик билади бу ҳикматларни. Аммо, не ажабки, билатуриб ношукурлик қилаверамиз. Ҳалқимизда яна “Еб туриб маърайди-я!” деган ҳикмат ҳам бор. Кузатган бўлсангиз керак, тўкин дастурхон атрофида ўтириб, уч-тўрт хил таомларни тўйиб еб олиб, тирикчиликнинг қийинлашиб кетаётгани борасида нолий бошлайдилар. Бирорда ўн-ўн беш, бошқада эллик-олтмиш сидра кийим-бош бор. Лекин униси ҳам, буниси ҳам қийинчиликдан нолийди. Бири қўйлагининг элликтага етмаганидан, бошқаси шимининг юзтага етмаганидан афсусда юрибди. Тўғрими?

*Кишиким, розилиқ томинда бўлса,
Қилур шукр аждаҳо коминда бўлса.*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки: Аллоҳ таолонинг ризолигини истамоқ завқида бўлса, аждаҳо комида туриб ҳам Тангри таолога шукур айтади, ҳамиша розилигини сўрайди (биринчи сатрдаги “том” сўзи бу ўринда “завқ” ёки “ишқ” маъносида қўлланилган).

Билиб-бilmай ношукурлик қилувчиларнинг хонадонига кўз ташласак, камида бир ҳафталик емак-ичмак

ғамлаб қўйилганига гувоҳ бўламиз. Автомобил, турфа гиламлар, биллур қандиллар, ишлатилмаса-да, жавонга териб қўйилган ажиз идишилар... Шундай хонадондан шукур ўрнига норизолик гаплари учуб туради:

- Фалон нарсани Хитойдан ҳам топа олишмабди.
- Фалон нарсанинг нархи ошиб кетибди...
- Тўйимга фалончи ашулачи келишини ният қилувдим, умидим ушалмади...

Аслида: Хитойда ҳам топилмаган ўша нарсасиз ҳам баҳтли ҳаёт кечириш мумкин. Нархи ошган бўлса, ўз чўнтағига тушаётган даромади ҳам ошган-ку? Фалончи ашулачи келмаса ҳам тўйи ўтди-ку? Турли сабаблар билан тўйга етишолмай юрганлар озми?

Кеча бойиб гердайган, бугун бойлиги қўлдан кетиб нола қилиб юрганлар ўйлаб кўрсинлар: бойлик берилганда қанча шукур қилишди экан? Шукур қилдилармикин ё “бугун минг доллар фойда қилибман, ҳолбуки икки минг доллар фойда олсам ҳам бўларди”, деб ачинганимкинлар? Ношукурлик – ёшларга тез юқадиган хасталик. Уларга ҳар бир нарса камдай туюлаверади. Қизлар, келинлар бу борада анча пешқадамлар. Улар кўнгилларини ҳавасга бутунлай бўшатиб бериб, шукроналикка жой қолдирмайдилар. Оқибатда ўз кўнгилларини ўзлари синдириб, азобланиб юрадилар.

Мол-мулк ва бойликлар ҳақидаги оятлар нозил бўлганда, ҳазрати Умар (р.а.) Набий муҳтарамдан (с.а.в.) сўрадилар:

- Қандай турдаги нарсани мол қиласай?
- Аллоҳнинг расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:
- Сизлардан ҳар бирингиз Аллоҳ таолони зикр этувчи тилни ва унга шукур қилувчи қалбни мол қилингиз!

Ана! Уйимиздаги қўша-қўша гилamu биллур қандиллар эмас, тилла, олмос, жавҳар безаклар эмас, зикр қилувчи тил ва шукур қилувчи қалб инсоннинг асосий бойлиги экан. Тилла, биллурлар омонат бойлик. Кишига вафо қилмайдиган бойлик. Ҳатто... дўзахга етаклаши мумкин

бўлган бойлик. Зикр ва шукур билан банд бўлган тил ва қалб бойлиги садоқатлидир, омонат эмасдир, жаннат дарвозасининг калитидир. Бу калитни олишга интилмаслик ақлсизлик эмасми?

Одам йўлда пиёда кетар экан, аҳволига ачиниб, ўз-ўзига:

– Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришонроқ яна ким бор? – деб йифлади.

Шу яқиндан ўтиб бораётган, устига оғир юк ортилган эшак унинг нолаю фифонини эшишиб деди:

– Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Аллоҳга шукур айтиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассан-ку? Ҳолингга шукур қилсанг-чи!

Ҳа, эшакнинг тили йўқ. Бўлганда эди, кўп ҳолларда, кўп кишиларга шундай хитоб қилиши аниқ эди. Худо унга тил берса-ку, айтар, лекин ношукур одам эшишиб, амал қиласармикин? Масала шунда!

* * *

Жисмга оид аъзоларимизнинг қаерга жойлашганини биламиз: юрак кўкракнинг чап томонида (баъзи одамларнинг ўнг кўкрагида ҳам бўларкан), жигар ўнгда... Аммо нафс қаерда жойлашган экан? Ҳасад-чи? Худбинлик-чи? Бадандаги айрим аъзолар хасталанса, жарроҳ кесиб олиб ташлаши мумкин. Руҳ хасталиклари ҳисобланмиш нафс, ҳасад, худбинликдан қандай қутулиш мумкин? «Менда нафс (ёки ҳасад, ёки худбинлик) йўқ», дегувчилар ёлғончилардир. Бу хасталиклар ҳаммада бор. Фақат миқдор даражалари турлича. Бу миқдор даражасини одамдаги иймон қуввати белгилайди. Иймон қувватини эса ақл таъминлайди. Ақл ва нафс, ақл ва ҳасад, ақл ва худбинлик кун ва тун сингаридир, оҳанграбонинг икки қутби кабидир. Ақл яхшиликка ундейди, нафс (ҳасад, худбинлик) ёмонликка даъват қиласди. Инсоннинг руҳий олами ана шу жангдан иборат. Ақл кучли бўлса, иймон қудратли

бўлади. Ана шу куч ва қудрат нафсга зулм қила олади, ҳасад ўтини ўчира олади, худбинликни жиловлайди.

Баъзилар «барча балоларга қорин (яъни ошқозон) айбдор», дейдилар. Қорин тўқ бўлса, зулм йўли беркилармиш. Оч бўлса, ҳар балони талаб этаверармиш. Бекор гап! Қорни тўқларнинг зулм қилишлари, очларнинг эса сабр билан кун кўришларига нима деймиз? Кошки эди, қориннинг ихтиёри ўзида бўлса...

* * *

Русларда «юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин», деган мақол бор. Тўғри-да, юз сўмни ишлатиб юбориш мумкин. Юзта дўстинг уч сўмдан берса ҳам пулинг уч юз сўм бўлади. Албатта, бу ҳазил. Жиддий гап шуки, юз сўм топаман, деб дўстлардан ажраб қолмаслик керак.

* * *

Ҳозирги кунда айрим одамларнинг қизиқчилик ёки асқиячиликка ишқибозликлари анча ортди. Агар ҳазил латиф бўлса, бироннинг ҳамиятига тегмаса, энг муҳими – ҳаё пардаси билан ҳимояланган бўлса, эҳтимол қабул қилиш мумкиндир. Аммо авратни ўртага қўйиб ёки хотиннинг ўйнаш билан ётганини айтиб кулдиришга интилиш – нақадар гуноҳ эканини белгилай олмасмиз-ку, аммо нақ аҳмоқликнинг ўзи эканини дангал айта оламиз.

Илгариги замонларда ҳам асқия ва қизиқчилик бўлган. Аммо, биринчидан, бепарда гаплар айтишдан тийилишган, иккинчидан, даврада аёллар, болалар бўлмаган. Ҳозир турли йигинлар ёки «концертлар»да эркаклардан кўпроқ аёллар ўтиришади. Беҳаё ва бепарда гаплардан мириқиб-мириқиб куладилар. Бу бемаъниликлар тез-тез телевизорда ҳам намойиш қилиб турилади. Телевизор қаршисида ота-қиз ёки қайнота-келин ҳам ўтирганини, бу гаплар уларни номусдан ёндириб юборай деяётгани-

ни улар ўйлаб ҳам кўришмайди. Бизни бир нарса ажаблантиради: беҳаёликни касб қилиб олган «қизиқчи» ёки «аскиячи»лар бефаросатмилар ёки уларнинг гапларидан ҳузурланаётганлар, айниқса кулгидан кўзлари ёшланаётган аёллар телбамилар? Бундай томошаларга фалон сўм пул сарф қилиб аҳли аёли, қизи, келини билан бирга келган оила бошлиқларини ким деб аташ мумкин?

* * *

Янги йил арафасида телемуҳбир ихлосмандларини қувонтириш учун айрим «қизиқчи»ларнинг уйига меҳмон сифатида бориб, гурунг қилди. Гарчи телемуҳбир уларни «эл севган санъаткорлар», деб таърифлаган бўлса-да, биз бу фикрга қўшилмаймиз, яъни уларнинг қилиқларини «санъат» деб баҳолай олмаймиз. Ҳатто том маънодаги «қизиқчи» дея ҳам олмаймизким, шу боис бу атамани қўштироқ орасига олишга мажбур бўлдик. Бир «қизиқчи»нинг ўз онаси олдида беҳаё, уятсиз латифалар айтишига чидаш мумкинdir. Иккинчи «қизиқчи»ницида ундан-да баттар бўлди. Даврада «қизиқчи»нинг ота-онаси ва қайнотаси ўтирибди. Қишлоқдан келишган ота-онаси гапга унча аралашибади. Айниқса онаси бемаъни ҳазиллардан уялиб, қимтиниб ўтирибди. «Қизиқчи»нинг хотини туғруқхонада экан. Ана энди элга таниқли бўлмиш санъаткор – қайнота билан «қизиқчи» куёвнинг бегона эркак билан ётган аёллар ҳақидаги латифаларини эшитсангиз... Камина бу масҳараబозлик, нодонликнинг бу қўринишининг нима билан тугашини билиш учун тоқат билан кузатдим. Бир нарсани аниқлай олмадим: нодонликда улоқ қайнотада кетдими ёинки куёв боладами?

* * *

Ровийлар баён қиладиларким, бир йигит Хизр алай-ҳиссаломни кўргиси келиб, шайхдан илтимос қилавериб, ҳоли-жонига қўймабди. Шунда шайх: «Ёнимга ўтиргин-у,

күзингни юм», дебди. Сүнг бир неча дақиқа ўтгач, «энди күзларингни оч», деган экан, йигит ўзини Каъбатуллоҳда кўрибди.

– Бомдод намозини ўқиганингдан кейин ўнг томонингга қарасанг, Хизр алайҳиссаломни кўрасан, унга маҳкам ёпиш, – дебди шайх.

Йигит бомдод намозини ўқиб бўлиб, ўнг томонига қарасаки, оппоқ либосли, юзларидан нур тараляётган хушсурат бир киши ўтирганимиш. Йигит оми экан, шайхнинг руҳий томондан ёпиш, деган маънода айтган гапини моддий жиҳатдан англаб, у кишининг қўлларини маҳкам ушлаб олибди-да:

– Сиз Хизрмисиз? – деб сўрабди.

– Аллоҳ оқибатингни хайрли қилсин, қўлимни қўйиб юбор, – дебдилар у зот.

– Йўқ, аввал айтинг, сиз чиндан ҳам Хизрмисиз? – деб қайсарлик қилибди йигит.

– Аллоҳ оқибатингни хайрли қилсин, қўйиб юбор.

Йигит сурбетлик билан, сўрайвергач, Хизр алайҳиссалом дебдиларки:

– Эй йигит, сени бу ерга қаромат билан келтириб қўйган киши сўровларингга тоқат қилолмай, бугун сенинг касофатингдан иймонсиз ҳолда кўз юмди. Мен: «Оқибатинг хайрли бўлсин», деб дуо қиляпман-ку, яна сенга нима керак?

Бу – бир ривоят. Ҳаётда эса...

Баъзилар Хизр бувага йўлиқиши, оқибатда бирдан бойиб кетишни ёки бирон мушкуллари осон бўлишини орзу қилишади. Шубҳам йўқки, агар орзулари амалга ошиб, Хизр бувага йўлиқсалар, бир-икки илтимос билан чекланмайдилар. Хизр бувани гангитиб ташлайдиган даражада, бошларини оғритиб юборадиган тарзда бетўхтов вазифалар юклайдилар. Фақат «Энди чой дамланг, қўлингиздан би-ир чой ичайлик» демасалар керак.

Ҳақиқат шуки, Хизр бува шу топгача ҳеч кимга йўлиқмаганлар, ҳеч кимни бирдан бой қилмаганлар. Хизр бува-

ни кўришни орзу қиласиз халос. У зот ҳаёт водийсида қўлимиздан етаклаб юрувчи сарбон эмаслар. «Ҳамонки шундай экан, ҳаёт водийсида сарсари кезамизми?» деб надомат чекмоқлик ўринсиз. Умримизининг бир қисми водий, бир қисми тоғ, яна бир қисми саҳрога ўхшайди. Дарё бўйидаги боғда роҳатланишимиз баробаринда саҳрова ташналик азобини тортмоғимиз, тоғларни ошиб ўтиш мاشаққатларини чекмоғимиз бор. Шайтон йўлларига кирмоғимиз бор. Адашмоғимиз бор. Не баҳтки, бу йўллардан адаштирмай олиб ўтувчи йўлбошчи – сарбон ҳам бор. Бу – иймондир. Аллоҳнинг каломи ва Расулуллоҳнинг шарапли ҳадислари билан қувватланган иймон бошлаган йўллардан юрсак, саҳро азоблари ҳам, тоғлардаги мешаққатлар ҳам биз учун арзимас бир нарса бўлиб қолади. Ҳаёлимиздаги Хизр бува балки айнан шу иймонмикин, деб ўйлайман. Фақат иймонгина Хизр буванинг дуосига ва умид қилинган неъматларга етиштиради. Балки... Хизр бува ҳаёлимиздаги сароб эмасдирлар. Чиндан бордирлар, фақат кўзларимизга кўринмаслар. Фақат ва фақат иймонли бандаларга ҳамроҳ бўларлар. Турмуш мешаққатларини енгиб ўтишда фақат иймонли бандалар ёнида турагарлар? Хизр бува ҳаром бойлик инъом этмоқликлари мумкин эмас. Ҳаром йўлларга бошламасликлари ҳам аниқ. Иймон ҳам айнан шундай-ку?! Демак, Хизр бувага етишмоқни орзу қилган киши аввал иймонга етишмоғи зарур экан. Хизр буванинг севган гўшалар – иймонли бандаларнинг покиза қалбларидир, валлоҳи аълам?

* * *

Умр яхшиликлар билан бирга дўстлардан айрилиш йиллари ҳамдир. Дўстлар бирин-кетин бизларни ҳам, дунёни ҳам ташлаб кетадилар. Яна қанча дўстни сўнгги манзилга узатар эканмиз? Бизни қайси дўстларимиз кузатар эканлар?

Баъзилар туғилган кунларини тантана билан нишонлайдилар. Шу кунга, шу ёшга етишмоқ ўзига хос бай-

рамдир, бу учун Яратганга шукурлар қиласыз. Аммо туғилған күнгө етмоқ – яна бир йилнинг *ўлганига* нишонадир. Ўтган ҳар күн, ой, йил умр адогига яқинлашмоқликдир. Демак, ароқ ичиб чулдирағандан кўра «қандай яшадим, қандай яшамоғим керак?» деган саволга жавоб излаб топишга интилмоқ дурустдир.

* * *

“Қовуннинг яхшисини ит ейди», деган мақол кўпроқ қизларга нисбатан ишлатилади. Яъни «гўзал ва оқила қиз ёмон одамга насиб этди», деган маънода айтадилар. Менингча, бу ўринда мазкур мақол мантиқан эмасдек. Чунки... итда вафо бор.

* * *

Қўшиқчи синглинизминг телемухбир билан қилган сұхбатлари кишини таажжубга солди. Синглилиз санъат чўққисини кўзлаб, шаҳарга келибдилар. Эрлари билан ажralишибдилар. Уч ёшли фарзандлари қишлоқда, оналари тарбиясида экан. «Уйга борсам, болам мени танимайди», деб кулдилар. (Ақлли она бундай ҳолда йиглаши керакмасми?) Яна дедиларки, устоз қўшиқчи опаларидан: «Оиламни нима қиласай?» деб сўраган эканлар, «Сен санъатни ўйла», деган «доно» маслаҳат беридилар, улар ҳам бу маслаҳатни қулоқча олтин зирак қилибдилар.

Ҳеч ким: «Аввало, она бўлинг», демабди.

Ҳозир: «Уйга борсам, болам танимайди», деб куладилар.

Кейин-чи, йиллар ўтиб йифламасмикинлар?

Икки түяқуш оила қуриб, кўпайиш илинжида тухум қўярканлар-у, оғирликлари туфайли уни синдириб, кейин фифон чекарканлар. Охири улар доно түяқушдан маслаҳат олмоқ учун исча кун-у, неча тун йўл босиб, саҳронинг нариги четига борибдилар-да:

– Бизга ёрдам беринг, биздан ҳам насл қолсин, – деб ялинишибди.

Уларнинг изтиробларини тинглаган доно туяқуш:

– Насл қолдириш учун фақат истак-хоҳишининг ўзи кифоя қилмайди. Бу осон иш эмас, машаққатни енгишингиз лозим бўлади, – дебди.

– Қандай машаққатлигини айтинг, биз ҳаммасига тайёрмиз, – дейишибди икки туяқуш.

– Ундай бўлса, диққат билан тингланг-у, ёдингизга муҳрланг: насл қолдиришнинг энг муҳим шарти – юрак тафтидир. Қўйган тухумингизга фақат юрагингизнинг ҳароратигина жон бера олади. Шунинг учун унга энг қадрли, энг азиз нарсадай муносабатда бўлинг ва эҳтиётланг.

Эр-хотин туяқуш бу маслаҳатга амал қилишибди. Тухум қўйилгач, ҳар қандай роҳатдан воз кечиб, фақат унинг учун парвона бўлишибди. Очлик, сувсизликка ҳам чидашибди. Оқибат улуғ мукофотга эришишибди – тухум ёрилиб, жажжи туяқуш дунёга келибди...

Ашулачи синглилизга Худо овоз берибди, фарзанд ҳам берибди-ю, юрагига ҳарорат бермабди-да, аттанг...

* * *

Бир авлод билан иккинчи авлод ҳаёти, дунёни англиши, қизиқишлирида жиддий фарқлар бўлади. Буни биз зийраклик билан кузатмаймиз, хulosалар чиқармаймиз. Фақат баъзи-баъзида «буғунги ёшлар бузилиб кетишяпти», деб нолиб қўямиз. Ўттиз-қирқ йил муқаддам катталарнинг биз ҳақимизда ҳам шундай дейишганларини унубиб қўямиз. Шу кунлардаги ёшлар билан ўзимизнинг ёшлигимиз орасида кузатаётган фарқларимиздан бири – буғунгиларда Аллоҳни илм орқали танишга интилиш бор. Бу – барчамиз учун баҳтли ҳолат. Аммо мана бундайлар ҳам бор: биз имтиҳонлар яқинлашганда дарс тайёрлашни кучайтирадик, «фалон китобни қаердан топиб ўқисак экан?» деб ташвишланардик. Буғунгилар ҳам ташвишланадилар, тайёрланадилар, фақат саволлари ўзгача: «имтиҳон топшириш учун эллик-олтмиш минг

сүмни қаердан топиб, тайёрлаб қўйсам экан?» Бизнинг ёшлигимизда деворлар ёки дараҳтларда муҳаббат изҳори сифатида «Сардор + Лола = севги» деган ёзувлар бўларди. Энди янгича изҳорлар пайдо бўлибди: «Сардор + Лола = секс». Бунисига нима деймиз? Шунчаки ёшлик шўхлиги ёки нодонлигимикин?

* * *

Ўргимчак қулф тирқишига жойлашиб, темир саройга эга бўлдим, деб қувонибди. Тирқишдан мўралаб, режа туза бошлабди: «Зинапоялар орасига тўр ташлаб, пашшаларнинг додини бераман. Анави бурчакка тўрларимни тортиб, семиз-семиз чивинларни тутаман. Остонага тўр ташласам, майда қуртлар ҳам илинади...»

Ўргимчак ўз режасидан маст бўлиб турганда оёқ товушлари эшитилибди. Уй эгаси келиб, қулфга калит солибди-ю, хаёлпараст эзилиб ўлибди...

* * *

Ўлимтикни талашиб, бир-бирини ейишга ҳам тайёр турган итлар бўрининг яқинлашаётганини кўришди-ю, ҳамжиҳатликда унга қараб вовиллашиди. Бўри бу итларни аҳил гумон қилиб чекинибди. Бўри кўздан йўқолиши билан итлар яна итликларини бошлашибди...

* * *

Барг устида ўрмалаётган ипак қурти бир зумгина тўхтаб, бошини кўтарди-ю, атрофида ҳаёт жўш ураётганини кўрибди: кимдир чириллаб қўшиқ айтар, кимдир сакраб қувнар, кимдир роҳатланиб учарди... Атрофдаги ҳамма тинимсиз ҳаракатда эди. Фақат у бечорагина учолмасди, қўшиқ ҳам айтольмасди. Ўрмалашдан ўзга юмуш қўлидан келмасди. Бир баргни кемириб адо қилиб, иккincinnисига ўтгунча ўз назарида дунёни айланиб чиққандай бўларди. Бироқ, шунга қарамасдан у тақдиридан нолимасди, бошқаларга ҳавас ҳам қилмасди, «ҳар ким

ўз иши билан шуғулланмоғи лозим», деб ҳисобларди. Ҳафталар ўтиб, ўзига ипакдан ажойиб уй тўқишига навбат етди. У ошиқча мулоҳаза қилиб ўтирмай, ўзига буюрилган юмушни адо этишга киришди – атрофини ипак толалари билан ўраб чиқди-да:

- Яна нима қиласай? – деб сўради.
- Сабр қил, – деган овоз эшишилди, – ҳаммаси ўз навбати билан.

Вақти келиб ипак қурти уйғонди, у энди аранг ўрмаловчи қурт эмас, гўзал капалак бўлиб кўз очди. Ўзининг ипак саройидан чаққонлик билан ёруғ дунёга чиқиб, чиройли қанотларини қоққан ҳолда уча бошлади...

* * *

Кучли ирода фақат бир нарсани хоҳлаб, унга эришишгина эмас, балки зарур бўлганида нимадандир юз ўгиришга ўзини мажбур қила билиш ҳамдир. Ирода, бу шунчаки истак ва унинг қондирилиши эмас, балки у ҳам истак, ҳам қаноат, айни чоқда воз кечиш ҳамдир. Донолар айтибдиларки: «Қатъий ирода етишмаган одамда ақл ҳам етишмайди». Иродасиз кимсалар қўрқоқдирлар, модомики қўрқоқ экан – демак, у ожиз. Ирода фақатгина арзимас нарсаларга, фақатгина қандайдир маъносиз нарсаларга осилиб оладиган бўлса, у қайсарликка айланиб қолади. Яъни фазилат – иллатга айланади ва бошқалар билан муносабатда тўсқинлик қила бошлайди.

* * *

Подшоҳга Аллоҳ ақлли ва зийрак ўғил ато қилган экан. Подшоҳ шаҳзода одоб ва ахлоқдан сабоқ олсин, деб уни муаллимга топширибди. Шунда шаҳзода муаллимга қараб дебдики:

– Устоз, илмнинг ниҳояси йўқ, бутун умрим бўйи ўқисам ҳам охирига етиб бора олмайман. Менга сиз шундай бир илм ўргатингким, қисқа ва фойдали бўлсин.

Муаллим шаҳзоданинг талабига биноан дебдики:

– Агар икки дунёда ғам-андуҳдан йироқ бўлишни ва тинч яшашни истасангиз, хомушликни ўзингизга ҳамроҳ қилинг, яъни камроқ сўзланг. Зероки, сўзламаслик – кутулмоқлиkdir.

Шаҳзода муаллимнинг насиҳатига амал қилиб, гапирмай қўйибди. Подшоҳ «ўғлим хасталаниб қолди», деб ўйлаб изтироб чека бошлабди. Табибларни чорлабди, аммо ҳеч ким шаҳзодани гапиртира олмабди. Шунда подшоҳ овга чиқишини ихтиёр этиб, ўғлини ҳам бирга олибди. Йўлда кетишаётганда кутилмаганда каклик сайраб юборибди. Мулозимлар дарров уни тутиб келтирибдилар. Шунда шаҳзода бирданига тилга кирибди-ю какликка қараб: «Агар сайрамаганингда саломат, озодликда юрардинг», деб юборибди. Подшоҳ ўғлим тузалди, деб ўйлаб қувонибди. Бироқ, шаҳзода яна гапирмай қўйибди. Ўғлининг бу қилиғидан аччиқланган подшоҳ уни калтаклабди. Шунда ўғил ўзича «Устозим «инدامаслик – озодлик гарови», деб тўғри айтган эканлар. Индамаганимда отамдан калтак емас эдим», деган экан.

Какликнинг сайраши ҳақида яна бир ривоят бор:

Бир овчининг ови бароридан келмай, уйига ранжиб қайтаётган экан. Каклик уни кўрибди-ю, раҳми келиб, кўнглини кўтармоқ мақсадида сайраб берибди. Қушнинг сайрашини эшиштан овчи уни дарров буталар орасидан топиб, бошига калтак билан бир урибди-ю халтасига солибди. Шунда каклик деган эканки: «Сайрагандан сайрамаганим яхшироқ, сайраб эдим, бошимдан едим таёқ».

* * *

Ажид бир ривоят бу: подшоҳ мармар ҳовуз бунёд эттириб, раиятга амр қилибдики: «Ҳар киши борки, эрталаб косада сут олиб келиб ҳовузга тўксин». Бир одам амрни тинглаб, ўйлабдики: «Шунча одамнинг ичидан биргина мен сут ўрнига сув олиб бориб тўксам билинмас. Сутни исроф қилмоқдан не ҳожат, ўзим ичиб роҳатланганим афзал». Шу қарорга келиб, эрталаб косада сув

кўтариб борсаки, бошқаларда ҳам аҳвол шунинг ўзи. Ҳар бир одам ўша киши каби ўйлаб, ўша кишининг қарорича бир косада сув кўтариб келган экан. Ажабки, ўшанда ҳовузга бир томчи ҳам сут тушмабди...

* * *

Бир чўпон сурувни серўт ўтлоқда ўтлатиб келиб, совлиқларни соғиб бераркан. Хожаси эса сутга сув аралаштириб сотаркан. Чўпон хожасини огоҳлантирмоқчи бўлса, у «сен менинг ишимга аралашма, қўйларни боқиши бил», деб койиб бераркан. Кунларнинг бирида тоғда жала қуиб, сел келибди-ю, қўйларни оқизиб кетибди. Кечки пайт чўпоннинг ёлғиз қайтаётганини кўрган хожа «Қўйларим қани?» деб ташвишланиб сўрабди. Чўпон эса хотиржам жавоб берибди:

– Эй хожам, сиз сутга қўшган сувлар тўпланиб, селга айланди-ю, қўйларни катта дарёга оқизиб ҳалок қилди. Ҳаромдан қайтмаганинг жониворларнинг бошини еди.

* * *

Ҳар бир инсон баъзан онгли равишда, баъзан эса ўзи ҳам билмаган тарзда келажак авлод учун йўл очади. Лекин очаётган йўлининг ҚАНДАЙлигини ва ҚАЁҚҚА етаклаб боришини билмайди. Биз учун ҳам аждодлар қачонлардир йўл ҳозирлаганлар. Кўпларнинг номларини ҳам, очган йўлларини ҳам йиллар шамоли тупроққа кўмиб ташлади. Бизларнинг оқибат тақдирларимиз ҳам бундан ортиқ бўлмас. Шундай экан, керилиш, кибрланиш, мақтаниш кўчаларидан нари юрганимиз маъқул.

* * *

Баъзан одам бойлик учун энг яқин дўстидан ҳам возкечади, туфишган биродарларидан узоқлашади, кимнидир фийбат балчигига булғайди, кимгадир туҳмат қилади ва ҳатто... кимнидир ўлдириши ҳам мумкин.

Жаннатга етмоқ учун булардан йироқ бўлса етарли, бошқаларга эмас, нафсига зулм қила олса кифоя. Жаннатга етмоқ учун дўстидан юз ўгирмайди – оқибатда то сўнги нафасига қадар яхшилар, меҳр-оқибатлилар қучогида яшайди. Туғишган жигарларидан узоқлашмайди – оқибатда ўзидан кейин қоладиган фарзандларидан кўнгли тўқ бўлади. Бирорни фийбат қилмайди, бошқага туҳмат тошларини отмайди – оқибатда бўлажак шармандалиқдан қутулади. Кимнидир ўлдирмайди – оқибатда ўз зурриёдини хун тўлаш азобидан қутқаради (Тўғри, ҳозир моддий хун тўламай қўйишиган, бироқ, руҳий хун деган тушунча ҳам бор).

Одам боласи бир айб иш қилиб қўйса, қамалишдан қўрқади. Чунки қамоқда ҳам маънавий, ҳам жисмоний азоб бор. Одам шу азобдан қутулиб қолиш йўлларини излайди. Милициянинг, прокурор, судьянинг кўнглини овлаш пайига тушади.

Ажаб! Қамоқдан неча минг марта даҳшатлироқ ва азоблироқ бўлган виждон азобидан нечун қўрқмайди? Нечун виждони буюрган ишни қилмайди?

* * *

Устозларимиздан бири мухбир саволларига жавоб бера туриб, «Мирзо Улуғбекни ўғли Абдулатиф ўлдиртирган», деб таъкидладилар. Бу ҳақда ихтилофли фикрлар кўп. Абдулатиф – падаркуш, деган ҳукм ўша давр шеъриятига ҳам кўчган. Устоз бу ўринда Алишер Навоий байтларини мисол қилдилар. Ва: «Ўғли Абдулатиф билан диндорлар ўлдиришган», деган қатъий хуносаларини баён этдилар. Энди масалага мантиқан қарашга ҳаракат қилиб кўрайлик: Абдулатиф отага қарши чиқиб, таҳтни куч билан эгаллагани рост. Аммо Улуғбекнинг ўлими тасодиф бўлиши ҳам мумкин-ку? Абдулатифнинг фармони борми? Йўқ. Тўғри, бунақа ишлар ёзма фармон билан бўлмайди. Аммо мантиқан қаралса, агар Абдулатиф отасининг ўлимини истаса Самарқанддан анча узоқлаштириб, сўнг амалга оширади. Ёки бошқача йўл билан ўлдиртиради. Чунки

отасини ўлдиришга фармон бергувчи ўғил энг аввало ўзининг пок қолиши, гумондан нари бўлиши чораларини кўради. Ҳозирги ҳуқуқ тили билан айтганда «алиби»ни нақд қилиб қўяди. Ҳуллас, Абдулатиф учун ҳам бу фожия кутилмаган бўлиши мумкин. Яна Аллоҳ билади. Энди қотилликдаги диндорларнинг иштироки хусусидаги даъволар эса бемаънилиkdir. Бу даъво «дин илмга қарши», деган аҳмақона «ғоя»нинг фарзанди. Ислом дини ҳеч қачон илм-фанга душман бўлмаган. Аксинча, дунёвий илмлар ислом даврида ривожланган. Хоразмий, Беруний, Фарғоний... лар қайси даврда яшашган? Оврупода насаро дини, хусусан «инквизиция» деган оқим ҳукм сурган даврда олимларга жодугар сифатида қаралиб, илмга қарши ваҳшийликлар қилинган. Лекин у бошқа дин, бошқа давр, бошқа макондир. Афсусларким, ўша макон ғояси ўзбек адабиётida ҳам етакчи ўринни эгаллади. Устозларимиз асарларини шу ғоя пойдеворига қурдилар (Камина ҳам уларга эргашиб, бир нарса ёзган эдим, ҳижолатдаман, афсусдаман. Худо умр берса, инсоф ва зеҳн берса, ўша «асар»ни қайта ёзибми, айбимни ювишга ҳаракат қиларман). Муҳими шуки, диндорлар яширин фатво чиқармайдилар, яширин ўлдирмайдилар. Яна энг муҳими – улуғ ибодатга, Ҳаж зиёратига кетаётган мусулмонни ўлдиришга фатво бермайдилар.

Яна аввалги сўзимизга, Абдулатифга қайтсан, олимлар расадхонани ҳам шу шаҳзода буздирган дейишади. Бу гап ҳам хом. Агар ўша даврда бузилганда эди ҳазрат Алишер Навоий:

*Темирхон наслидин султон Улугбек
Ки олам кўрмади султон анингдек...
...Расадким боғламиши зеби жсаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир...*

деб ёзган ғазалларида «шундай гўзал илм саройини падаркуш ўғил буздирди» қабилида сатрлар битган бўлар-

дилар. Фазалнинг мазмунига қараганда, расадхона ҳазрат Навоий даврларида ҳам бўлган. Расадхона ё зилзила, ёки урушлар, хусусан ўн тўққизинч асрнинг иккинчи ярмидаги истило даврида бузилиб, ашёлари таланганд бўлса керак, эҳтимол.

Тарих ҳақида ёзганимизда бизларни адаштирувчи нарса – динлар тарихини, хусусан, Ислом тарихи, фалсафаси ва ақидасини дуруст билмаслигимиз, фаҳм этмаслигимиздир. Масалан, Мирзо Улуғбек ҳақидаги асарларда Улуғбек билан Хўжа Аҳорор валий орасидаги зиддиятларга урғу бериш одат тусига айланган эди. Ҳолбуки, Мирзо Улуғбек таҳтга ўтирган кезлари Хўжа Аҳорор икки-уч ёшларда бўлганлар. Ҳукмдор ўлдирилганларидан эса ҳали қирқ ёшга етмаган эдилар... Бу фикрлар фақат маълум бир одамга қаратилмади. Бу барчамиздаги хасталикдир. Шу хасталикдан қутула олсан, ажойиб тарихий асарлар ёза олармиз...

* * *

Бир қари мушук ўлар олдидан гўё инсофга киргандай бўлибди-ю, рози-ризолик тилаш мақсадида сичқонларга мактуб битиб, тавбаларини изҳор этибди ва яна дебдики: «сизларни бир зиёфат қилиб рози этсам-да, сўнг жон берсам...» Сичқонлар бу тавба мактубига ишониши ҳам ишонмасликни ҳам билмай, донишмандларига юзланибдилар. Донишманд дебдики: «Мушукнинг тавбасига зинҳор ишона кўрмангиз. Ўлиб, кўмиб қўйилганидан сўнг гўридан бир дона мўйлови чиқиб турганига кўзингиз тушса ҳам қўрқинг-у, нариги маҳалладан айланиб ўтаверинг». Сичқонларнинг ёшлари бу кекса донишманднинг насиҳатларини қулоқча илмай, мушукка рўпара бўлмоқликни ихтиёр этишибди-да, ҳузурига боришибди.

– Дунёда ҳали ҳеч бир мушук шу онга қадарли тавба қилмаган эди, сен нечук истиғфор айтмоқни истадинг? – деб сўрашибди.

Дўмбоқ-дўмбоқ сичқончаларни кўрган мушукнинг
феъли айнибди, тавбасини унутибди, нияти бузилибди.

– Қани, айтларинг-чи, бу дунёда сенлар инсофизими
ёинки менми? Қопнинг оғзи очиқ бўлгани ҳолда нима учун
тагини тешасанлар, а? Мен шу саволга жавоб топмоқ
учун сенларни чақиртирган эдим, – дебди мушук.

Нодон сичқончалар ўша тонг кекса мушукнинг маза-
ли нонуштасига айланишган экан...

* * *

Ровийлар насиҳат қиласидиларким: йўлда қароқчилар
мавжудлигини билган тадбирли сайёҳ ёлғиз юрмайди.
У сипоҳилар ҳимоясида бирон карвон ўтишини кутади
ва унга қўшилиб ўзининг хавфсизлигини таъминлай-
ди.

Ҳаёт йўлида ҳам идрокли одам таваккал қилмайди, би-
рон ақлли одамни учратиб, унинг изидан юрмоқликни маъ-
қул кўради. У ўзига-ўзи айтадики: дунё хавотирга тўла,
фалокат оёқ остида. Қайси йўлдан юрмоқ маъқул? Хавф-
хатардан ҳоли юрмоқлик учун қандай ҳамроҳни танла-
моқ жоиз? Бой одамнинг этагидан тутсамми ё эътиборли
мансадорнингми? Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, униси
ҳам, буниси ҳам вақти келганда офатдан қутқариб
қололмайди. Чунки уларни ҳам тунайдилар, уларни ҳам
ўлдирадилар ёки хорладилар. Улар ҳам йиғлайдилар...
Балки уларнинг ўзлари ҳаёт йўлининг маълум бир йўна-
лишида ҳужум қилиб қолишар?

– Наҳотки ҳаёт йўлида эргаштириб борувчи ишончли
ҳамроҳ йўқ бўлса?

Ақлли одам шундай саволга дуч келганда тўғри жа-
воб топа олади:

– Ҳаёт йўлида адашмаслик учун Аллоҳ белгилаган
йўлдан юрмоқ керак.

– Аллоҳ белгилаган йўлдан юрмоқ надир?

– Бу Аллоҳ хоҳлаган нарсани сен хоҳладинг, истама-
ганини истамадинг, деган гап.

- Бунга қандай эришмоқ мумкин?
- Илм эгалла. Барча қулфларнинг калити илмдадир.

* * *

Ҳаётда хомсемиз одамлар бўлгани сингари фанда, адабиётда, хуллас ҳамма соҳада ҳомаки мутахассислар учрайди. Одамлар бундайларни «чала олим» ёки «чала мулла», деб аташади. Ҳақиқий олимларнинг ишини халқ билади ва олқишилайди. Чала муллалар ўзларини-ўзлари мақтайдилар ва мақтовчилар ёллайдилар. Чин олим билан чала мулла орасидаги фарқ шунда. «Аҳмоқ ўзини мақтар», деган мақол бекорга туғилмаган-да?..

* * *

Сиз ўтган умрингизга қараб: «Тўғри яшай олдимми?» – деб ўз ўзингизга савол берганмисиз? Агар ишонч билан «Ҳа!» деб жавоб қайтара олсангиз, катта ишлар қилибсиз экан. Кишининг оқилона китоблар битиши шарт эмас, аммо ҳаётда ўзни оқилона тута билиши мутлақо зарур! Зеро, Одам боласининг энг улуф ижоди – оқиллик билан умр кечирмоқлиkdir. Қолганлари: мансаб йўлида сарсари кезиш, бойлик орттириш, шоҳона қасрлар қуриш каби ишлар ўз кўнглини тўйдиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Қани эди, кўнгил қурғур тўя қолса...

* * *

Донолар демишлиларким, икки тоифа одам билан муро-са қилмоқ оғирдир: бири – хотин, яна бири – ёш бола. Уларни эркаласанг – талтаяди, ўзингга яқин олсанг – ҳаддан ошади. Ўзингдан узоқлаштирсанг – ғазабланишади.

* * *

Қирқ йил умр кўриб, ён-атрофидагилар меҳр-муҳаббатнини қозона олмаганларнинг келажаги йўқдир.

* * *

Шогирд устозидан сўради:

– Донишманд инсон бошқа бир одамни ёмон кўриши, ундан нафратланиши мумкинми?

– Мумкин, – деди устоз, – фийбатчидан нафратланмоғи мумкин. Яна довюрак бўлатуриб одатларга хилоф иш юритувчини, яна қатъйликни фан қилгани ҳолда ўжарликдан чекинмовчилардан нафратланиш айб эмас. Хўш, ўзинг-чи, қандай одамлардан нафратланасан?

Шогирд жавоб берди:

– Мен ўзгалар ақли билан кун кўрувчини, бўйсунмасликни дадиллик ҳисобловчини, чақимчиликни ҳақиқатгўйлик ҳисобловчини ёқтирмайман.

* * *

Аzonдан жанозагача...

Чақалоқнинг ўнг қулоғига аzon, чапига такбир айтилади. Буни изоҳлайдиларки, боланинг қулоғи аzon билан очилади. Такбир айтмоқдан, мақсад эса, вақти келиб, шу гўдакнинг умри адогига етгач, жаноза намозида такбир айтилмайди, чақалоқлигида чап қулоғига айтилмиш такбир шунинг учундир.

* * *

Ашулачи овозини йўқотиб қўйишдан чўчимайди. У ашула пайтида микрофоннинг бузилиб ёки ўчиб қолишидан қўрқади.

* * *

Эрта-индин гуллайман, деб бўртиб турган куртаклар юзини аввал қор қоплади, сўнг қор эриди-ю, аямажизнинг совуқ нафаси куртакларнинг жонини суғуриб олди. Куртак баҳорнинг илиқ ва тотли шабадасига алданди. Уни нодонликда айблаш инсофдан эмас. У табиат ҳукмига бўйсунади, у табиий жараён қурбони. Ёшликни ҳам куртакка ўхшатишади. «Ёшлик» деб аталмиш куртак ҳам

баъзан ҳаётдаги аямажизнинг қурбони бўлади. Бу учун энди табиат айбдор эмас...

* * *

Етимхоналарнинг номларини турлича аташади: аввал «Болалар уйи» дейишарди. Энди эса «Меҳрибонлик уйи» деб аташ расм бўлди. Ажабки, ном ўзгаргани билан моҳият ўзгармайди. Меҳрибонлик уйларида болалар ота-она меҳрига ташна бўлиб яшайдилар. Бир етим бола «Адам билан ойим келмайдилар, бобожоним келиб турадилар», дейди. Ота-онаси тирик бўла туриб етим қолган бу боланинг ўқинч тўла юрагида яна қанчалар нафрат бор экан! Унинг ота-онаси эҳтимол ажрашиб кетгандир, сўнг ҳар бири бошқа оила қургандир. Бошқа оиласдан фарзандлари бордир. Юракнинг бир парчаси бўлган болани етимхонага ташлаб қўйиб хотиржам яшовчиларни одам дейишига тил бормайди. Булар-ку майли, наҳот ўша етимларнинг амакилари ёки тоғалари, аммалари ёки холалари бўлмаса?! Жиянларини бағирларига олиб, ўз фарзандлари қаторида вояга етказиш савобидан нечун улар бебаҳралар?

Бизда илгари етимхоналар йўқ эди. Бизда иймон эгалари кўпроқ эдилар...

* * *

Аллоҳ ҳар бир бандасига бахтни мўл-мўл беради. Бу худди ёмғир томчиларига ўхшайди. Бирор томчиларга кафтини тутади, бошқаси тадбир ишлатиб кўпроқ тўплайди. Худо ёғдираётган бахтга эга бўлиш учун киши Ҳақ талабидаги фазилатларига эга бўлиши керак. Ҳалоллик, поклик, атрофидагиларга меҳр-муҳаббатда бўлиш каби фазилатларсиз бу бахтга эга чиқиши мушкул.

* * *

Энг ожиз, нотавон фуқаросини ҳам эътибордан четда қолдирмай ҳимоя қилувчи давлат кучли ва қудратли саналар экан.

* * *

Оппоқ дастурхон – пок. Унинг устидаги неъматлар ҳам покиза. Бироқ дастурхон атрофидагиларнинг ичлари кирланиб кетган. Устиларидағи тоза кийимлар ичларидаги кирларни қачонгача яширап экан?

* * *

Бир санъаткор биродаримиз оғир хасталикка учрагач, яқинлари унга фахрий унвон олиб бериш учун турли идораларга қатнай бошладилар. Ўлим эшик қоқиб тургандаги уларнинг бу ҳаракатини яхшиликка йўйиш ҳам мумкин. Ҳарҳолда унвон берилса бемор қувонади. Азоблари салгина бўлса-да, ариши мумкин. Лекин... унвону мукофотлар ортда қолади-ку?

Аввалроқ бир танишимиз: «Биттагина медал олиб ўлсам армонсиз кетардим», – дёр эди. «Медал сизга шунчалик зарурми?» деб сўраганимизда: «Ҳа, ўлгандан кейин духоба ёстиққа тикиб, тобут олдида олиб боришга нимадир керак-ку? Болаларим отамнинг ҳеч нарсаси йўқ экан», деб изза чекишмасин», – деган эди...

* * *

Бир қиз ёмонларга қўшилиб, бузуқ йўлга кирибди. Албатта, ота-она уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилишган. Аммо бемаза ҳаётнинг мазасини тотиб қўйган қизни қуруқ насиҳатлар, ҳатто қамоқ жазоси ҳам ҳидоят сари буролмади. Оқибат ота-она сўнгги чорани қўллашган – қизни «оқ» қилишган. Бу билан улар ўзларини ҳам Аллоҳ олдида, ҳам эл-юрт олдида поклаб олишган. Ота-она бошига тушганни «фалокат» деймизми, «фожиа» деймизми, «қора тун» деймизми, юракларни поралаб ташлаган «бало чақини» деймизми, номи нима бўлса бўлсин, буни ҳатто душманимизга раво кўрмайлик. Ота-она фарзандини оқ қилгани билан унинг қоронғи туни ёриша қолмайди. Оқ қилиш билан ўзига озгина тасалли бергандай

бўлади. Испод ўтида қовжираб, азобланиши эса давом этаверади.

Шу ўринда оқ қилишнинг моҳиятини ўрганишга уриниб кўрсак: бу араб лисонидаги «аъқ(қа)» сўзидан келиб чиқкан. Дастребки маъноси покланишни билдирапкан. Яна бир маъноси эса «ажратиш» экан. Демак, оқ қилмоқлик гуноҳкор фарзандни ўзидан ажратиб, покланиш деган маънони англатаркан. Яъни «бу бадкирдор гуноҳлар ботқоғида қолди. Мен унинг гуноҳларига шерик эмасман, масъул ҳам эмасман», дейилмоқчи бўлади.

Юқорида айтганимиздай, бу ҳолат кишининг ўзига тасалли бериши учунгина асқотади. Ота-онанинг фарзанд тақдирига масъуллиги ҳеч қачон озаймайди. Солиҳ фарзанд ота-онага раҳмат, яъни савоб келтиргани каби, ёмонликни касб қилган фарзанд, оқ бўлган тақдирида ҳам ҳар бир гуноҳ иши билан ота-онасига лаънат келтираверади. Шу сабаб эҳтимол ота-она аъмол дафтарига гуноҳлар ёзилаверар? Агар оқ қилиш билан ота-она гуноҳдан осонгина қутула олса эди, унинг масъулияти, фарзанд тарбиясининг савобларидан олажак ажрлари юқори қилиб қўйилмас эди.

Яна бир аянчли воқеа: бир кишининг фарзанди вафот этиб, қавм жаноза намозига сафланган чоқда масжид ҳовлисига насроний дини вакиллари кириб келишди-да: «Бу йигитга жаноза ўқимофингиз жоиз эмас, у бизнинг динимизни қабул қилган эди, унга биз ҳақлимиз», дейишди. Бирга кириб келган гувоҳлар бу даъвони тасдиқлашгач, ота ҳушидан кетар даражада ҳолга келиб, ўғлини оқ қилди. Отанинг аҳволига, албатта, ҳамма ачиначи. Аммо оқ қилиш билан масала ҳал бўлдимикин? Боланима учун ўзга динга кириб кетди? Отанинг номи мусулмон, аммо...

Бу отанинг ноласи кўпгина одамларни қалбларидағи муҳрларни ечмоқча ундармикин?

* * *

Данғиллама уй қуриб, баланд деворлар, темир панжаралар била иҳота қилишдан мақсад – бирон ниманинг даф қилишидан сақланишдир. Ўзини бу дунё балосидан эҳтиётлашга ақли етган банда бу девор, бу темир панжарани уй атрофига эмас, ўз нафси қаршисида тикласа, фойдалироқ бўлмасмиди?!

* * *

Дейдиларки: «Бола йифламаса, она кўкрак тутмайди». Ҳидоятга етишмоқ ҳам шу кабидир. Аллоҳ ҳар бандасига ақл, зеҳн, идрок бериб қўйибди. Шу ақл кўзи билан атрофига қараб, ҳидоят йўлини изласа, ҳидоятга эришгади, изламаса ўзига зулм қилибди.

* * *

Инсонларнинг tengligини айнан англамоқ тўғри эмас. Одамлар бир хилда тент эмаслар. Жисмдаги қувватлари, шаклу шамойиллари, ранглари турлича бўлгани каби ақл дараражалари, дунёни англашдаги зеҳн қувватлари, қобилиятлари... ҳам ҳар хилдир. Бандалар фақатгина Раббилиари ҳузурида тенгдирлар. Яъни қилмишлари учун олажак ажру жазоларда тенглар. Яъни – бир савоб ишга олимга ўн савоб, деҳқонга икки савоб ёзилмайди. Ёмонлик учун олимнинг олимлиги сийланиб, гуноҳи камайтирилмайди. Бандаларнинг хоҳ шоҳу хоҳ гадо бўлсин, тенглигига ишора – Ҳаж ибодатида барчанинг эҳромга кириши, вафот этганида эса бир ҳилда кафанланиб кетмоғидир...

* * *

Бир китобда «Аллоҳ ўз маҳлуқотларидан баъзиларига ҳаёт берган ва баъзиларига бермаган», деган гапни ўқиб ўйга толдим. «Ҳаёт» деганда нима назарда тутильяпти? Жонми ёки ҳаракат қила олиш имконими?

Одамга ҳаёт берилгани шубҳасиз бир ҳақиқатдир. Ҳайвонларга ҳам берилган бу неъмат. Аммо дарахтлар,

майсаларга-чи? Улар ҳам түгиладилар, яшайдилар, ўладилар. Демак, уларга ҳам ҳаёт, жон берилган. Ҳатто кўзга кўринмас микроблар, бактериялар (балки уларни «инсу жинс» десак бўлар?) ҳам жонлидир. Инсон аъзоларига кирган бактериялар касал қўзғар экан, демак, унинг ҳам жони бор. У ҳолда ҳаёт (жон) берилмаган, дейилганда тоғу тош, тупроқ назарда тутилар? Бу ҳам кишини ўйлатадиган муаммоли савол. Чунки тоғлардаги вулқон ҳаракатини жонсиз ҳодиса деймизми? Тупроқнинг дараҳтларга, ўсимликларга қувват бериши-чи? Қолаверса, Ер сайёрасининг ҳамиша ҳаракатда бўлиши-чи? Шунга кўра, Аллоҳ барча яратган маҳлуқотларига жон берган-у биз буларни сезмаймиз, десак жоизмикин? Эҳтимол бунда рамзий маъно яширгандир. «Ҳаёт берилмаган», дейилганда қалблари муҳрланиб қолганлар назарда тутилгандир...

* * *

«Асримизда илм-фан тарақкий этди», деган иборани кўп ишлатамиз. Шу ўринда «нисбатан» деган сўзни қўлласак ўринли бўлар. Чунки XX асрдаги илм-техника ривожи XIX асрга нисбатан олинади. Ҳолбуки XIX асрда, ундан авваллари ҳам буюк кашфиётлар қилинган. Ал-Беруний яратган глобус, Ал-Хоразмийнинг «ал жабр»и, Улугбек кашф этган юлдуз... XXI асрда ҳам, албатта фан-техника ривожланади. Бу ҳодиса ҳам XX асрга нисбатан, деб белгиланиши шубҳасиз.

* * *

Бир ҳамкасб акамиз билан озгина баҳслашиб олдик. У киши асарларида аёлнинг дағн маросимини тасвирлабдилар. Майит дағн этиб бўлингач, бир одам «Фалончихон қандай одам эди?» деб сўрайди. Тўпланганлар «Яхши эди, Худо раҳмат қиласин», дейишади. Камина: «Аёллар дағн этилганда бундай сўралмайди, «Фалончи қандай одам эди?» деб фақат эркаклар сўралади, деб

эдим, акамиз «Нима, аёллар одам эмасми?» – деб ранжидилар.

Аслида бу сўрашнинг, жавобнинг марҳум учун фойда-зиёни йўқ. Сўровга биноан «Яхши одам эди», десак, гўё биз Яратганинг олдида гувоҳликка ўтган бўламиз. Қабрга қўйилган одам ҳаётда ярамасларнинг ярамаси ҳисобланган бўлса-да, дафн маросимида бирор овоз чиқариб: «Ёмон эди, энди жазосини олсин», демайди. Сўровга берилувчи жавоб марҳум ёки марҳума яқинларининг кўнглига малҳам бўлиш учун керак. Яна одамларнинг «Мен ҳам келганимда сўралади, биродарларим нима деб жавоб қилишар экан?» деб ўйлашлари учун лозим. Аллоҳ бу дунёдаги умрини яшаб, ҳузурига келувчи бандасининг яхши-ёмон эканини гувоҳларсиз ҳам амалига қараб билади.

Энди эркак-аёл масаласига келсак, мусулмонларда майитни қабристонга эркаклар олиб борадилар. Эркак майитни яхши билувчилар кўп бўлади. Аёл майитнинг қандайлигини бегона эркаклар қаердан билишсин? Дуруст, аёллар ҳозир эркаклар орасида ишлайдилар, юрадилар. Бироқ, шунда ҳам бегона эркак аёл турмушини яхши билади, дея олмаймиз.

1976 йили Абдулла Авлонийнинг фарзандлари даврасида бўлганимизда ўғиллари Кенжа aka оналарини мадҳ эта туриб, шоирнинг шогирдларидан «Аямиз ҳам ғазал ёзар эдилар, билармидингиз?» деб сўрадилар. У киши ғоят ҳилм ва лутф билан: «Раҳматли онангизнинг ажойиб пазанда эканликларини билардим», деб жавоб қайтардилар. Жавобдаги мантиққа қойил қолмоқ керак. У киши устозни йўқлаб келганларида, уй бекаси ёнларида ўтирмаған, устоз эса табиийки, «Хотиним ғазал ёзади», деб мақтанмаган. Аёл ўз вазифасини бажариб, таом пишириб меҳмонхонага киритган. Бу масаладаги баҳсга «Эрдан – эл, хотиндан – эр рози бўлмоғи керак», деб якун ясасак тўғрироқ бўлар.

Дуоибад қилмоқ, яъни бандага Аллоҳдан ёмонлик ти-
ламоқ мусулмон фарзандига хос эмас. Баъзан қарфиш-
ларни эшитиб қоламиз: банда кўзларининг кўр ёки оёқ-
қўлларининг шол бўлиб қолиши сўралади Аллоҳдан. Бу
каби қарфишларда икки ҳил нодонлик мавжуд: агар банд-
да айбдор бўлса унга қандай жазо беришни Яратганнинг
ўзи билади. Жазо тури бандада томонидан белгиланмайди.
Фараз қиласайлик-ки, қарфиш тегиб, ўша одам кўр бўлди.
Хўш, бундан дуоибад қилган одамга бирон наф борми?
Фақат кўнгил қувончи бор. Бу кўнгил қувончининг эга-
си эса иблисдир.

Баъзилар ўzlари ёмон деб фараз қилувчи кишилар-
нинг ўлимини ҳам истайдилар. Аввало ўлим дуо билан
бўлмайди. Бу тақдир ёзуғидир. Хўш, ўша одам дунёни
тарк этса дуоибад қилғувчининг ҳаёти чиройлироқ бўлиб
қоладими?

Ёмон ниятли дуодан кўра хайрли – яхши дуо қилмоқ-
лик Одам фарзанди учун фойдалироқ эмасми? Ёмон деб
ўйлаганимиз одамга Аллоҳдан инсоф, ҳидоят сўрасакда
дуоларимиз ижобат бўлиб у киши яхшилик йўлига ўтса,
фақат бизга эмас, жамиятга фойда-ку!

Дуоибад учун савоб йўқ. Аллоҳ яратган бандалари-
нинг бир-бирларига яхшилик қилишини истайди ва шу
мақсаддаги хайрли дуолар учун ажр беради. Яхши му-
кофотдан юз ўгириш нодонликдир.

Бу масалада яна бир мулоҳаза бор: кимнингдир кўр
ёки шол бўлишини ёки тезроқ ўлишини истовчи бандада-
нинг дили қандай экан? Кир ва қора эмасмикин? У ҳолда
бошқа бир дили қора уни дуоибад қилиб ўтиргмаганми-
кин?!

Қарз кишини хомуш қилувчи аёвсиз бир илон каби-
дир. Унинг захридан қарздор ҳам, қарз берувчи ҳам ази-
ят чекади. Албатта, ночор одамга ёрдам бериш – улуғ

савоблардан. Аммо бу савобга етишмоқнинг ҳам ўз имтиҳонлари мавжуд.

Аввало, қарз оловчилар ҳақида:

Маълум бир ҳаражатга етарли маблағи бўлса ҳам бошқалардан қарз сўровчилар бор. Улар ўзларини бошқаларга noctor кўрсатишни истайдилар. “Одамлар мени камбағал десин, пулим борлигини билиб қолмасин”, дейдилар. Уларнинг айримлари қарзни тез қайтаради, бошқалари ўзини янада бечораҳол кўрсатиш учун қарздан қутулиши галга солаверади. Пули бўлатуриб, ҳожатсиз равишда қарз оловчилар ўzlари учун ҳам кутилмаганда жон таслим қилиб қолсалар гуноҳларни ортмоқлаб боришлирини билармикинлар? У дунёда бечораҳоллик пул билан ўлчанмаслигини-чи? Бу дунёда кўп савоб топдинг – у дунёда бойсан. Бу бойлик неъматини яширишга уринмайсан. Гуноҳлар ботқоғига ботиб бордингми – у дунёда сенга бирор савоб бойлигидан қарз бериб турга олмайди.

Баъзи биродарларимиз чиндан ҳам кўмакка муҳтоҷлар. Минг ҳижолат билан бирордан қарз сўрайдилар. Вақтида беролмайдилар, балки умуман қарздан қутулолмаслар. Уларни бу дунёдаги ҳижолатлиқдан, у дунёдаги азоблардан ҳоли қилиш – нақадар олижаноблик!

Яна бир тоифа борки, уларни маккор, ҳийлагар, деб атамоқ жоиз. Қарз олиш эвазига яшашга ўрганиб қолганлар. Бундайларга инсоф беришни Яратгандан сўраймиз.

Яна бир тоифаким, муҳтоҷликда олади, ҳожатираво бўлиб, қўлига пул тушгач, қайтаргиси келмайди. Қайтарса, худди юраги узилиб тушадигандай.

Қарз олиш ва бериш қадимдан мавжуд. Шу боис дин бу масалани эътибордан четда қолдирмаган. Маълум тартиблар жорий қилинган. Афсусларким, бугунга келиб бу тартибларга риоя қилинмайди. Шу тартиблардан бири – қарзни гувоҳлар иштирокида бериш. Гувоҳлар икки эркак ёки икки аёл ва бир эркак деб белгиланган. Айримлар “қариндошим-ку”, дейди, бошқалар “яқин

дўстим”, деб ишонади, гувоҳларсиз қарз беради ва бунинг оқибатида ойлар, ҳатто йиллар давомида пулини ундиrolмай сарсон бўлади. Бирорлар тилхат ёзиб бериб ишонтиради. Гувоҳлар ва нотариус тасдиқламаган бу тилхатнинг ҳеч бир қуввати йўқ. Шундай муттаҳамлар ҳам борки, қарз берувчини ишонтириш учун паспортини қолдиради ва... бир ҳафта ичиди “Хужжатимни йўқотдим”, деб янгисини олволади.

Баъзилар қарз сўраётганида муҳтожлиги сабабини айтади. Айримлар “Пул зарур бўлиб қолди”, дейиш билан чекланади. Бизнингча, сабабини очиқ айтган маъқулким, қарз берувчи эҳтимол шунга қараб бирон чора кўрар. Масалан, қарз сўровчи тўй қилмоқчи-ю, қўли калта. Бу ўринда қарз берувчи пул сўраётган биродарига тўйни дабдаба билан эмас, камтарона ўтказишга даъват этиши керак. Агар сўровчи яқин қариндош ёки дўст бўлса, илтимос қилинаётган маблағнинг маълум бир қисмини ҳадя сифатида берса нур алнурдир (Масалан, беш юз минг сўм сўралаётган бўлса, шунинг юз ёки икки юз минг сўми ҳадя, қолгани – қарз). Агар банда ҳиммати баланд, саҳоватпеша бўлса, барча оғирликларни зиммасига олар. Эҳтимол, “Майли, қарз бераман, аммо тўйингни ҳаром қилинган ичимликларсиз ўтказасан”, деб шарт қўйиши ҳам мумкиннайдир. Агар сўровчининг иймони бўлса, шартга кўнار. Бўлмаса, бошқадан қарз олиб, ўзини хорлик ботқоfigа отади.

Яна бир одам ўтган марҳумларини эслаб “йигирма оши” ёки “йил оши” ўтказиш учун қарз сўрайяпти. Қарз берувчи “савоб иш экан”, деб дарров пул санаб бермасдан сўровчи бирсдарини бу маъракани қилишдан қайтариши шарт. “Худойи”, “Эҳсон”, деб номланувчи бидъат маъракалар қарз олиш эвазига қилинmasлигини тушуниши зарур. Бундай маърака учун қарз берилмагани маъқул деб ҳисоблаймиз.

Энди қарз берувчиларнинг имтиҳони ҳақида: намангандлик иймон эгаси тошкентлик биродарига катта миқ-

дорда қарз берган экан. Қарз бериш жараёни шариатга кўра, икки эркак гувоҳ иштирокида бўлган. Қарзни қайтариш муддати аниқ белгиланган. Лекин қарздорнинг иши юришмай, пулни ўз вақтида қайтара олмаган. Орадан ойлар ўтавериб, қарзни қайтариш муддати бир неча марта ортга сурилган. Охири наманганлик иймон эгаси икки гувоҳни ёнига олиб, қатъий талаб қилиш мақсадида Тошкентга келган. Қарздорнинг уйига келиб қарасаки, у оғир хаста. Қарздан сўз очмай, беморни безовта қилмай изларига қайтадилар. Шунда иймон эгаси ҳамроҳларига дейдики: “Сизлар қарз бераётганимда гувоҳ эдинглар, яна гувоҳ бўлингларким, мен Аллоҳнинг розилиги учун бу қарздан кечдим!” Олижанобликнинг олий намунаси шундай бўлади! Улар Наманганга қайтишгач, иймон эгаси тўсатдан вафот этадилар. Бу хабарни эшитган қарздорнинг ўғиллари таъзияга келиб, маъюсланадилар. “Отамиз бу кишидан қарз эдилар”, деб йиглашганда гувоҳлар бўлган гапни айтиб, уларни ҳижолатликдан қутқардилар.

Иккинчи воқеанинг бошланиши, ривожи ҳам биринчисига ўхшайди. Фақат хотимаси ўзгачароқ. Қарз берувчи дейдики: “Биламан, сен қарзингни барибир бермайсан. Бермасанг берма! Мен сен билан қиёматда Аллоҳнинг ҳузурида ҳисоблашаман!” Ё Раб! Бу қандай дагдада бўлди, бу қандай нодонлик бўлди! Тўғри, қиёматда ҳисоб-китоб мавжуд. Аммо Аллоҳ билан учрашувга шу дунёвий машмашани дастурхон қилиб кўтариб бориш қайси ақлга сифади. Қарз берувчи икки киши эди, уларнинг бири – иймон эгаси шеригининг бу нодонлигидан аччиқланди ва дедики: “Кўриб турибман, пулни қайтариб беришга қурбилари етмайди. Аммо мен буни қиёматга қадар асррамайман. Қарзнинг ўзимга тегишли қисмидан шу оннинг ўзида Аллоҳ розилиги учун кечдим. Мен қиёматда Аллоҳимга юзланганимда истифор айтишга қурбим етса ҳам катта гап!”

Биз-чи? Биз шундай қила оламизми?

Тирикчилиги оғирлашиб, пулга муҳтож бўлиб қолган бир киши дўстининг уйига келди-да, остона ҳатламай, муродини айтди. Ҳижолатлиги туфайли дўстининг таклифини қабул қилмади, уйига кирмади. Дўст айтилган пулни олиб чиқиб бериб, биродарининг кўнглини кўтарадиган, ҳижолатликдан ҳоли қиласидиган оқил сўзларни айтди. Муддаоси ҳосил бўлган киши изига қайтгач, дўст уйига кирди-ю йифлай бошлади. Хотини «Эрим кўпроқ пул бериб юбориб, ачиниб йифлаяпти шекилли», деган хаёlda «Бирор нарсани баҳона қилиб қайтариб юборсангиз бўлмасмиди, шунча пулни индамай бериб юборишдан олдин ўйланг эди, маслаҳат қилинг эди, энди пушаймонлигингидан нима фойда?» деб таъна қилди. Шунда дўст дедики:

– Эй нодон хотин, йифлаётганим сабаби сен ўйлаганча эмас, пулимга ачинаётганим йўқ. Мени ғафлат босибди, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмабман. У келиб сўрамасидан аввал ўзим бориб, ҳол-аҳвол сўрашим, мушкулини осон қилишим шарт эди. Дўстнинг ҳожатидан бехабар мендай ғофилнинг дўстлигидан Аллоҳ рози бўлармикин?

Қани эди, барча шу одам каби йифлай олса...

Қарз сўраш жараёни дўстлик кўчасидаги оғир ва ноzik муаммолардан, айни пайтда жиддий синовлардан саналади. Пул гўё ўткир қилич, дўстлик занжирларини узишга, дўстликнинг бузилмас иморатини барбод этишга ҳам қодир. Қарз сўраш бошланса, заиф дўстлик иплари узилиб бораверади.

Бир одам дўстидан қарз олди-ю, вақтида қайтармади. Дўст қарзни қистаб, кўп марта эслатди. Кунлардан бир кун уч яшар қизчани етаклаб келаётган қарздор ўртоғини кўчада кўрди. “Ким бу?” деб ажабланиб сўради. “Жияним, укамнинг қизи”, деди қарздор. Қарздор пулни қайтариши шарт бўлган ойда фожиа юз бериб, укаси билан келини вафот этган, етим қолган тўрт жияни унинг қара-

моғига ўтган экан. Қарздор бошига тушган бу ташвишдан дўстини огоҳ этмаган, пулни қайтаролмаётгани сабабини айтмаган ҳам эди. Дўстининг аҳволини билгач, қарз берган одам пулни қистаб боргани учун уялган. Бундай ҳолда уялиш – қалбда иймон зарралари борлигидан далолат. Бироқ...

Орадан икки ой ўтиб, қарздор пулни қайтарган.

У эса олган...

* * *

Умрнинг ҳаётдан кишига малоллик етадиган даражада узун бўлишининг у қадар зарурлиги йўқ. Шундай умр яхшики, узунлиги кишига малолат келтирмаса.

Кўпинча Аллоҳга илтижо қилиб, ўзимизга ёки бошқа кишига узоқ умр тилаймиз. Ўйлаб кўрмаймизки, умри миз узунлиги туғилмасимиздан аввал ўлчаб, белгилаб қўйилган. Яна ўйлаб кўрмаймизки, узун умрнинг ўзига хос вазмин масъулияти бор. Иймонсизлик билан ўтган узун умр – гуноҳларни беҳисоб равишда тўплаб олишдан бошқа нарса эмас. Иймонсиз ўтган умрнинг шу умр эгаси учун қисқароқ бўлгани афзал. Чунки у гуноҳлар қопини камроқ тўлдиради.

Стефан Цвейг деган немис адиби олтмиш ўшга тўлганида: “Одам учун шу ёш кифоя, бошқа яшашнинг ҳожати йўқ”, деган экан. Бу фикрда маъно йўқ. Бу фикр – ношукурлик белгиси. Чунки олаётган ҳар бир нафасимиз, ўтаётган кунларимиз (яхши ёки ёмон, тўкин ёки гариблигидан қатъи назар), Аллоҳнинг неъматидир. Бирорвлар хасталиклари чўзилиб кетганидан ҳам руҳий, ҳам жисмоний азоб тортиб, ўлимнинг тезроқ келишини истайдилар. Тиллари билан айтмасалар-да, дилларидан кечган бу ношукурликнинг Аллоҳга аён бўлишини балки билмаслар. Билмасалар – билсинглар ва эҳтиёт бўлсинглар. Баъзи бирорвлар бу дунё ташвишидан безиб, боқий дунёга тезроқ кетишни истайдилар. Истаклар асов от кабидирлар. Жиловни бўшатсангиз сизни нималарга ги-

рифтөр қилмайды? Узоқ яшашни истаймизми ё аксинчами, бизга сабр лозим. Ҳар биримизни қайси бир күннинг, қайси бир сониясида ажал кутиб турибди. Ўзимиз учун ҳам кутилмаган ҳолатда бу сўнгги нафасга етиб келганимизда ношукурлигимиз, сабрсизлигимиз учун уялиб қолмасак бас!

Киши ҳаётида дийдор ҳам, айрилиқ ҳам кўп. Зийракроқ разм солсақ, ҳаёт учрашув ва ўлимдан иборатга ўхшаб кўринади. Қай бири кўпроқ?.. Учрашган, танишган, кўнгил қўйғанларимизни ўлим аёвсиз равишда бизлардан юлиб олади. Бирида қайфурамиз, иккинчисида... Одамлар билан учраша-учраша оқибат ўлим билан ҳам учрашамиз. Бизнинг бу сўнгги учрашувимиз кимнидир қайфуга солар, кимнидир эса...

Ҳар қандай дийдорнинг оқибати – айрилиқдир. Одамлар охир-оқибат айрилиқ майини ичмоқ учун учрашадилар. Бу дунёда ҳар бир нарса омонат бўлгани каби дийдор ҳам омонат. Боқий дийдор фақат жаннатдир. Энг баҳтли дийдор ҳам ўша маконда. Узил-кесил айрилмоқлик ҳам Қиёматда содир бўлади. Унга қадар ота-она ва бошқа яқинлар билан жаннатда юз кўришмоқлик умиди мавжуд. Умид ушалмаса-чи? (Аллоҳ сақласин!) Бу дунёдаги айрилиқ фожиа эмас, ўткинчи фам, холос. Энг даҳшатли фожиа – Қиёматдаги айрилиқдир. Бу фожиага учраш ёки учрамаслик масаласини ҳар бир инсон тириклиқ чоғида ҳал қилиб олмоғи зарур.

Ажаб! Ҳисоблаб кўрилса, одам танасидаги аъзолар йигирма-ўттизта чиқар, балки сал кўпроқдир. Аммо шу танага шифо беришга мўлжалланган юзлаб, балки минглаб дорилар бор. Ҳеч қайси дори, айниқса кимёвий дори хасталикни батамом даволай олмайди. Оддий мантиқ будир: агар даволай олганида ўлим бўлмас

эди. Дори хасталик азобини бир оз ортга чекинтира олади, холос.

Замонавий тиббиёт асосан Европа шароитини ҳисобга олган. У томонларнинг табиати, қуёши, ҳарорати бизни-кидан фарқ қиласди. Ишлаб чиқарилаётган дорилар ҳам ўша ернинг тажрибасидан ўтади. Ўша ердаги беморларда синалади. Ҳолбуки, дард ва унга шифо масаласида ҳаво, сув, қуёш, тупроқ каби омиллар орасида жиддий фарқлар бор. Биргина мисол: Европа медицинасида “иссиқ ёки совуқ мижоз” деган тушунча йўқ. Иссик мижозли беморга ҳам, совуқ мижозлига ҳам бир хил дори. Айни бир дорининг баъзиларга ижобий, бошқаларга салбий таъсири айнан шундандир. Бизнинг табобатимизда эса бу нарса муҳим аҳамиятли саналади. Замонавий медицина яна бир нарсани эътибордан четда қолдиради: тан хасталигини келтириб чиқарувчи омил – руҳ хасталиги. Руҳ хасталиги эса руҳнинг нопоклигидан келиб чиқади. Руҳ покланмай туриб шифога умид қилмаса ҳам бўлади.

Шахснинг фожиаси нимада? Амалдан ёки бойлиқдан ажралганидами? Ҳар кимнинг фожиаси ҳар хил. Барча учун бир ҳисобланган фожиа ҳам бор: бу кўнгилнинг ақлга бўйсунмаслиги. Баъзи одамларни “манман” деймиз, “ўжар”... деймиз. Аслида кўнгил манман, кўнгил ўжар. Агар кўнгил хатосига иқрор бўлмаса, бу кўнгил эгасидан нима кутиш мумкин? Кўнгил ҳаёт ҳақиқатларини инкор этса, бу кўнгил эгаси нима қилсин? Сохта нарсаларга умид боғлаган кўнгил эгасини оқибат нима кутади? Хорлик эмасми?..

Дунёда ҳайкаллар кўп. Одамлар ўзлари кўрмаган, минг йиллар аввал ўтиб кетган улуғларнинг қиёфалари ни тасаввур этиб, ҳайкалларини ишлайверадилар. Бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмайди. Аслида эса булар мавҳум-

ликка қўйилган ҳайкал. Ҳамонки, мавҳумликка ҳайкал қўйиш мумкин экан, ғамга ҳам ҳайкал қўйилса бўлмас-микин? Худо сақласин! Агар фоний дунёдаги одамлар ғамларига ҳайкал қўйишга киришиб кетсалар, Ер юзида оёқ қўйишга жой қолмас?

Тирикликнинг роҳати яхшими ё лаҳадда ётмоқликтининг роҳати афзалми? Тирикликнинг роҳати аслида азобдан иборат. Одам бу азобни доим ҳам ҳис қиласвермайди. Роҳат умиди унинг ҳисларини иҳоталаб қўяди. Фақатгина роҳат умиди сингандагина руҳ азобини ҳис этади. Одам қорнини тўйдириши учун қанчалар уринмоғи, елиб-югурмоғи, кимларгадир таъзим қилиб, кимларнидир янчиб ўтмоғи керак. Бир коса шўрва-ю, бир бурда нон билан қорин тўйса-да, унинг ташвиши шунчалик кўп – бир дош-қозонга сифмайдиган даражада. Яна уст-бош, бошпана... ташвишлари. Бу ташвишларнинг чегараси йўқми? Бор. Дунёдаги давлат чегараларига назар ташлайлик: айримлариники аҳамиятсиз, айримлари эса ғоят мустаҳкам. Таъбир жоиз бўлса, пашша ҳам учиб ўта олмайди. Агар одам ўз нафсини иймон чегараси билан иҳота эта олса, демак, ташвишлар ҳам чегараланган бўлади. Бу чегарага сабр, бардош, қаноат, шукур каби соқчилар қўйилса ва улар ўз вазифаларини юксак мақомда уddeлай олсалар, тириклик ташвиши камайиб, лаҳадда ётган банда учун фақат бир нарса: тириклик чоғидаги яхши амалларидан иборат соябон керак.

Бир синфда, дейлиқ, ўттиз бола ўқийди. Агар муаллим уларга бир масала ёки тенгламани ечишни топширса, ўн бола тўғри ечимини топиши мумкин. Қолганларининг айримлари хато ечади, айримлари эса ечишга ҳаракат ҳам қиласванди, кўчириб олиш пайида бўлади. Дунё ҳаёти ҳам шунга ўхашаш. Таъбир жоиз бўлса, ҳаёт – ечи-

ми ғоят оғир масала. Уни ҳар ким ўзича ечишга урина-ди. Дунёда түғри ечганлардан нотүғри ечганлар күпроқ. Ажабланарлиси шуки, дунёни ўша иккинчи тоифа – яъни нотүғри ечим топганлар бошқарадилар. Шу сабабли ҳам дунё нотинч. Шу сабабли ҳам инсонларнинг қонлари дарё-дарё бўлиб оқяпти. Қадим замонларда ҳам шундай эди. Ҳозир ҳам айнан шундай – масалани уруш қоидаси-га мувофиқ ечмоқчи бўладилар. Бундан кейин ҳам дунё ўзгаришсиз қолаверади.

Яралмиш ҳар бир нарсанинг ҳимоя қобиғи мавжуд. Буни тухум пўстлоғига ўхшатиш мумкин. Одам танаси-га қарасак, ҳар бир аъзо ўзига хос равишда ҳимояланган. Масалан, юрак, жигар, ўпка...нинг ҳимоя пардала-ридан ташқари қовурға ҳам мавжудким, у ташқи зарба-лардан асрайди. Суякни қопловчи эт ва терини ҳам ҳимоя воситаси деб атасак, тиббиёт ходимлари бизни хатолик-да айблашмас. Санаганларимиз – жисмоний ҳимоя воси-таларидир. Хўш, руҳий ҳимоя воситаси борми? Бор! Бу – дуо! Банда дуо қўлмаса, бандалик лаззати унга татимайди. Одамни турли бало, офат, фалокатлардан, энг муҳими – ёмон назарлардан дуо иҳота этади. Бу дуо иҳотаси қатма-қат бўлиб, энг қалини, бардошлиси – ота-она дуо-сидир. Жисмоний иҳота воситаларини одамга Аллоҳ атё этган. Руҳий ҳимоя воситасини эса ҳар бир одам ўз яхшиликлари туфайли барпо этади. Ким ўзгаларга яхши-лик қилиб хайрли дуолар олибди, унинг иҳота қўргони мустаҳкамдир. Ким ўзгаларга ёмонлик истаб дуоибад (ёмон дуо, яъни – қарғиши) олибди, руҳий иҳоталарни бар-бод қилибди. Қарғиши – руҳий ҳимоя воситаларини пар-чалаб ташловчи ғоят кучли қуролдир. Бундан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Қарғиши бу воситани бир зарбада бузга олмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, у айёр ғаним каби пайт пойлайди. Одамни қамал ҳолатига келтириб, уни таъқиб этади. Орадан йиллар ўтиши мумкин. Одам бирорвга қил-

ган ёмонлигини унудиши ҳам мумкин. Аммо дилда туғилиб, тилга күчган қарғиш ўз вазифасини унутмайды. Ташқи зарба туфайли эзилган ёки синган қовурғани даволаш чоралари мавжуд. Бироқ, юракдан отилиб чиққан қарғиш зарбасига даво йўқми? Бор. Бу – тавба. Банда кимнинг кўнглини оғритган бўлса, ундан узр сўрамоғи шарт. Аллоҳ шундагина унинг гуноҳини кечиради. “Қарғиш урди” деган иборани “У тавба қилмади, Аллоҳ гуноҳларини кечирмади”, деган тарзда талқин қилсак ҳам бўлади.

Фоний дунёда уйини зеб-зийнатларга тўлдирган одам боқий дунёга фарид ҳолда қайтди...

Хатар сезгани учун ҳурмади бу ит, балки итлигини билдириб қўйиш учун вовуллади.

Рашкнинг ози тотли, ҳудди тонғги ёқимли шабада сингари кўнгилга роҳат беради. Бироқ... шабададан кейин кўтариладиган тўзон бор, дараҳтларни илдизи билан қўпориб юборувчи бўрон бор, осмонга чирпирак қилиб олиб чиқиб, сўнг ерпарчин қилувчи қуюн ҳам бор...

Китобни икки хил тоифа икки хил тарзда ўқиёди. Бир тоифа китобни хайрли ният билан қўлга олади ва сатрлардан маъно излайди. Иккинчи тоифа саҳифаларни кўнгилқоралик билан очади ва хатолар қидиради. Биринчи тоифа маъно топса, роҳатланади ва таассуротини биродарлари билан баҳам кўради. Иккинчиси хато тополмаса, эзилади ва топган тақдирда чалиб оламга овоза қилиш учун қиздириб қўйилган ноғораси бўш қолади. Иккинчи тоифага мансуб одамлар ҳасад оловида ўзла-

рини қийнамасликлари учун ўша китобни ўқимай қўя қолганлари дуруст.

Бадавлат бир одам маҳсус буюртма билан жавон ясаттириди-да, уни муқоваси чиройли ва ялтироқ китоблар билан тўлдирди. Ажабки, китобларни варақлаб ҳам кўрмади, маъноси билан қизиқмади ҳам. Шундан сўнг меҳмонларига маҳсус буюртма билан ясалган жавонни, ундаги китобларни кўрсатиб, яйраб мақтанишни одат қилди. Меҳмонлари ҳам ўзига ўхшаган тоифадан эди. Жавоннинг қандай тахтадан ясалиб, неча пулга тушгани билан қизиқдилар. Устасига таҳсинлар айтдилар, биринкитаси эса шундай жавон ясаттиришни ният қилиб, устанинг телефон рақамини ёзиб ҳам олди. Жавонга терилган китоблар қўлга олинмади, варақланмади... Уй эгаси бу ҳолатга аҳамият бермай:

– Уйнинг ҳусну безаги латта-путталар эмас, китоблар!
– деб фахрланишда давом этди.

Агар бу одам китоб уйнинг эмас, қалб ва ақлнинг ҳусни эканини англаса, комиллик сари қадам қўйган бўларди...

* * *

“Ўзбек” атамаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Тарихчи олимларимиз таъбирича: “ўзбек – ўзига-ўзи бек” дегани. Яна бошқа таъбирда ўзбек тарихини Ўзбекхондан бошлашади. Бу икки фикрда ҳам мантиқий асос йўқ. Аввало, Ер юзида яшаётган каттами-кичикми ҳар бир халқ ўзи-ўзига бек, бошқага тобе бўлишни истамайди. Иккинчидан, агар тарих Ўзбекхондан бошланса, бу хонга “Ўзбек” деб ким исм берган? Бу исм осмондан олинмагандир. Демак, бу ном, бу атама аввал ҳам бўлган.

Мен тарихчи эмасман, олимликка даъвоим ҳам йўқ. Бироқ, бу хусусда ўзимнинг қатъий фикримга эгаман. “Кирғиз” – қир ўғузи, “Гагауз” – кўк ўғуз демак. Туркий

халқларнинг бобоси Ўғузхон бўлганлар. Бу ҳақда қадим тарих китобларида етарли маълумотлар бор. Айни Ўғузхон даврларида қавмларга (оилаларга) ном берилган: уйфур, қорлиқ, қибчоқ, қанғли... (бу тарихга қизиққанлар Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асаридан баҳраманд бўлсалар дуруст). Бизнингча, “ўзбек” – “Ўғуз беги” демакдир. Яъни Ўғузхон саройига яқин оила шундай аталган. Бу ҳол Европада ҳам бўлган. Масалан, Россияда “дворянин” деган табақа бўлган. Яъни, “приближённый к царственному дворцу” – подшоҳ саройига яқин бўлган киши. Яна Европада лорд, герцог, барон... каби табақалар борки, барчаси ҳукмдорга қанчалик яқинлини англатиб туради. Ўғуз беклари ҳам саройга шундай яқин бўлганлар. Тарихчи олимларимиз ўзларининг Якубовский, Бартольт, Бертельс каби устозларининг айтганларини маҳкам ушлаб олмасдан асл манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, фикр юритсалар, дурустроқ бўларди. Бизнинг тарихимизни ўрганиб, китоблар ёзганлари учун у зотлардан миннатдормиз. Бироқ бу борада бир ҳақиқат мавжуд: бир миллат тарихини ўрганиб, баҳо бераётган бошқа миллат вакилининг баён этилган фикрида ўз миллати манфаати ётади. Ана шу манфаат холислик йўлини тўсади.

* * *

Не ажабким, камбағалнинг пули йўқ, бойнинг эса тинчи йўқ.

* * *

Эй хотира! Дўстмисан, душманмисан менга – билмам?!
✓ Яхшиликни унутма, дейман – унутасан. Ёмонликни унут, дейман – зарра-заррасигача эсдан чиқармайсан.

* * *

Эркинлик ва озодлик ҳақида гап кетганда икки саволни ўртага қўйиб аниқлаштириб олиш керак:

Эркинлик – нима?
Эркинлик – ким учун?

* * *

“Бу дўкондор ҳамма нарсани виждонига қўшиб сотади”, деган гап менга мантиқсиз туюлди. Чунки вижденини сотишга тайёр одамда аслида виждон бўлмайди. “Виждони бор” деб тасаввур қилинган тақдирда ҳам виждон-сизнинг виждонини сотиб оладиган покиза виждон эгаси топилармикин?

* * *

Қабристонлар обод, озода бўлиши керак. Бу яхши. Аммо кейинги пайтда мозористон кибрлар намойиш этиладиган майдонга айланниб боряпти. Бунда Исломга зид одатлар қанот ёйяпти. Пулдор биродарларимиз яқинларининг қабрлари устига қимматбаҳо тошлардан лавҳалар, ҳатто ҳайкаллар қўйяптилар. Бир одам камбағалнинг ҳовлиси дай келадиган жойни ўраб, тепасини шийпонга ўхшатиб ёпиб қўйибди. Шу ҳашамга кетган харататга бирон бир камбағалга уй қуриб берса, бунда ётган одам руҳи савобдан баҳраманд бўлиб, қабр азобларидан озми-кўпми қутилармиди? Қабрларнинг устини қорёғирдан тўсишдан мақсад нима, минг ўйласам ҳам тушуна олмадим.

Ҳа, қабрларнинг тепасини безаб ётибмиз. Шунга қараб, ким бой, ким камбағал эканини ажратиб оламиз. Ҳолбуки, қабрда – ер остида ҳамма бир ҳил ҳолатда ётибди. Қадим юнонларнинг тоштобутларини кўрган эдим. Ҳозир насронийлар тахта тобутда кўмадилар. Бойлари яхшилаб безатилган, ялтилаб турганида, камбағали тахталари чала рандаланган тобутда. Қадимда бойларга мармар тошдан тобут ясаганлар. Тобут атрофига сангтарошлар ажиб суратлар зарб этганилар. Камбағалнинг тобути эса биздаги катта хумни эслатувчи оддий сополдан бўлган. Аммо, ажабки, мармар тобутдаги мур-

да ҳам, сополдагиси ҳам бир хил күринишда – қуруқ сүяк. Қиёматда тирилгандарында мармар тобут бошлагыра га саябон бўла олармикин?

Қабрларга қараб бой ёки камбағал эканини ажратиш мумкин.

Эҳтимол, иймонли, иймони заиф ёки иймондан йироқ эканига ҳам шу қабрлар гувоҳлик берарлар?

* * *

Рекламадаги даъват ажабланарли: “Агар барча дардларингизга даво топишни истасангиз “Карима”шифохонасига мурожаат қилинг”. Ана халос! Ва яна... афсус...

Биз шундай гапларга кўнишиб қолгандариз. Бемор танишимиз (ёки қариндошимиз)га яхшилик қилиш ниятида “Фалон табиб (ёки доктор)га боринг, ўша тузатиб юборади”, деймиз. Ёки “Мен фалон доридан ичиб тузалдим. Сиз ҳам иссангиз шифо топасиз”, деймиз. Аммо... Ўзини реклама қилаётган шифохона Фираъвинни эслатмайдими? Яна ҳам уларда инсоф бор экан: “Ўликларингизни олиб келинг, тирилтириб берамиз”, дейишмаганига ҳам шукур...

* * *

Қисман тўғри гапириш ҳақиқат эмас. Бу бўғзига қадар ботқоққа ботиб турган одамга ўхшайди. Чўкиб, ҳалок бўладими ё жонини қутқариб қоладими – билиб бўлмайди.

* * *

Тарихчи биродарларимиздан бири “Ҳусайн Бойқаро Хўжа Аҳрор валий билан кўришмоқни орзу этган экан-у, ҳазрат хоҳиш билдиримаган эканлар”, дедилар. Бу шунчаки таҳминий гапмиди ё бирон ҳужжатга асосланганми, суҳбатда сўраш имкони бўлмади. Энди шу гапни таҳлил қилиб кўрайлик:

1.Бирон амалдорнинг ҳузурига кириш учун рухсат олиш, ўртага одам қўйиш – бугунга хос одат. Валийлар буни одат қилмаганлар, улар учун шоҳу гадо фарқсиз, тенг бўлган. Улар ҳашаматли идораларда, саройларда эмас, одамлар орасида яшаганлар. Агар Ҳусайн Бойқаро шайх Хўжа Аҳрор валий билан учрашиш истагида бўлса, Самарқандга келиши лозим эди. Аммо подшоҳ сифатида келолмасди. Шу боис, эҳтимол, ҳазратни Ҳиротга даъват этган бўлиши мумкин. Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Оби ҳаёт томчилари) асарида Хўжа Аҳрор валийнинг Бобур мирзо билан учрашгандари ва насиҳатлари баёни ёзилган.

2.Агар Ҳусайн Бойқаро Хўжа Аҳрор валийни Ҳиротга даъват этган бўлса, Ҳазрат бу даъватни икки сабаб билан рад этган бўлишлари мумкин: аввало, қариллик туфайли узоқ йўл босишга қурбилиари етмагандир. Бу эҳтимолимиз унчалик ишончли эмас, ўзлари боролмаган тақдирларида ҳам энг яқин шогирдларини йўллашлари мумкин эди.

Бизнингча, тўғри жавобни Ҳусайн Бойқаронинг ёмон хулқидан излаш керак. “Бобурнома”да ўқиймиз: “...Қирқ йилға ёвуқим, Ҳурсонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндан сўнг ичмагай, vale ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрат билан айш ва фисқ қилурлар эди”. “Муншаот” китобидан маълумки, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам Ҳусайн Бойқарони бу ёмонликдан қайтаришга уринганлар. “Насойим ул-муҳаббат” асарида Ҳусайн Бойқаронинг Хўжа Аҳрор валийга ва ул ҳазратнинг подшоҳга муносабати ҳақида маълумот учратмадик. Шундан холоса қилсак, Ҳусайн Бойқаро Хўжа Аҳрор валийга интилмаган бўлиб чиқади. Эҳтимол, баъзан кўнгли шайхнинг дуоларини истагандир?..

Маъракада имом ҳазратлари фоят маънили амри маъруф қилдилар. Сўнг ош тортилди. Беш юздан зиёд меҳмон бараварига тановулни бошладилар. Тўйхонани ажиб бир оҳанг қамраб олди: темир қошиқларнинг лаганга урилиб тарататётган жаранглари тинмайди. Ўзаро лутф эса ҳавасга лойиқ:

- Олинг, олинг...
- Ошпаз ошни юргизворибди...
- Нариги лаганга қази қўйишни унудишибди, шекили...

Шу зайлда маърака адогига етиб, тарқалишди. Имом домланинг сўзлари лаганга урилган темир қошиқ садолари сингари ҳавога сингиб кетди. “Имонга чорловчи сўзлар айтилди, амал қилайлик”, дейдиган азамат топилмади.

– Фалончининг оши эртага наҳоргамиди ё пешингамиди?

Ҳамма нарсадан ҳам энг муҳими – шуни аниқ билиб олиш.

Имонга кечикиш мумкин, ошга кечикиб бўлмайди.

Бирон бир жойдаги Исломнинг мавқенини ёки таъсирини билиш учун кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш шарт эмас. Ўша ердаги қиз-жуvonларнинг гап-сўзлари, жамоатда ўзларини тутишларига, кийимларига бир назар ташланса кифоя.

Туяқушнинг ғалати одати бор: бирон хавфни сезса, бошини қумга тиқиб тураверади. Баъзи одамларда ҳам шундай одат мавжуд: ҳақиқатдан қўрқиб, бошларини гўё қум орасига тиқиб яшайдилар. Атрофга қарамайдилар. Келажакни тасаввур қила олмайдилар. Энг ёмони – яқинлашаётган хатарни сезмайдилар.

Халқимизда бир мақол бор: «Айтсам – тилим қуяди, айтмасам – дилим». Улуг шоирларимиздан Атойи ҳазратлари ёзганлар: «Айтсам – ўлдираплар, айтмасам – ўлам». Араб шоири Муин Бисису ёзган экан: «Айтсам ҳам ўлдирадилар, айтмасам ҳам ўлдирадилар, айтиб ўлганим яхши».

«Ўлим – кутилмаган меҳмон», дейдилар. Бу фикрга қўшилмоқ мумкин эмас. Ўлим – кутилган меҳмон. Биз уни қутишга, қаршилашга тадорик кўриш лозимлигини унудиб яшаймиз. Биз унинг ташрифи муқаррарлигини унумасак, қадамларига пояндоз солиб кутсак – азиз меҳмон каби иззат қилган бўламиз ва ажр ҳам шунга яраша берилажак. Биз солгувчи пояндоз – хайрли амалларимиз, ишларимиз. Тасаввур қилингки, меҳмонга борганимизда пояндоз солиб, очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Сахийлик билан дастурхон тузашди. Бениҳоя лутф кўргазиши. Сиз бу марҳаматлардан эриб, мезбонга жонингизни ҳам бермоққа рози бўлиб кетасиз. Аксинча, уйқули кўзларини очишга эриниб, эснаб, энсаси қотиб қаршиласа, ивирсиқ дастурхон атрофидан жой кўрсатса, худди европаликларга ўхшаб, «биз бугун меҳмон кутмаётган эдик», демаса-да, ҳаракатлари орқали шу маънени англатиб турса, қай аҳволга тушасиз? Бу пояндозни эмас, чақириканакларни яланғоч равища босиб ўтгандай бўлмайсизми? Ана энди «иймон» деб аталмиш тушунчанинг асосини ташкил этувчи хайрли амаллар қайда-ю, савоб-ҳаромнинг фарқига бормай юрган ҳолда ўлимни қаршилаш қайда – фарқини ўзингиз фикр қилиб олаверинг.

Кутилмаган меҳмон – ўлимнинг фазилатларидан бири – у шоҳу гадога бир хилда муносабатда бўлади. Унда, бу борада айирмачилик иллати йўқ. Жон бергувчи бандада меҳмонини қаршилагач, унинг учун энди фоний дунёда

фожиа йўқдир. Фожиа ортда қолган тириклар учундир. Айни шу фожиада айримачилик мавжуддир. Туриш-турмуши оддийроқ бўлган хонадон учун фожиа шамнинг ёнгани кабидир. Улар яқинларидан жисман жудо бўлганлари учун куйинадилар. Қалбни тирнаган жудолик азоби узоқ давом этмайди.

Бадавлат одам жон бераётганида тўплаган бойлиги-дан ажраётгани учун қайгурадими ё йўқми – билмаймиз. «Улар жондан эмас дунёларидан жудо бўлаётгандар учун аламдалар», дея олмаймиз. Бундай демоқ учун бой қавмида бир ўлиб кўрмоқ керакмикин... Аммо... бойнинг ортда қолмиш зурриёди, яқинлари учун улуғ бир ташвишлар, азоблар мавжудлиги аниқдир. Тириклар учун меросдан улуш олиш ташвиши – вақти-соати етган банданинг жон таслим қилиши азобидан улуғроқдир.

Мансабдорнинг тақдири ҳам шунга ўхшаш. Бу ҳолда ҳам ўлаётган мансабдор «оғзим энди ошга етганида, бошим тошга етди-я!» – деб нола чекади, деган фикрдан йироқмиз. Аммо ортда қолаётгандарнинг шундай демоқлари эҳтимоли бор. Чунки мансабдорнинг ўлимидан сўнг кўп нарсалар чаппасига айланиб кетиши мумкин. Шу мансаб туфайли илиниб турган қудачиликнинг заиф иплари узилар балки. Шу мансаб туфайли обрў шоҳсупасидаги ака ёки укалар, фарзандлар ёки жиянларнинг ке-рилиб юришлари барҳам топар. Шу мансаб туфайли бу оиласга ўзини дўст тутганлар қабр совумай туриб, мағлуб аскарлар сингари тумтарақай бўларлар...

Ўлим тўшагида ётган банданинг атрофида ташвиш билан кўз ёши тўкаётгандар шундай фожиаларнинг сояларида зир титрайдилар. Ҳали жон чиқмай туриб, бу ташвишли дунёда жон сақлаб юришнинг осон йўллари-ни излайдилар. Афсус... ўлаётган банданинг тақдири уларга ибрат эмас.

Сўнгги сўз... ва сўнгги нафас... Шу ҳолатни ҳеч ўйлаймизми? Билмаймиз... билолмаймиз... Ҳозиргина тилимиздан учган сўз сўнгиси бўлиши эҳтимол... Эндиғи чиқарган нафасимиз охиргисидир балки? Киши бу оламни тарк этгач, яқинлари унинг сўнгги ҳаракатларини, сўнгги гапларини эслашади ва ундан ҳикмат излашади. Ажойиб болалар ёзувчиси, кўп йиллик қадрдон акамиз Сафар Барноевнинг касал бўлиб ётгандарини эсполмайман. Шу киши 63 ёшларида кеннойимизга «Малика, ўлиш шунақа осонми?» дебдилар-у, жон таслим қилибдилар. Бу ҳол каминани кўп ўйга солди. Улуғларнинг сўнгги сўзларини эсладим: англиялик шоир лорд Байрон ўлими олдидан қофоз ва қалам сўраган экан. Аммо қалам тутишга ҳоли бўлмай: «Тамом, энди жуда кеч», деб кўз юмган экан. Суқрот ҳаким «Ўлим руҳнинг танадан ажралиши ва танадан айри ҳолда яшаши, мавжуд бўлишидир, шундай экан, мен ўлимдан қўрқмайман», – деб яшаган. Сўнгги сўзи эса... «Аскулениосга бир хўроznинг баҳосича қарзимиз бор эди, эсингдан чиқмасин, Критон», – деб васият қилган экан. Салмон Форсийнинг сўнгги сўзлари насиҳат тарзида бўлган экан: «Нимаики қилсанг, Аллоҳ розилиги учун қил ва буни сира унутма!» Сўфий Ҳалложни «анал ҳақ!» ақидаси учун қийнаб ўлдиргандар. Олдин панжалари, қўллари кесилган, кўзлари ўйилган. Навбат тилни кесишга келганида деган эканларки: «Аллоҳим, сенинг розилигинг учун менга ушбу уқубатларни раво кўрганлардан раҳматингни аяма. Сенинг муҳаббатингга эришиш йўлида мени қўлларимдан, оёқларимдан жудо қилган бу қулларингни авф эт. Кечир, Аллоҳим, уларни кечир! Муҳаббатинг ҳурмати кечир...»

Сўнгги нафас... сўнгги сўз...

Ишқ аҳлининг ўлим билан учрашуви ҳам ўзига хосдир. Мавлоно Жалолиддин Румий ўзларининг ўлимларини «Шаби арус», яъниким, «никоҳ оқшоми» – келинни кўрадиган, лаззат оладиган, ҳаяжонланадиган, висол-

га эришадиган оқшом, деб атайдилар. «Улганимда менинг орқамдан йиғламанг, «алвидо!» деманг. Мен ажралишга эмас, учрашувга кетяпман», деганлар... Эътиқодли, ошиқ бир инсоннинг сўнгги нафаслари...

Иймон эгаларининг умиди охирги нафасда имон калимасини айтиш. Шундай жон бериш улуф баҳт! Бир қизиқчи саҳнада масҳарабозлик қилаётганида жон берган экан. Ҳамкаслари уни “санъатга бўлган фидойилик” деб улуғладилар. Агар имон калимаси билан жон берганда эди, у банда Аллоҳ ҳузурида улуғланар эди. Бирорвлар ашула айтиб туриб ҳам ўлишлари мумкин. “Қошу кўзингдан акагинанг айлансин,вой дод-е!” деганича жон таслим қилса, қиёматдаги дод-фарёдидан наф бўлармикин? Бир чойхонада шахмат, нарди, қарта ўйнаб ўтирганларни кўрдим. Уларнинг аксари “ҳожи”лар экан. Беш вақт намозни масжидда ўқиб, орадаги вақтни чойхонада ўтказар эканлар. Ажабки, шахмат ўйнаб туриб “шоҳ!” ёки “мот!” деган сўз билан жонлари чиқиши мумкинлигини ўйлашмаса?! Ана ўшанд... Шахматда “мот” бўлмайдилар-у, аммо иймон бобида мот бўладилар, охират саодатини бой берадилар...

Шу биродарларга бир ривоят сўзлаш истаги туғилди: Дейдиларки, жон чиқар вақтида одамнинг ичи олов каби ёниб, қизир экан, ташналиқдан азоб чекар экан. Шунда ўлим талвасасидаги одамга шайтон алайҳилаъна қўлида бир кося зилол сув билан кўринар экан. Дер эканки: “Мен сени ташналиқ азобидан қутқараман, факат сен “Худо йўқ, пайғамбари ёлғончи” десанг бас”. Иймони заиф кимсалар бу васваса қармоғига илинар эканлар. Тақвода собит мўъмин эса калима келтириб шайтонни ҳайдар экан. Шунда шайтон унинг оёқ томонига ўтиб, зилол сувни кўз-кўз қилиб яна васваса қилас экан...

Умри тақво либосида ўтган бир мўъмин ўлимни кутиш тараддуудида ётганида биродарлари йўқлаб келишибди. Мўъмин сўнгги нафасларини олаётганида “Ла илаҳа

иллоллоҳ”, деб калима келтиинг, деб эслатишибди. Бунга жавобан мўъмин “Мен бу гапни ҳаргиз айтмасман”, деб пичирлабди-ю, жон берибди. Буни эшитган биродарлари қўп маъюс бўлишибыди. “Дўстимиз иймонсиз кетди-я!” деган гумонда ийглашибди.

Орадан кунлар ўтиб улардан бири тушида вафот этган биродарини кўрибди. Биродари оппоқ либосида жаннат боғларида юрганимиш. “Биз сизни иймонсиз кетди, деб армонда юрган эдик, Аллоҳ сизни буюк ажр билан сийлабди-ку?” деб савол берибди. “Ажабланманг, дўстим, – дебди вафот топган биродари, – сизлар уйга кириб келганингизда мен шайтони алайҳилаъна билан олишиб ётиб эдим. У менга васваса қилиб, “Худо йўқ, пайғамбари алдамчи” демоқликни амр этди. Мен сизларга эмас, у лаънати шайтонга қараб “Бу гапни ҳаргиз айтмасман”, деб эдим. Жонимни иймон калимаси билан топширганим эвазига Аллоҳ мени сийлади”.

Одам боласи ўз гуноҳларидан-қўрқар экан, тавбани шиор қилиб олиши шарт бўлади. “Тавба”нинг гуноҳдан ўзни тўхтатиш экани кўпчиликка маълум.

“Лисонут-тайр”да бир қуш Ҳудҳудга савол билан мурожаат қиласи:

– Мен умримда кўп гуноҳ иш қилдим. Бу уятдан ҳолим жуда тангдир. Ифлос ишлар билан машғул бўлиш мени нобуд қилиб, бу ғам мени эзиб юборди, энди шулар йўл босишимга тўсқинлик қилмоқда. Чунки ахлат устига қўнган чивиннинг қанчалик жирканч эканлиги ҳаммага маълум. Унинг пок Симурғга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Симурғнинг пок васлига эришмоқ учун поклик керакдир. Булғанч жиноят ичидаги ҳаёсизлик қилиш билан унга етишиб бўлмайди. У пок бўлса, мендаги сифат нопокликдир. Унинг васлини исташимга уят монелик қилмоқда.

Бу афсусли саволга жавобан Ҳудҳуд дедики:

– Сен ўзингнинг гуноҳга ботганлигингни бўйнингга олдинг. Шуни билгилки, бу дунё абадий туриш манзили эмас. Кимки мавжуд бўлса, унинг ҳосили охир ўлим бўлади. Агар сен ўз гуноҳинг билан ўлмоқчи, халқ аҳволга кулмоқчи бўлсанг, жуда нодон ва ғофил, ақлли кишилар олдида жоҳил экансан.

Қилган гуноҳларингдан фориф бўлишни орзу қилдинг, э, ҳавасманд, бу анча осон ишдир. Ундан қутулиш иложи фақат тавба қилишдир. Исён зулмати аро фақат уги-на чироқ бўлиб нур сочади.

Гуноҳ балчигидан тоза киши топилмайди, бу хил бе-гуноҳ киши ҳали ҳеч кимга маълум бўлган эмас. Ҳақ Одам авлодини гуноҳсиз қилиб яратган эмас. Э, бехабар киши, агар сен гуноҳ иш қилмасанг, Тангри авфу раҳмати билан кимнинг гуноҳидан ўтади? Агар кимнинг юзи гуноҳдан сариқ бўлса, тавба уни бу сариқликдан халос этади. Раҳмат денгизи мавжланган пайтда сен ҳам худди мен каби юз минг марта пок бўласан.

Дунёдаги барча инсонларнинг отаси бўлмиш Одам Атони одил ва мангуб ҳаёт Ҳақ вужудга келтирди. Бошига тўғри йўл топиш тожини кийдириб, бу тожга пайфамбарлик гавҳарини тикди. Уни шу қадар юксак иззат ва мартаба эгаси қилдики, барча малоикалар учун унинг оёғи остидаги тупроқ саждагоҳ деб айтилди. Осмон чўққиси у юрадиган йўл тупроғи бўлиб, жаннат боғи унинг жилвагоҳи эди. У шу тариқа юксак шараф ва эътиборга сазовор бўлди. Ҳақдан унга “Сафий” (пок) деган лақаб берилди.

Аммо қудратли Яратувчи тақдир этиб, унинг юзи гуноҳ ва исён билан қора бўлди. Ундаги шунча ҳурмат ва сажда этмоқлик қўлдан кетиб, иши номақбул ҳисобланди. Шунда унинг кўксига рад панжасини етказиб, жаннат боғидан ҳайдаб юбордилар. Унга бу хил юзқароликлар насиб қилиб, Ҳиндистон мулкига фарид бир аҳволда келиб тушди. У йиллар давомида ҳижронда ёш

тўкиб, атрофга оҳу ноладан фавро солиб юрди. Жони қилган гуноҳидан хас каби ўртанди. Азоб чекиб юрган маҳалда тавба қилиш уни бу қийин аҳволдан қутқарди. Раҳмат боғидан яна майин шабада эсди ва у юз минг азоб-уқубатдан халос бўлди. Тавбаси қабул этилиб, у ўзининг аввалги ҳурматли мавқеини эгаллади.

Шундай бир кишининг мушкули осон бўлгач, сен унинг олдида ким бўлибсан, э, муродига етмаган заиф! Тавба қил ва ундан ўз нажотингга эриш, йўлга азм айлаб, мақсадингга ет!

Навоий ҳазратларининг бу баёнларига “Саботул ожизий”даги байтлар ҳамоҳанг тушади:

*Дари тавба очиқда этса мақсуд,
Иш ўтгач сўнг, пушаймонда нечук суд?*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, тавба эшиги очиқ эканида мақсуларингни тилагил. Гуноҳларингга тавбаю истиффор қилгил. Тавба эшиги ёпилгач, тавбадан фойда қилмай, ўкинарсан.

Албатта, гуноҳига тавба қилган киши ҳақиқий ҳаёт топади. Лекин, Фаззолий ҳазратлари таъкид этгандардай, “Эртага тавба қиласман, солих амаллар қилишни бошлайман”, десанг, ўлимнинг сен кутгандан аввалроқ келишин унутма. Эртага тавба қилишни бугун тавба қилишдан осонроқ, деб ўйлаётган бўлсанг, демак, сен хато йўлда экансан”.

Донишмандлар «Бахтиёрик ичра сен бахтсизликка учрашдан қўрққил», демишлар. Биз эса қўрқмаймиз. Бахтни бир умрлик инъом сифатида қабул қиласмиз. Ўйлаймизки, бахт – меҳмондир. Меҳмон бир соат ўтирадими ё ўн кунми – оқибат изига қайтади. Бахтиёрикни иззат билан кутиб олиб, сўнг кузатмоққа шай турмоқ керак. Уйимизга келувчи меҳмонларнинг шакл-шамой-

иллари турлича бўлганидек, «бахт» деб аталмиш меҳмон ўрнига келувчи янги меҳмон унингдек бўлмайди. Бахт ўрнига келгувчи меҳмоннинг номи – «бахтсизликдир». Ҳа, айнан шундай. Бахтсизлик ҳам меҳмондир. Унинг ҳам иззатини жойига қўйиб кутиб олмоқ ва кузатиш тадоригини кўрмоқ лозимдир. Бахтсизликнинг ўрнига келажак меҳмон, шубҳасиз – **БАХТИЁРЛИК**дир.

* * *

Улуғ устозларимиз ривоят қиласидарким, бир мамлакатда подшоҳ роппа-роса ўн йилдан кейин таҳтдан тушириларкан. Сўнг қайиққа ўтиқазиб уни кимсасиз оролга ташлаб келишаркан. Навбатдаги подшоҳ таҳтга ўтиргач, у маъюсланиб вазирига дебдики:

– Наҳот менинг ҳам қисмати шу бўлса? Наҳот мен ҳам кимсасиз оролнинг чўлу биёбонида жазирама азобларида яшашга ҳукм этилсан?

Шунда вазир шундай маслаҳат берибди:

– Муҳтарам шоҳим, сиз кимсасиз оролда яшашни истамасангиз, шоҳлик даврини беҳуда айш-ишратлар билан совурмай, умрингизни ва мол-давлатингизни ўша оролни обод қилишга сарф этинг.

Подшоҳ мулоҳаза қилиб кўрсаки, вазир ҳақ экан...

Мазкур ривоятни шарҳлашга уриниб кўрамиз: подшоҳ – шахснинг ўзи. Яъни ҳар бир одам ўзи учун ўзи шоҳдир. Ақли ва иймони унинг вазиридир. Ақл ва иймон худди эгизак сингари ҳамиша биргадир. Ақл йўқ жойда иймонни изламанг, иймон йўқ ерда ақлни қидирманг. Демак, ақлимиз ва иймонимиз бизга доно маслаҳатчидир. Кема – тобут. Одамнинг қисмати шу – бир кунмас бир кун ўз таҳтидан тушади, ўша кема – тобутга солиб олиб борадилар. Кимсасиз орол – йўқлик дунёси, биз борадиган жой. Бошқача айтганда, охират ороли. Агар биз бу дунёйимизни ҳою ҳавасларга совурсак, ўша орол чиндан ҳам кимсасиз бўлади, чиндан ҳам чўлу биёбондан иборат бўлади. Агар Ҳақ йўлидан юриб, яхши амаллар би-

лан банд бўлсак, ўша кимсасиз оролни обод қилган бўла-
миз. Борар жойимиз саҳро – дўзах азоблари эмас, жан-
нат боғлари бўлади! «Охиратинг обод бўлсин!» деб дуо
қилишганда шу назарда тутилса керак. Барчаларимиз-
нинг охиратларимиз обод бўлгай. Охират оролини фирм-
давс боғлари билан обод қилмоқлик эса ёлғиз ўзимизга
боғлиқ экан. Ҳазрат Али, Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин,
айтганларидай, жаннатга иштиёқи бўлган одам яхшилик
қилишга шошилади. Жаҳаннамдан қўрқсан одам нафси-
ни ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтаради. Ўлимни ҳақ
деб билган одам дунё завқларини тубан кўради.

* * *

Азизлар, сизлар билан иймонлашиш умидида бошла-
ган суҳбатимиз шу тарзда хайрли якунига етди. Агар
гапларимиз чўзилиб, сиз, муҳтарам зотларни уринтириб
қўйган бўлсак, маъзур тутгайсиз. Агар ақлимиз етмаган
масалаларда маҳмаданалик қилган бўлсак, айбситмай-
сиз. Агар нотўғри фикрлар баёнидан тийила олмаган
бўлсак, тавбалар қиласиз ва сизлардан ҳам узр сўрай-
миз.

Мазкур суҳбатимизда, аввал айтганимдек, ўтмишнинг
улуғ алломалари, донишманлари фикрларидан фойда-
ландик. Ул зотларни Аллоҳ мағфират қилсин.

Бугунги кунимизда ҳам дин илмини мукаммал билув-
чи беназир олимларимиз бор. Улар билан бизларни за-
мондош қилгани учун, уларнинг суҳбатларидан баҳра-
манд бўлиш баҳтини бергани учун Аллоҳга шукурлар
қиласиз ва бу мўътабар устозлар умрига, илмига бара-
ка бермоғини сўраб қоламиз.

Иймонлашиш умидида мазкур китобни қўлга олган
барча азиз биродарларимизга Аллоҳдан икки дунё сао-
датини тилаб қоламиз.

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФ ЭҲТИРОМИ	3
ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ	5
СИЗ – АЗИЗ ДЎСТИМ, БИРОДАРИМСИЗ	55

Адабий-бадиий нашр

ТОҲИР МАЛИК НАФС КИШАНЛАРИ *Қайта нашр*

Муҳаррир
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ
Зокир ЗАМОНОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.03.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 10,625. Шартли босма тобоғи 17,85.

Гарнитура «LexTimes Сур+Узб». Офсет қофоз.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 92.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«SHAMS-ASA» босмахонасида босилди.

Тошкент, Бунёдкор кўчаси, 28-й.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида мұқоваланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz

интернет-дўйон: www.yangidavr.uz

e-mail: yangiasravlovi@mail.ru

“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Тоҳир Малик “ВОЙ, ОНАЖОНИМ...”

Инсон ҳаётини нимага менгзаш мумкин? Сокин оқаётган дарёгами ёхудур-сур, талотўп дунёгами? Молдунёга ҳирс қўйиб, ўлламасдан қадам босаётганлар қанча! Улар халқимизга хос меҳр-мурувватни, яқинларини унутадилар. Оқибатда бундан бошқалар ҳам азият чекадилар, ғам-андуҳга мубтало бўладилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг янги ҳикоялари жамланган мазкур китоб сизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга, инсонийликни унутмасликка ундаиди...



Тоҳир Малик ҲАЛОЛ НИМА-Ю... ҲАРОМ НИМА?

Бу китобни ўқиши асносида ботинингизда пимадир ғимирлаб қолади. Билмаганингиз дунё қадар эканлигини англасангиз ҳам ажаб эмас. Қандай яшетганингизга тийрак кўз билан қарай бошлайсиз. Кимни алдадингиз, фийбат қилдингиз, кимларга озор бердингиз... ҳамма-ҳаммаси ёдингизга кела бошлайди. Шояд, мардлик, олижаноблик фазилатларингиз ортса, одамлар қадрига етсангиз... Зотан, мазкур китоб муаллифи, халқимизнинг севимли ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ҳам муаддаоси шу.



Тоҳир Малик “ТОШ ҚАЛБЛАРГА ЗИНҲОР НАЗАР СОЛИНМАС”

Бу китобга жамланган фалсафий фикрларнинг айримлари билан азиз муҳлислар аввалроқ нашр этилган тўпламлар орқали танишган бўлишлари мумкин. Муҳтарам китобхонлар диққатига ҳавола этилаётган мазкур китоб олдингиларининг қайта нашри эмас. Ёзувчи ҳаёт фалсафасига доир кузатишлари, фикрларини тўлдириган ушбу тўплам ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлајмиз.





Тоҳир Малик **“А’ЕВСИЗ ИЛОН”**

“Мерседес” талашган дўстлар... Фордаги бир хазина... Оқибатсиз одамлар... Улар ёнимизда, орамизда... Мазкур тўпламга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг маърифий сұхбатлари жамланган. Ахлоқ китобидан жой олган айрим сұхбатларга қайта тартиб берилган, шунингдек, янги мавзулардаги сұхбатлар ҳам қўшилган.



Владимир Икскул, “Номус ва ажал”.

Мутаржим: Тоҳир Малик

Муҳаббатнинг оғир синовлари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу қисса ҳар қандай ёш йигит-қизининг қалбини ларзага солади. Золийхон ва Урусхоннинг муҳаббати, тақдири китобхонни хаёллар гирдобига улоқтиради. Мутолаа давомида севишганлар тақдирини яна бир карра ўйлаб кўриш имконияти пайдо бўлади. Айниқса, ҳалқимизнинг “Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини, билсан эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим ул тиканнинг жабрини” матали уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга қўл келади.



Владимир Икскул, “Номус ва қасос”.

Мутаржим: Тоҳир Малик

Муаллиф В.Икскулнинг муҳаббат түғёни жўш урган ёшлар севгисидан ҳикоя қилувчи навбатдаги қисса. Жумладан, аввалги – “Номус ва ажал” қаҳрамонларининг тақдири китобхонларни бефарқ қолдирмаган. Навбатдаги қисса қаҳрамонлари Габо ва Куара ўз муҳаббати йўлида учраган ҳар қандай муаммони олиб ташлашга қодир. Қисса билан танишиб, хуносага асос бўлувчи фикр ва мулоҳазаларни ўз ҳукмингизга топширамиз.

Мурожаат учун манзил:

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Телефон: 273-56-45; 128-78-43.

web-сайтимиз: www.ibook.uz. e-mail: yangiasr@ibook.uz;
yangiasravlod@mail.ru